

Зулфия ҚУРОЛБОЙ қызы

ЁВУЗЛИК ФАРИШТАСИ

Хикоялар

**Ташкент
«Янги аср авлоди»
2005**


84(54)6-4 Бадий Ҳазабиёт—
Хикоялар

Китобда жамланган ғикоялар ўзининг габриоддий сюжети, фавқуллодда жонсаражлик ва қуюнчаклиги билан ўқуячининг қалбидан жой олади. Воқеалар момоларимизнинг маталу достонлари, чўлчаклари оҳамгуда баён қилинган. Улар ўқуячини атрофга, одатий бўлиб улгурган нарса ва ҳодисаларга синчковроқ назар билан қарашига, уларниң янги мазмунини кашф этишга ундаиди.

Масъул муҳаррир:

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД

HD 32003
29,



ISBN 5-633-01748-X

© Зулфия Қуролбай қизи. «Ёвузлик фариштаси». «Янги аср авлоди», 2005.

ХАВАС ВА ИШОНЧ

Зулфия кейинги шилларда энг күп өзәётган адебаларимиздан. Үниң газета ва журналларда пешма-пеш зылон қашынаётган ҳикояларини ўқиб, түгриси, бу қадар сермаҳсулликдан ҳайратта тушаман.

Ҳайраттана туриб, деярли барча ҳикоялари қўлма-қўл бўлиб ўқиляётганига ҳавасим келади. Ўзимча бундай оммавийликнинг сироат топшишга уринаман, топгандек бўламан ҳам!

Муаллиф қишилоқ ҳаёттани, аниқроғи, қишилоқ қишиларининг ўйташибшиши, руҳий дунёси, орзу-ҳавасими жуда яхши билади. Шу боис образларни тўқиб ўтирганиди, балки айнан ҳаётдан олади.

Зулфия асосан анчайин оддий одамлар, омади чопмаган, иши юришимаган, ноchor, тақдирниң норавон йўлларида сарсону саргардон қишилар образини яратади. У бундай ҳолатларининг қандай қишиб вужудга келиш сабабларини изламайди, ўша ҳолатни айнан тасвирлаш ва ўқувчининг кўзига кўрсатиш билан кифояланади.

Айнан тасвир борасида, яхши тиپ яратиш бобида адебамиз унча-мунча тажрибали аҳли қаламдан қолишмайди. Йўқ, у фавқулодда теша тегмаган шаклтий изланишлар қўлмайди, мураккаб руҳий ҳолатларда қаҳрамонининг ички дунёсига шўнгиг кетмайди, бадиий конфликтлар ҳам ҳаётий зиддиятлар, ўзаро мушкулотлар жараённада баён этилаверади.

Узоқ умр кўришдан бўлак мурод-мақсади қолмаган Назар чол («О, ҳаёт!»), хокисор Холиқ амаки («Холиқ амаки»), даққи ва жоҳиҳ Довул тегирмончи («Тафаккур»), тирноққа зор мулла Ашур («Ажал чорлови») образлари жуда тиниқ тасвирланган. «Бу ерларининг ёзи иззатталаб бўлади, кечикиброқ келади-ю, вақтироқ кетишга шошишади, гўё кутгувчиларининг бадига уриб кетмай дегандек: ёз гирд атрофини теналиклар-у, ундан нариси пурвиқор тоглар билан қуршалган дашит қишилоқни бир қур кўздан кечиради-да, баҳор пойига шашаб қолган яшил этакларини йигиб

олиб олисларга жұнаб қолади. Күз келар-келмас олтындең төв-
ландаётган бийдай даалар ёзниң ортидан уңсуз қараб қолган-
дек туюлади».

«Тафаккур» ҳикоясининг бошланиси бу. Тасвириңиң нозик-
лиги, фасл-образлар талқини, хазин оқанғ ўқувчининг дикқат-
зытиборини жалб этади — воқеалар сари етаклайды.

«Ажсал чорлови» ҳикоясиның воқеаси фавқулодда топталма!
Ўқувчини қалб, умр ва қисмат ҳақида оғир ўйларга толдиради-
ган ҳикоя...

Түплемга кирған ҳикоялар кең китобхонлар оммаси томо-
нидан бершиб ўқытшишиниң яна бир сабаби — Зулфияның оғир
қисмат соғибалари ҳаётига бот-бот мурожаат қилиши деб
ўйлайман. Адiba синглимизга айтмасам бўлмайдиган тақлиф-
ларимдан бири ҳам бевосита аёл образларига дахлдор. Аксари
ҳикояларда ёш-ёш аёллар ўта забун, ўта начор ва беҳад гарип
тасвириланган. Наҳотки, аёллар шу қадар осон алданадилар?
Кимларнингдир қўлида қўғирчоққа айланниб кетаверишдан, на-
ҳотки, ўзларини асрашга уринмайдилар? Муҳаббат ва ҳавоийи
ҳавасининг фарқига бормайдилар?..

«Тўхтаб қолган вақт сувратлари»даги Малика ундаи эмас,
у тирик инсон. Тириклиги — изтироб чекишида. Яшаб турган
муҳити устидан ҳукм чиқара билшида.

Мен Зулфия синглимиzinиң матна шундай бадиий кашфиёт
даражасидаги кўплаб образлар яратишига ишонаман.

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД

МУҲАББАТ ВА НАФРАТ

Январнинг охирларида бирдан ҳаво айниб, кун совиб кетди. Бу йил қишиш бўлмайди-ёв, деб бемалол юрган одамлар шошиб қолишиди. Икки кун гупиллатиб қор ёғди. Куни билан ҳовлини тўлдириб, қий-чув қилиб ўйнайдиган болалар ҳам уй-уйларига кириб кетишиди. Катталар иш юзасидангина кўчага отланишган, совуқдан ҳамманинг тузи ўзгарган, юз-кўзларида ҳорғин ифода акс этиб турарди. Шаҳар одамлари шунаقا, совуққа чидамсиз бўлишади; иш бўлмаса, бўйнимга олган мажбурият бўлмаганида эди, иссиққина уйда, юмшоқ диванга ястанганча қаҳва ичиб ўтирадим, деб ўйлашади улар. Дарвоҳе, уйга нима етсин. Каталакдек бўлсаям ўз уйинг бўлса, ғам-андуҳга не ҳожат...

Беш қаватли уйнинг бешинчи қаватидаги хонадонларнинг биррида муздай дераза ойнасига бошини тираб хомуш ўтирган қиз шуларни хаёлидан ўтказди. Бундан ўн йил муқаддам у «ўқийман» деб шаҳарга келиб қолганди. Тақдир кулиб боқиб, институтга қабул қилинган, тиришиб-тирмашиб беш йилни бир амаллаб ўтказган қиз қишлоққа қайтиб боришдан бош тортган, аҳди ни танигандан буён у шаҳарда яшашни орзу қиларди. Шу боис кетгиси келмади. «Бу срда яшаш осон, — деб ўйлаганди у ўшанда. — Бир амаллаб уй олсан, гап менини. Эр топиш қийинмас».

Йўлланма бўйича ишга жойлашиб олиб, «прописка» деган балодан ўтиб олганида ўзининг омадли эканинга яна бир карра ишонди. Жон-жаҳди билан ишлашга, пул топишга ҳаракат қилди. Бироқ олган маоши у ойдан бу ойгача озиқ-овқатига базур етарди. Кийим-кечакка йўл бўлсин. Яхшиям ота-онаси ҳар замонда бўлсаям пул бериб турари. Ҳар доим улардан ёрдам сўрашга қизнинг юзи чидамайди. Ахир ундан ташқари яна саккизта жон ота-онасининг ҳарамогида. Ёғингарчилик кунлари лой бўлиб кетган туфлини иссиқ сувда ювмайди, елими кўчиб кетиши мумкин. Шунчалик авайласа ҳам бир марта ишдан шошиб келаёт-

ганды бир пой туфлисингининг пошиаси түшиб кетиб, ўтган-кетгандан жуда уялиб қолгаиди...

Ҳамон ойнага тираги турган пешонасидан совуқ ўтган қиз бирдан ўзини тортди. Пешонасини ушлаганча дераза олдидан узоклашды. Ошконага ўтар-ўтмас эшик қўнгириғи устма-уст қаттиқ жиринглаб, чўчитиб юборди. Эҳтиёт юзасидан «глазок» дан қаради. Эшик ортида пешонасини пушти шарфи билан танигигиб олган аёлни кўриб юраги шув этди. Уй эгаси! Ижара ҳақини сўраб келган. Эшикни очмасликка қарор қилиб, нафас чиқармай тураверди. Ташқаридан аёлнинг шанғиллаган овози эшитилди:

— Эшикни очинг, Дилдора! Очинг деялман. Биламан, уйда-сиз. Ҳалигина балкоnda турганингизни кўргандим.

«Оббо, куйдирғи-ей,— деб ўйлади қиз.— Каламушга ўхшаб, ҳамма ёқдан ҳид олиб юради-я».

Ноилож эшикни очди.

— Вой, Мавжуда опа, сизмидингиз? Китоб ўқиб ётиб кўзим илинибди.

— Ижара пулини сўраб келди, деб атайни очмадингиз—ку. Нима қиласиз яшириб?— деди Мавжуда опа шартакилик қилиб. Овоздидан унинг ҳазиллашаётганини ҳам, жаҳли чиққанини ҳам билиб бўлмасди.

— Чиндан ухлаб...

Дилдоранинг гапи чала қолди. Мавжуда опа унинг таклифи-ни ҳам кутмасдан остона ҳатлаб, ичкарига кирди. Кира солиб уй ичини бирма-бир кўздан кечира бошлади. Энгашиб кўрсатгич бармоғи билан плинтусининг чангини артиб кўрди.

— Бир пайтлар мен бу уйни тилим билан ялардим,— деди ҳар доим айтавериб ёд бўлиб кетган гапларини тақорорлади у.— Уйимни озода тутишингизга ишониб, сизни ижарага қўйганиман.

Мавжуда опанинг қизиқ одати бор эди. Галираётгандаги кишини юзига қарамас, ундан гапига яраша жавоб ҳам кутмас, шанғиллаганча хаёлига келган нарсалар ҳақида тинмай сўзлар, фақат навбат ижара ҳақига келгандагина кўзларини лўқ қилганча тикилиб тураверарди.

— Эртага берсам майлими? Илтимос, яна бир кунгина...

— Инсоф сайин барака деганлар, Дилдора. Ахир уч ойдан бери тўламаяпсиз-ку.

— Биламан, ҳисоблаб юрибман,— деди Дилдора, ўқитувчи-си олдида имтиҳон топшираётган талабадек юрак ҳовучлаб.—

Пулым тугаб қолди. Бугун, мана ишга ҳам боролмадим. Этигим-нинг пошиаси тушиб қолиб... — Дилдора шоша-пиша эшик ортида турган этигининг бир пойини күрсатди. — Кечга яқин бир танишимдан сүраб күрмоқчиман.

— Ҳа, сўранг танишингиздан. Сўппайиб, қуруқ қўл билан келиб-кетиб юраверадими?

Дилдоранинг юзидан иссиғи чиқиб кетди. «Вой, каламуш-эй, ундан ҳеч нарсанни яшириб бўлмайди-я?»

Мавжуда опа ошхонага ўтиб, дераза тагидаги стулга ўтирашкан, газ устида турган қозонга ишора қилиб деди:

— Енингизда бир мири йўғ-у, нима қиласардингиз унинг учун овқат қилиб.

— Ҳа, энди... — деда чайналди Дилдора. — Йўқдан кўра...

— Ошми?

— Ҳа, сабзи ўрнига қарам, гўшт ўрнига бир дона тухум солиб қилдим.

Мавжуда опа илкис-илкис гоҳ ундан, гоҳ бундан савол бериб, қизни гапга тутаркан, зимдан унга синовчан тикиларди. Кўзларида тушуниксиз бир маъно бор эди: — ҳайратми, ҳайронликми?

— Ҳа, майли, шунгчали ўтган яна бир кун ўтар, — деди у охирида ўрнидан тураркан. — Билиб кўйинг, бир кундан ортиқ кутолмайман.

Эшик салгина зарда билан тарақлаб ёспиди. Дилдора эркин нафас олди. Бир неча сония йўлак деворига суюнганча хаёлга толиб турди-да, сўнг ўзидан икки қадам нарида турган телефон олдига борди. Гўшакни ушлаганча, бир пас иккиланди, кейин таниш номерни тера бошлади.

— Абдуллани чақирворинг, — деди у гўшакни олган кишига.

Анчадан кейин у томондан «Абдулла йўқ?» деган жавобни олиб, тепа сочи тикка бўлди. «Аблаҳ. Яна эски ҳунарини бошлади». У ошиғич тарзда эшик ортида турган эски туфлисини қўлига олиб, у ёқ-бу ёғини кўздан кечирди. «Кийса бўлади, — деган қарорга келди. — Қорлар эрий бошлагандир». Йўлак деворига осилган узунчоқ кўзгу олдида туриб нақ ярим соат пардоз-андоз қилди. Гоҳ узоқдан, гоҳ яқиндан кўзгу олдига келиб, ўзига тикиларкан, шу туришида ҳар қандай эркакни лол қилиб қўйишига ўзида ишонч ҳосил қилди.

* * *

«Қочиб, қаेरга бораркан,— деди қыз ичида кимнидир яниб.— Ерни тагидан бүлсаям суғуриб оламан». У эшик олдида бир нафас тұхтаб, плаши чүнтагидаги чақаларни ҳисоблаб күрди. Трамвайда бориб келишиға бемалол етади. Қыз зиналардан әхтиёткорлик билан тузды. Биринчи қаватда Мавжуда опа яшайды. Унинг күзига күринищдан, саволларига жавоб беришден юраги безиллады. Уч ойдан бүён ижара пулині тұламагани учун еб юборгудек бўлиб юрибди. Уззу-кун Дилдорани кузатади. Худди у бир кечада күч-күронини ортиб, күчиб кетадигандек ортидан пойлагани-пойлаган. Уч йилдан бүён уйимда турибди. Нега унга ишонмайман, деб ўйлаш хаёлига ҳам келмаса керак. Ҳозир ҳам аллақайси тирқищдан мўралаб, уни кўриб тургандир.

Дилдора бир амаллаб зиналардан тушиб, ҳовлига чиқиб олдию, елкасидан тоғ қулагандек сенгил торғди. Аммо Мавжуда опанинг чигиртканингдек бир бурда юзи ҳеч кўз олдидан нари кетмасди. «Бойлик, баҳт ҳусн танламас экан,— деде ўйлади у трамвайда кетаётib.— Омади бор аёлнинг бошига қўнавераркан». У навбатдаги бескатлардан бирида тушиб, юргурганча йўлнинг нариги бетига ўтиб олди. Иккала тарафдан гизиллаб келгетган машиналарнинг «бобиллаб» берган сигналларига парво ҳам қилмади. Шундоққина йўл ёқасидаги тепасига «Сартарошкона» деб ёзилган ойнаванд бинонинг эшигини очиб, ичкарига қадам босиши билан анвойи ҳидлар қўшилмасидан ҳосил бўлган бўғиқ ҳаво димогига урилиб, нафасини қайтарди. У ҳеч иккиланмай зеркалар бўлмаси томон юрди. Ичкарида калта оқ халат кийиб олган икки йигит икки кишининг сочини тўғрилашаётганди. Учинчи кресло бўш. Демак у йўқ.

— Абдулла ақа бугун ишга келмади, дедим-ку сизга,— деди йигитлардан бири унга қараб.

— Нега келмайди? Ахир бугун иш куни-ю...

— Қизчаси касал экан. Дўхтирга олиб бораман деганди.

Дилдоранинг энсаси қотди. Йигитнинг гапига ишонмаганлигини билдириш учун қошларини чимирди.

— Ҳа, майли, кеч бўлсаям келиб қолар. Кутиб тураман,— деди у ва йўлакка чиқиб, шу ерга қўйилган ўриндиқлардан бирига ўтирди.

— У бугун умуман келмаса керак, — деди ҳалиги йигит овоздини сал баландлатиб. Қизиқсениб Дилдора томон қараётган мижозни бошини түғрилаб, рўпарасидаги кўзгуга қаратиб кўйди.

Дилдора унинг сўзларини эшитмагандек, ўтган-кетганни бепарво кузатиб ўтири. «Ҳаммасининг тили бир, — деда ўйлади қиз. — Ҳали трамвайдан тушган заҳотим у ойнадан кўрган-у, жуфтакни ростлаган». У ўйлақдаги ўриндиқда уч соатдан кўпроқ ўтири. Бироқ Абдулладан ҳамон дарак йўқ. Биринчи смена тугаб, иккинчи смена бошланди. Ҳалиги сартарош йигит ҳам халатини счиб, кийимларини алмаштира бошлади. Дилдора унинг кетиши тараддудини кўраётганини сезиб, ўрнидан турди.

— Илтимос, унга айтиб қўйинг. Бугун кечқурун уйимга ўтсин. Агар яна қочиб юрадиган бўлса уйига бориб шармандасини чиқараман, — деди у қатъий қилиб.

Йигит индамади. На «хўп» деди, на «йўқ». «Хўп» деса Абдулла билан тили бирлигини сездириб кўяди. «Йўқ» дейишга Дилдорадан ҳайиқди. Икки йилдан бўён Абдулла билан жиқиллашиб юрганидан хабардор. Бир неча марта Дилдоранинг шаллақилик қилиб, Абдуллани юмма талаганини ҳам кўриб қолганди. Шу боис миқ этмади.

Дилдора ташқарига чиқиб, трамвай бекати томон йўл олди. Унинг ранг-қути ўчган, ич-ичидан ғалати бир титроқ турганди. «Аблаҳ, — деди у ҳар галгидек бутун ғазабию нафратини шу сўзга жамлаб. — Энди бунақасини ўйлаб топибди-да. Агар озгинагина, жуда кам бўлсаям маблағим бўлганида ҳеч қачон унинг ортидан қидириб юрмасдим». Бешинчи курсда ўқиб юрганида сочини кестириш учун шу сартарошхонага келиб, аёллар бўлмаси томондаги йўлақда навбат кутиб турганида Абдулла билан танишиб қолганди. Ўшанда у қизни навбатсиз ичкарига олиб кириб, таниш сартарош аёлдан қизнинг сочини чиройли қилиб, энг сўнгти модада кесиб қўйишини илтимос қилганди. Кейинги сафар, орадан икки ой ўтиб, у яна шу сартарошхонага келганида тағин шу йигитга йўлиқди. Кейинги учрашув институтда юз берди. Бу гал Абдулла уни йўқлаб борганди. Кейин эса ... улар жуда қалинлашиб кетди. Абдулла чиройли йигит эди. Қадди-қомати келишган, қош-кўзлари қоп-қора, юзи худди тарашланган тощек силлиқ. Дилдора бу кўркам йигитга қандай қилиб ихтиёрини бериб қўйганини сезмай қолди. У икки йил ҳеч нарсани ўйламай Абдулла билан учрашиб юра-

верди. Биринчи бўлиб Абдулла «ўйин»ни бузмаганида ҳаёти ҳалига довур илгаридек давом этаверган бўлармиди. Афсуски, Абдулла бирдан ўзгариб қолди. Уни-буни баҳона қилиб учрашувлардан бош торта бошлади. Хар замонда бир кўришган вақтларида ҳам ўй суришдан нарига ўтмасди. Кейинчалик умуман йўқламай қўйди. У йигитнинг хотини, биттами-иккитами (анифини билмасди) боласи борлигини биларди. Азбаройи уни яхши кўргани учун бу масала қизни кўп ҳам қийнамасди. Гўғри, Абдулла уйига кетган вақтлари рашк ўти юрагини кўйдирган онлар ҳам бўлганди. Бироқ у кўнглинин кенг қилишга ҳаракат қилар, мени деб болаларидан воз кечишини истамайман, дея ўзини ўзи ишонтиromoқчи бўларди. Бунга зришарди ҳам. Эрхотинлик муносабатлари янги бошланган пайтларда Абдулла: «Уй олиб бераман, никоҳимга оламан» деб кўп ваъдалар берганди. Муносабатлари қалинлашиб боргани сайин у йигитнинг чўнтағида ортиқча ҳемири йўқлигини билиб олганди. Аммо негадир гаши келмаганди. Аксинча, беш-ён сўм орттирган вақтлари билдиримай Абдулланинг чўнтағига солиб қўярди. Нарх-наво кўтарилиб, унинг аҳволи танг бўлавергани сайин, Абдулла ҳам ўлганни устига тепган қилиб, алоқасини узишга ҳаракат қилиб қолди. Устма-уст телефон қиласериб, безорини чиқазган чоғлардагина истар-истамай қизникига келар, юз-кўзидан, гапсўзларидан уни кўришга зор эмаслиги шундоққина сезилиб турарди. Ана шундан кейингина Дилдоранинг бурнига сув кирди.

— Ие, бу қанақаси бўлди? — дея қичқирди у кутитмагандা — Ҳаётимни барбод қилиб, қочиб қолмоқчимисиз? Уй олиб бераман, дегандингиз? Никоҳимга оламан, дегандингиз? Қани, ўша ваъдалар? Қани?

Унинг жазаваси тутган, кўзларидан ўт чақнар, бутун вужуди иситма тутгандек титрарди. Абдулла миқ этмасди. Ерга қараган кўйи, оғир-оғир хўрсиниб ўтираверарди. Кейинчалик, муносабатлари сал илиқлашган пайтлари у гап орасида болалари кўпайганини, хотини пул топмаяпсан деб жанжал қилаётганини қистириб ўтарди. Дилдоранинг унга раҳми келди. Ўзича Абдулланинг фарибигина уйини, юпунгина кийинган хотини-ю, болаларини кўз олдига келтириб кўнгли бўшади, йиғлагиси келарди.

— Ҳаммасига чидайман, — дея у пичирлаганди ўшандада Абдуллани қучоқлаб. — Ҳаммасига чидайман. Фақат мени ташлаб кетмасликка сўз беринг.

Абдулла овоз чиқарып бир нарса демади. Күзларини юмган күйи, бош иргади холос. Ҳақиқатан ҳам Дилдорага ҳеч нарса керак эмасди. Абдулла ёнида бўлса бас! Аммо йигит шуни ҳам эпла мади. Борган сайин узоқлашиб кетаверди. Охирида қочиб қолиш пайига тушди. Дилдора уч ойдан буён уни тутолмай гаранг.

Трамвай келиб қолиб, қизнинг хаёли бўлинди. У туртениб суртиниб, трамвайга чиқиб олди. Бўш ўриндиқлардан бирига ўтиради. Унинг рўпарасидаги ўриндиқда қораҷадан келган йигит ўтирарди. Дилдорага кўзи тушгани ҳамон эски танишлардек бош иргаб салом берди. Дилдора юзини ўтириб, ойна томонга қараб олди. Кета-кеттунча йигит ундан кўз узмади. Дилдора трамвайдан тушганида йигит ҳам тушиб, изма-из келаверди. Қиз уни ўгри гумон қилиб, юрагини ваҳм босди. Қадамини тезлатди. Таниш уй олдига келиб, ортига ўгирилганда беш-олти қадам нарида турган йигитни кўриб дод деворишига сал қолди. Сумкасини бағрига босганди, югуриб зиналардан тепага кўтарилиди. Кўрқаниндан аъзойи-бадани қалтирарди. Титроқ қўллари билан эшикни очаркан, паstdан эркак кишининг оғир-оғир қадам товушини эшитиб, баттар юраги ёрилди. Уйга кириб, титроғи босилгач се-кин «глазок»дан қаради. Ҳеч ким йўқ. «Ўғри изимга тушди, уйимни кўриб олди. Энди мен тинч кўймайди», — деган хаёл миясини пармалай бошлади. У ошхонага ўтиб стол устидаги чой-нақдан чой кўйиб ичди. Юраги ҳамон кузги япроқдай титраб турарди. «Шуниси етмай турувди, — деда ўйлай бошлади у. — Ҳали уй згасига нима дейман?» Ҳалиги қўрқув устига ижара пули ва-ҳимаси қўшилиб қўзининг юрагини зэди. У ўзининг ноҷор аҳволда қолганидан хўрлиги келиб, йифлаб юборди. Ўқсиб-ўқсиб узоқ йиғлади. «Энди мен керак бўлмай қолдимми. Жанжал қиласевиб, сени уйдан бездирган ёмон хотининг энди яхши бўлиб қолдими? — Дилдора қарисида Абдулла тургандай йиги аралаш кўнглидагини тўкиб сола бошлади. — Энди нима қиласман? Қандай яшайман? Ота-онамга нима дейман? Мавжуда опани қандай қилиб тинчитаман?»

* * *

Шу оқшом у юрак ҳовучиаб тонг оттиради. Мавжуда опа кечкурун негадир чиқмади. Уйнга меҳмон келиб қолганими? Эри аллақайси идоранинг бошлиғи деб эшигтанди. Тез-тез уйларига меҳмон келиб туради. Дилдора уч йил бадалида Мавжуда опанинг эрини уч

ёки түрт марта күрди-ёв. Қачон қарамасин ишда бўлади. Аммолекин хотинини, болаларини таъминлаб қўйган. Қўша-қўша уйлари, машиналари бор. У курсодш дугонаси орқали шу уйни ижарага олганди. Дугонаси Мавжуда опанинг жияни бўлади. У аллақачон эрга тегиб, бола-чақали бўлиб кетди. Ижара ҳақини тўлаш муддати ўтиб кетган вақтларда Мавжуда опа йўлинни пойдайвериб, безор қилар, бўлар-бўлмас, заҳар-зақдум гапларни гапириб таъбини тирриқ қилар, аммо бирон марта уйдан чиқиб кет деб дўқ урмасди. Балки ўша жиянининг юзини қилар, балки шу йўсун одамгарчиллик қишаётман деб ўйлар, бу ёғи Дилдорага номалум.

✓ Эргалаб музлаттични (унинг бирдан-бир бойлиги) очиб кўриб, нонуштага арзигулик ҳеч вақо йўқлигини кўриб, таъби хира бўлди. Бир муддат музлаттичга тикилиб хаёл сурис турди. Сўнг бир қарорга келди шекилли, апил-тапил кийина бошлади. «Бугун дам олиш куни. — деб ўйлади қиз. — Уйнга бостириб борам...» У ҳам меҳмонхона, ҳам ётоқхона вазифасини ўтовчи (бир хонали уй бўлса!) каттагина хонага кириб, каровати тагидан оғиргина чемоданини тортиб чиқарди. Кийилавериб анча униқсан кийимлари орасидан салафантга уралган бир жуфт сочиқни олди. Ўтган йили онаси берган эди. Ишлатишга кўзи қиймай, чамадонига солиб қўйганди. Ўша сочиқларни Мавжуда опага кўрсатиш учун қўлтиғига қисиб, уйдан чиқди.

— Мана буларни сотмоқчи эдим. Балки оларсиз... — деди у минг истиҳола билан.

Мавжуда опа салафани очиб, сочиқларни ёйиб кўрди.

— Алмисоқдан қолганми, нима бало?

— Йўғ-е, ўтган йили онам берганди. Асраб юрувдим...

— Қанча берай?

— Билмадим... ўзингиз биласиз...

Мавжуда опа ичкарига кириб кетди. Бир оздан сўнг қўлида пул билан қайтиб чиқди.

— Рози бўлинг, — деди у хушламайгина.

Дилдора пулни санаб ҳам кўрмади. Чопқиллаб ҳоялига чиқиб кетди. Мавжуда опа унинг ортидан узоқ тикилиб қолди. Ҳар доим қаҳр билан беписанд бокувчи кўзларида шафқат туйғуси уйғонгандек эди...

Эшикни ўтгиз-ўттиз беш ёшлардаги аёл очди. У оқ-сариқдан келган, истараси иссиқ эди. Кийиниши ҳам ёмонмас, ҳар қалай Дилдора ўйлаганчалик юлуни эмасди. Аёл Абдулланинг хотини эканлигини у дарров фахмлади.

— Келинг,— деди аёл ҳайрон бўлиб, унга бошдан-оёқ тикилганча.

— Абдулла... ака... уйдами? — деди Дилдора базур. Негадир саросималанаётганди. Бояги ботирлиги қаёққа йўқолди?

— Ха, уйда, келинг. Ичкарига киринг, — аёл уни эрининг мижозларидан деб ўйлади шекилли, мулозамат қила бошлади.

— Остонада турмай, уйга киринг. Ҳозир чиқиб қоладилар.

Дилдора таваккал қилиб, ичкарига қадам босди. Шу пайтванна томондан «Ким келди, Мавлуда» деган таниш овоз эшитилди. Зум ўтмай елкасига сочиқ ташлаб олган майкачан Абдулла пайдо бўлди. Остонада турган Дилдорага кўзи тушган заҳоти тошдек қотиб қолди.

— Дадаси, сизни сўраб келдилар, — деди Мавлуда гоҳ эрига, гоҳ Дилдорага қараб қўяркан.

— Мен уйда соч олмайман, — деди Абдулла дарҳол ўзини ўнглаб.

Дилдора тушунсин деб овозига сирли тус берди. Аммо Дилдора унга парво қилмади. Қариндошининг уйига келгандек бафуржа оёқ кийимини ечиб, йулакнинг чап тарафида эшиги ланг очиқ меҳмонхонага кириб, уй ичини кузата бошлади.

— Кимсиз ўзи? Уйимизга нега келдингиз? — деди Мавлуда унинг ортидан изма-из юаркан. Кутитмаган ташриф уни довдиратиб қўйтганди.

— Ўҳ-ҳў,— Дилдора аёлнинг саволларини эшитмагандек унга қиёҳам боғмади. — Хотиним уйимда қўлга илингулик нарса йўқ деб жанжал қиласди, дегандингиз. Мана булар нима? Рангли телевизор, диван-кресло, германский гиламлар...

— Бас қилинг, — деди қичқирди Абдулла. — Эшик очиқ, чиқиб кетинг!

— Нега чиқиб кетарканман? — деди Дилдора бамайлихотир. — Бу уй менинг ҳам уйим.

— Абдула ака, у нима деяпти? — кўзлари ёшга тўлган Мавлуда эри томон юзланди. Абдулла унга жавоб бермади, бироқ кўзларини олиб қочди. Дилдора тўла ғалабага зришгандек, зр-хотинга ғолибона қараб турарди.

— Мен унм танимайман, — деди ўзига келган Абдулла. У зинди ўзини тутиб олган, юз-кўзларida кинояли табассум ўйнарди. — Ҳозир шунақа аёллар чиққан деб эшитгандим. Тинч ўтирган оилаларга бориб, мен эрингни ўйнашиман деб туриб оли-

шаркан. Балога қолган эр ҳалигини тинчтиш учун пул билан оғзига уаркан.

Дилдоранинг устидан бир чөлак совуқ сув қўйиб юборишган-дек, бутун вужуди музлаб кетди. Томирларида қон юришмайт-гандек, оёқ-қўллари жимиirlаб, увишаётгандек туюлиб, ўзини ташлаб юборишга сал қолди.

— Вой ярамас, ҳали шундай қилиб нон топиб сб юрибман, де. Ота-онанг биладими? — дея бобиллай кетди Мавлуда эшимчага қўшимча бўлиб. — Уйингда ... қисиб ўтирганингда тенгингни топиб кетардинг-ку, жалаб.

Дилдора чидаб туролмади. Ҳамон қўлтиғида қисиб турган сумкасини Мавлуда томон улоқтириди.

— Ифлос, аблаҳ, бунчаликка борасан деб ўйламагандим, — дея изиллаб йиғлади Дилдора ва эшик томон йўналаётган эди, юзи шилингган Мавлуда йўлини тўсди.

— Жавобини олиб кетмайсанми? — деди-ю, Дилдорага ташланди.

Қий-чув тўполон бошлианди. Бири бирини юлган, бири бирининг сочиға чанг солган. Бақиришган, дод-вой қилишган...

Абдулла базур уларни ажратди.

— Мавлуда, йўқол, кўзимга кўринма, — дея аввал у хотинига бақирди. Сўнг Дилдорага юзланиб деди: — Мана, ўйлаган ниятингизга етдингиз. Энди жавоб!

— Бу уй, бу эр менини, иккинчи қадамингни босма, — деб бақирди Мавлуда унинг ортидан.

Дилдора ит қувган гадойдек абгор ҳолда уйдан чиқараркан, бор кучини, бор нафратини тўплаб шундай деди:

— Ҳали кўрамиз, кимни кўлишини...

Бир оздан сўнг эшик қарсиллаб ёпилди.

Сочлари тўзғиган, қозлари тилингган, ёқавайрои қиз кимсасиз кўчада қаёққа юришини, нима қилишини билмай анча вақт туриб қолди. Қалби ҳувиллаб, ўзини ёлғиз ҳис этди. Шу пайтгача у Абдулла мени севади деб ўйларди. Шу умид, шу ишонч унинг дардига малҳам, кўнглига қувонч бағишиларди. Тақдир уни шугина баҳтдан ҳам бенасиб этди. Ёлғиз қандай яшайди?

Қиз оғир хўрсиниб, ҳалигина келган йўли бўйлаб, бескат томон бир-бир босиб юриб кетди. Кун кеч бўлиб қолган, йўллар музлаб, изгиринли шамол эсарди. Автобуслар тирбанд. Бир бекатда тўхташса, наригисидан ғизиллаб ўтиб кетарди. Бекатда

туравериб, соvuқ жонидан ўтиб кетди. Плаш чүнтакларига қўлини солаётib бирдан ёнида сумкаси йўқлигини билиб қолди. Юраги шув этди. Сочиқнинг пули сумкада эди...

* * *

Кечаке кечкурун базур стиб келган қиз зартасига тонг аzonда анча бардам уйғонди. Балконга чиқиб, ойнадан ёришиб келаётган тонгни кузатди. Кечаги воқсалар эсидан чиқмай, кўнглига соя ташлаб турган бўлса-да, тиниқиб ухлаганиданми руҳи анча тетик эди.

Кейин музлатгичда борини дастурхонга кўйиб, нонушта қилиди. У ўзини ўзи қувноқ кўрсатишга, кайфиятини кўтаришга ҳаракат қилди. Ахир, яна ярим соатдан кейин ишга бориш керак. Кечаги кайфияти билан ишлаб бўлмайди. «Сумкани қолиб кетгани ёмон булди-да, — деся ўйлади у. — Шуни баҳона қилиб ортимдан чиқса бўларди. Яхшиям майда пулларни чўнтағимга солиб кўйган эканман. Бўлмаса ҳолимга маймунлар йиғларди».

Шу пайт эшик кўнгироғи жиринглаб, унинг хаёли бўлинди. Ким экан? Қизнинг юраги тез-тез уриб кетди. Абдулламикин? Сумкани баҳона қилиб... Ё Мавжуда опами?.. Эшик олдига боргунча минг хил хаёл бошидан ўтди. Одатдагидек «глазок»дан қаради. Қандайдир эркак киши орқа ўтириб турарди. Дилдора иккилана-иккилана охири эшикни очди.

— Салом, — деди эшик олдидаги турган йигит ва остоңада ҳуши бошидан учиб, қотиб қолган қизга кулимсираб қаради. — Мени танимадингиз-а?

Қиз зўрга бош иргади.

— Трамвайдаги учрашгандик, эсингиздами?

Дилдора яна бош иргади. Унинг тили танглайига ёпишиб қолгандек, ҳеч айланмасди. Йигитнинг юзидағи табассум бирдан йўқолиб, ўринини жиддийлик эгаллади.

— Бостириб келганим учун... узр. Бошқа... ҳеч иложини қиполмадим, — деди у тутилиб-тутилиб. Бояги ўқтамлиги йўқолиб, ўзини ноқулай сезаётганди.

— Мен ишга боришими керак, кечирасиз, — деди ниҳоят ўзига келган Дилдора ва эшикни ёпиб олди. Ҳаяжонланганиданми ё кўрқаниданми бутун вужуди дир-дир титрарди. У деворга беҳол суюнди. Бу қанақаси бўлди? Ким ўзи у? Нега келади? Боши қоттан қиз икки ўт орасида қолганди. У секин бориб яна «глазою» дан қара-

ди. Ҳалиги йигит ҳамон эшик ортида турар, «глазою»дан күз узмасди. У үттис белг-үттис олтиларга борган, баланд бўйли, кенг елкали, сочлари қалин ваmallага мойил эди. Ёноқ суяклари туртиб чиқиб, юзини кенг, бесўнақай кўрсатар, аммо қош-кўзининг қоралиги, бурнининг бекиримлиги унинг бу қусурини ёпиб кетарди. Лаблари устидаги кичкина мўйлови ҳам ўзига ярашган эди. Аммо кўзлари аллақандай зҳтиросли изтироб билан боқарди. Юзидаги жиддийлик уни хотиржамдек кўрсатса-да, кўзларидаги дардли ифода сирини фош қилиб қўйган эди. Қалин лабларида акс этган ним табассум унинг ҳолатига, турқи-тароватига ҳеч ҳам мос тушмаган эди.

Дилдора йўлакдаги кўзгу олдига келиб, бесаранжом нигоҳи сал хотиржам ҳолатга келгунча тикилиб турди. «Эшикни очишга мажбурман, — деда пичирлади лаблари. — Ишга бориш керак...» Бир оздан сўнг у ўқтам аёл қиёфасига кирди. Ва шахт билан эшикни очиб, шитоб билан йигитнинг ёнидан ўтиб кетди. Довдираф қолган йигит шошиб қизни ортидан эргашди.

— Сизга икки оғиз... гап... гапим бор эди, — деди у қизга етиб олиб, ёнма-ён шитоб билан кетаркан.

— Сиз билан ҳам, бошқалар билан гаплашишни истамайман, — деди қиз, унинг юзига қайрилиб ҳам қарамасдан.

— Бир киши ишончнингизни оқламаса, бошқалар ҳам айбдор бўладими?

Йигит билиб айтдими, билмай айтдими, қизнинг жон еридан тутган эди. Дилдора таққа юришдан тўхтаб, йигитта синчковлик билан тикилди. Унинг кўзларидаги изтироб юзига кўчган, лаблари, бутун вужуди титраётгандек, бироқ йигит зўр бериб бу титроқни сездирмасликка тирнишаётгандек туюлди Дилдорага.

— Ваҳоланки, сиз кўп нарсадан хабардор экансиз, шуни ҳам алоҳида билиб қўйишингизни истардимки... — Йигит унинг узундан-узун жумлаларини эътибор билан тинглаётганини кўриб қиз шарақлаб кулиб юборди. Кула-кула, охири гапининг давомини айтди: — Мен жуда қиммат тураман.

Қиз шарақлаб кулаганида, йигит унга ҳайрат билан тикилиб қолганди. У гапини тутатганда ва шарақлаб кулиб юборганида чўчиб тушди. Қиз жиддий айтганими ё ҳајиллашдими, фарқига бориб ўтирамади. Бурилиб, кетишга чоғланаётган қизнинг йўлини тўсди.

— Тиллами, жавоҳирми, нимани хоҳлайсан? Тилагингни айт, — деди у овози титраб. Ва бирдан сенсирашга ўттанини ўзи ҳам сезмай қолди. — Фақат мени ҳайдаб солма!

Дилдора нима дейишини билмай, гарангсиб қолди. Сүнг ўта жиддий оҳангда деди:

— Мен ишга боришим керак. Кечикяпман...

— Шест секунд,— деди йигит кулимсираб, кўрсаттич бармоғини лабига босди. Ва тез-тез юриб катта йўлга чиқди. У ёқ-бу ёқка физиллаб ўтаётган таксилардан бирини тўхтатиб, қизнинг ёнига келди.

— Кетдик!

Дилдора бир зум иккиланди. Вақт зиқ эди. Кўп ўйлаб ўтирма-ди. Таваккал қилиб, йигитга эргашди...

Ўшандан буён йигит ҳар куни келиб, эшик олдида уни кутиб тураг, ишга кузатиб қўяр, кечки соат 5-6 ларда уйга олиб келиб қўяр, эшик олдида хайрлашиб кетарди. Дилдора унинг исми Пўлат эканлигини биларди холос. «Қанақа одам у?» — деган савол қизни ўйлантирас, юрак ютиб сўрашга эса ботинолмасди. Бир неча куннинг ўзидаёқ у йигитга анча ўрганиб қолганди. Бироқ ачинқ тажриба кўнглини қаттиқ қилиб қўйган, йигит олдида сира сир берай демасди.

Бир куни зрталаб Мавжуда опа шанғиллаганча ижара ҳақини сўраб чиқди.


— Яна озгина сабр қилинг, илтимос, — деди Дилдора астагина. Чунки Пўлат келиб уни олиб кетадиган вақт бўлиб қолганди. Мавжуда опа атай қилгандек сира паст тушай демасди.

— Ёмонга салом бериб, товонга қоласан деганлари шу-да, — дея дийдиё қилди у. — Тўрт ойдан буён сабр қилиб юрган мен аҳмоқман ўзи. Ҳе, яхшиликни билмаган...

Мавжуда опа қарғай-қарғай зиналардан тушиб кетаётib, бирдан Пўлат билан тўқнаш келди. Ҳали келаётib, унинг овозини эшитган Пўлат тўртингчи қаватда туриб, бор гапни билиб олганди. Опа учинчи қаватга тушгунча кутиб турди-да, сўнг ҳамон остоноада тошдек қотиб қолган Дилдорага «ҳозир келаман» дегандек ишора қишиб, пастга тушиб кетди.

— Бўлди, у энди сизни безовта қилмайди, — деди бир оздан сўнг қайтиб чиқиб.

Дилдора унинг кўнгли учун жилмайди. Қалбини аввалгидан ҳам оғирроқ, залворли бир юқ зсаётган, юрагини гижимлаётган эди. Унинг миёжаларига ёш қалқиди. Бир дақиқагина йигит олдида ўқтамлиги, совуқҳонлиги йўқолиб, асл қиёфасига қайтгандек бўлди. Бир лаҳзагина холос... Кейин яна аввалги ҳолатига қайтди. У ҳеч нарсани ўйла-масликка, эсламасликка қарор қилди. Туну кун қайгу-ҳасратда яша-



гандан күра шүр қысматни ағзал билди. У Пўлат билан ёнма-ён кетаркан, алланималар ҳақида тинмай гапирав, кулар, баязида арзимас майды-чүйдалар ҳақида ғам-ғуссага ботиб сўларкан, ич-ичидан ҳақиқий андуҳи қалб тўрида унисиз фарёд чекаётганини ҳис этиб турарди. Аен кишининг ўз соғлигини сақлаб қолиши энг мураккаб иш эканлигини қайта-қайта зътироф этарди...

Одатдаги дик кечки маҳал Пўлат билан ишдан қайтаркан, уй эшиги олдида Абдулла кутиб турганини кўриб, юраги орқасига тортиб кетди. Абдулланинг қўлидаги салаған сеткада нимадир бор эди. Дилдора унинг тунов куни уйида қолиб кетган сумкаси ни олиб келганини ички бир туйғу билан сезди. Пўлат этакларини шилдикраттганча унинг ёнидан безътибор ўтиб кетди. Бамайлихотир чўнтағидан уй қалитини олиб, қулфни бурай бошлиди. Пўлат билан Абдулла еб юборгудек бўлиб бир-бирига сўзсиз тикилиб қолишганди. Вазиятдан чиқиш учун қиз овозига қувноқ тус бериб, деди:

— Пўлат ака, уйга... Вой худойим-ей, бўла қолинг...

Бунаقا тақлифни кутмаган Пўлатнинг юраги ширин орзиқди. Бир зум иккисига Дилдора эшикни ёпиб қўядигандек шошилиб ичкарига қадам кўйди. Абдулла ундан кўз узмасди. Пўлат очниниб, меҳмонхонага ўтгунча қиз кутиб турди. Сўнг эшикни ёпиш баҳонасида ташқарига чиқди. Ҳамон бир қарорга келолмай, эшик оргида турган йигитнинг қўлидан сеткани юлиб олиб, илондай вишиллади:

— Бу ерда энди қорангизни кўрмай!

— Ўйлаб иш қишлоғи, Дилдора, — деда жон ҳолатда эшик тутқичига ёпишди Абдулла. — Менга ҳам осон тутма. Бир қарорга келолмаяпман.

— Мен бир қарорга келиб бўлдим, — деди Дилдора қатъий қилиб... Ва куч билан эшикни тортиб, ёпиб олди. Бир оздан сўнг қаҳва дамлаб, меҳмонхонага олиб кирди. Пўлат эшикка термулиб ўтирган эди. Қизни кўриши билан нигоҳини олиб қочди. Дилдора қаҳва қуийиб узатганида ҳам юзига қарамади. Ўргага нокулав жимлик тушди. Йигитнинг юраги ўрганди. Негадир ўз-ўзидан жаҳли чиқиб кетаётганди. Қаҳвани отиб юборгиси келди унинг. Аммо истиҳола эўр келиб ўзини босди. Бироқ юзи гезарип кетганди. Дилдорага қараб, кулмоқчи бўлди, лекин қаттиқ қимтилган лаблари тушунксиз ва ўринисиз табассумдан қийшайиб қолди. Қиз ҳеч нарсадан бехабардек, бафуржা ўтиради. Қаҳва

хўпластиб, йигит уни зимдан кузатаётганини сезиб қолди. Ўзича кулимсиради. Ниманидир яширмоқчи бўлгандаи кулимсиради, бироқ уддасидан чиқолмади.

— Истасангиз кетишингиз мумкин, — деди у бирдан йигитта тик қараб. Унинг юзида маминулик, кўзларида кибр акс этарди. — Ҳозир нимани ўйлаётган бўлсангиз, ҳаммаси тўғри. Айтмангиз ҳам юз-кўзларингиздан билиниб турибди ва ... ва мен бунга чида буролмайман. Кетинг!..

Қиз иситма тутгандай титтарди, қаттиқ ҳаяжонга тушганлигини билдирамаслик ва йиқилиб тушмаслик учун стол қиррасига маҳкам ёпишиб олди. Бутун кучини, имкониятини тўплаб, йигитдан жавоб кутгарди, баайни ўлимга маҳкум этилган одам ҳукм ўқилишини кутгандай...

Пўлат индамай ўрнидан турди. Унинг чеҳрасига ифода қилиб бўлмас бир изтироб соя соглан, кўзлари маъюс ва замгин боқарди. У эс-хушини йўқотгандай гандирақлаганича столни айланниб ўтиб, Дилдоранинг қарписига келди. Келаётib бўш турган стулга қоқилиб кетди. Юраги қинидан чиққудек потирлаб уради...

— Сизда гуноҳ йўқ, — деди у аллақандай ҳазин товушда. — Ҳаммасига мен айборман. Мен...

Қизнинг юзидан қон қочиб, ҳаддан ташқари оқариб кетди. Пўлатнинг сўzlари олисдан, жуда-жуда олисдан эшитилаётган-дек эди...

* * *

— Менинг тақдирим сеникidan ҳам чигал ва маънисиз, — дехап бошлади Пўлат. Тун ярмидан оққан, улар ҳамон ўша стол атрофида ўтиришарди. — Йигирма ёшимда отам аммамнинг қизига уйлантириб қўйди. Ҳамма кўргулик шундан кейин бошланди. Хотинимга кўнглим йўқ эди. У меҳнаткаш, камсуқум, тортинчоқ қиз эди. Худди ота-онамнинг кўнглидагидек! Эргадан-кечгача ҳовлида ивирсиб юарди. Онам унга кўп иш буюарди. «Келинлигимдан то ҳозиргача қўлим косов, сочим супурги бўлиб келдим. Келин олдимми, энди қўлимни совуқ сувга ҳам урмайман», деб кўп такрорларди. Пайт пойлаб туриб, хотинимни уйга имласам, у уялиб кетарди. Ўзини олиб қочарди. Кечаси ҳамма ёқни саранжомлаб, уйга киарди ва ўша ернинг ўзида халатини счиб, шартплатиб чангини бир-икки қоқарди-да, яна эгнига илиб оларди... Хуллас, уйдан қочиб кетдим. Отам излаб

келиб, топиб олди. Уйга қайт, деди. Үрди. Сўкди. «Оқ қиласман», деди. Кўнмадим. Ҳаёт ҳақида менинг ҳам ўз ўйим, ўз фикрим бор эди. Бироқ ҳеч ким мен билан ҳисоблашмасди... Яхши кўрган қизим бор эди. Лекин у онамга ёқмади. «У бизга ҳақ бермайди, — дерди онам ҳар доим. — Бизга оёқ-қўли чаққон, меҳнатдан тап тортмайдиган келин керак».

Отам учинчи марта келганида умидини узиб қайтди. Бу ерда озми-кўпми танишлар ортиридим. Икки марта қамалиб чиқдим. Қисқа муддатга...

Шу ерга келганда қизнинг кўзлари чақчайиб кетди, ўзини бошиб туролмади.

— Нега? Нега қамашади? — деди у ранг-кути ўчиб.

— Сўрама ҳеч нарсани, сўрайверсанг, алдай бошлийман. Одатим шунаقا, — деди Йигит. У оғир юқдан халос бўлгандек сингил тортиб қолганди. Кайфияти кўтарилиб, қизга тегишди: — Манави кроватга иккимиз сифамизми?

Дилдора қип-қизариб кетди...

Улар бирга яшай бошладилар. Пўлат рўзгорнинг кундалик ташвишларини ўз бўйнига олди, бутлади. Мавжуда опага ҳам олдиндан бир неча ойлик ижара ҳақини бериб қўйди. Йигит бу каби муаммоларни ўз ихтиёри билан ҳал этар, Дилдорани аралаштирумасди. У жуда баҳтили эди. Ўзини чексиз баҳтиёр деб ҳис қиласди. Бўш қолди дегунча, бутун вужуди нигоҳга айланиб, Дилдорага тикилар, ундан кўзларини узолмасди. «Гўзал, у жудаям гўзал», — деб тинмай ичиди такрорларди. Сиртдан қараганда, Дилдора ҳам баҳтиёр эди. Аммо кўнглидаги бир тугун ёнига иккинчиси қўшилганди. «Нега у қамалган? Бунча пулни қаердан оляпти?» деган саволлар хаёлида тинимсиз чарх уриб, тинчлик бермасди.

Бир куни у ишдан келаётсиб, йўл устида Абдуллани учратди.

— Сизнига келаётгандим, — деди у. Силлиқ юзида аллақандай безовталик сезилар, нимадандир саросималаниб турарди. Қўлида қофозга ўроғлик шиша бор эди.

Дилдора уни кўрмасликка олиб, ўтиб кетмоқчи эди. Аммо Йигит илдамлик билан йўлини тўсиб, ялинчоқ товушда деди:

— Дилдора, гаплашиб олайлик, азизим...

Дилдора унинг бесаранжом юзига тикилиб туриб, киноя билан деди:

— «Азизим» десам эриб кетади деяпсизми? Бир вақтлар, эсим оғиб юрганда «Белий аист»ни яхши кўраман, деганим эсингизга тушиб қолдими? Яна аввалгидек апоқ-чапоқ бўламиз деган нијатда келдингизми?

Абдулланинг ҳуши бошидан учиб, довдираб қолди. Қўлидаги шишани қаёққа қўйишини, нима қилишини билмай, гарангсиб турди-да, беихтиёр ён тарафдаги ариқчага улоқтириди. Дилдора уни беписанд нигоҳ билан бошдан-оёқ қузатаркан, яна оғиз жуфтлаган эди, Абдулла чидаб туролмайди.

— Ҳа, мен аblaҳман, — деди у қичқириб. Унинг юзи қумдек ўчган, лаблари, лабларига қўшилиб, бутун вужуди титрар эди.

— Аblaҳлик қилдим. Лекин ҳали бир қарорга келганим йўқ-ку.

— Сиз бир қарорга кегунингизча, хотинингиз қаҳрамон она бўлади, шекилли, — деда узид олди Дилдора. У жиддийлашган, хомуш ва паришон бўлиб қолганди.

Абдулланинг юзига қизиллик югуриб, кўзларини олиб қочди.

— Уни тинч қўйинг, аралаштириманг, — деди у ўзини тутиб олиб. — Мен сиз билан гаплашмоқчи эдим.

— Нимани гаплашмоқчи эдингиз, гапиринг, — Дилдоранинг юзига кинояли табассум ёйилди. У шу туришпида Абдуллани зрмак қилиб, чарчамайдиганга ўхшарди.

— Жуда ўзгариб кетибсиз, афсус, — деди Абдулла ҳафсаласи пир бўлиб.

Дилдора шу гапни кутиб тургандай, бирдан портлади:

— Сиз ҳеч қачон мендан кечолмайди, деб ўйлагансиз. Шундайми? Унга ҳеч нарса керак эмас, у ҳеч нарсани ўйламайди, деган хаёлда юргансиз. Шундайми, жавоб беринг, — деди жазавага тушиб Дилдора. — Фаришта деб ўйлагансиз. Аслида кимлигимни билмагансиз. Сиз ҳеч нарсасиз яшай олишингиз мумкин. Аммо аёлсиз яшай олмайсиз. Мен эрсиз яшашим мумкин, лекин ҳеч нарсасиз яшай олмайман. Кейин... яна мен жуда ҳам қасдкаш ва кекчиман. Шуни ҳам билиб қўйинг. Бирорнинг ёмонлигини бир умр эслаб юраман. Яхшиси, мендан нарироқ юринг. Хотинингизни олдида айтган гапларингиз ҳали қулогимдан кетгани йўқ.

Абдулла шамдек қотиб қолди. У адойи-тамом бўлганди.

— Яна шуни ҳам билиб қўйингки, сиз мен учун ягона эркак эмассиз! Дарахтни силкитсам, эркак ёғилади, - деди Дилдора ва йигитга кибр ва мазах билан бир неча сония тикилиб турди—да, уйн томон тез-тез юриб кетди.

Абдулла унинг ортидан тикилиб қолди ва алам билан тишини тижирлатди...

* * *

— Дилдора, сен билан бир нарсани маслаҳатлашмоқчи здим,
— деди Пўлат бир куни. У одатдагидан кўра безовтароқ кўринди
Дилдорага.— Менинг уйимга кўчиб ўтсанг...

Дилдора ялт этиб, йигитта қаради, унинг нигоҳида бир олам
ҳайрат, бир олам қувонч бор эди.

— Наҳотки... уйингиз борми? Нега аввалроқ айтмадингиз?

— Кўчиб ўт, дебми —?

— Йўқ. Уйингиз борлиги ҳақида нега аввалроқ гапирмаган-
дингиз? Ахир, бу...

— Бахт, демоқчимисан?— Пўлат кулимсиради. У ўйчан бо-
қарди.— Бошида, шу уйни олмасимдан бурув, эҳ-ҳе, нималарни
ўйламаганиман? Нималарни орзу қилмаганиман? Уй олсам унақа,
уй олсам бунақа деган ўй хаёлимдан нари кетмасди. Охири шу
даражага бориб етдики, уй олган куним ўлиб қолсам қерак деб
ўйлагандим.

Пўлат жимиб қолди.

— Кейин-чи, кейин нима бўлди?— деди интиқлик билан Дил-
дора.

— Кейинми?.. кейин... ҳеч нарса! Худди аввалдан шу уйда
яшаб юргандек, оддийгина қабул қилдим.

— Кўйинг-е,— Дилдоранинг ҳафсаласи пир бўлиб, нари кетди.

— Кўчасанми?— Пўлат унинг ортидан борди.— Хўп десанг,
эртагаёқ...

— Кейин мени ҳеч қачон ҳайдаб юбормайсизми? Тўғри хотин
бўлишимга ишонасизми?

— Ўзимга ишонгандай...

Дилдоранинг қалбидаги хавотир тугуни ечилиб, майин жил-
майди. Эртаси куни у ишга бормади. Пўлат аллақаёқдан юк ма-
шинасини олиб келди. Улар кула-кула Дилдоранинг «кўч-кўро-
ни»ни ортишди. Кейин Мавжуда опаникига кириб, уй қалитини
топширди, хайрлашди. Чинданми ё кўнгил учунми, Мавжуда опа
кўзига ёш олди.

— Йиғламанг,— деди Дилдора ҳазин товушда.— Мен йиглаб
хайрлашишга арзимайман. Адресни ёзиб қўйдим. Бориб туринг.

...Тўққиз қаватли уйнинг, учинчи қаватидаги янги уй Дилдо-
рага жуда ёқди. Уч-тўрт кун ичидаги у ёқ-бу ёғини таъмирлаб ҳам
олишди (Албатта, Дилдоранинг таклифи билан). «Тўрт йилдан

буён ремонт қилиш хаёлимга ҳам келмабди, — деб ўйлади Пўлат ичидা. — Аёл барибир аёл-да...»

— Уй сеники, — деди бир куни Пўлат дабдурустдан, — ҳар қандай шароитда ҳам... сеники!

У негадир шошиб галирди. Юзида оғир илтиробли бир ифода пайдо бўлганди. Афтидан, ҳали танишганимга уч ой бўлар-бўлмас, бу аёлга ишонишим шартмикин, деган хаёл кўнглининг кўчасига ҳам келмаётганди. У яна нимадир демоқчи, ниманидир тайинламоқчи эди. Аммо айтолмади, Дилдорани чўчитиб юборицдан кўрқди. Кейинги куни у азонда чиқиб кетган кўйи кечкурун қайтиб келмади. Куттиш азобини обдон татиган аёл биринчи оқпомони тишини-тишига кўйиб ўтказди. Иккинчи кун ҳам ундан дарак бўлмади. Дилдоранинг кўнглига шайтон фулгула сола бошлади. «Наҳотки, у мени ташлаб кетган бўлса, — деган ўй келди хаёлига. — Шунинг учун «уй сеники» деган экан-да... Йўғ-е...» Ўз ўйидан ўзи кўрқиб кетди. Ишхонада ҳам, уйда ҳам кунни тиқ этса эшикка қараб ўтказди. Учинчи куни эрталаб эшик кўнгирори жиринглади. Дилдора ўринда хаёл суриб ётганди, апил-тапил кийина солиб, эшик томон стилди.

Остонада Абдулла турарди!

— Кутмаганимдингиз? — деди у заҳархандали жилмайиб. — Тополмайди деб ўйлагансиз...

— Нега энди? Сиздан буни кутса бўлади, — деди Дилдора ҳам киноя билан.

— Кирсам бўладими? Ахир ташқарида туриш ноқулай...

— Йўқ, — деди Дилдора ва шартта эшикни ёпиб, унга суюнди.

— Эрим уйда йўқ. Бор пайтида киарсиз.

— Ўҳ-ҳӯ, эрим... — Абдулла ўзини хотиржам тутса-да, ранги докадек оқариб кетганди. — Эрингизни кимлигини биласизми ўзи?

— У муҳим янгиликни айтиши билан Дилдорани янчиб ташлайдигандек бирдан кайфияти кўтарилди. Юз-кўзлари ғалаба, нағидасидан ял-ял ёнарди. — Мен суриштириб билдим. Эрингиз ўғрибоши экан. Уч-тўртта йигит билан қароқчилик қилишаркан.

Дилдоранинг оёқ-қўлидан жон кетиб, ўзини беҳол сезаётган бўлса-да, сир бой бермади.

— Бу ёғи мени қизиқтиримайди.

— Унақаларнинг умри қисқа бўлади.

— Бу ҳақда тул бўлиб қолганимдан кейин гаплашармиз.

— Демоқчиманки, ҳозир ортга қайтишнинг иложи бор. Ҳали ҳам кеч змас...

— Ортга қайтиш... — Дилдора қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.
— Кеч эмас эмиш... Ҳа-ҳа-ҳа... Күнгиллари яна нима тусайди?
Сен аblaҳ здинг, аblaҳлигингча қопсан, — деди у бирдан сенси-
раб. Абдулланинг саросималаниб қолганини кўриб, яна шарақ-
лаб кулиб юборди. — Яна ўйнашинг бўлишимни хоҳляяпсанми?
Овора бўласан. Ҳеч қачон сен мени ўйламагансан. Хотинингдан
безган пайтингда менинг олдимга келардинг. Чарчаган вақтинг-
да мен керак здим. Хотининг чўнтағингни қоқиб олиб, йўл кира-
га ҳам пулинг қолмаганида мени эслардинг. Кейин... кейин қум-
га сингган томчилик йўқ бўлиб кетардинг. Мен шўрлик юрак-
бағрим қон бўлиб сени кутиб яшадим. Эшик қўнғироги жиринг
этса юрагим қинидан чиқиб кетай дерди. Балки кута-кута ухлаб
қолганимда келиб, қўнғироқни жиринглатса эшитмагандирман
деб ўзимни ўзим ёмон кўриб кетардим. Уй згасидан яширинча
калит ясатмоқчи бўлиб юргандим. Мени яна шу кўйга солмоқчи-
мисан? Овора бўласан!

Темир эшик шарақлаб ёпилди. Абдулла чўчиб тушди. Фазабдан
дир-дир титграрди. У бундай муомалани кутмаганди. Айниқса, Пўлат
ҳақидаги «янгилиқ» аёлни довдиратиб қўйса керак, деб ўйлаганди.
Шунда у темирни қизигида босмоқчи, яъни ўйлаган режасини амал-
га оширмоқчи эди. Бу режа анчадан буён унинг хаёлини банд эттан-
ди. Пайт пойлаб юрганди. «Лоп» этиб орадан Пўлат чиқиб қолди-
ю, иши ортга сурилди. «Аblaҳ, бандит, қизнинг кўнглини олишга
ултурибди,— деб ўйлади Абдулла зиналардан бир-бир босиб паст-
га тушиб кетаркан. Кўз олдида Пўлатнинг асабий тарзда, сурбет-
ларча тиржайиб туриши гавдаланди. Жунжиқиб кетди. — Соғ одам-
га ўхшамайди у». Ўйлаган режаси амалга ошмаганидан кўнгли
ғаш тортди. Кўчага чиқиб, қаёқда юришини билмай, ўйланиб қол-
ди. Бу ердан кетгиси келмаёттанини ич-ичидан ҳис этди. Чукур
хўрсинди. Дилдора уйига бориб, жанжал қилиб кетгандан кейин
хотини унга гоҳ ишониб, гоҳ ишонмай юрарди. Ишга вақтлироқ
кетса ҳам, ё аксинча, кечроқ уйга келса ҳам пичинг қиласвериб жо-
нига тегиб кетди. Шу пичинг сўзлар сабаб бўлдими яқинда эр хотин
қаттиқ уришиб қолишиди. «Мен сизга ишонмайман, ўша хотин уйга
бекорга келмади», — дерди Мавлуда ҳадеб. Охири Абдулла девор-
да осиглиқ турган «Қуръон»ни қулига олди. Уч-тўрт йил бурун бир
таниши: «Қуръон»ни қўлингта олиб, ҳасам ичсанг, аёллар лақча
ишонишади», — деган зди. Шу усулини қўллашга мажбур бўлди.
Мавлуда найдан таралаётган куйга сеҳрланган илондай қотди-қол

ди. Ҳар қалай битта ташвишдан күтилдім, деди ўзига-ўзи Абдулла, фавқулодда енгил тортиб. Энди аввалғисидан ҳам мушкүлроқ ташвиш ҳали олдинда эксанлигини ўйлаб, анча вакт юраги зирлаб юрди. Бу ҳақда Дилдорага айтишга құрқди. У күнмайды, деган андиша юрагини ғаш қилиб турарди. Ўргадан Пўлат чиқиб қолмаганида ҳали ҳам бир қарорға келолмай юрармиди. Дастреб, уни Пўлат билан кўрганида «менни куйдирмоқчи» деган хаёлга бориб, сир бермасликка ҳаракат қипганди. Ҳали яхши танимаган одамга ўзини топширияб, унинг этагидан тутиши, бир кунда ҳе йўқ, бе йўқ кўчиб кетишини йигитнинг хаёлига ҳам келмаганди. Ўйтайвериб, жинни бўлиб қолаётди. Ўзича бир неча кун аразлаб ҳам юрди. Ҳар қалай, шунчак йил эр-хотинде бўлиб... Оқибат шу бўлдими? Қизнинг бу қилиғи иззат-нафсига тегди. Йўқолган пичноқнинг сопи олтин қабилида иш тутди. Орқаваротдан аввали Пўлатни сўраб суршиштириди. Сўнг Дилдоранинг иззига тушди. Яқингинада ундан қочиб юрган, тасодифан кўришиб қолишганда юраги зирлаб, унинг тезроқ кетишини сабрсизлик билан истаган одам энди аёлни топиш илинжида оромини йўқотган эди. «Майли, мен сенга уйланаман,— демоқчи эди у аёлга бениҳоя қарам кўрсатаётгандек виқор билан.— Фақат бир шарт билан. Бу ҳақда ҳеч кимга, ҳатто ота-онанги ҳам айтмайсан. Фарзанд, деб ҳам оғиз очмайсан!» Бола туғилиши аёлнинг ҳуқуқларини бир неча поғонага кўтариб юборишини у жуда яхши фаҳмларди. Ошдан чиққан тошдек бирдан Пўлат пайдо бўлиб қолмаганида Дилдоранинг рози бўлиши турган гап эди. Хурсандлигидан йиглаб ҳам юборармиди. Бугун келиб кўрдики, у хато ўйлабди. Ҳалигина унга заҳрини сочган, мазах қылган аламзода, кибрли аёл кечагина бўйнига осилиб: «ҳаммасига чидайман, фақат мени ташлаб кетманг», деб ялингган қизга сира-сира ўхшамасди.

* * *

Тун ярмидан оғиб, одамлар ширин уйқуда ётган маҳал темир эшикни кимдир сескин тақиллатди. Уйуси учиб, алам устида ўтирган Дилдора эшик олдига учиб борди. «Ким?» деди астагина. Қаттиқроқ нафас олишгада қўрқди.

— Мен, Дилдор, мен,— деди кимдир паст овозда. Дилдора овоз эгаси Пўлат эксанлигини дарҳол англади. Бироқ эшикни очишга шошилмади. Тутқични ушлаган қўйлари титраб турарди.

— Биламан, мендан хафасан,— деди Пўлат яна паст овозда.
— Сенга айтишим керак эди. Кечир мени.

— Очмайман, — деди Дилдора йығламсираб. — Түрт кундан бүён ўлиб қолай дедим-ку. Қаерда юрган бўлсангиз, ўша ерга боринг.

— Дилдор, мени кечир. Эшикни очмасанг шу ерда ўтиравераман.

— Ўтираверинг... Мени ким дея ўйлајпсиз? Бир оғиз айтиб қўйсангиз, ҳаққингиз кетармиди. Нега мен бошқалардан эшитишим керак? Уйимни бериб қўйиб, катта мурувват қилдим, деяпсизми? Ҳозироқ чиқиб кетишими мумкин. Тўрт томоним қибла менинг. Этагимни бошимга ёпаман-у...

— Дилдора, бўлди...

— Очмайман барибир эшикни...

— Шу ерда ўтиравераман, эшикни очмагунингча. Ҳеч қаёққа кетмайман.

— Ўтираверинг!..

Орадан чамаси икки соатча вақт ўтди. Иккаласи ҳам ҳамон эшик олдида туришарди. Бутун вужудлари қулоққа айланиб, бир-бирларининг хатти-ҳаракатини эшитишга уринишарди. «Йигла-япти шекишли, — дея ўйларди Пўлат. — Ҳақиқатан ҳам ноинсофлик қилдим». «Ана, эшикка суюниб ўтириб олди, — деб ўйлади Дилдора. — Совуқ ўтиб кетмасайди. Чекаяпти... «Уҳ» тортди...»

Бир оздан сўнг «ширқ» этиб эшик калити буралгани эшитилди. Пўлат иргиб ўрнидан турди. Ярми чекилган сигаретни шошапиша улоқтириди.

— Сенга ким хабар берганини биламан, — деди у ичкарига кирган заҳоти. — Сен ... боя ... айтганингда ... Бирдан хаёлимга келди. Ўша! Аниқ, ўша!

Дилдоранинг қовоқлари қизариб, шишиб кетгани боис қўзлари қисилиб қолганди. Йигитнинг юзига қараёлмади. Ваннага кириб, совуқ сувга юзини чайди, қовоқлари устига юмшоқ сочиқни хўллаб босиб, бир неча сония турди. Сал ўзини босиб, аввалги ҳолига келгандан кейингина Пўлатнинг ёнига ўтди...

— Тунов куни айтгандим уйдан қочиб кетганимни, — дея гап бошлади Пўлат. У жуда асабий эди. Ҳали уйга кириб келганидан бўён тинимсиз, устма-уст сигарет тутатар, бирини чекиб бўлар-бўлмас иккинчисини бошлар, кичкинагина шиша кулдон бир пасда сигарет қолдиги билан тўлган эди. — Иш йўқ, турар-жой йўқ. Бир қанча вақт вокзалда ётиб юрдим. Қаерга иш сўраб борсам, прописка сўрашади. Оддий таксичиликка ҳам олишмади. Пра-

вам бор бўлмаса. Пропискани тўғрилаб келинг, кейин гаплашамиз, дейишиди. Уйдан бир оз пул билан чикқандим. Тўрт ойга базур етказдим. Кастиюмимни сотишга мажбур бўлдим. Кейин соатимни... Охирида сотишга арзигулик ҳеч вақом қолмади. Қорни оч одамни ҳар мақомга йўргалатиш мумкинлигига ўша пайтларда амин бўлдим. Шу... шу... йўлга кирганимни ўзим ҳам билмай қолдим. Аввалига вақтингчалик, деб ўйладим. Ҳадисини олгач, ташлагим келмади. Аммо биринчи марта қўлга тушганимда жуда қўрқиб кетганман ва ийғлаганман. Ҳа, ҳа, ийғлаганман. Қамоқхона деганда кўз олдимда даҳшатли манзаралар гавдаланарди, — Пўлат бирдан гапиришдан тўхтаб, ўрнидан турди. Унинг юзи шу қадар ўзгариб кетгандики, Дилдора қўрқиб кетди. Устма-уст чекиб, сал ўзини босиб олгунча бир оз вақт ўтди. У жойига қайтиб ўтирганда юзидаги қўрқинчли ифода батамом йўқолган, ўрнини сурбетлик эгаллаган, кўзлари такаббурлик билан боқарди. Аммо сўзлар бўғзидан базўр отилиб чиқарди. — Қамоқхонага тиқиб қўйиб, ўзларича тарбияладик деб ўйлашади-да. — У бирорни маҳз қилаётгандек, совуқ тиржайиб қўйди. Ҳалигина босиқлик билан равон сўзлаётган одам бирдан алаҳсираётгандек узуқ-юлуқ гапира бошлади. — Ақлинни киритиб қўйдик... хуллас.. нима десам экан... энди бу ишни қилмайди деб ўйлашади. Аммо... Лекин адашишади. Жуда қаттиқ адашишади. Мен қамоқхонада... 10 тийин уриб қолгани учун қамалиб кетиб, у ердан қилни қирқ ёрадиган ўгри бўлиб чиқкан одамни биламан. Лекин яхши томон ҳам борки, буни ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди. Ҳа..ҳа.. бор... Яхши томон шундаки... қандай тушунтирсам экан?... Қўйиб берсанг бир-бирини ғажиб ташлашга тайёр, асабий, жулдурувақи маҳбуслар ичида тепадаги ис босган туйнукдан тушаётган бир тутам нурга тикилиб ўтириб озодликни соғинасан. Юрагинг зилиади. Эркинликнинг қадрига етасан. Қанча муддат олганингни эслайсан... ва қанча қолганини ҳисоблашга ҳаракат қиласан. Бошда бир оз қийин бўлади, худди вақт ўтмаётгандек туюлади. Кейин... кунлар ўтавергани сайин... ҳисоблаш ҳам осонлашади. Ўзингга ўхшаган маҳбуслар ёқалашиб, бошингни ёриб қўйишса ҳам унчалик алам қилмайди. Бироқ... сени одам ўрнида кўрмай, бирорта ҳайвон... ёки... ёки жирканч маҳлуқка қарагандай муомала қиласидиган, сал саркашлик қўлсанг аямасдан дўппослайдиган қорувулларни бир умрга ёмон кўриб қоласан... Нега рангинг оқариб кетди? Қўрқяпсанми? Шунинг учун сенга гапиргим келмаганди-

да. Ҳозир... оз қолди, тугатаман. Биттаси бор эди. Юздан заҳар томиб турарди. Жуда бераҳм ва бешафқат эди. Қамоқхона унинг маҳрига тушгандај тутарди ўзини. Кўп эмас-у... шу... бир-икки марта менинг ҳам ёмон таъзиримни берган. Ўзим ўлар ҳолатда ётибман-у, ҳадеб: «Шу ердан эсон-омон чиқиб кетсам, бир-кунмас бир кун бўғизлаб кетаман?» деда қасам ичганим ҳеч ёдимдан чиқмайди. Уч-тўрт ой бурун шу ишни таштайман деб, ўзимга ўзим сўз бергандим. Аммо ўзимни тутолмасдим. Тўрт кун аввал яна бир ишга қўл урдим. Азбарой... сени деб. Сени хурсанд қилмоқчийдим. Афсуски, бир шеригим чув тушириб қўйди. Яқинда бизга қўшилганди. Бугун биринчи марта чиқиши эди... Унинг касри уриб, иккита шеригим қўлга тушиб қолиши. Қаёққа гумдон бўлди у? Билмайман... Уч кун ўшани изладим. Осмонга чиқдими, срга кириб кетдими... Билмайман... билмадим... — Пўлат бошини чангалилаган кўйин, ҳаёлга толди.

Дилдора адойи тамом бўлган, стулга михланиб қолгандек қиммир этмасди.

— Энди мендан воз кечасан, шундайми? — деди Пўлат титроқ овозда.

— Нега энди? — саволга савол билан жавоб берди Дилдора.
— Ўринни сенаб бўлмайдими? Ўғрида юрак йўқми?

— Бор, жонидан, бор... — деда қичқириб юборди бирдан руҳи кўтарилигани Пўлат. У Дилдорани даст кўтариб, чир айлантира бошлиди.

— Мендан ор қилмайсанми? — деда қичқирди Пўлат чир айланаркан.

— Йўқ. Ҳеч қачон... Ҳеч қачон... Энди ҳеч нарсанни ўйламайман... Ҳеч нарсага куймайман... Фақат яшайман... яшайман!

Улар қий-чув қилишганча гир-гир айланишар, бақиришар, кулишар, ўзларидан бўлак ҳаммани, ҳамма нарсанни унтишганди. Тащқарияда эса минг азоб билан осмон ёришиб, жимгина тонг ота бошлиганди...

* * *

Орадан бир ҳафта ўтди. Бу вақт ичиди Абдулла яна икки марта келди. Дилдора билан гаплашишга ҳаракат қилди. Охирги келганида Дилдора уни кувиб солди. Шундан кейин у анча вақт-гача кўринмай қолди. Дилдора унинг феълини яхши билгани учун, негадир кўнгли ғаш бўлиб юрди. «Писмиқ... Пайт пойлаб юрган-

дир-да», — дәя ўйларди у ҳадиксираб. Нимадан ҳадиксираяпти? Үзи ҳам буни аниқ билмасди.

— Бугун изимга тушишди, — деди бир куни Пўлат ғабдурустдан. Унинг юзи ҳорғин ва ташвишли эди. — Тасодифан сезиб қолдим.

Тунов кунги сұхбатдан кейин Дилдора шундай бўлишини фаҳмлаган, қачондир, бир йилдан кейинми, ёинки бир ойдан кейин, шундай бўлишини сезган ва бунга ўзини тайёрлаб ҳам келаётганди. Шундай бўлса-да юраги орқасига тортиб кетди.

— Кўзингизга шундай кўрингандир-да, — дәя олди зўрга.

— Кўзимга кўрингани йўқ. Аниқ биламан... Яхшиси, бу ерга вақтингча келмай тураман. Сен хавотирланма, вақт топиб хабар оламан. Айтгандай, мен унинг олдига бордим...

— Кимнинг? — деб юборди Дилдора ва бирдан гап ким ҳақида кетаётганини англаб, қизарив кетди.

— У зиди сени безовта қилмайди. Эркакчасига гаплашиб олдик, — деди Пўлат. Чўнтағидан қоғозга ўроғлик алланима чиқарив, стол устига кўйди. — Кийимларимни алмаштириб олмоқчи ман. Даzmол босганимисан?

— Ҳа, — деди Дилдора ва қоғозга ўроғлик нарсага ишора қилди. — Бу нима?

— Унинг қайчиси... Соч кесадиган... Ойнасини олдида турган экан. Билдириласдан олиб қўйдим. Керак бўлиб қолар...

Пўлат маъноли қараб кўйди. Дилдора унинг қарашини тушуни. Бироқ индамади. Пўлатнинг ҳозиргина ечган кийимларини йиғиштириб олиб, ювиш учун ваннахонага кириб кетди. Пўлат унинг кўнгли оғриди, деган хаёлга борди. Рашки кўэиб, жаҳли чиқди. Аммо ўзини босди. Дилдора нотўғри хаёлга бориб, мендан нафратланиб юрмасин, деган ўйда у аёлнинг ортидан борди ва оғринган алфозда деди:

— Мени шумлик қиляпти деб юрма тағин. Шунчаки... олгандим. Аммо шуни яхши билиб қўй, мен унга ишонмайман.

Дилдора миқ этмади. Ванинага энгапган кўйи кир ювишда давом этди. У ўйларди. Бошидан ўтган воқеаларни ўйлар, ўзича мулоҳаза қиласар, ҳаммаси айқаш-уйқаш бўлиб кетган пароканда хаёлларини тартибга келтиролмай хуноби ошарди. Ўйлаб ўйининг тагига етолмасди. «Шундай бир иш қилиш керак-ки...» — дерди у ҳадеб ўзига ўзи. Аёл бир қарорга келганда тонг бўзариб қолганди.

Кўни-қўшниларга кўринмаслик учун тезроқ чиқиб кетишга чоғланаётган Пўлатни саволга тутди:

- Анави шеригингиз топилдими? Қочиб кетган бор-у...
- А, ҳа, йўқ, — дея шошиб жавоб берди Пўлат.
- Мабодо... жуда зарур бўлиб қолганида.. бошқа бироннинг номини айтиб юборсангиз бўладими? Даилил-исбот қўлингизда...

Пўлат ялт этиб Дилдорага қаради. Аёл ундан кўз узмай, тик қараб турарди. Пўлат унинг кўзларида куйган, ўртанган, топталган, аламзада юрак аксини кўргандек бўлди. Шу билан бирга чеки-чегараси йўқ, бепоён бир нафратланиш ҳам мужассам эдики, Пўлат дош беролмади. Индамай чиқиб кетди...

У шу кетганича қайтиб келмади. Анча вақтдан кейин ёшгина бир йигитча келиб, унинг қўлга тушиб қолганини айтди. Яна бир неча кун ўтгач, ўша йигитча Дилдорага яқинда Пўлатнинг устидан олиб борилган тергов ишлари тугаб, иши судга оширилганини, у билан Абдулла деган шериги ҳам бирга эканлигини айтди. Кетар чоғида яна келиб хабар олишини, мабодо жуда зарур бўлиб қолганда, ҳа, у айнан шундай деди, жуда зарур бўлиб қолганда уни қаердан қидириб топиш мумкинligини айтиб, хайрлашди. Дилдора меҳмон кетгач, у ўтирган стул устида бели боғланган бир даста пул ва бир парча қофоз турганини кўриб қолди. Юраги ҳапқириб қофозни қўлига олди. Хат Пўлатдан эди. Унда шундай сўзлар ёзилганди: «Мени кут...»

АЁЛ ҚИЁФАСИДАГИ АЖАЛ

Мулла Ашур қишлоқнинг нафаси ўткир дуохони эди. Муриду муҳлислари кўп эди. Дами ўткирлигидан одамлар орасида ҳар хил шов-шувли миш-мислар юрарди. Эмишки, аллақайси бойваччанинг бир кечада, ўз-ўзидан оғзи қийшайиб қолганида уч марта «дам солиб» отдай қилиб юборган экан. Тўқай қишлоқлик Саттор чолни қорақурт чақиб олганида, бир ўлимдан олиб қолган одам мана шу Мулла Ашур эди. Ҳосил миробнинг қўрққаниданми ё бошқа сабабданми, бирдан гапиролмай, гунг бўлиб қолган беш яшар неварасини тилга киритиб юборган ҳам мана шу Мулла Ашур...

Бундай гап-сузларнинг боши-кети йўқ эди. Уларнинг қай бири рост, қай бири лоф, ажратиш қийин. Лекин номлари тилга олинган ўша бойвачча ҳам, Тўқай қишлоқлик Саттор чол ҳам, Ҳосил мироб ҳам муллани кўрди дегунча, қўлларини кўксига қўйиб, иззат-икром кўрсатишлари рост гап. Ўткир нафасидан шифо топиб, согайиб кетган баъзи бирорлар азбаройи ихлос зўрлигидан Мулла Ашурнинг хизматига ҳам кирган эдилар. Муллани излаб, ундан најот кутиб ён-атрофдаги қишлоқлардан ва ҳатто шаҳардан ҳам одамлар келиб туришарди.

Мири кам дунё, деганларидек қўпнинг мушкулини осон қилган мулла... ўз дардига даво тополмай изтиробда яшарди. У — бефарзанд эди.

Аёли Хонимбуви бечорагина, мушфиққина аёл. Турмуш курганинига саккиз йилдан ошаптики, эрининг кўзига тик қарамайди. Уятчан, тортинчоқ, гапга ҳам нўноқроқ. Мулла Ашур Хонимбувидан аввал ҳам уйланган, хотин кўрган эди. Қўшни қишлоқлик Усмон ҳожининг кенжা қизи Бувражаб билан ўн беш йил яшагач, фарзанд бўлмаганлиги важидан яхшиликча ажрашишган эди. Усмон ҳожининг кенжаси мулла билан орани очди қилгач, бошқа бирорга тегиб, бола-чақали бўлиб кетди. Мулла Ашурнинг эса ҳамон дарди ичида, икки қўли бир тепа бўлиб ўтиб кетгапти.

Мулла шу ҳақда ўйлади дегунча юраги сиқиладиган бўлиб қолди. Ўзини қўярга жой тополмайди. Ётган бўлса, ҳовлиқиб ўрнидан туриб кетади. Ўтирган бўлса, отилиб ҳовлига чиқади. Ҳадемай, кўз очиб юмгунча умри поёнига етса бу ҳовлида ва умуман ёруғ дунёда ўзидан ном-нишон қолмаслигини, ота-бобо-

лари давру даврон сурин ўтган, тепалик устидаги бу күдна күргөн чолдеворга айланишини ўйлаб, юраги эзилади. Бу аёлнинг ҳам баҳридан ўтиб, бошқасига уйланишга яна юраги бетламайди. Буниси ҳам бошқа биронга тегиб, болали бўлиб кетса борми, муллага ҳаёт татийдими?! Айб ўзида экан, хотинларини ёмонотлиқ қилиб юрган экан, демайдими одамлар?!

Икки ўт орасида ўртаниб юрган кунларнинг бирида мулланинг ҳузурига ёшгина жувон бош эгиг кириб келди.

— Тумор қилиб берсангиз, дегандим... Тирноққа зормай...

Тўрт қават қуроқ кўрпача устида ўтирган Мулла сесканиб тушиганини ўзи ҳам сезмай қолди. Беихтиёр аёлга зимдан кўз қирини ташлаганини кейин сезди. Одатда у шифо тилаб келувчиларни ҳам, илтимосчиларни ҳам, айниқса аёл киши бўлса, чордона курганча, китобидан кўз узмаган ҳолда арз-додларини эшитар, шу қабилда жавоб-муомала қиласр эди. Аммо бу гал... Аёлнинг юзи лоладек қизариб кетган, кўзларини ердан узмасди. Овози дардчилик, лекин шу қадар ёқимли эдик!.. Мулла қымтиниб, ерга қараб ўтирган аёлга назар ташлашдан яна ўзини тия олмади. Лекин тезда ҳушини жамлади, шайтонга ҳай бериб, ўзини ўнглади. Гуноҳ, тавқи лаънат бўйнига осилишидан чўчиган мулла кўзларини юмган кўйи, ичиди аллақандай дуони ўқиди. Сўнг тасбеч ўгирганча, китобдан кўз узмаган ҳолда, ўта жиддийлик билан сўради:

— Аввалги турмушингиз... бузилганми?

— Ҳа. Беш йил бўлди.

Аёлнинг овози яна мулланинг юрагини «қитиқлади». Мулла Ашур ўзини босишга, фикрини чалғитмасликка уринди. Алҳол, бунинг уддасидан ҳам чиқди.

Йигирма дақиқадан сўнг аёл юзи гул-гул яшина, кичкинагина, учбурчак туморни сиқимлаганча... хонадан чиқиб кетди. Очиги, мулла аёлнинг қачон, қандай чиқиб кетганини сезмай ҳам қолди. Унинг ҳуши ўзида эмасди. Кечгача ғалати кайфиятда юрди. «...Лоладек қизариб кетган» аёл ҳали у ердан, ҳали бу ердан қараб тургандек бўлаверди. Аёлнинг саҳт-сумбати, юз тузилиши ҳақида унинг ҳеч қандай тасаввур ийӯқ эди. Ахир унга дурустроқ тикилиб қарамади-да! Фақат «лоладек қизариб» тургани ёдида...

Мулла Ашур ҳарчанд ўзини чалғитишига, фикрини жамлашга уринмасин, уддасидан чиқолмасди. Икки марта уйланган бўли-

шига қарамай, мулла бундай ҳолга биринчи дафъа тушиши эди. Ўз кўнглида, қандайдир бесаранжом бўлиб қолгандаи эди. Ва бу бесаранжомликнинг оқибати яхшиликка олиб келмаслигини гайри-шуурый равишда ҳис этган мулла кечга бориб хонасига кирди-да, эшикни ичкаридан қулфлади.

Тўрдаги, қиблага қараган бурчакка ёзилган жойнамоз устидаги ўтириб, кўзларини юмганча тиловат қила бошлади.

Уч кун ўтгач, озиб, ранг-қути ўчган, лекин гуноҳлардан фо-риғ бўлган мулла ҳоялига чиқди. Уни кўриб, курсанд бўлиб кетган Хонимбуви ошхона томонга югурди. Бироқ Мулла Ашурнинг иштаҳаси йўқ эди. Шу топда негадир бўшашиб, ланж бўлиб бораётганди.

— Жой сол, бир пас чўзилмасам бўлмайди-ёв,— деди у дастурхон кўтариб келаётган хотини томонга қарамай.

— Кунботарда ётмасдингиз-ку,— деди Хонимбуви ботинмайгина. Унинг овози ингичка ва чийилдоқ эди.

Мулла Ашур беихтиёр чуқур хўрсинди. Нигоҳи узоқ-узоқларга қадалди.

— Бирровга... Бир жойга ўтиб келаман,— деди мулла салдан кейин. Сўнг аста-секин юрганча ҳовлидан чиқди.

Хонимбуви нон, қанд-қурс ўралган гулдор дастурхонни бағрига босганча, зерининг ортидан тикилиб қолди.

Мулла Ашур дарвоза олдида бир зум тўхтаб, нафас ростглади. Уч кунлик тиловат — тавба-тазарру уни ҳолдан тойдирганди. Оёқлари қалтираб, мадорсизланди. Дарвозага беҳол суюнди. «Худойим, хиёнатимни ўзинг кечир,— деди ичида мулла. — Шайтон қутқусига учдим. Бир лаҳзага бўлса-да, Сени унугтаним учун ўзинг кечир, Парвардигор!»

Мулла кўзларини юмган кўйи чуқур-чуқур нафас олди. Беш дақиқадан кейин вужудига куч энгандек бўлиб, секин ўрнидан жилди. Уйнинг орқа томонига ўтди.

Мулла Ашурнинг уйи қишлоқ четидаги кичкина тепалик устида қад ростлаган эди. Бу уйни бундан юз эллик йил муқаддам Мулла Ашурнинг катта бобоси Бузрук мулла қурдирган экан. Қишлоқнинг нариги четидан қараган кишига дастлаб шу уйнинг пештоқию томи ярқ этиб кўринади. Бошқаларникига қараганда пойдеворијо девори баланд-баланд қилиб қурилган, айвон пештоқидан тортиб кўча эшиккача нақшинкор қилиб безак берилган бу уй четдан қараган кишига кичикроқ қўрғончани эслатарди.

Бир ярим асрдан буён муллалар сулоласининг кўрки ҳисобланаби, ҳар бир авлод даврида гуллаб-яшнаган бу табаррук қўргон бугунги кунга келиб инқизозга юз тутмоқда. Мулла Ашурдан кейин бу ййнинг чироғини ёқиб ўтирадиган ҳеч кимса йўқ. Вақти соати етиб мулла ҳам, хотини ҳам оламдан ўтгач, бу ер бойқушлар маконига айланади. Ё бирорта даҳрий идорага макон бўлади. У ҳолда ҳам, бу ҳолда ҳам отамерос қўргоннинг тақдири «бойқуш»лар қўлида қолиши тайин. Ё тириклигидәёқ бирорта мўмин-мусулмон қариndoшига хатлаб берсамикин? Шунда кўнгли хотиржам тортармиди? Ё... бирорта бенавоннинг боласини асраб олиш... Йўғ-е, ...Уйнинг орқа тарафида ўзини кунгувокча солиб ўтирган мулла беихтиёр ўрнидан туриб кетди. Бундан икки йилча илгари, хотини ботинолмаган бўлса-да, тенгқурларидан бири секин қўйнига қўл солиб қўрган. Мулла Ашур унинг нима демоқчи эканлигини билиб олгач, ўша оғайнисини жеркиб берганди. Бирорнинг пуштикамаридан бўлган бола ҳар куни, ҳар сония ўзининг кимлигини, кимнинг боласи эканлигини эслатиб, Мулла Ашурга ҳозиргидан ҳам кўра қаттиқроқ ва аламлироқ азоб беради-ку! Бундан кўра беш-бегонага хатлаб берганни маъқул эмасми? Лекин... Мулла Ашурнинг қалбини алам-қизғониш аралари изтироб қамраб олди. Ўзини ўзи енголтмай эзилган мулла хомуш, афтодаҳол бир қиёфада пастта — қалин дарахтлар билан ўралган қишлоқча ғамгин нигоҳ ташлади. Хатлаб берган қариндоши текинтомоқ, дангаса, укувсиз чиқиб қолса, буёғи неча пулдан тушади?! Авлодлари қўлида кўз қорачифидек асраб келинаётган гўшанинг парокандаликка юз тутишига Мулла Ашур сабабчи бўлмайдими?!

Кеч кириб, қишлоқ уйларидаги чироқлар бир-бир ёна бошпаганда ҳам Мулла Ашур хаёл дарёсига гарқ бўлиб ўтиради. Бу орада хотини икки марта келиб, хабар олди. Сўнгти келишида у:

— Овқат совиб қолди, — дея қисталанг қилса-да, мулланинг жойидан жилгиси келмади.

— Сен ичавер, мен кейин, сал туриб бораман, — деб хотинини жўнатиб юборди.

Хонимбуви ҳайрон бўлганча, ўгирилиб ортига қарай-қарай, ҳовлига кириб кетди. Хотини кўздан йўқолгач, мулла инқилаб ўрнидан турди. Одатдагидек, уй-қўргон атрофини бир қур айланаб чиқди. Ҳар куни бўлмаса-да, уч-тўрт кун оралатиб, ён-веридан инсон қадами тийилгач, уй атрофини гир айланиб чиқадиган

одати бор эди унинг. Мулла бу ишни одамларга билдиримай ба-
жарялман, деб ўйларди. Лескин ср тагида илон қимирласа билиб
турадиган ҳамқишлоқлари унинг бу одатини аллақачон сезиб
улгуришганди. Баъзи бироевлар: «Мулланинг уйида ота-бобоси-
дан қолган ҳазинаси бор. Битта-яримтанинг назари тушиб қол-
маслиги учун уйининг қай бир бурчига кўмиб қўйган. Тинч ўти-
ролмай, уй атрофини айланиб юриши ҳам шундан. Ҳазинасини
қўриқлади», — дея гап болалатиб юборишганди. Аслида
ҳақиқатда шундайимида ёхуд аввалига шунҷаки миш-мис сифа-
тида пайдо бўлиб, сўнг «пупфлаб пиширилган» лофмиди, ҳеч ким
анигини билмайди. Бироқ мулланинг уй атрофини айланиб юриш
одати рост эди...

Эргаси куни кечга яқин Мулла Ашур нақшинкор дарвоза ёни-
да «узала ётган» узун ва йўғон ходага кетини қўйганча, қиши-
лоққа термулиб ўтирганида туйқусдан пастда, шундоққина йўл
четидан таманно билан ўтиб кетаётган аёлга кўзи тушиб қолди.
Аёл мулланинг нигоҳини ҳис этди шекилли, ялт этиб қараб қўйди.
Мулла Ашур қаттиқ сесканди. Аёл унга танишдек туюлди. Ё
кимгадир ўхшатдими? Ие, ҳа, зсига тушди, бу ахир... Тунов куни
«стомор қилиб беринг», деб келган аёл-ку! Мулланинг аъзойи ба-
дани жимирилаб кетди. Ҳаяжонда кўзларини олиб қочди. Аёл на-
рироқ бориб, ортига ўгирилди. Хиёл жилмайгандек бўлди-ю, яна
йўлида давом этди. Мулла Ашурнинг юраги ҳаприқиб кетди. У
зўр бериб уринмасин, аёлни кўздан йўқотмаслик учун унинг ор-
тидан қараб қолмасликнинг иложини қилолмади. Жадал юриб
кетаётган аёл дуч келган биринчи ҳовлининг чорбоғига ўзини
урди-ю, кўздан йўқолди. Шундан кейингина Мулла Ашур ўзига
келгандек бирдан ҳушёр тортди. Шоша-пиша ён-верига қараб
қўйди. Яхшиям ёнида ҳеч ким йўқ. Бўлмаса, нақ шарманда бўлар-
ди-я. Уят ҳиссидан ҳам кучлироқ, аёсиз, таъбир жоиз бўлса, даҳ-
шатлироқ — гуноҳкорлик туйғуси юрагини эзив, азоб бера бош-
лади. Уч кунлиқ тоат-ибодат зое бўлди, ҳавога учди. Бир нигоҳ,
бир жилмайиши туфайли у бир йўқотиб-топган хотиржам ҳасти-
дан, ўла-йита эришган ҳузур-ҳаловатидан яна мосуво бўлди.
«Ким бўлдийкин у?» деган савол яшин тезлигига хаёлидан ўтди
унинг. Ҳаёлан аёл кириб, кўздан фойиб бўлган ҳовли эгасини хо-
тирасида тикламоқчи бўлди. Ва бирдан ҳаяжон билан хитоб қил-
ди: Ахир ўша ҳовлида Оқбердининг тўнғичи Неъмат муаллим
яшайди-ку! Яқинда кўчиб келишган. Оқбердининг ўзи кенжатоий

билин қишлоқнинг нариги четида яшайди. Демак... бу аёл Оқбердининг келини экан-да!.. Унда... Нега унда?.. Ўша кунги аёл «тирноқда зорман», деганди-ку!»

Мияси «ғовлай» бошлаган мулла тутақиб кетди. Ҳатто ўзидан ўзи нафратлана бошлади. Ёв қувгандек шошиб ўрнидан туриб, ичкарига кирди. Эшикни зичлаб ёпиб, тамбалади. «Энди уйдан бир қадам ташқарига чиқмайман!» — деди ўзига ўзи. Ва бирдан вужудини қамраган ҳорғинликдан шалтайиб «хосхонаси»га кирди. Бу ерда у муҳлису муридларини, шифо тилаб келувчиларни қабул қиласиди. Муножоту тиловат, Оллоҳга сажда қилиш онларини ҳам у шу хонада ўтказарди. Тўрт қават куроқ кўрпача устига чўкиб, пар ёстиққа ёнбошлади. Кўзларини юмди. Лаблари қимтилди. Шу кўйи у узоқ ўтириди. Куч билан ич-ичидан кўтарилиб келаётган галаённи босди. Потирлаб ураётган юраги ўз маромига тушгунча сабр-тоқат билан кутди. Сўнг чордона қуриб ўтирганча олдида ёзиглик турган жойнамоз устидаги эскириб, титилиб кетган китобни авайлаб қўлига олди. Китоб араб имлосида ёзилган бўлиб, унга раҳматли отасидан, отасига эса ўз отасидан, яъни Бузрук мулладан мерос қолган. Китоб шу қадар кўҳна эдики, балки Бузрук муллагага ҳам қайсиdir бир авлодидан мерос қолгандир.

Мулла Ашур китобни аввал кўзига сурди. Сўнг лабига босиб тавоф қиласкан, қўллари титраётганини ҳис қилди. Аввалдан у кўҳна китобни тез-тез қўлига олиб, ўқиб турарди. Жуда сиқилиб, толиқиб кетганида, ўзини ёлғиз ва... ва аждодлари руҳи олдида айборд ҳис этганида ушбу китобни қўлига олар, бир-икки саҳифалик мутолаадан кейиниқ жунбушга келган вужуди осойиш топиб, хотиржам тортиб қоларди. Айни дақиқада мулла нажот истаб, очкўзлик билан китобга ёпишган зди. Биринчи саҳифани очиб, жимжимадор жумлаларга кўз югуртира бошлади. Бир, икки, ҳатто учинчи саҳифани ўқиб чиқди ҳамки, қулоғига ҳеч нарса кирмади. Мияси бўшаб қолган қутидек ҳеч нимани қабул қиласди! Мулла Ашур қўрқиб кетди. Ҳатто ваҳимага тушди.

— Ё, тангрим, — деб юборди у беихтиёр. — Бу не синоат?! Вужудимга уя қуриб олган иблиснинг ишими бу? Мен уни ҳайдайман, йўқотаман!

У пичирлаб, аллақандай дуони ўқий бошлади. Бир неча сониядан сўнг китобни қўлига олди. Бир-икки жумла ўқиди, холос. Кўз олди жиммирлашиб, ҳарфлар бир-бирига қўшилиб, чаплашиб кетди. Юраги кўкрак қафасига сифмай ураётган мулла ҳовлиқиб

ўрнидан турди. Ҳовлига қараган деразани очар-очмас, ташқа-рига қараб бақириб юборганини сезмай қолди.

— Қай гүрдасан, Қўшанбойнинг қизи?!

Ишком остидаги сўрида олмақоқи қилаёттан Хонимбуви ирғиб ўрнидан турди. Липпасига қистириб олган этагини тушириб, шоша-пиша уст-бошини қоқди. Илдамлик билан дераза ёнига келаркан, эрининг заҳил башпарамасига кўзи тушиб, юраги орқага тортиб кетди.

— Тинчликми?!

— Покланиб, кейин менинг ёнимга кир! — деб буюорди мулла. Хонимбуви ҳайрон бўлганча ортига қайтди.

Мулла Ашур жойига чўкиб, бошини хам қилганча хотинини кута бошлади. Лекин ҳадеганда ундан дарак бўлавермади. Сабр косаси тўлиб бораёттан мулла зиди ўрнидан туришга ҷоғланаётганда намхуш юзини силаганча Хонимбуви кириб келди. Унинг нигоҳларида аллақандай ҳадик мужассам эди.

— Ўтир! — деб буюорди мулла ва имо билан оёқ учидан жой кўрсатди хотинига.

Хонимбуви қўмтиниб, омонатгина чўк тушди.

Мулла Ашур кўдна китобни қўлига олди-да, биринчи саҳифасини очган ҳолда хотинига узатди.

— Шу еридан бошлаб ўқи!

Хонимбуви бир китобга, бир зрига қаараркан, хижолатли овозда деди:

— Мен ўқиши билмайман.

— Нега билмайсан?! — Мулланинг кўзлари чақчайиб кетди.

— Ўргатган эдим-ку, уйланган йилим!

— Эсимдан чиқиб кетган... кетибди, — деди дув қизарган Хонимбуви саросималаниб.

— Бекорларни айтибсан, эсингдан чиқмаган. Ишингни қизғониб атай ёлғон гапирияпсан.

— Ўлай агар...

— Ўқийсан! — Мулла Ашур мажбурлаб хотинининг қўлига китобни тутқазди. — Ўқийсан!

Мулла Ашур жазавага тушган, ҳушидан айрилаётган эди. Нима қилаётганини, нима деяётганини ўзи ҳам идрок қилолмасди.

Хонимбуви китобни тутганча ҳўнграб юборди.

— Касофат! Бор, йўқол, кўзимга кўринма! — Мулла Ашур маҳсими оёғини узатиб, товони билан хотинининг тиззасига тепди.

Хонимбуви кутилмаган зарбадан қалқиб кетди. Китоб қўлидан учиб тушди.

— Сендан яхшилик чиқмаслигини билардим, — деди мулла кўзлари хонасидан чиққудек бўлиб, китобга узаларкан.

Хонимбуви пиқиллаганча оқсоқланиб, хонадан чиқиб кетди. Мулла Ашур Газаб ва нафрат билан унинг ортидан қараб қолди. У китобни хотинига ўқитиб, тинчланмоқчи, шу йўл билан Галаён кўтараётган юрагига хотиржамлик баҳш этмоқчи эди.

— Шунчалик ҳам ақли ноқислик бўладими? — деди у ўзига ўзи. — Ўргатган нарсанг эсида турмаса...

Мулланинг бир дарди иккита бўлди. Ўша куни «лоладек қизарип турган» аёлни кўрганидан бўён ҳаяжонданми, эҳтиросданми титраб турган юраги энди газаб ўтида ёна бошлиди.

Бурунги хотини ҳожининг қизи бўлса-да, даҳрийлиги бор эди. Биринчи бўлиб ажralишни таклиф этган ҳам, кўч-кўронини ортиб, уйдан чиқиб кетган ҳам унинг ўзи эди. Тушкунликка тушиб, ғарифона яшаб юрганида қариндошлари: мўмин-мусулмоннинг қизи, дейишиб, мана шу Хонимбувига уйлантириб қўйишганди. Айни дақиқада газаб ўтида қоврилаётган мулла туйқусдан Хонимбуви ҳам ўша даҳрий кундошининг «мардлиги»ни такрорлашини истаётганини сезиб қолди. «Ё, раббий, — деди у изтироб билан. — Менга нима бўлди? Нима учун бундай ўйларга боряпман. У чиндан кетиб қолса, аҳволим не кечади? Ўша... баттол балки бирорнинг ҳасми-ҳалолидир? Ё... у билан хуфия учрашиб, ўзимни синаб кўрсаммикин?» Хаёлига келган сўнгги ўйдан мулланинг эсонаси чиқай деди. Юзини кафтлари орасига олиб, узоқ тин олди. Сўнгти ўй уни даҳшатга солганди. Бундан қутулиш учун у ҳозир ҳамма нарсага тайёр эди.

Бир тутам тун минг азоб билан ўтди.

Тонг гира-ширасида бостирада таҳорат олиб, бир қўлида обдаста, иккинчиси билан белбоғини елкасига ташлаганча ортига қайтаёттан мулла кимdir ўзини кузатаётгандек туюлиб, беихтиёр юришдан тўхтади. Ортига ўгирилди. Зингил солиб, ён-верини кузатаркан, бехосдан ҳув нарида, чорбоғнинг йўлга туташ ерида, ёғоч панҷарага суюнганча, маъюс жилмайиб турган ўша аёлга, ўша баттолга кўзи тушиб, негадир сесканиб кетди. Орадаги масофа узоқ эмасди. Шу боис мулла аёлнинг хижолатданми ё уялганиданми, лоладек қизариб турганини кўрди, ҳис этди. Балки аёл қизармагандир, мулланинг хотирасида ўша «қолат» сақ-

ланиб ва ҳатто ўрнашиб қолгани учун шундай туюлгандир. Ҳовли супуришга тутиңган Ҳонимбуви эрининг аро йўлда ҳуши бошидан учиб туриб қолганини кўриб хавотирланди, бир зумда хаёлидан нелар ўтмади, шусиз ҳам бир неча кундан буён унинг аҳволидаги ўзгаришдан ҳадиксираб юрганди. Супургисини девор четига итқитиб юбориб, эрининг олдига келди. Қўлидан обастани оларкан:

— Жойнамозни солиб қўйдим, — деди оҳиста.

Мулла Ашур гарангсигандек бўлиб, хотинига маънисиз нигоҳ ташлади ва шу асно боши билан чорвоқ томон ишора қилиб деди:

— Анави... аёл Оқбердининг келиними?

Эри имо қилган тарафга қараган аёл у ерда дарахтлару, чорбогни ўраб турган ёғоч панжарадан бошқа ҳеч нимани, ҳеч кимни кўрмади.

— Оқберди аканинг келини тонг саҳарлаб бу ерда нима қилади? — деди Ҳонимбуви ажабланиб.

— Дарди бордирки... — Мулла Ашур яна ўша томонга юз буаркан, у ерда ҳеч ким йўқлигини кўриб, капалаги учди. «Ҳозиргина... Ҳозиргина турган эди-ку! Ерга кирдими, осмонга учдими? Ёки... қиялиқдаги йўлдан ўтаётсиб қарагиси келгандир... Ҳонимбувии кўриб қолгач, қочиб қолгандир». Мулла ҳаяжондан энтиқди. Вужудини қамраган ёқимли ҳисдан дили яйради. Лабига табассум югорди. Ўзи сезмаган ҳолда, аёл қаршисига келиб тургандек эркаланиб нигоҳ ташлади. Хосхонасига киргунча, бу ёқимли ҳис уни тарқ этмади. Ичкарига кириб, тасбеҳини қўлига олгач, унинг учун яна азобли, ҳар лаҳзаси дўзах азобидан кўра минг карпа оғир дақиқалар бошланди...

* * *

Кунлар ўтган сайин Мулла Ашур «лоладек қизариб турган» аёлни тез-тез учратадиган бўлиб қолди. Гоҳ чорбог ёнида, гоҳ уй ёнида, йўл устида... Аёл майин табассум ҳадя этарди-ю, мулла оғиз жуфтлагунига қадар жуфтакни ростларди. Тутқич берай демасди. Ҳар гал ўша Оқбердининг тўнғич ўғли яшаётган ҳовлиниг чорбогига кириб, кўздан ғойиб бўларди. Мулла Ашур унинг ортидан ҳайрат ва аллақандай ичикиш билан унсиз қараб қоларди. «У жудаям чиройли ва ёш, — деда ўйларди у ичи ўртаниб. — Элликниг эшигини қоқаётган чолни бошига урадими?! Шунчаки эрмак қилаётгандир? Эрига кўнгли йўқдир... Нега унда, агар

у чиндан ҳам Оқбердининг келини бўлса, нега унда, баҳтим очилмаяпти, деб ҳузуримга келди? Балки бу баҳонадир, шунчаки аёлларга хос макрдир?..» Мулла Ашур ўйлаб ўйининг тагига етолмасди. Шу қадар кўп ва берилиб ўйлардики, охир-оқибатда ҳаммаси аралаш-қуралаш бўлиб, фикрлари чувалашиб кетарди. Баъзида хаёл сура туриб беихтиёр соқолини тутамлаётганини сезиб қоларди. Бир вақтлар, ҳалиги аёлдан ҳам ёшроқ вақтларида юртга таниғлик ажоддларига ҳурмату зътиқоди баландлигидан, уларга тақлид қилганидан ва яна... сал салобатлироқ кўринишни истагида соқол-мўйлов қўйиб юборганига афсус ҳам қилаётгандек бўлиб қоларди. Мош-гуруч бўлиб қолган соқол-мўйлови уни янайм қаримсиқ кўрсатиши тайин-да!.. Қириб ташлашнинг иложи йўқ. Юртга кулги бўлади.

Вақт ўтгани сайин Мулла Ашур табиатида ажабтовур ўзгариш содир бўлаётганини пайқаб қолди. У энди аёлнинг шарпасини кўрган заҳоти ёки уни эслаганда юрагида пайдо бўлган ҳисни, шуурига соя ташлаётган шарпани ҳайдашпга ҳаракат қилмас, ўзини хиёнаткор санаб саждага бош қўймас, бобомерос кўҳна китобни ҳам қўлига олишдан ҳам тийилгандай эди. Шу билан бирга, беш вақт намозини ўқиб, саждага бош урмаса, шифо тилаб келганиларга ёрдам қўлини чўзмаса вужудини «босиб» турадиган аллақандай куч-куватдан айрилганини сезмай қолди. Мудом қандайдир кўринмас куч таъсирига тушиб қоладиган вужуди фавқулодда қушдек сенгил бўлиб қолганди. Анави аёл бир кўриниш бериб, табассум ҳада этиб кетгач ҳам унинг шарпаси мулланинг ёнгинасида қолгандек, ён-верида айланиб юргандек туюларди. Бу ўша баттол аёлнинг хотирасида сақланиб қолган тасвирими ёхуд бошқа нарсамиди, мулланинг идроки етмасди.

Бир куни уч-тўрт чол билан Турдибой тракторчининг худойисидан келишаётган эди. Ҳеч куттилмаганда, Оқбердининг тўнгичи Несмат муаллим яшайдиган ҳовлининг дарвозаси қия очилиб, ўпа соҳибжамол чиқиб қолса бўладими? Хаёл суриб келаётган мулланинг бехосдан аёлга кўзи тушиб, юраги шувиллаб кетди. Бир лаҳза.. Бир дақиқа юрицдан тўхтаб, аёлга интиқлик билан тикилиброқ қаради. Уни яқиндан кўриш истаги аллақачонлардан буен кўнглида ғалаён кўтараётган, безовта қилиб оромини ўғирлаган эди-да. Фақат бир лаҳза.. Кейин ҳушини йигиб, олдинлаб кетаётган шерикларига этиб олиш учун қадамини тезлатди. Аёл рўпарасидаги қўшнисиникига ўтмоқчи шекилли, лекин гурунглашиб ке-

лаётган чолларнинг йулини кесиб ўтмаслик учун ерга қараганча, уларнинг ўтиб кетишини кутиб турди. Ўзларича ниманидир баҳслашиб кетаётган чоллар йул четида ийманиб турган аёлни пайқашмади ҳам. Улар яқинлапгандек аёл... ердан кўз узмаган ҳолда пичирлагудек бўлиб салом берди. Бадқовоқ чоллар кўчада ўзларидан бошқа ҳеч ким йўқдек, вағур-вугур қилишганча ўтиб кетишиди. Аёлнинг саломини эшитишмади шекишли, алиқ ҳам олишмади. Мулла Ашур эса... унинг овозини эшитди! Ҳатто кўз қири билан бўлса-да, унга қараб кўйиш, бош иргаб саломига алик олиш имконини-да тоғди. Сутга чайилгандек оппоқ юз... писта даҳан... қайрилма қошлар... гилослар дудоқ... ҳарир рўмоли остидан чиқиб, пешонаси-ю чеккаларини тутган қўнғироқ сочлар... Мулла Ашур кўз қири билан қарап асносида ҳаммасини кўрди. Фақат аёлнинг кўзларини кўра олмади. У ерга қараб турганди-да. Аммо унинг нигоҳини ҳис этган аёлнинг лоладек қизариб кетгани мулланинг ошиқ қўнглини завқлантириб юборди. Энтикиб, чуқур нафас олган мулла сал нарироқ бориб, негадир оғир хўрсинди. Ўгирилиб ортига қарагиси, аёлни яна бир бор кўргиси келди. Лекин юраги бетламади. Чоллар унинг бозовталанганини сезиб қолипшидан чўчиди.

Немат муаллимнинг уйидан анча узоқлашгач, Мулла Ашур чоллардан бирига мурожаат қилди:

— Бу дейман, Оқбердининг тўнгичи бефарзандми?

— Немат муаллимими? Жужуқлари кўп. Иккинчи хотини уйиб ташлаган болани, — деди чол қуруқхина қилиб. — Бирингчи аёли фарзанд доғида куя-куя ўлиб кетган...

«Иккинчи аёли... Жужуқлари кўп...» — Мулла Ашур ҳайрон бўлди. Хаёлида бир-биридан жумбоқли саволлар пайдо бўлди.

«Нега анави аёл ҳузуримга келганида бефарзандман деди? Ким ўзи у? Нега мени тинч қўймаяпти?» Мулла нажот кутгандек савол назари билан шерикларига қаради. Баҳсни тутатиб, ҳар бири ўз ўй-хаёли билан андармон бўлиб қолган чоллар унинг ҳолатини пайқашмади.

Үйга келганидан кейин мулланинг ҳардамхा�ёллиги янада ортди. Худойидан берилган ҳақни — дўппидек тугунни хотинига бериб, хослонасига кирди. Кўрпачага чўзилди. Қўлини пешонасига қўйганча шифтга тикилди. «Қариган чогимда нима учун бу кўйга солиб қўйдинг, Тангрим? — деса ўйлади у. Сўнг ҳаммасига шу сабабчи дегандек пешонасига муштлади. — Гуноҳим не? Нечун юрагимга ўт солиб қўйдинг, Тангрим?» Мулла Ашурнинг

мижжаларига ёш қалқиб, қулоқлари томон сиза башлади. У анча вақт ўй суреб ётди. Сунг уйқуси келгандек, мижжалари ачишиб, беихтиёр күзлари юмилди...

Мулла туш күрди. Түшида у ўша соҳибжамол билан кимсасиз бир ерларда күл ушлашиб (күнгил қурсин!) юрганмиш. Гоҳ ёруғ, гоҳ қоронғу, ваҳимали йўллардан ўтишганмиш. Илон изидек боши-кети кўринмайдиган, тор йўлнинг икки четидаги хароба уйларнинг синиқ деразаларидан кимлардир қараб тургандек, аллакимлар бақириб-чақириб гаплашаётгандек, яна кимлардир қаҳ-қаҳ уриб кулаётгандек туюлармиш. Юра-юра улар сокин бир гўшага бориб қолибдилар. Ям-яшил майсалар устига тиз чўккан аёл қўлидан тортқилаб, уни ҳам ўтиришга унданбди. Юраги ҳаприқиб, ҳаяжонланган мулла ботиниб-ботинмай аёлнинг қарши сига тиз чўкибди. Майин қўллари билан юзларини силаётган аёл шамдай эриб бораётган мулланинг кўксига бош қўйибди... Қолганини мулла эслашга-да уялади...

Маст уйкуда ётган зерини уйғотишга кўзи қиймай боядан буён унга тикилиб ўтирган Хонимбуви ниҳоят уни секин туртди. Аввалига мулла ҳеч нарсани сезмади. Хонимбуви елкасидан тутиб, қаттиқроқ силтай бошлагач, мулла чўчиб кўзини очди. Хавотир билан тикилиб турган хотинини кўриб, иргиб ўрнидан турди. Негадир аёлига қарашга-да уялди.

— Овқат тайёр бўлди. Олиб келаверайми? — деб сўради Хонимбуви.

Мулла Аштур: «Шоптмай тур», дегандек ишора қилиб, эшик томон йўналди. Аъзойи-бадани бўшашиб, ҳорғин бўлиб қолганди у. Оёқларида жон йўқдек, қадам босишга мажоли етмаётгандек, имиллаб ҳовлига чиқди.

Ювениб, поклангандан кейин ҳам негадир ўзига кела олмади. Овқатдан бир-икки чўқиниб, сочиққа кўл чўзди. Дастурхонга фотиҳа ўқигач, яна ўринга чўзилди. Хонимбуви савол назари билан бир-икки қараб қўйди-ю, аммо индамади.

Ўша кундан буён Мулла Аштур дардга чалингандек сирқовланаб юрди. Ҳе йўқ, бе йўқ, беш вақт намозни канда қилди. Шифо тилаб келгувчиларни қабул қилишдан боп тортди. Тўй-маъракаларга ҳам бормай қўйди. Хонимбувини лол қолдириб, тўшагини бошқа қилди: бир ўзи хосхонада ётадиган одат чиқарди. Хотини бунинг сабабини сўраганида, у қироат билан шундай деди:

— Кўнглим тинчликни тусайди.

Шу билан Хонимбувининг ҳам уни учди. Тақводор одамга бир нарса деб бўлармиди? Жигига тегиб, жаҳлини чиқарса, дуо қилиб, тил-жагини боғлаб кўймасин...

Дам олиш куни Хонимбуви қарнандошлариникига тўйга кетди. Мулла Ашурни ҳам таклиф қилишганди. Унинг боргиси келмади. Мазам йўқ, деся баҳона қилди.

— Бугун укамницида ётиб қоламан, — деди Хонимбуви кетиш олдидан. — Эртага келин томонга қуда бўлиб борасиз, дейишпапти.

Мулла Ашур «Хўп» дегандек кўзини юмиб-очди. Хонимбуви эшикдан чиқар маҳали ортига ўгирилиб қаради: эри чордона қурганча, хаёлга толиб ўтиради. Аёл унинг ўйчан ва дардчили, ҳатто қайғули қиёфасини хотирасига олмоқчидек узоқ тикилди. Сўнг... кўзлари намланганча чиқиб кетди. Мулла Ашур хотинининг қараб турганини ҳам, чиқиб кетганини ҳам пайқамади.

Тун ярмидан оқҳанида, энди кўзи илингган муллани кимdir оҳиста туртгандек бўлди. Эриниб кўзларини очган мулла ёнгинасида ўтирган аёлни кўриб ҳуши бошидан учди. Ўрнидан турмоқчи бўлди. Аммо аёл: «Ётаверинг...» дегандек елкасини силаб қўйди.

Бу ўша!

Мулланинг кўзига лоладек қизариб кўринган, ақлу ҳушини ўғирлаган соҳибжамол эди!

— Келдингми?.. — деди мулла базур, негадир унинг нафас олиши қийинлашиб бораёттанди.

— Ҳа, — деся шивирлади аёл овозига сирли тус бериб.

Лоҳас ётган вужудига илоҳий куч эниб, қони гупира бошлиган мулла аёлнинг белидан қучиб, ўзига тортди. Аёл эгилиб, мулланинг кўксига бошини қўяркан, яна ўшандай сирли овозда шивирлади:

— Олиб кетгани келдим...

...Эртаси куни кечга яқин тўйдан тўлиб-тошиб қайтган Хонимбуви эрини жонсиз ҳолда кўриб бақириб юборди.

ҚУЁШ МЕН ТОМОНДА

Аёл хавотир билан кунни кеч қилди. Хаёлида фақат бир ўй гир-гир айланарди: «Бугун ҳам пулсиз келса-я?!» «Очқадим», дея хархаша қылган болаларига ярим косадан пиәз шүрва берди. Бу шүрвани аёлнинг ўзи ўйлаб топган ва ғалати ном ҳам қўйган: «Шарманда шүрва!»

Ўғли билан қизининг «шарманда шүрва»га нонни бўқтириб-бўқтириб ейишаётганини кўрган аёлнинг кўнгли бир хил бўлиб кетди. Соатга қаради: етти!

«Бугун ҳам ишхонасидан ойлик берилмаган шекилли. Кимдан қарз сўрасам экан деб тентираф юрганмикин? — Гўзалнинг кўз олдидা зри гавдаланди. — Бу бечора ҳам қийналиб кетди. Бола-чақа боқаман деб...»

Аёлнинг кўнгли эриди. Тиқ этган товушга қулоқ тутиб, эшик пойлади. Бироқ соат тунги ўн икки бўлди ҳамки, Тоҳирдан дарак бўлмади. Аёлнинг кўнглига шайтон фулгула сола бошлиди. Аммо у бостириб келаётган қора хаёлларга эрк бермасликка, ўзига яқин йўлатмасликка ҳаракат қилди. «Уни фақат йўқчилик йўлдан оздириши мумкин, — дея ўйланди Гўзал. — Болаларини яхши кўрадиган одам ҳеч қачон хиёнат кўчасига кирмайди. Эрим ўғли билан қизини нафақат яхши кўради, бошига кўтаради-ку!»

Шунга ўжаша фикрлар билан Гўзал тўлиб бораётган кўнглига таскин берса-да, барибир нимадир етишмаётгандек туюлди.

Тоҳирнинг ишдан келмай қолиши янгилик эмас. Янглишмаса, тўрт йил бўлиб қолди-ёв, эрининг ишхонада «ётиб қоладиган» одат чиқарганига. Ҳа, ҳа, тўрт йил! Баҳонаю сабаблар эса.. Фиж-фиж! «Ишхонада юрагимнинг мазаси бўлмай қолди».

Тоҳирнинг ilk дафъя айтган гапи шу эди. Негадир унинг юзи бетобникидан кўра, қаттиқ қўрқиб кетган одамнинг юзидек ваҳимали ва ташвишли эди.

— Ҳеч бўлмаса, телефон қилиб қўйсангиз бўларди, — дея зорланди Гўзал. — Ахир кечаси билан ухламай, кутиб ўтирдим. Эшик тиқ этса эшитмай қолмайин деб...

Тоҳир кўзларини олиб қочган, Гўзал эса унинг бу ҳолатини ўзича тушунган эди.

Кейинчалик бу ҳол, бу сўзлар тез-тез такрорланадиган бўлди.

Бора-бора Тоҳирнинг юзидаги ўша ваҳимали ифода ҳам ғойиб бўлди. У энди кўзларини ҳам олиб қочмасди.

Ҳаммасига чидаса бўларди. Аммо эрининг уйга келмай қолиши Гўзалга бошқача таъсир қиласади. Ҳарчанд ўзини босишга ҳаракат қилмасин, эри эртаси куни эрталаб ёки кечга яқин (шундай вақтларда у уйига уч-тўрт кун эртароқ қайтадиган бўлиб қоларди) эшикдан кириб келганида уйни наҳс босиб кетаётгандек туюларди Гўзалга. Бир марта у зрига бу ҳақда гапирган ҳам эди. Шунда Тоҳир:

— Мен ишляяпман, хотин. Ишляяпман. Ҳар куни ишга кеч бориб, эрта қайтиб, сенинг олдингда ўтиргандан нима фойда? Балки мен ҳаммоллик қилаётгандирман? Балки арава судраб юргандирман!

Шундан кейингина Гўзалнинг кўнгли хотиржам бўлган, «Эрим ишляяпти, пул топяпти», деган фикрни миёсига сингдирган эди.

Бироқ... Эл қатори эртадан кечгача ишлагандан ташқари «ётиб қолиб», қўшимча юмуш билан шуғулланса-да, Тоҳирнинг топгани рўзгорга урвоқ ҳам бўлмасди. Иш стажи (тажрибаси) ошгани сайян одамларнинг маоши кўпайса, Тоҳирники ўз-ўзидан камайиб борарди.

Эрининг камхаржлигини ўйлаган Гўзал иккиси марта эндигине курсоғида пайдо бўлган болаларини олдириб ташлади. Бу ҳақда Тоҳирдан бошқа ҳеч кимга айтмади ҳам, билдиримади ҳам. Эри ўшанда очиқ-ошкора «Ҳа» демаса-да, йўлига бўлса-да, «Йўқ, олдирмайсан» ҳам демади. Кўп ўтмай яна иккита бўлиб қолганида Гўзал зрига маслаҳат солди.

— Шунисини туғиб олсамми, дегандим. Ўғил бўлса ўғлимизга, қиз бўлса қизимизга шерик бўларди.

— Туғишдан бошқа ташвишинг йўқми?! — дея бақириб берганди Тоҳир ўшанда. Сўзлари хотинига оғир ботганини сезиб, кейин сал ҳовуридан тушиб, ётиги билан гапирганди: — Бешолтитасини туғиб ташлаб, кейин эплолмай, бирини чаласавод, бирини кazzоб қилиб тарбиялагандан кўра, шу иккитасини рисоладагидай таъминлаб қўйганимиз яхши эмасми?!

— Онам: «Косови узуннинг қўли куймас», дейдилар. Иккита боланинг юзига қараб ўтамиزمи?

— Оббо! — Тоҳир юзини терс бурди.

Шу жанжал сабаб, Гўзал «кенжатой»ни ҳам олдириб ташлади. Бу сафар жаҳл устида шундай қилди. Касалхонада навбат кутиб турганида курсоғида энди жон битиб, капалакдек пир-пир қилаётган жигаргўшасидан кечирим сўраган эди: «Мени кечир,

қизалогим. Иложисиэликдан шу ишга рози бўлдим». «...қизалогим», деди у. Чиндан ҳам аёл гумонаси қиз бола эканитигини ички бир туйғу билан сезган эди.

Кошки шундан кейин ҳам рўзғори ўнгланса! Мана, шарманда шўрва билан болаларини алдаб ўтирибди.

Минг азоб билан тўлғониб тонг отди.

Тоҳирдан ҳамон дарак йўқ.

Болаларини мактабга жўнаттандан кейин Гўзал ўйланиб қолди. Нон пули топиш керак! Ўйлай-ўйлай сандигидан келинлиги-дан қолган шарфни олиб, қўшнисиникига чиқди.

— Баба Таня, яхши ётиб турдингизми? Мабодо, сизга шарф керак эмасми? Для подарка...

«Баба Таня» деганлари — олтмишдан ошиб қолган кампир, — шарфни қўлига олиб у ёқ-бу ёгини кўздан кечириб, кўнгли тўлмади шекишли, Гўзалга қайтариб берди.

— Нет. Керак змас, — деди у. Ва бир зум Гўзалга еб юборгудек бўлиб, қаттиқ тикилиб турди-да, сўнг дона-дона қилиб деди:
— Ишлаш керак, кизимка. Ишлаш керак!

Эшикнинг тарақлаб ёпилиши Гўзални ҳушига келтирди.

Аёл йигламоқдан бери бўлиб уйига қайтди.

«Ишлаш керак! Ишлаш керак! Ишлаш...»

Бу сўзларни бир гал эри ҳам айтган эди. Нимадир сабаб бўлди-ю, Гўзалга пул керак бўлиб қолган ва уни Тоҳир топиб бера олмаганди. Шунда Гўзал кўз ёши қилган, эрига таъна тошларини отган эди.

— Шуям яшаш бўлдими? Қачон қарасант, пул йўқ, пул йўқ...

— Ҳадеб менга таъна қилавермасдан, сенам ишласант бўларди, — деганди Тоҳир ўшанда. — Бекатга чиқиб писта сотсанг ҳам қўлингга тўрт-беш сўм тушади-ку!

Шу гапдан кейин Гўзалнинг кўзи мошдек очилди. Писта со-тиб олди. Тобига келтира олмаган бўлса-да, қўлидан келганча қовурди. Кейин бекатга олиб чиқди. Пул солиш учун эски ҳамёнини ҳам чўнтағига тиқиб кўйди. Яхши ният билан, албатта!

Бекатга келиб, энди халтасининг бўғзини етган ҳам эдикি, тепасида тўладан келган, қалпоқли аёл пайдо бўлди.

— Бу ер менинг жойим. Иди, другой место иши!

Бундай вазиятни кутмаган Гўзал довдираб қолди.

— Ахир одам гавжум ерда савдо қилмасам, қаерга бораман?

— Это мне не касается! Бор йўқол, дедим санга! Кўзингни уриб чиқармасимдан йўқол!

Хезланиб келаётган аёлдан чүчиган Гўзал халтасини бағрига босғанча ортига қайтди.

Уч-тўрт кун ўтгач у мастава қилиб, бозорга олиб чиқди. Одамлар ҳам анойи эмас. Бошқаларнинг сергўшт, зираворли тансиқ таомлари турганда, Гўзалнинг ёвғонсифат маставасига қайрилиб ҳам қарашмади.

Кейинчалик суриштириб билса, мактабда қоровуллик ўрни бўш экан. Мактаб директори уч-тўрт марта одам жўнатди унга. Лекин Гўзал рози бўлмади.

Шу-шу бўлди-ю, у дардини ичига ютди. Пул масаласида эрига таъна тошларини отмасликка ҳаракат қилди. Фақат: «Нима бўлганда ҳам болаларимни ўқитаман. Битта столнинг згаси бўлмагунларича ўз ҳолларига қўймайман!» дея аҳд қилиб қўйди.

Одатдагидек, ўша куннинг эртасига Тоҳир ишдан вақтлироқ қайтди. Кўлида ул-бул харид қилинган сумка. Аммо авзойи бузук эди.

Гўзалнинг аҳволи ҳам униқидан ортиқ эмасди.

— Бугун қандай баҳонани ўйлаб келяпсиз? — дея қарши олди у.

— Оббо! — Тоҳирнинг тишлари гижирлаб кетди. — Яхши гап йўқ экан-да бу уйда. Қачон қараса тергагани-тергаган.

— Тергашимга асосим бор, — деди Гўзал тап тортмай. — Қолаверса, яхши гапга қорин тўймайди.

Ошхонаада: «Қорнимиз очди», деб йиғлаб ўтирган болалар шовқинни эшигиб югуриб келишди.

— Адажон! Биз сизни соғиниб кетдик! — Болалар ўзларини Тоҳирнинг қучоғига отишди. Бир зумда қий-чув бўлиб қолди. Болаларининг қоринлари очгани, ҳозиргина йиғлаб ўтирганлари эсдан чиқиб, курсанд бўлиб кетганлари Гўзалга бошқача таъсир қилди.

«Мен ундан ҳеч қачон воз кеча олмасам керак, — дея ўйлади у. — Аммо жиддийроқ гаплазшиб олмасам ҳам бўлмайди. Қачонгача...»

Болалари ухлагунча Гўзал тишини тишига қўйиб, сабр қилди. Ўроқ ўриб, кетмон чопиб чарчаган одамдек кўзлари юмилиб кетаётган Тоҳирни чой ичиш баҳонасида ошхонага чақирди. Бир замонлар, болалар ухлагандан кейин эр-хотиннинг чой ичиш одатлари бор эди.

— Сиз билан очиқасига гаплашиб олмоқчиман, — дея гап бошлади аёл. — Менга тўғрисини айтинг, бирорта... бошвоқсиз хотинга илакишиб қолган бўлсангиз, тан олинг.

Тоҳир ҳайрат билан хотинига тикилди.

— Тан олмасам-чи? — деди у бироздан сүнг. Унинг ўзини тутишидан тортиб афт-ангоридан ҳам ҳаммаси жонига тексанини, айни дамда ўладиган ҳўқиз болтадан қайтмас, қабилида иш туваётганини англаб олиш мушкул эмасди.

— Тан олсангиз, олмассангиз, бир ёқлик қилишга тўғри келади, — деди Гўзал. — Жонга тегди бундай яшаш. Ҳавотирланавериб, ҳар хил хаёлларга боравериб, адойи-тамом бўлдим.

— Нега ўйланасан? Балога жин ҳам урмайди дегин-да, ўтиравер бемалол.

Бу гап аёлнинг жон-жонидан ўтиб кетди.

— Шунчалик ҳам юзсиз бўладими одам?! Бўлди, бас, жонга тегди. Кетаман.

— Кўча қоронгу. Қўрқмасанг, кетавер. Менинг ҳам жонимга тегди!

Гўзал югуриб эшик олдига борди. Илгакни туширди. Калитни бурашга навбат етганда бир зум тайсаллади, умидланди: Балки қайтарар... Бироқ...

Гўзал эшикни очди, ташқарига қадам қўйди ҳамки, зридан садо чиқмади! Аёл йигламсираганча кўча ҳатлади. Чиқди-ю, қаёққа юришини билмай, қотиб қолди. Бақт алламаҳал бўлиб қолган, чор-атроф зим-зиё. Чироқлари ўчган «дом»лар қоронгуда ҳайбат солиб турарди. Йўлка четидаги симёғочлардаги чироқлар ҳам аллақачон ўчган, тиқ этган товуш эшигилмасди. Қопқора маҳлуқ устига бостириб келаётгандек аёл қўрқиб кетди. Подъездга қайтиб кирди. Юрак ҳовучлаганча деворга суянаркан, уй эшигига умидвор бўлиб тикилди: Балки йўлдан қайтаргани чиқиб қолар... Ахир ярим кечаси қаёққа боради деб ўлаб, ҳавотирланар...

Мабодо ўйлагани ўнг бўлиб, эри бирдан чиқиб қолса ўзини қандай тутиши ҳақида аёл хаёлга толди: Уйга қайтиб кирмайман, дейман. Тоғнг отгунча шу ерда ўтириб, кўчалар ёришиши билан отамникига кетаман. Сиз билан энди ўша ерда гаплашаман, дейман. Бир сёқтираб кўрай-чи...

Орадан ярим соат, бир соат... икки соат ўтди ҳамки, эшик очилмади. Эри уни қидириш, ундан ҳавотирланиш тугул, эшикни очиб бирров қараб ҳам қўймади. Гўзал лабини тишлаганча унисиз йиглаб юборди. Қоп-қоронги подъезд лампочкага ёлчимасди. Ё куйиб қоларди ё кимдир ўғирлаб кетарди. Аёл ваҳимага

тушиб қалтирай бошлади. Бир хаёли уйга қайтиб кирмоқни ҳам ўйлади. Аммо қўрқувдан-да кучлироқ бир туйғу бундай қилишига йўл қўймади. Ўзи не аҳволда-ю... «Илойим, қўшнилар чиқиб қолишмасин-да», деб уялиб қўярди у.

Ҳеч нарсадан бехабар пишилаб ухлаб ётган болаларини ўйланган аёлнинг кўнгли баттар вайрон бўлди. «Дилшоднинг кўрпани тепиб юборадиган одати бор эди. Усти очилиб қолмадимикин?..» дея ўйлади у. Нимадир, қандайдир жонивор кўча эшик олдидан югуриб ўтди. Гўзлнинг юраги қинидан чиқиб кетай деди. Дир-дир титраганча бурчакка тиқилди. Ўтирган. Ўтирган еридан уй эшиги аниқ-таниқ кўринса-да, Гўзал энди у томонга умуман қарамай қўйди.

Унинг кўзлари қоронғида йилтираб кўринар ва катта-катта очилганча қотиб қолгандай эди. Юрагини адоқсиз бир гусса эза-ётгандек юзи кўкариб кетганди. Бора-бора қоронгуликка ўрганиб қолдими, у чўчимай қўйди. Фақат қаттиқ чарчаганини, ҳолдан тойганини ҳис қиласди, холос. Бу орада осмон ёришди. Қовоқлари оғирлашиб, кўзлари оқига довур қизариб кетган аёл ўрнидан туриб, кўчага чиқди...

* * *

— Болаларингни нега ташлаб келдинг, болам? — дея ёзғирди она. — Ўз бошингни олиб қочиб, келаверибсан-да? Эринг билан уришишга уришибсан, нега болаларингни ташлаб келдинг?

Гўзал эрининг ярим кечада келганини ва бошқа-бошқа гапларни айтган эди-ю, ўзининг тунда уйдан чиқиб кетгани ҳақида лом-мим демаган эди.

Воқеани тўла тушуниб етмаган она уйда қолган болаларини ўйлаб, куйиб кетаётган эди.

— Эр-хотиннинг уруши дока рўмолнинг қуриши, деганлар. Кеча уришган бўлсанг, бугун ярапасан, — Машҳура опоқи ўрнидан турди. — Ўзим обориб қўйиб келаман. Туш, олдимга!

Кечадан бўён болаларини ўйлаб, ич-этини сяётган бўлса-да, Гўзал оёқ тиради.

— Йўқ. Мен энди унинг олдига қайтиб бормайман. Бети қурсин!.. Бир кун ҳам у билан яшамайман.

— Бу ерда онамнинг бағрида рўшнолик кўраман деб ўйлама. Менда аввалги ихтиёр йўқ, — Машҳура опоқининг кўзлари наимланди. Кўнгли юмшаб, гапиролмай қолди.

— Сиз билмайсиз... Ҳеч нарсани билмайсиз...

Гүзалинг бўғзига тошдек нарса тиқилиб, овози чиқмай қолди.

— Бу ердаги аҳволни сенам билмайсан, қизим. Акангнинг ҳоли ўзингга маълум: яримжон. Уч ой уйда бўлса, уч ой касалхонада. Ер юттур кеннойинг, бир коса овқатимни миннат қилиб беради. Болаларинг ҳар замонда... — Машҳура опоқи бирдан жимиб қолди. Айтсамми, айтмасамми дегандек бир лаҳза иккиланди. Бир қарорга келди шекилли, салдан сўнг гапини давом эттириди. — Болаларинг ҳар замонда келишиб, уч-тўрт кун туришганига чидамайди, бу ер юттур. Нима эмиш, мен Тоҳирбекнинг исқиртларини боқаман деб ишлаётганим йўқ, деб бақиради менга.

Гўзал бақрайиб қолди.

— Шунақа денг,— деди анчадан кейин пичирлагудек бўлиб. Ҳовуридан тушгандек бўлди. Ниманидир ўйлаб, бир қарорга келди шекилли:

— Бўпти, бораман. Лекин охирги марта! — деди.

— Майли, жоним болам. Майли.

Машҳура опоқи келини уйда йўқлигидан фойдаланиб, музлатгичнинг эшигини очди. Музхонадан гўштни олиб, устидан иссиқ сув қуйиб зритди-да, у ёқ-бу ёғидан тилимлаб, уч-тўрт бўлак кесиб олди. Қопдаги гуручдан, бидондаги ёғдан оз-моз ўмарди. Ҳатто томат ўрнида ишлатасан деб, туйилган помидор қоқидан ҳам бир шиша олди.

— Шу ишни бекор қипяпсиз, ойи, — деди Гўзал онасини зимдан кузатаркан.

— Ўзича билиб, сеникига бир коса овқат бермайди, бу пўстак. Ҳеч нарса қилмайди. Бу уйда сенинг ҳам ҳаққинг бор.

Она-бала озиқ-овқат тўла сумкани кўтарганча кечта яқин йўлга тушишиди.

Кўнғироқ тугмасини устма-уст ва қаттиқ-қаттиқ босганиларидан кейин эшикни Тоҳир очди. Унинг юзи бўздек оқарган, қовоғидан қор ёғаётган эди.

— Яхши ўтирибсизми, болам?

Машҳура опоқи ичкарига кириш учун бир қадам ташлади. Бироқ... Бутун гавдаси билан эшикни тўсиб турган Тоҳир ўрнидан жилмади! Қайнонасига йўл бериш тугул қимир этмади.

Машҳура опоқи ялт этиб қизига қаради. Изза бўлгандек юзи қизариб кетди.

Гўзал бошини қуийи солди.

Ичидан қиринди ўтса-да, Машҳура опоқи ўзини босди.

— Болам, энди ёш бўлмадинглар. Гулдай фарзандларингиз бор. Урушли уй бўлмас. Қизим аёллигига бориб, аччиқ-тиззиқ галирса, сиз оғир бўлинг. Сиззни жаҳлингиз чиққанида бу...

— Қизингиз қачон уйингизга борди? — Тоҳирнинг қимтилган лабларидан учган дастлабки сўз шу бўлди.

— Эрталаб... — Машҳура опоқининг ажаблангани овозидан сезилиб турарди.

— Уйдан ярим кечаси чиқиб кетган. Билмадим, тонг отгунча қаерларда санқиб юрган?!?

Кутилмаган «ҳужум»дан Машҳура опоқи довдираб қолди. Нажот кутгандек қизига қаради.

Гўзал эса...

Бутун газаби-ю нафрати кўзларига жо бўлгандек эрига тикилиб қолганди.

— Мен энди уни қабул қилолмайман!

Эшик зарб билан тарақлаб ёпилган асно ичкаридан «Ойижон!» деган овоз эшитилди. Гўзал чидаб тура олмади. Эшик тутқичига ёпишди.

— Оч, эшикни номард! Болаларимни бер! Уларда ҳаққинг йўқ. Оч, эшикни! Оч, деяпман! Дилшод, Дилрабо, болажонларим!..

Гўзал ҳўнграб йиғлаганча эшикни тепар, қўнгироқни устмас-уст босар, тутқични юлиб олгудек тортқилар эди. Бунга жавобан ичкаридан ҳеч қандай сас-садо эшитилмади. Бирдан ҳамма ёқ сув қўйгандек жим-жит бўлиб қолди.

— Болаларимга қўлингни теккизма, номард! — дея қичқирди Гўзал. — Билиб турибман, сен уларни ваннага ё ошхонага қамаб қўйгансан! Дилшод, Дилшоджон, дадангдан қўрқма, эшикка яқинроқ кел. Сенга айтадиган гапим бор. Дилшод!.. Дилшоджон!..

Гўзал бутун вужуди қулоққа айланиб, ичкарига қулоқ тутди. Жимокитлик. Гўё уйда ҳеч ким йўқдек... Ҳолдан тойган аёл тиззалиб қолди: Энди нима қиласман?!?

Юзи девордек оқариб, ҳуши бошидан учган Машҳура опоқини қизининг нидоси сергаклантирди.

— Тур, ўрнингдан, ўриснинг ўлигидай чўзилмай, — дея жеркиди у қизини.

Боши берк кўчага кириб қолганини ҳис этган Гўзал сўлжайиб ўрнидан турди.

Она-бала озиқ-овқат билан тўлатилган сумкани эшик олдида қолдиришди-да, бир-бир босиб кўчага чиқишиди.

Машхура опоқининг самимий муносабатига дарз кетган, қарашлари ҳам анчайин зардали бўлиб қолганди. Она-бала уйга кела-келишгунча чурқ ётиб оғиз очишмади.

Кечга яқин Гўзал иссиғи чиқиб ётиб қолди. Ундан сал олдин уйига телефон қилиб на зри, на болалари билан галлаша олди. Машхура опоқи ҳам аччиқ устида анча-мунча галириб юборди. У қизига ишонмаётгандек нигоҳ ташларди. Мана шуниси Гўзалга алам қилди.

Кечга яқин ётиб қолди.

Иссиғи кўтарилиб алаҳлай бошлади у. «Мен подъездда эдим... Мен ўша ерда эдим...» дега гўлдирарди Гўзал.

Бопи қотган Машхура опоқининг кўзлари намланди... Эртаси куни анча тузук бўлиб қолган Гўзалга она насиҳат қила бошлади:

- Ҳеч нарса бўлмагандек уйингта бориб, ўтириб ол. Эркак икки-уч кун аразлаб юради-да, кейин эсидан чиқарворади.
 - Бундай қиломайман, ойижон...
 - Фар деган номни олиб ўтираверасанми?
 - Ўзимга тўғри бўлсан бўпти-да.
 - Тўғрилигингни қандай исботлайсан? — Машхура опоқи баҳириб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди.
 - Унга шунга ўхшаш баҳона керак эди. Охири ниятига етди, деди Гўзал. — Кўп нарсага энди фаҳмим етяпти.
 - Нима қилмоқчисан энди?
 - Судлашиб бўлсаям ундан болаларимни тортиб олсан, бас.
- Бошқа ҳеч нарса керакмас менга...
- Ҳай, ҳай, суд!.. — Машхура опоқининг кўзлари чақчайиб кетди. — Бутунлай ажрашмоқчимисан?
 - Ҳа, ойи.
 - Бекорларни айтибсан! Сал нарсага ажрашаман деб...
 - Сиз билмайсиз... ҳеч нарсани билмайсиз...
 - Бўлди, бас қил. Ажрашиш осоя бўпти-да.

Машхура опоқи ўша куни тушдан кейин ўзи «обрўли» деб ҳисоблаган қариндошлиридан бирини қудасиникига юборди. Воқеадан аллақачон хабар тоғган куёв томон «Вакил»ни хушламайроқ қарши олди-ю, гапни ҳам лўнда қилишди: «Ҳамма ихтиёр ўғлимизда!»

Куёв эса битта гапда туриб олди: «Унақа хотинни кўнглим тортмайди. Ажрашаман!»

Гўзал оқибат шундай бўлишини, онасининг югур-югурларидан наф чиқмаслигини олдиндан сезган эди. Эрининг жавобини эшитган кунининг эртасига ажралиш ҳақида судга ариза бериб келди. Тез-тез боши оғриб, тунлари ухлай олмайдиган бўлиб қолган Гўзал ҳар томонлама қийналса-да, бир нарсадан кўнгли тўқ эди: «Болаларим ўзим билан қолади. Суд она тирик бўла туриб, отага болани қолдирмайди. Эсон-омон ажрашиб оғсан, кейин болаларим билан тинчгина яшайвераман».

Бироқ муаммо аёл ўйлаганчалик осон ҳал этилмади. Тоҳир судда: «Болаларни бермайман», деб туриб олди. Сабаби сўралганда эса... ҳеч иккиланмасдан: «Мен унга ишонмайман», деди. Эрини бу даражага боради деб ўйламаган Гўзал бутунлай ўзини йўқотиб қўйди. Мияси тормозлангандек, хаёлига тузукроқ фикр келмасди. Судга борищдан аввал кўп нарсаларни гапираман, «эримни фоп қилиб ташлайман!» деб ўйлаган эди. Боргандан кейин эса... оғзига бир оғиз калима ҳам ўнг келмади. Ҳамма-ҳаммаси ҳавога соврилгандек, мияси бўм-бўш бўлиб қолди. Бунинг устига Тоҳирнинг адвокат ёллагани ҳаммасидан ошиб тушди. Тоҳир ўша бир оғиз гапни айтди. Қолгани адвокатнинг зиммасига тушган шекили... Қориндор, тепакал киши ярим соат давомида аввал «фариштадек ўзек аёллари» ҳақида, кейин аҳен-аҳёнда бўлса-да, «фаришта»лар номига доғ тушираётган, қадам олиши бежо (ҳа, у айнан шундай деди) хотинлар тўгрисида гапирди. Вақт-бевақт болаларини ташлаб, кўчага чиқиб кетгувчи аёл аввало она деган шарафли номга муносибми? Фарзандлар тарбиясини шундай аёлга ишониб бўладими, деган саволларни кўндаланг қўйгандан кейин... қонун номидан гапира бошлигандан Гўзал чидаб туролмади.

— Исбот қилиб беринг, — деди ҳўнграб йиғлаганча.

— Исбот? — Тепакал адвокатнинг кўзлари йилтиплади. — Шошмасангиз, исбот қилиб берамиз. Керак бўлса, гувоҳларимиз ҳам бор!

Гўзал нажот куттандек нигоҳлари билан эрини қидириб топди. Тоҳир ҳам унга тикилиб ўтирган экан. Фақат... Қарашларида бир олам ғазаб ва нафрат! Наҳот, менинг пок эканлигимга ҳеч ким ишонмаса?

Гўзал залга нигоҳ ташлади. Ана, кечагина: «Болам, бўтам»лаб юргувчи қайнотаси! Ана кечагина: «Сабрнинг таги сариқ олтин, ажабмас, Худойим «ол, қулимо» десса-ю, Тоҳиржон чўп ушласа ҳам олтинга айланиб қолса», дея насиҳат қўлган қайнонаси! Дарвоқе,

бу гапни қайнонаси қачон айтган эди-я? Ҳа, эслади, бир коса ун сураб борганида Гўзал шу «насиҳат»ни эшитиб келган эди.

Аёл улар томонга шундай илтижо билан нигоҳ ташладики, қайнотанинг ўрнида тош, қайнонанинг ўрнида бир уом лой бўлганида аллақачон эриб кетарди. Ваҳоланки, улар тош ҳам, лой ҳам эмасди. Балки шунинг учундир келинларининг илтижосига жавобан... ерга қараб олишди!

— Нега ўша тунда кўчага чиқиб кетдингиз? — Судъянинг овози янгради.

— Уришиб қолгандик... Онамникига кетаман деб чиққандим.

— Онасимикига эртаси куни эрталаб борган, — дей луқма ташлади Тоҳир.

— Мен подъездда эдим ахир... — Гўзалнинг лаблари титрар, қўаларига жиққа ёш эди. — Кўча қоронғу экан, туни билан подъездда ўтириб чиқдим.

— Подъезд ёруғ эканми? — Бу киноянинг «згаси» Тоҳир эди. У аламли истеҳзо билан хотинига қараб турарди.

— Гуводингиз борми? — ўртага суқилди тепакал адвокат.

Гўзал адвокаттага хўмрайиб қараб қўйди-да, судъяга юзланди:

— Мен эрим билан судлашмоқчи эмасман. Агар у яшашни истамаса... Болаларимни қайтариб берсин.

— Болаларда ҳаққинг йўқ! — дей баҳирди Тоҳир.

— Сизнинг ҳаққингиз борми? Сизни-я?! Уч-тўрт кунлаб йўқолиб кетиб, яна болада ҳаққим бор деб ўйлајпизми?

— У ёғи билан ишинг бўлмасин, — дей тўнғиллади Тоҳир.

— Сиз уйга келмай қолган тунларингиз қаерда ётиб қолардингиз? Яхшиси, ҳозир, айни дақиқада, менга шуни тушунтириб беринг! — Гўзал эрига шундай важоҳат билан тикилдики, у беихтиёр нигодларини олиб қочди.

Можарога судъя аралаши:

— Олти ой муҳлат! Балки келишиб қоларсизлар. Ўргада фарзандларингиз бор. Энг аввало, уларнинг тақдирини ўйлаш керак!

— Болаларим билан кўришиб туришга рухсат беринг.

— Бу талабингиз қондирилади.

Гўзал қўрқкан, жуда қаттиқ қўрқкан эди. Суд шартта ажратали-қўяди деб. Ҳартугул олти ой муҳлат бергани яхши бўлди. Шу вақт ичида балки ярашиб қолишар. Ярашмаган тақдирда ҳам болаларини куриб туради-ку!

Ҳаётидаги кескин бурилиш юз бергани ва бунга қисман ўзи сабабчи бўлиб қолгани аёлнинг кўнглини зса-да, болалари би-

лан учрашишни ўйлаб юраги ҳаприқиб кетаётган эди. Ахир у болаларини жуда-жуда соғинган эди! Ўша куни у терлаб-пишиб бир талай шириң кулча пиширди. Кулчаларни совутиш учун патнисга ёйиб қўяётганда Шаҳло кенойиси ишдан келиб қолди.

— Намунча кўп пиширибсиз? — деди у ранги ўчиб. — Шунча унни зос қилиб...

— Болаларим яхши кўради...

— Жиянларингизга ҳам тўрт-бешта ташлаб кетинг. Бу бечораларга кулча пишириб берадиган одам йўқ. Кун бўйи итдек иштайман, ортмоқлааб уйга ташийман. Бу текингтомоқларнинг тўйидими йўқ.

Гўзал оғирликка олди, миқ этмади. Совуган кулчаларни олиб сумкага солаётганида аъзойи бадани иситма туттандек қалтираб кетди. «Ўл-а, бир оғиз сўзга шунчами?» — деб қўйди йўл-йўлакай.

Ярим соатлардан кейин йўлга отланди. Ўз уйига, шип-шийдон бўлса-да, қадрдонлиги энди билинаётган уйига қараб йўл олди. Атая кечни мўлжаллаб йўлга чиқди. Эри уйда бўлса биринки оғиз гаплашар...

Эшик зарб билан очилди.

Остонада... Остонада ўзга бир аёл турарди!

Гўзал оғиз жуфтлагунга қадар аёл чаққонлик қилди.

— Болаларингиз сизни кўришни исташмади. Отаси уларни паркка олиб кетди.

Осмон узилиб, нақ Гўзалининг устига тушди. Кўз олди қоронгулашиб, деворга суюниб қолди у. Бегона аёл уни очиқ-ошкора бошдан-оёқ кузатаркан, юпқа лабларини жийириб қўйди.

— Сиз... кимсиз? — Гўзалининг қуруқшаган лабларидан шу сўзлар учди.

— Тоҳирбекнинг хотини!

— Ахир менман-ку унинг хотини!.. — Гўзалининг кўзлари даҳшатли равишда чақчайиб кетди.

— Хотин деган уйда ўтиради. Ҳа, деганда кўчага қочиб чиқмайди.

— Юзимга солмаган сен қолувдинг...

— Тўрт йилдан бўён эр-хотинмиз. Никоҳ ўқитганмиз, иккита боламиз бор.

— Тўрт йил!..

— Ҳа, Тоҳирбек сизга айтишга қийналиб юрганди.

— Пайтдан фойдаланиб қопсилар-да. Тайёр уй-жой...

— Менинг ўз уйим бор. Менга фақат эр керак, — деди аёл зарда билан ва тарақлатиб эшикни ёпиб кўйди.

Гүзәл ҳайкал бүлиб қолди.

У нима қилишни, нима дейиши билмас, калласига тузукроқ фикр келмасди. Қалби бўй-бўш, ҳувиллаб қолганди. Беш дақиқа чамаси ўтгач, унинг йиғлагиси, дод солгиси келди. Ич-ичидан нимадир кутарилиб, бўғзига тиқилди. Лабларини қимтиб йиғла- масликка, бўғзини куйдираётган фарёдни қайтаришга уринса- да, улдасидан чиқа олмади: кўзларидан тирқираб ёш отилди!

六〇

«Бўлди, шунча ўйнатишгани етар, — деб ўйлади Гўзал кечаси ёлғиз ўзи ошхонада ўтиаркан. — Мен ҳам адвокат ёллайман. Улар шохида юрса, мен баргига юраман! Энди йиғламайман. Йиғламаслигим керак!»

Бир неча кундан кейин у суриштира-суриштира «Энг тажри-
бали юрист» деб таърифланган адвокатнинг ҳузурига кирди. Ўзи-
ни «Қаҳқоров» деб таништирган кишига бошидан ўтганларини
бирма-бир айтиб берди-да, охирида савол берди:

— Эримни күш хотинликда айблаб судга бермоқчийдим. Мабодо шундай қылсаң, эрим жавобгарликка тортиладими?

Қаздоров қисиқ күзларини аёлга тикиб, бир зум ўйланиб турди-да, сўнг деди:

— Анча мураккаб масала экан. Аввал бир нарсани аниқлаштириб олайлик. Сизга консультация керакми ё адвокат ёлламоқчимисиз?

— Адвокат ёлласам... канака бўларкин?

— Мен сизнинг «ишингиз» билан шуғулаништим учун хара-
жатини күттарсангиз бас.

— Қанча... бўлади? — Бир оз ҳадик билан сўради аёл.

Адвокат айтди.

— Ҳозирча маслаҳат бера қолинг. Қолганини уйга бориб ўйлаб кўрай...

гизнинг рўзгор юритиши умумий рўзгор асосидаги эр хотин бўлиб яшашда ифодаланмаган. Яъни, агар шахс бир ёки бир неча аёл билан эр хотин бўлиб яшаса ю, умумий рўзгор юритмаса кўп хотинлиқда жиноят таркиби мавжуд бўлмайди.

— Унда... менинг ҳақ-хуқуqlарим чи? Ахир мен норозиман. Мени ҳақорат қилгани эмасми бу?

— Маънавий томондан сизни ҳимоя қилишим мумкин. Лекин аввал келишишимиз керак, — Адвокат бит кўзларини лўқ қилди.

— Ҳм, шунақами?.. — Гўзал бир зум ўйланиб турди да, сўнг ўрнидан турди. — Менга бошқача тушунтиришганди.

Гўзал аросатда қолди. Адвокатни рози қилиш ҳамёнига оғирлик қилишини ўйлаб руҳан зэйлди. Дардини эшитадиган, уни қўллайдиган одам йўқ эди. Касалманд акаси ҳозир ҳам касалхонада ётибди. Ёлғиз онасининг қўлидан нима келарди?

Тун ярмидан оққанда ҳам Гўзал бедор эди. Сўнгги кунларда у уйқусизликдан қийналарди. Ҳеч кутилмаганда, ўзи тасаввур ҳам қилмаган йўсингда бошига тушган кулфат ғами аёлни зизб ташлаганди. Айниқса, фарзанд соғинчи унинг юрагини ёқиб, кулга айлантирганди. Болаларининг гапларини, қилиқларини эслар, кулгулари қулоқлари остида жаранглар, шундай лаҳзаларда ўзини қўйгани жой тополмай қоларди у. Дастлабки кунлар йиглаб-йиглаб, кўнглини бўшатарди. Энди бўлса кўзидан бир қатра ёш чиқмайди ю, юраги ўртангани ўртангган. Бу азоб аёлни ой, ийл сайин эмас, кун, соат сайин адойи тамом қилиб бораарди. Тирик жонзот борки уйқуга кетиб, бутун борлиқ сукунат қўйнига кирганидан кейин аёл нола қиларди: «Худойим, сенинг олдингда юзим оқ, кўнглим хотиржам. Бошимга тушган кулфатта ўзинг гувоҳсан! Илоҳим, эримнинг кўнглигига ўзинг пушаймон сол. У қилган ишидан шундай пушаймон бўлиб, афсуслансинки, бундан юраги (агар у бор бўлса!) пора-пора бўлиб кетсин. Илоҳим, виқдон азобига йўлиқсин ва бу азобга чидай олмай ўзини ўзи...» Тиловат шу ерга келганда аёл бирдан ҳушига келгандек кўзлари каттакатта очилиб кетди. Телефон жиринглаётган эди!

«Ярим кечаси?.. Тинчликмикин?» Гўзалнинг хаёлига болалари келди. Юраги шувиллаб кетди. Шоша-пиша гўшакни кўтарди.

— Алло.

— Гўзальмисиз? — Гўшақдан паст овоз эшитилди.

— Ҳа, нимайди? Тинчликми?

— Адвокатта борибсан деб эшигдим,— овоз, аёл овози энди сал дадилроқ чиқди. — Овора бўлма, бундан фойда чиқмайди. Икки дунё бир келганда ҳам болаларингни ололмайсан!

Шундагина Гўзал овоз эгасини таниди: бу ўша аёл эди!

— Ифлос! — Гўзал бирдан вужудини жунбушга келтирган жазавадан қалтирай бошлади.

Аёлнинг ҳиринглаб кулгани эшитилди.

Гўзал гўшакни отиб юборди.

Тонггача бир неча соат давомида у алаҳлаб, довдираб ётди: «Болам... Дилшоджон, бир келиб кетсанг-чи... Дилрабо... Дилрабо... Сен каттасан-ку, қандай тилинг борди шундай дейишга? Онангни кўргинг келмаяптими? Болам... Болажонларим...»

Ташқарида эса минг азоб билан тўлғониб тонг бўзариб келарди. Саҳар чоғи кўзи илиниб, сал ўзига келған Гўзал зарталаб эри ишга кетар маҳални мўлжаллаб йўлга чиқди. Тоҳирнинг қай вақт, қайси йўлдан ўтишини яхши биларди. Сезгиси алдамаса, яна ўн дақиқалардан кейин эри шу ердан ўтиши керак.

Гўзал йўл четидаги тарвақайлаган дараҳт остида эрини кута бошлади. Роппа-роса ўн дақиқадан кейин йўлда Тоҳирнинг қораси кўринди. Юраги дук-дук урганча Гўзал унга пешвоз чиқди. Тоҳирнинг юзи бир оқарди, бир қизарди.

— Сиздан иккита нарсани сўрамоқчиман. Кўрқманг, жаңжал қилмайман. Жавобингизни эшигман-у кетаман.

— Хўш?.. — Тоҳир сир бермасликка тиришиб, ўзини хотиржам тутишга ҳаракат қилди.

— Ўша кечаси уйдан чиқиб кетганим учун... мендан гумонсираптисизми? Ё бошқа сабаблар ҳам борми? Фаҳат ростини айтинг.— Аёл ҳаёт-мамоти ҳал бўлаётгандек диққат билан зрига тикилди.

— Катта кўчада гаплашиладиган гапми шу? — норозилик билан тўнгиллади Тоҳир.

— Сизни кўчада тутиб олмасам, бошқа жойда тутқич бермайсиз-да!

— Уф... — Тоҳирнинг ажинлари чуқурлапган юзи ғамгин тус олди. — Юр, нарироқ борайлик. Икки йил бурун бир гап эшигдим. Сен ҳақингда. Асабим бузилса-да, ишонгим келмасди. Кейин яна икки марта эшигдим шунаقا гапни. Охиргиси жуда аламли эди. Уйдан бегона эркакнинг чиқиб кетаёттанини кўрганлар ҳам бор экан. Бу гапларнинг бошламасини иккаламизнинг ҳам ҳаётимизни остин-устув бўлиб кетишига сабабчи бўлган кимсадан эшигга-

ним учун дастлаб ишонмай юрдим. Сени хафа қилиб қўйишдан чўчиб, бу ҳақда лом-мим демасдим. Бунинг устига... ўзим аллақачон сенга хиёнат қилиб бўлгандим. Ўша куни, уришмасимиздан бир кун олдин сени бегона эркак билан кўрганилиги тўғрисида икки киши гувоҳликка ўтди. Эсингда бўлса, уйга асабим бузилиб келгандим. Кейин сен ярим кечаси уйдан чиқиб кетдинг. Шу бор гап...

✓— Кўнғизга арпа баҳона бўлган экан-да. Энди иккинчи савол, анов хотин... («хотинингиз» дейишга тили бормади) билан қандай топишиб қолдингиз? Балки, ичингиизда устимдан кулаётгандирсиз, лекин барибир, жавоб беринг. Мен билишим керак.

— Қандай... танишганимни? — аламли кулимсиради Тоҳир.

— Йўқ, сиз билан ўтган ўн йиллик ҳаётим давомида қандай хатоликка йўл қўйганимни билмоқчиман.

— Сени хатоинг?..

— Сизни йўқоттаним хатоим эмасми?

Тоҳир безовталаңгандек ён-верига қараб қўйди.

— Маошдан ташқари пул топиш учун устачилик қилмоқчи бўлдим. Биласан, уйларни ремонт қилиш кўлимдан келади. Шерик топдим. Шеригим эса... шу Марҳабони топди. Уйини евроремонт қилиш керак эмиш. Сенга бу ҳақда айтмагандим. Бир қоп пул олиб бориб, сени бир хурсанд қилмоқчи эдим. Марҳабо налоговийда ишларди. Бизни яхши боқарди. Уйга кетишимизда совға-салом ҳам бериб юборарди. Шеригимни кига қараганда менинг сумкамни тўлатиб берарди. Бошда иш ҳақимизни ремонт тугагандан кейин оламиз деб келишгандик. Лекин келишувни мен биринчи бўлиб буздим. Чунки сен... чирқиллаб турардинг. Ундан иш ҳақимни сўрашга мажбур бўлдим. У ҳеч оғринимасдан берди. Ҳатто ўзини бегамликда айблаб, узр сўради. Шундан кейин у бирор баҳона билан менга пул ташлаб кета бошлади. Албатта, ремонт масаласида. Ҳисоблаб кўрсам, пул мўлжалдан кўп бўларди. На зри, на боласи бўлса, пул унга қадатми, деб... ҳайтимини чўнтакка уриб юравердим. Ишни бошлаган кунларимиз ҳовлиси каттагина бўлса-да, хароб эди. Орадан уч ой ўтгач, хоналар тамоман ўзгариб бораётганини кўриб... хурсанд бўлиб кетди. Ўша куни зиёфат берди. Даструрхонда одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса бор эди. Ичимлик тиззадан... Камбағални бир тўйгани бой бўлгани дегандай шеригим иккаламиз бўкиб қолгунча ебмиз-ичибмиз... Ўзимизча ишнинг бу ёғини секинлаптирамиз, тайёр уй-жой, текин овқат, об ётмаймизми, деб қўямиз.

Эртасига чошгоҳда турсам... у билан бир түшакда...

— Булди, бас қилинг, — деб юборди Гүзал. Негадир у яна титрай бошлаганди. — Уша хотин болаларимни хор қылмаслигига ишонасизми?

— Сен иккита саволга жавоб сўрагаядинг... — деди Тоҳир ва шарт бурилиб йўлига равона бўлди.

«Уни фақат йўқчилик йўлдан оздирishi мумкин, деганимда янглилмаган эканман, — деб ўйлади Гүзал эрининг оргидан унисиз қараб қоларкан. — Уни ҳеч ким менчалик билмайди, билолмайди. Яна бир оз юргандан кейин у тишлари орасидан «чирт» этказиб тупурди-да, чап қўли билан сочини тепага тараб қўяди».

Аёл эринимасдан эринни кузатиб турди. Дарҳақиқат, Тоҳир бешолти қадам юргандан кейин «чирт» этиб тупурди-да, чап қўли билан сочини тепага тараб қўйди.

Аёл маъюс кулимсиради.

Ҳақиқий азоб уйга келгандан кейин бошланди. «У шу қадар ифлос ва жирканчики, юзига тарсанки тортиб юбормаганимга ҳайронман. Ишонмаган эмиш... У қўрқоқ, латта! Мендан кечдими, туҳмат қилгани учун ундан ҳам воз кечиши керак эди. Унинг пулларини кўзи қиймади. Ҳа, ҳа, худди шундай, унинг пулларини кўзи қиймади! Мен ҳам бойвачча бўлганимда... муносабатимиз бошқача бўлармиди?...» Сўнгти ўй аёлнинг тарафтотилган асаб торларини узиб юборди...

* * *

Кечга яқин телефон жиринглади.

Онаси ўрнидан тургунча Гүзал чаққонлик қилди. Гўшакни олиб, қулогига тутаркан яна ўша мудҳиши титроқ вужудини қамрай бошлади.

— А-алло.

— Эримни тинч қўй, қанжик, шаллақи! Болаларим тинч яшасин дессанг, эримни ўз ҳолига қўй!

— Илтимос, болаларимга озор берманг. Улар жуда қўрқоқ...

— Унда ҳақдинг йўқ энди!

— Дишоднинг ангинаси бор. Совуқ нарса еб қўймасин. Илтимос. Иситмаси кўтарилиб кетса судурга тутиб қолади.

— Эримнинг кўяғли учун тутқаноқ болаларингни боқишига рози бўлдим. Жигимга тегсанг, иккаласини им йўқ қилворамав!

— О, йўқ, йў-ўқ... — Гўшак қўлидан тушиб кетган Гўзал дөврого суюниб қолди-ю, онаси ёрдамга етиб келгунча «шилиқ» этиб ёнига қулади.

— Гўзал, сенга нима бўлди? Гўзал... Ҳой, ким бор? Ёрдам беринглар! — Машҳура опоқи жон ҳолатда бақириб эшик томон югурди.

Сулайиб ётган Гўзал гайритабиний жазавадан қалтирас, тишлари такиллар, оғиздан кўпик сачрар, кўзлари даҳшатли равишда олайиб кетганди.

Ярим соатдан сўнг келган «Тез ёрдам» уни касалхонага олиб кетди. Тинчлантирувчи уколдан кейин уйқуга кетди. Аммо орачора у уйғониб кетгандай бўлар, ўзини қаерда, қай аҳволда ётганини эсламоқчи бўлар, ҳатто шалвираб ётган қўлинни узатиб тиззалири устида ярим кўтарилиб қолган кўйлагини тўғриламоқчи бўлар, аммо ўрнидан туриш эсига келмас, ёстиққа юзини буркарди-ю, пиш-пиш уйқуга кетарди.

Тонгта яқин у бутунлай хушига келгандек бўлди. Аммо ўрнидан туриш тугул ён-верига ҳам қараб қўймади. Шифтга тикилганча қимир этмай ётди. Аёл ўзини жуда кучсиз ва мадорсиз сезарди. Аллақандай узуқ-юлуқ фикрлар калласида гужон ўйнар, аммо қанчалик зўр бермасин, у лахтак фикрларнинг ҳеч бирини тутиб қололмасди...

— Шизофрения!

Аёлни кўриқидан ўтказган дўхтирининг қўйган ташхиси шу ном билан аталаарди.

— Шизик, — деда пичирлади дўхтирлардан ёшроғи.

Гўзапнииг қорачиқлари қотиб қолган, маъносиз кўзлари бирдан йилтираб кетди, юзидан қон қочди, лаблари титраб, пир-пир учча бошлиди. Шундагина у ўзини қаерда ётганини англади. Англади-ю, шу заҳоти иргиб ўрнидан турди.

— Мен жинни эмасман! — деб бақириб юборди у.

— Ҳеч ким сизни жинни дәётгана ийќ, — деда уни тинчлантиришга уринди кекса дўхтири. — Асабларингиз озгина чарчаган холос.

— Нега анави «шизию» деди, — Гўзал ҳалиги дўхтирга ўшшайиб қаради.

— Мен шунчаки хиргойи қилгандим, — деди ёш дўхтири ва шошилганча палатадан чиқиб кетди.

— Эътибор берманг, уни ўзи шизик, — деда луқма ташлади ён томондаги каравотда ётган аёл.

Гўзал ялт этиб ўша томонга қаради. Ёши қирқ бешларга борган, бошини рўмол билан танғиб олган аёл Гўзалга хайриҳоҳлик билан боқарди. Ундан наридаги каравотда эса соchlари силлиқ тараалган аёл аллақандай семиз китоб устига мук тушиб ўтиради.

— Комила, янги меҳмон билан танишмайсиларми, — деди кекса дўхтири эшик томон йўналаркан. — Меҳмонни қандай кутиб олиш керак?

— Мен бандман, — деди соchlари силлиқ аёл ўта жиддийлик билан. Ва яна китоб ўқишга тутинди.

— Меҳмон зерикиб қолмасин, Каромат, — дўхтири энди боши танғилган аёлга мурожаат қилди. — Тўполон қилмасдан «бурчак-бурчак» ўйинини ўйнанглар.

Кекса дўхтири яна алланималарни жаврай-жаврай ҳамширалар қуршовида... лўқиллаб юрганча палатадан чиқиб кетди.

— Псих, — Каромат кўрсаткич бармоғини чеккасида айлантириди. — Псих балнисада ишлайвериб, ўзијам псих бўлиб қолган.

— Бу ер псих балнисами? — ҳавотир билан сўради Гўзал.

— Ҳа, йўқ, бу ер асаб касалхонаси, — деди Каромат ўрнидан туриб ўтиракаркан. — Мана бу ёқда эркаклар касалхонаси бор. Ўша ер психбалниса. Бу дўхтири ўша ерда ҳам ишлайди.

— Ҳм...

Каромат яна нималарнидир гапирмоқчи эди, лекин Гўзал неғадир тескари қараб ётиб олди. Шериклари унга ёқмаган эди. «Нега мен бу ерда ётибман?» Аёл узоқ ўйланди. Ҳаслида узуқ-югуқ фикрлар чарх ура бошлади. «Ойим... Эрим... болаларим... Айтганча, болаларим қани? Кеннойим...» Бирдан Гўзалининг қулоқлари чинқириб юборди. У шоша-пиша кафтлари билан қулоқларини бекитди. Қулоқларидағи чинқириқ борган сайин кучайиб, аллақандай таҳдидли овозга айланди: «Эримни тинч кўй! Болаларим хор бўлмасин десант, эримни ўз ҳолига кўй!»

Файритабиний жаъавадан аёл вужуди ларзага тушди. У титраб-қалтираганча ифодалаб бўлмайдиган даҳшат ичидаги гужанак бўлиб ётиб қолди. Алаҳсирай бошлади: «Дилшод... Дилрабо... болажоним...»

...Тинчлантирувчи уколдан кейин аёл яна уйқуга кетди. Бир неча соат давомида у қотиб ухлади. Ўтган галгидек уйқусида ҳам бозовталаниб, алаҳсирамади.

Ўйғонгандан кейин маъносиз нигоҳларини шифтга қадаганча анча вақт бемадор ётди.

Каромат тепасига келиб сўради:

— Яна тутиб қолдими?

— Йўқ. Алаҳсирадим шекилли. Иситмам чиқса алаҳлайдиган одатим бор, — деди Гўзал шифтдан кўз узмаган ҳолда.

— Сен алаҳсирамадинг, жазаванг тутиб қолди. Анавиям шунаقا, — Каромат ҳамон китоб ўқиб ўтирган Комилага ишора қилди. — Китобини ўқийверади, ўқийверади-да кейин... тутқаноғи тутиб қолади.

— Мен алаҳсирадим шекилли, — дея пичирлади Гўзал. У ҳамон каҳаҳтдек, қимир этмай ётарди.

— Уям ўзига келгандан кейин шунаقا дейди. Қип-қизил жинни! Китоб ўқийвериб, қандайдир князъ Мишкин деган тентакни яхши кўриб қолга. Эрига ҳам худди шундай деган. Кейин зри...

— Князъ Мишкин жинни эмас! — Бирдан қичқириб юборди Комила. — У ошиқ, менинг ошиғим! У қандай ажойиб одам. «Игумен Панфугий рақам қилдим». Қандай ажо...

— Э, бўлди, яна бошламоқчимисан? Бўлди, бас қил. Сени зшиштаман деб ҳеч ким ўлиб тургани йўқ, жинни!

— Кимни жинни деяпсан?

Комиланинг кўзлари чақчайиб кетди. Юзидан қони қочди. Кўз очиб юмгунча у... гуп этиб каравотига қулади. Оғзидан кўпик сачраб, оёқ-қўлларини типирчилата бошлади...

Каромат зшик олдига бориб бақириб юборди.

Ҳамширалар югуриб қолишиди.

Анчадан кейин уйқудан тиниқиб уйғонган Комила ўрнидан тура солиб семиз, қора китобини қидира бошлади. Ҳамширалардан бири ёстигининг тагига тиқиб қўйган китобини топгунча у яна бир марта «стутқаноқ» бўлиб қолай деди.

— Китоб ўқийдиган хотин кимга ҳам керак... — деди у лаблари сингил тиграб. Кўзлари фиттиллади.

Бу — бир лаҳзалик ўзликка қайтиш эди.

Ярим соат ўтар-ўтмас у яна Каромат билан айтиша бошлади.

— Ҳаммани жинни дейсану, аслида ўзинг жиннисан, — дерди Комила қичқиргудек бўлиб. Негадир у баланд овозда гапиради. — Миям йўқ, иккита мандариним бор деганинг эсингдами?

Каромат бир неча сония бақа бўлиб қолди.

— Тўғри, шунаقا деганман, — деди у бироздан кейин ҳансираб. — Яшириб нима қиласман, келиним бошимни ёриб, миямни олиб ташлаган-да, ўрнига иккита мандарин солиб қўйган. Мани миям йўқ, иккита мандариним бор.

— Ана, ана, құлға түшдингми, — Комила чапак өзінің жоборди. — Мияңг бўлмагандан кейин китоб ҳам ўқий олмайсан да, жинни!

— Э, жинни билан айтшишиб ким барака топибди, — Каромат одеял билан бошини буркаб олди.

Шерикларини кузата-кузата зериккан Гўзал аста ўрнидан туриб, ташқарига йўналди. «Мен алаҳисирадим, шекилли, — деда ўйлади у йўл-йўлакай. — Ҳа, ҳа, алаҳисирадим. Улар бўлса жиннига чиқариб, биратўла жиннихонага жўнатиб юборишибди. Ноинсофлар. Бу кеннойимнинг иши бўлса керак, ҳойнаҳой!»

Ҳовлига чиққан аёл беихтиёр кўзларини юмиб олди. Нақ тепасида «туриб олиб» чараклаётган қуёш нурлари унинг кўзларини қамаштириб юборди. Қуёшнинг тиёдек ўткир ва иссиқ нурлари юзини куйдираётган, қорачиқларига игнадек санчиласётган бўлса-да, аёл кўзларини йириб-йириб очганча... Қуёшга тик қарди. «Кечак ҳам у шу ерда эди. Нима бало, мени кутиб турибдими?» Гўзал мийигида кулимсираб қўйди.

Дараҳтлар остига қўйилган ўриндиқлардан бирига келиб ўтирди. У атрофга зийрак нигоҳ ташларкан (ҳар қалай ўзи шундай деб ўйларди), ён-веридан ўтаётган рўдало беморларга раҳми келаётгандек тутди ўзини ва бу ердаги кишилар билан ўзи ўртасида катта фарқ бор, деб ўйларди. Ахир улар ростакамига жинни, — дерди у ичида ўзига ўзи. — Гапларини қаранг, анави жинни дворник билан супурги талашяпти. Бекор турсам, жинни бўлиб қоламан деб баҳиряпти. Жинни, ҳақиқий жинни. Мен ҳеч қачон бундай демаган бўлардим. — Кейин... бирдан маҳзун тортиб қоларкан, яна ўйлашда давом этди: — Ҳа, бу шунчалик зерикарлики, жинни бўлиб қолиш ҳеч гапмас».

Кунлар ўта бошлади.

Гўзал ҳар куни ҳовлига чиқар, оёқлари чарчаб, ҳолдан той-гунча айланаб юрар ва ҳар гал бир хил ваҳтда осмонга қарапкан, беихтиёр юзига табассум ёйиларди. «Қуёш ҳар доим менинг тепамда туради-я. У менини, ахир мен томонда турибди-ку!»

Кейин яна айланышда давом этарди.

ҲИЛОЛА

Уч күнлик ҳилолни күрганмисиз?

Нозиккина, рангпар, хира ёгду сочиб турувчи уч күнлик ҳилол...
Бир қарасангиз ёрқин, яна бир қарасангиз заррин нурлари борлиқ-
ни ёритишга кучи етмаёғандек беҳол... Унга тикилаётганингиз-
да кимдир ёдингизга тушмайдими? Йўқми?

Мен эса...

Мен эса ҳар доим ой янгиланганнада қорамтирип осмоннинг бир
четидаги ийманнубгина турган ҳилолни кўришим билан дугонам
Ҳилолани эсга оламан.

Ҳилола.

Ҳилол мисол нозик, рангпар, юпқа лаблари қонсиз... Қуюқ
киприкли шаҳло кўзлари гоҳ маъсум, гоҳ қайгули, баъзи-баъзи-
да, кайфияти аъло вақтларида шўхлик-муғомбирлик билан бо-
қади. Сочини ҳар доим силлиқ тараб, турмаклаб юради. Ва бу
унга жуда ярашарди. Китобларда тасвирланган ойимқизларга
ўхшаб кетарди.

Мен у билан институтнинг сиртқи бўлимига ўқишига кирга-
нимдан кейин қишлоғимиздаги ўрта мактабда ишлаб юрган
чоғларимда танишганман. Қизлар ўз тенгқуруни, синфдоши-
ни одатда дугонам дейишади. Менинг дугонам эса... Мендан
роппа-роса саккиз ёш катта эди. Ўша вақтларда Ҳилола йи-
гирма беш-ийгирма олти ёшларда эди. Ҳар доим унинг дарси
кўп бўларди. Икки сменалаб ишларди. Кун бўйи мактабда,
ғала-ғовур ичидаги юради. Менинг ҳам ишими шу — кун бўйи
мактабда юриш. Ўқитувчилардан тажриба ўрганиш учун улар-
нинг дарсларига киргим, қандай дарс ўтишларини кузатгим
келарди. Кўпчилик муаллимлар рухсат бермасди. Рози бўлган-
лари ҳам менга аллақандай хавотир билан менга қараб қўйи-
шарди. Ҳилоладан бир оғиз сўрашим билан дарров рози бўлар-
ди. Ўзиям дарсни зўр ўтарди. Директоримиз таъбири билан ай-
тганда «пок-покиза» ўтарди дарсни. Шунинг учун мактаб маъ-
мурияти ҳам ундан дарс соатини аямасди. Бу эса бальзи ўқитув-
чиларга ёқмасди. Юзига айтишмаса-да, ортидан ҳар хил
бўлмағур гапларни гапиришарди:

— Эри бўлмаса, бизга ўхшаб бола-чақаси бўлмаса, битта
маош битта ўзига етмайдими? Намунча беш панжасини оғзига

тиқмаса? — дейишарди улар йүлакдами, зшик олдида ми туреб олишганча күзларини ола-кула қилишиб.

— Битта маоп штимаса керак-да, ҳаворанғ күйлагини олти йилдан бүен кияди, — дерди яна бири ҳириңглаб.

Бу гап-сүзлар Ҳилола ҳақида айтилаётган бўлса-да, менга оғир ботарди. Ҳилола билан сирдош дугона бўлиб қолгандик-да.

Бир куни тушлик вақтида хонамда Ҳилола билан чой ичиб ўтиргандик. Эшик очилиб ичкарига физика ўқитувчиси Шомаҳмуд ака кириб келди. Ниманидир сўрамоқчи шекилли, икки кўзи менда.

— Ҳа, Шомаҳмуд ака, кечча «Заргарлик» кўчасида нима қилиб юргандингиз? — деди тўсатдан Ҳилола қувлиқ билан менга кўзи ни қисиб кўяркан.

— Қ-қачон? — Шомаҳмуд ака бундай саволни кутмаган шекилли, саросималаниб Ҳилолага қаради.

— К-кеча к-кечкурун, — деди Ҳилола ҳам дудукланиб.

— Э, бекорларни айтибсиз, кечча кечкурун мен уйда эдим.

— Бекорларни сиз айтибсиз. Кечча кечкурун «Заргарлик» кўчасида эдингиз. Ўзим, ўз кўзим билан кўрдим.

— Унақа деманг-е, янгангизни қулоғига етса нақ балога қоламан-а.

Шомаҳмуд ака нима учун келганини ҳам унугтиб, эшикка ўзини урди. Ҳилола шарақлаб кулиб юборди. Унга мен ҳам қўшилдим. Мактабимиздаги айрим эркак ўқитувчилар «Заргарлик» кўчасининг номини эшитишлари билан бир сесканиб кетишларни пайқаб юрадим. Лекин нима учун бундайлигини билмасдим. Шу боис кулиб бўлганимиздан кейин Ҳилоладан бунинг сабабини сўрадим.

— Ўша кўчада Ойсанам деган бева аёл яшайди. Иккита боласи бор. Хотинига кўнгли йўқ, хотини билан уришган эркакларни ўшаникидан топаверасан, — деди Ҳилола.

— Шомаҳмуд ака ҳам ўша ерга борадими?

— Шунақа деб эшитганиман.

— Бечора хотинига қийин экан. Раҳми келади одамнинг.

— Менинг эса ҳавасим келади, — деди Ҳилола дабдурустдан.

— Йўғ-е, нима учун? — деб юбордим беихтиёр.

— Шунчаки ўзим, — деди Ҳилола қуруққина қилиб. Унинг ҳозиргина кулиб турган чеҳраси тундлашиб, кўзларида аламли изтироб пайдо бўлди.

Сұхбатимиз ўз-ўзидан «совуган оп»га ўхшаб қолди. Ҳилоланинг кайфияти бузилган, ҳангомага иштиеси ҳам сүнган зди.

— Яна чой қайнатайми? — деб сүрадим вазиятдан чиқиши, Ҳилоланинг хаёлини чалғитиш учун.

— Йўқ, бўлди. Ноининг ўртасини менга бер. Ҳа, ҳа, ўша ерини...

— Ноининг ўртасини яхши кўрасизми?

Ҳилола ялт этиб менга қаради. Қайғули, муңг чўккан кўзла-ри кулмисирагандек бўлди.

— Жиннивой, эшитмаганмисан?

— Нимани? — деб сўрадим ростакамига ҳайрон бўлиб.

Ҳилола муҳим сирни ошкор қилаётгандек мен томонга энгашиб, паст овозда деди:

— Ноининг ўртасини еган қизларнинг куёви чиройли бўлармиш.

— Шунинг учун ҳар доим...

— Ҳа-да, — Ҳилоланинг юзига табассум югурди. — Сирни билиб олдинг, энди иккаламиз роса талашсак керак-а ноининг ўртасини?

— Йўғ-е, менга барибир. Қоп-қора бўлмаса бўлди.

— Вой, шумтака-еї, сенам балосан.

Мен Ҳилоланинг кўнгли ёришганидан, яна кула бошлаганидан хурсанд здим.

Учинчи чорак тугаб, янгиси бошланган кунлар. Бу ёғи баҳор эмасми, мактаб ҳовлисида ишлар кўпайган. Уч-тўртта ўқувчи-ни олиб, қиши бўйи йигилган макулатурани машинага орттираёт-ган здим, шу томонга бир-бир босиб келаётган Ҳилолага кўзим тушди.

— Хонангта борсам йўқ экансан, — деди у яқин келганда ҳор-ғинлик билан. Унинг қовоги солинган, кўзлари қизарган...

— Дарсингиз йўқми?

— Бугун дам олиш куним-у, — деди у ерга қараб.

— Мазангиз йўқми? Нима бўлди?

— Шунчаки ўзим, — деди Ҳилола, сўнг кулмоқчи бўлди. Бироқ... қизарган кўзларидан ёш сиза бошлади. Ҳилола базур ўзи-ни тутиб турганини, уйда қандайдир нохушлик юз берганини ҳис этдим. Макулатура йигаётган болаларга жавоб бериб юбо-риб, унинг ёнига келдим.

— Кечаки мен ишда вақтимда уйга совчилар келган экан, — деди Ҳилола аланглаб, ён-веримизда ҳеч ким йўқлигига ишонч

ҳосил қылгач, шивирлагудек бўлиб. — Ота-онам қайтариб юборишиби.

— Нега?

— Билмадим, — деди Ҳилола сликасини учириб. Ўпкаси тўлиб бораётганилиги овозидан сезилиб турарди. — Ҳар доим шунаقا қилишади.

— Яхши жойдан... яхши кишидан булмагани учун қайтариш гандир-да.

— Э, менга деса, балойи азим бўлмайдими? — деб бирдан бақириб юборди Ҳилола. — Менинг ёшимда эр таңлаб ўтириш нинг ўзи ғалати-ку.

— Ҳар қалай ота-онангиз сизга ёмонликни раво кўрмас.

— Шунаقا дейсан... Ҳамма шундай дейди. Лекин... Қандай ту шунтирасам экан... Менинг ўрнимда бўлганингда, билардинг. Агар ишонсанг, уйга боргим келмайди. Мактабда ишлагим, умуман қишлоқда бош кўтариб юргим келмайди. Уяламан. Одамлардан уяламан. Ҳамма қўлини бигиз қилиб мени кўрсатаётгандек. «Қариқиз, ҳеч ким уни олмайди», дейётгандек туюлади. Уйда бўлса... укала римнинг, келинларимнинг юзига қарай олмайман. Келинларим бо ласини эркаласа, эрлари билан ҳазиллашишса мен ерга кириб кетай дейман. Ичимда нимадир чирт-чирт узилади. Дам олиш кунлари ҳовлида бирор юмушнинг бошини тутишпим билан келинлардан бири югуриб келиб, қўлимдан ишни олади. «Сиз қўяверинг, ўзимиз қиласиз», дейишади одоб билан. Лекин бу сўзлар менинг қулогимга бошқача зилтилади: «Рўзгор бизники, сиз аралашманг». Кичик келинимизни мактабда ўзим ўқитганман. Келинликка ҳам мен тавсия қиласман. Ҳозир у болалик бўлди. Мен бўлсам...

Уларнинг олдида айби бор одамдек юзим шувит. Ҳали ҳам қиз бола, деган номдан қанчалик уялишимни билсанг эди. Мана шу, ўзимизнинг Шомаҳмуд муаллимни биласан-а? Суюқоёқ. Қайси аёл кўзига яхши кўринса, ўшанинг кетидан қолмайди. Унинг хотинига ҳамманинг раҳми келади. Алданиб яшаяпти деб. Менинг эса... Ҳатто ўша аёлга ҳам ҳавасим келади. Ҳар қалай яхшиими-ёмонми, бошида эри, бола-чақаси бор. Менчалик ўзини ёлғиз ҳис этмайди. Ўзига бек, ўзига хон. Топса сайди, топмаса йўқ. Мен бўлсам икки сменалаб ишлаб ҳам тузукроқ кийина олмайман. Уйдаги келинлардан истиҳола қиласман. Тоғанинга кийим олишдан бошқа нима ташвиши бор унинг, дейишларини истамайман. Маошимни тийин-тийинигача ҳисоблаб онамнинг

қўлига бераман. Катта рўзгорни қандай зплашни билмай боши қотган онам хурсанд бўлиб қолади. Менга шунинг ўзи кифоя...

Ҳилоланинг кўзларидан шашқатор ёш оқар, юзи докадек оқариб кетганди. Йиглаётганини Ҳилоланинг ўзи ҳам сезмасди чоги. У беҳушдек, бир нуқтага қадалган қорачиқлари қотиб қолган, вужуди ҳам тошга айлангандек қўлт этмасди...

Шу воқеадан кейин Ҳилола уч-турғ кун ҳуд-беҳуд бўлиб юрди. Ноннинг ўртасини талашиб ейиш учун хонамга ҳам кирмай кўйди. Ўқитувчилар хонасидами, зинапоядами дуч келиб қолсак, бош иргаб саломлашиб ўтиб кетарди. Анча кун ўтгач, дарди сал «эскирдими» яна аввалгидек бўлиб кетдик. Лекин борган сайнин унинг юзидан тароват қочиб, кўзларидағи умид учкуни сўниб борарди. Пешонаси-ю, кўзларининг тагида билинар-билинмас ажин пайдо бўлганди.

Кунлар шувиллаб ўтиб борарди.

Бир куни у ҳазил тариқасида менга шундай деди:

— Дўстим, нархинг баландлигига бирортасини ушлаб қолсанг-чи. Вақтинг ўтгандан кейин нархинг ҳам ўз-ўзидан тушиб кетади. Биласанми, йигитлар қизлар ҳақида нима дейишларини? Йўқми? Унда эшитиб ол: ўн саккиз-ўн тўққиз ёшлиларни «упаковка»даги, йигирма-йигирма бир ёшлиларни «прилавка»даги, ундан нарёгини «утилний» дейишаркан. Бизга ўхшаб «утилний» бўлиб қолмасингдан ҳаракатингни қил.

«Бизга ўхшаб» деганида Ҳилоланинг овози титраб кетди. Лаблари жилмайиб турибди-ю, нигоҳларида чеки-чегараси йўқ андуҳ акс этарди.

— Ҳали баҳтли бўлиб кетасиз, — деда олдим базур. Нимагадир менинг ҳам овозим титрар эди. Нафақат овозим, балки бутун вужудим қалтиради.

— Э, қўйсанг-чи, шунача гапларни. Уйдагилар охирги совчиларни қайтаришгандан кейин хотин қўйганлар ҳам сўрамай кўйди, — деди у умидсизлик билан қўлинин пешонасига тираганча, дераза томонга маъюс тикиларкан.

Шу топда Ҳилоланинг юзига қарашиб юрагим дов бермасди. Билмадим, айни чогда унинг юзи қанчалик ўзгариб кетган экан? Алланимани қидираётгандек бўлиб стол торгмасини титкилай бошладим.

— Учинчи сменада ҳам иш бўлганида ҳеч иккиланмай ишлаган бўлардим. Ўзимни...

Шу пайт күнгироқ чалиниб қолди-ю, Ҳилола шошиб ўрнидан турди.

— Бўпти, мен кетдим. Бошқа вақт гаплашармиз.

Эшик оҳиста ёпилганидан кейингина, бошимни кўттардим. Кўзларим жиққа ёшга тўлган, ич-ичимдан нимадир кўтарилиб келиб, бўғимга тиқилган эди. Худо ҳаққи, мўъжиза юз бераб, менга тушимдами, ўнгимдами Хизр йўлиқса... Мен ундан Ҳилолага баҳт сўрардим, дея орзу қилганча неча-неча кунларни, ойларни, ҳатто йилларни ўтказиб юбордим. Ҳар куни ишга Ҳилола ҳақида бирор янгилик зиштармикинман, деган пинҳона умид билан келаман. Афсуски, тун-кун ўйлаганим, ният қилганим билан менга Хизр йўлиқмади, Ҳилоланинг эса... баҳти очилмади. Мен ҳайрон эдим. Нега Ҳилоланинг ота-онаси келган совчиларни қайтаришади? Тан олиш қанчалик аламли бўлмасин, Ҳилоланинг ўзи айтганидек, унда танлаш имконияти йўқ-ку! Нега ота-онаси шуни инобатта олишмайди? Укалари-чи, уларни жин чалдими? Ҳилоланинг топганини майда чайнаб еб ётиш учун ҳам оёқ тираб туришибдимикин, деган шаккокона ўйларга ҳам борардим. Ёки... биз, бегоналар билмайдиган қандайдир муаммолари бормикин уларнинг?

Қай йўсинда ўйламайин, фикр қилмайин, барibir саволларим жавобсиз қоларди.

Вақт исмли оқсоқол қария ҳассасини дўқиллатганча ўтиб борарди.

Бу орада мен ҳам оиласи бўлдим. Икки марта туғруқ таътилига чиқиб, икки марта таътилдан қайтдим ҳамки, Ҳилоланинг боши бўш эди. Бироқ у жуда ўзгариб кетганди. Энди у илгаригидек пана-панада йиғлаб-сиқтамас, нола қилмас, ота-онасини ёзгирмас, аксинча, ўзини қувноқ кўрсатишга ҳаракат қилар, юзидан табассум аримас, тинмай, лаби-лабига тегмай гапирав, ҳам-суҳбатини оғиз очиргани кўймасди. Танаффус вақтларида аёл ўқитувчилар ўзаро эрлари ҳақида сирлашаётганларида у ҳеч ҳам тап тортмасдан гапга аралашар, бу қилифи бошқаларнинг ғашига тегаётганлигини парвойига ҳам келтирмасди.

— Бизгаям бирортасини топинглар-ей. Юраверамизми, итнинг кейинги оёғи бўлиб, — деб юборарди баъзан шартта.

Аввалига аёллар жуда икюлай аҳволда қолишли. Ҳатто унинг бу қилифини шармисизликка йўйганлар ҳам бўлди. Лескин кунда-кунора шу гап такрорланавергандан кейин улар ҳам кўни-киб кетишли. Ҳилоланинг сўзларини ҳазил маъносида тушуни-

шиб, ҳазилига яраша ҳазил билан қутилишарди. Бора-бора улар аввал-бощагидек, лабларини тишлиб, юзларини чимчиласни бас қилишди. Энди улар секингина бир-бирларини туртиб, им қоқишиар, Ҳилола сал нари кетгач, ғиshawани бошлашарди.

— Ёши ўтгандан кейин қиз боланинг ҳам юзи очилиб қоларкан. Уят бўлар, ҳам демайди-я. Ота-онаси қандай қилиб унинг насоғига чидағ үтиришибийкин-а?

Шу ва шунга ўхшаш гапларни баъзи бетгачопарлар Ҳилоланинг олдида ҳам гапириб юборишарди. Ҳилола атай уларнинг пичингларини эшитмасликка оларди. Унинг ўзини тутиши, ўзгариб кетгани мени танг қолдирарди. Вақт ўтгани сайин у ҳавойироқ бўлиб кетаётган эди. Тўрт-беш боланинг, эрнинг, рўзгорнинг ташвишини торта-торта қаримсиқ бўлиб қолган тенгқур дугонасини мазах қилаётганини ўз қулогим билан эшитганиман.

— Шошиб-пишиб эрга тегволиб, энди жаззангни тортаяпсанми? Эр қочиб кетармиди? Муштдай бошингдан бироннинг эшиги чўриликка бориб, нима каромат кўрдинг? Қариб, адойи-тамом бўпсан-ку. Соchlаринг ҳам оқариб кетибди. Нима бало, эрдан ёлчимаганмисан? Бизга ўхшаб мазза қилиб юрганинг роса алам қилса керак-а?

Чиндан-да соchlари оқариб кетгави ~~чи~~ндан-да юзларига ажин тушиб қаримсиқ бўлиб қолган дугона инсофли экан, Ҳилолага жавобан лом-мим демади. Ҳа, энди шу-да, дегандек синиққина жилтмайиб қўйди. У ҳақиқатан қаримсенд кўринарди. Ҳилоланинг гезарган, изтиробли юзидан фарқли ўлароқ, унинг қараашлари хотиржам ва сокин эди. Тақдиридан, ҳаётидан қониқиши юз-кўзларида аниқ-тиниқ акс этиб турарди. Мен бундай ифодани йиллар давомида Ҳилоланинг нигоҳларида кўрмаган эдим.

Ҳилола очиқ-ошкора виқор билан дугонасининг ёнидан ўтиб кетди. Ҳатто у билан хайрлашмади ҳам.

Ҳилолага нима бўлди?

Нега у ўзини бундай тутяпти?

Қачондан буён бу кўйга тушиб қолди?

Саволлар, ҳар хил ўй-фикрлар миямда гужон ўйнар, бир лаҳза бўлсин тинчлик бермасди. Сўнгги вақтларда ўзим билан ўзим овора бўлиб қолиб, Ҳилолага эътибор бермай қўйган эканман. Аввалгидек унинг ҳасратларини соатлаб эшитиб ўтиришда менда ҳам вақт йўқ эди. Биттао битта дардкаши мен эдим. Ёлғизлашиб қолган Ҳилола охири шу йўлга ўтган ... шу кўйга тушган...

Бир куни иккинчи сменадаги дарсімга шошиб кетаётіб йўлда Ҳилолага дуч келдім. Ү түшлик қилиш учун уйига келаётган экан. Бир пас у ёқ-бу ёқдан гаплашиб турдик. Гап орасыда Ҳилола дабдурустдан:

— Менга қара, анави киши бор-ку, құшниларинг Сафар ака, үшанинг хотини ўлибди деб эшитдім. Шу ростми? — деб сұраб қолди.

— Ҳа, бечора қорасон бўлган экан. Бирданига ўлиб қолди.

— Қариндошлари Сафар акага хотин қидиришаётгандір? — деб сұради Ҳилола синовчан тикилиб.

— Билмадім, — дедім ҳайрон бўлиб. Ҳилоланинг Сафар аканы суриштириб қолганинга ҳеч ҳам тушунмаётган здим. Ахир, у олтмишларга бориб қолган, келин-невара кўрган чол эди-да.

— Бир гап айтсан ҳеч кимга айтмайсанми? — Ҳилола менга яқин келиб, қулоғимга шивирлади: — Ўпа кишига хотин қидиришса мени...

— Йўғ-е, — дедім сесскаби. — Ахир у ...

— Майли, — деди Ҳилола бирдан маъюс тортиб. Сўнг эшитилар-эшитилмас пичирлади: — У ёғи билан ишинг бўлмасин.

«Дод» деб юборишимга сал қолди. Базўр ўзимни босдим. Ҳилола қўлимни сиқиб қўйди. Унинг кўзларида фильт-фильт ёш ҳалқаланган эди...

Сал кам бир ой Ҳилоладан қочиб юрдим. Негадир унга дуч келиб қолишдан чўчирдим. Мактабда, кўча-кўйда учрашиб қолсақ, шошиб турганилгымни баҳона қилиб жўнаб қолардим. Ӯша кунги галини кўнглимга оғир олганлигимни ўзи ҳам сезган шекилли, бу ҳақда қайта оғиз очмади. Лекин бўш вақтларида синфимга келар, «Бўпмисан?» дегандек эшикка суюниб, мунғайиб турарди. Нимагадир уни кўрсам ғашим келадиган бўлиб қолганди. Дардларини эшитишга тоқат қилолмайман деб ўйлардим. Шу боис бирор баҳона топиб, ўзимни олиб қочардим. Унинг гаплашгиси, нималарнидир айтгиси келаётгани юз-кўзидан шундоқ-қина сезилиб турарди. Рад жавобимни эшитгач, мулзам бўлган-дек қип-қизариб кетарди. Кетгиси келмаётгандек, бир неча сония ерга қараб турарди-да, сўнг сассиз юриб, хонадан чиқиб кетарди.

Илк кўклам кунларининг бирида қувончли хушхабар эшитдим. Эмишки, Ҳилолани сұраб келган қўйтошлиқ совчиларга... ота-онаси розилик берибди!

Бу ҳақда биринчى бўлиб суюнчи олган одам Ҳилоланинг ўзи эди.

— Дўстим, биз ҳам элга кўшилдик, — деди у оғзининг таноби қочиб. — Ҳадемай қўйтошлиқ бўламиш.

— Табриклиман, баҳтли бўлинг, — дедим чин кўнгилдан.

— Поччамиш ким бўладилар, деб бир оғиз ҳам сўрамайсан-а, номард! — Ҳилола билагимдан беозоргина чимчилаб қўйди. Шу чоғда уни бир кўрсангиз эди! Шаҳло кўзлари чақнар, рангпар ёноқлари лов-лов ёнар, ҳамиша изтироб билан қимтилган лабла-рида юракларни ўргатб юборгувчи табассум жилванарди. — Поч-чанг шўпир бўлган экан. Саккиз йил бурун ўн яшар болани босиб кеттани учун қамалиб кеттган экан. Амнистияга учраб, яҳинда қамоқдан озод бўлти. Чол бўлсаям майли, уй бўлиб кетсан бўлди деб юргандим. Ҳар қалай ўз тенгимни топдим. Уйланмаган, бўйдоқ экан. Худо оҳу зоримни эшитди... — Ҳилола кўзларини юмиб, бир лаҳза тин олди.

— Ўзини кўрдингизми, яна...

— Вой, нималар деяпсан? Бир ҳафтада икки марта гаплаш-дик. Ўзи қидириб келди. Уям ўзимга ўхшаган, очиққина экан. Гаплашмаган гапимиз қолмади. У менга Қўйтош ҳақида сўзлаб берди. Жуда маёвкабоп жой экан. Мен унга фақат сен ҳақингда гапирдим. Тўйдан кейин дугонангни маёвкага олиб чиқамиз деди у. Борасан-а? Болаларингни ҳам олволамиш.

— Албатта.

Кейин у менга куёвнинг қариндош-уруглари, онаси ҳақида гапириб берди. Уй-жойларини роса таърифлади. Ҳатто ҳовлисида тандир йўқлигини ҳам айтди. У қамоқдалигида онасига акаси билан янгаси қараб туришган экан. Энди биз билан яшайдилар, деди. Хўп, дедим. Ўзим чиройли тандир қуриб, сизга иссиқ-иссиқ нонлар ёпиб бераман дедим.

— Тандир қуришни биласизми ўзи?

— Вой, билмайди деб ўйлайсанми? Осон-у, бир паслик иш... Кўлбола тандир-да!..

Ҳилоланинг қувончи ичига сифмасди. Тўлиб-тошиб гапиришдан чарчамасди у. Мен ҳар доимгидек қайғу-ҳасрат билан эмас, кўнглимда ажиб бир енгиллик туйиб, унинг сўзларини тинглардим.

Мен ҳам баҳтиёр эдим.

Икки ҳафта ичида тўй бўлиб ўтди. Келин дугона бўлиб Қўйтошга ҳам бориб келдим. Куёв бўлмиш, яъни поччамиш (Ҳилоланинг таъбири!) тузук йигитга ўхшайди. Оғир-вазминлиги мен-

га ёқди. Бошқаларни билмади-у, тўйдан кейин елкамдан тоғ ағдарилгандек бўлди. Юрагимни мудом тошдек эзиб тургувчи оғир юқдан халос бўлгандим.

Бироқ...

Бироқ қувончим узоққа чўзилмади. Тўйдан кейинги саккизинчи ё тўғрисизинчи кун эди-ёв. Мактабга келсам... келганимда... эшик олдида мени шумхабар кутиб олди: Ҳилола оламдан ўтибди!

Бошимга гурзи тушгандек довдираб қолдим. Болаларнинг шовқин-сурони ҳам, ўқитувчиларнинг ғала-ғовури ҳам қулогимга кирмасди. Эшик олдидан ортимга қайтдим...

Яқиндагина Ҳилолани бир гала аёллар қуршовида ёр-ёр айтиб узатиб чиққан хонаёнга азалик кийимида кириб бордим. Осмон ўйилиб, шу ҳовлини босиб қолгандек... Қий-чув... Дод-фарёд... Йифи-сифи... Бошдан-оёқ қора лиbosга бурканган аёлларнинг кўкракларига муштлаб «Вой, болам» дея нола қилишлари юракларни ўргаб юборди. Бел боғлаган эркаклар томонидан келаётган «Вой, гулим» деган фарёд бутун борлиғингизни ер билан яксон этади. Бу ерда... бу ҳовлида йифлаган ҳам йифларди, йифламаган ҳам...

— Ўн кунгина кунинг бор экан, шунга шунча ториқдингми, болам,— дея айтиб йифларди Ҳилоланинг онаси. Үнинг юзлари тимдаланган, кўзларининг оқига довур қизариб кетган, қовоқлари ҳаддан ташқари шишиб, осилиб қолганди.— Ўн кунгина кунингта шунчалар тошдингми, болам...

Мен таъзияга келган аёллар қаторида ўтирадим. Ҳилоланинг қариндошлари зикр тушиб бўлишгач, нафас ростлаш учун устун ёнимдаги ёғоч ўриндиқларга чўкишди. Шунда мен уларнинг ёнлиги бориб, таъзия изҳор қилдим. Кўнгил учун уларнинг ёнлирида бир мuddат ўтирадим. Пайт пойлаб туриб ёнимдаги аёлдан:

— Нима бўлди ўзи?— деб сўрадим секингина.

— Нима бўларди,— деди аёл хирилдоқ овозда ва оғир хўрсаниб қўйди. Айтиб йифлайвериб унинг овози бўғилиб қолганди.— Касал эди, шўрлик. Суюқ қон эди. Ой кўрса кўп қон кетарди. Ўн тўрт ёшида дўхтирлар кўриқдан ўтказиб, «гемофилия» дейишган. Иложи борича турмушга бермасликка ҳаракат қилинглар, дейишган. Палакат-да, биринчи кечадан кейин ё туққанида қон тўхтамай қолиши мумкин, деб ота-онасига қаттиқ тайинлашган. Лекин бу ҳақда Ҳилолага айтишмаган. Билмасди, шўрлик... Қанчадан-қанча яхши, тагли-тугли жойлардан совчилар келишди. Ҳамма-

сини қайтгардик. Ич-ичидан күйса-да, нима десак, нима бақона қылсак күниб, ишониб юрганди, бечора. Аммо бу сафар ўзи оёқ тираб туриб олди. Мен холасиман... Уни шаштидан қайтариш учун уришиб ҳам кўрдим, алдаб-сулдадим ҳам, кўнмади-да. Нима қилаи... Бир умр эшикларингда чўри бўлиб ўтиб кетарканман-да, дейишгача борди. Охири айтдик, шунақа-шунақа, касалсан дедик. Майли, пешонамда борини кўраман деди. Ноилож рози бўлдик. Ўша куни... ҳаммаси яхши, деб бизга ўйнаб-кулиб жавоб бериб юборганди. Кейин билсак, ўшандан бери қон кетиб юрган экан. Бизга айтиш тугул, умуман сездирмаган. Сал ўнгайсиэланниб турганида ҳам боҳабар бўлармилик... Бунинг устига тандир кураман, деб, қирдан тупроқ ташиган. Кечга бориб ҳолдан тойиб ийқилган. Эри дуҳтирга олиб чопган. Етиб боришгунча анча қон йўқотиб қонсираб қолган, шўрлик. Дўхтиrlар дарров қон қуишиган. Лекин Ҳилоланинг организми бегона қонни қабул қилмаган...

Яна йиги, яна йўқлов, яна айтув авжига чиқди. Ҳилоланинг холасини ёнида катта рўмол ёпиниб, бир бурдагина бўлиб ўтирган аёлни танидим: Ҳилоланинг қайноаси. Аёл бошқаларга ўхшаб бақириб-чақирмаса-да, рўмолчасини юзига босганча айтиб-айтиб йигларди:

— Сен ўлганча мен ўлсам бўлмасмиди, болам. Тандир қуриб, ноңлар ёпиб юрсанг бўлмасмиди, болам...

Бу ерда ортиқ тура олмаслигимни, бу ёғига дош бера олмаслигимни ҳис этдим. Бири кириб, бири чиқаётган одамларга туртиниб-суриниб ҳовлидан чиқдим.

Шитоб билан катта йўлда кетарканман, кўзларимдан тирқираб ёш куйилар, бўғзимга тошдек нарса тиқилиб, кўнглим беҳузур бўларди. Бу ердан тезроқ узоқлашгим, ҳамма-ҳаммасини унуттим келарди. Ортимга ўтирилиб қарашга юрагим бетламайди. Назаримда, ортимдан бир туда бели боғлиқ эркаклар, аёллар дод-фарёд қилишганча қувлаб келаётгандек: «Вой, болам... Вой, гулим...»

Уч кунлик ҳилолни кўрганимисиз? Нозиккина, рангпар, хира ёғду сочиб тургувчи ҳилол... Унга тикилаётганингизда кимдир ёдинизга тушибайдими? Менонг эса...

ХОЛИҚ АМАКИ

Холиқ амаки...

Ёши эллик беш-эллик олтиларга борган; ўрта бўй, буғдой-ранг, қисиқ кўзларининг атрофини, торгина пешонасини сон-саноқсиз ажинлар қоплаган, ёшлигидан нос чекиб ўргангани боисми ё бошқа сабаби бормиди, тишлари аввалига сарғая бошланган, сўнг кўкимтири тус олган, яқиндан буён қорайиб кетган — кулганида жуда хунук кўринади, — эгнида ёқасию енглари идраб-сузилиб қолган чорхона кўйлак, ранги униқиб кетган носвойранг солдатча шим, оёғида пошнаси ейилган, тумшуғи йиртилганда тикилавериб «кўтири» бўлиб қолган этик... Сочлари қордай оқариб кетган бошида ҳамиша яп-янги дўппи бўларди.

Бирор сабаб бўлиб Холиқ амакини эслаганимда, у кўз олдимда ҳозир қандай таърифлаган бўлсам, шундайлигича пайдо бўлади. Балки унинг тузукроқ кийиниб, айтайлик байрамларда ёки тўйларда, қоматиниғоз тутиб юрган кунлари ҳам бўлгандир. Лекин мен буни кўрмаганман, гарчи биз битта кўчада яшасакда. Бироқ... Бироқ қишлоқ аҳли, тенг-тўшлари, ҳатто болалар ҳам уни писанд қиласлигини аниқ биламан. Негадир ҳамма, тил-забонли жонзот борки, унга ўзини юқори тутиб муомала қиласарди. Болалар ҳам унга салом беришга эринишарди.

Бир куни — ўша вақтларда мен институтда ўқирдим, — ўқишдан қайтаётуб, шаҳар билан қишлоқ ўргасида қатнайдиган автобуста чиқдим. Ориқашикнинг зиналожасида кўзлари жовдираф турган Холиқ амакини кўриб қолдим. Ҳайдовчи атай автобуст тирбанд бўлиб тўлишини кутиб, ашқасефса гумдон бўлганди. Кун иссиқ... Ўриндиқларнинг ҳаммаси банд. Одамлар бири олиб, бири кўйиб гап сотишар, кимдир писта чақиб, туфлар, яна кимдир буржитиб сигарет тутагар эди. Холиқ амакининг шундоқ ёнгинасидағи ориқа ўриндиқда тўрт-бешта йигитчилар ҳалидирғоч болаларидек тизилишиб ўтиришар, амакига жой беряш хаёлларига ҳам келмасди. Худди шундай бўлиши керақдай, кўзларини лўқ қўлиб, бегам ўтиришарди. Холиқ амаки умид дунёсида улар томонга бир-иккى қараф қўйни. Чап тарафдаги «ногиронлар» ўриндинигида ўтирган кўзойнақли йигит (афтидан у бизнинг қишлоқ йигитларига ўхшамасди) бирдан амакини кўриб қолгандек, шошиб ўрнидан турди-да:

— Келинг, бобо, ўтиринг, — деди. ✓

✓ Шунда... Шунда Холиқ амаки бир лаҳза иккиланса бошқа бирор (балки йигитнинг ўзи!) эгаллаб оладигандек, шошиб-пи-

шиб ҳалиги ўриндиққа ўтириб олди. Түрва халтасини тиззаси устига күяркан ихлос билан:

— Раҳмат, болам, раҳмат, — деди. — Барака топ.

Кейин ўриндиққа жетаниброк жойлашиб оларкан, өксис баҳти-әр кимсадек агрофга күз ташлади. Назаримда, йигитнинг жой берганидан ташқари, ҳурмат билан «бобо» дегани уни хурсанд қилиб юборғанди. «Раҳмат, болам, раҳмат», деганида саксон-тұқсанни уриб қўйған чоллардек салобат билан гапирғанди-да. Хурсанд бўлиб кетганида қисиқ, митти кўзлари ялтираб кетишини ўшандада кўрганман. Кейинчалик, ёшим сал улғайғач, меҳрға зор одамгина арзимаган илтифотдан ҳам ўзини йўқотиб қўйишини англаб етдим.

Пахта териш мавсуми янги бошланган ваҳимали кунлар эди. Биз учун ёзги таътил тугаб, ўқишлар бошланган. Қишлоқдан қатнаб ўқиганим боис, ҳар куни саҳарлаб автобус бекатига чиқаман. Ўша куни ҳам тонгти салқиндан этим жунжикиб, дилдираб турғандим, йўлнинг нариги томонидан елкасига қоп орқалаганча энгашиб, пилдираб келаётган Холиқ амакини кўриб қолдим. Қопида олма ё анор бор шекилли, бўртиб-бўргиб турарди. Мендан тўртбеш қадам нарида тўхтаб, қопини ерга қўйди. Салом бериб ултурмасимдан «Яхшимисан, қизим?» деб қўйди ҳорғинлик билан. Хижолат бўлдим, аммо фойдасиз... Биздан кейин яна иккита қиз келди. Тўртовлашиб йўлга термилими, қани энди бирорта улов кўрина қолса. Бошқа вақт бўлганида, бекатда одам тўлиб кетарди. Автобуслар ҳам зир қатнаб ётарди. Раиснинг буйруғига биноан, терим мавсуми тамом бўлгунча шаҳарга қатнаш таъқиқланган. Шунинг учун бекат ҳувиллаб қолғанди. Колхоз идораси биз турған бекатдан юз-юз эллик қадам нарида. Раис истаган вақтида кабинетидан чиқиб, топшириғига қулоқ осмай, шаҳарга отланган колкозчиларни бекатдан ҳайдаб юборарди. Бизга ўхшаган талабаларни қувмасди-ю, қўлинини пахса қилиб дўқ уради:

«Қачон сенлар ҳам пахтага қурийсанлар?!»

Фалокат оёқ остида деганларидек, ўша куни ҳам Нарзиқул раис идорасидан чиқиб қолса бўладими? Амакининг очиқ-ошкора типирчилашини кўринг: кўзлари олазарак, гоҳ идора томонга, гоҳ автобус йўлига қарайди. Бирорта улов кела қолса-ю, раиснинг кўзини шамғалат қилиб жўнаб кетса! Ҳаяжонланганидан қопини гоҳ кўтармоқчи бўлади, гоҳ ерга қўяди.

Нарзиқул раис ҳам анойилардан эмас. Йигирма икки йилдан буён идорада ўтириб, колхозни еб битиргашлардан. Ҳовлига чиқ-

қан заҳоти бекатга қараган шекилли, шитоб билан шу томонга кела бошлади.

— Ҳа, Холиқбой, йўл бўлсин? — деди у яқинлашганида киноя билан атай «бой» сўзига ургу бериб.

— Бозорга.

— Тунов куни мен нима деган здим сенларга?

— Болаларнинг патинкаси йиртилибди. Анорлар пишган экан, хотин...

— Ҳе, ўша хотинингният... Анор-панори билан бошига тушмадингми? Давлат сиёсатини тушунмайдиган қанақа ғалча хотин?

— Икки соатда қайтаман, раис бова. Болалар ялангоёқ...

— Кўтар қопингни! Ҳозироқ далага жўна!

— Илтимос...

— Э, яхшилик ёқмаган! — Нарзикул раис ёшига яршмаган чаққонлик билан қопни амакининг қўлидан юлқиб олдию куч билан асфальт йўлга улоқтириди. Қопнинг «бўғзи» яхши боғланмаган экан, гуп этиб ерга тушди-ю, ҳар бири кичикроқ косадек келадиган анорлар атрофга сочилиб кетди. Уччала қиз қўрқанимиздан бир ерга тўпланиб олганимиз. Икки кўзимиз Холиқ амакида...

— Мошина босиб, анорларнингни мажақлаб кетсин! Ҳозироқ далага жўна! Анорларнингни териб оладиган бўлсанг, мендан яхшилик кутма! Сенлар нега бу ерда турибсанлар? — Раис энди биз томонга қаради. — Ўқийдиган бўлсанг, бетонкага чиқиб, мошина кут. Йўқол!

Биз сескин ўрнимиздан жила бошладик. Холиқ амаки эса... Ранги қув ўчиб, лаблари гезариб кетган амакининг икки кўзи анорларида... Ёрилиб, эзилиб ётган анорлари мисол юрак-бағри қон бўлган шўрлик банда бир-бир босиб бекатдан узоқлашди.

Нарзикул раис муҳим топшириқни адо этгандек, қўлларини орқага қўлганча, бутини кериб, виқор билан қараб турарди. Отасини ўлдирган ёвга қасд қўлгандек кўзлари ғазаб ва нафрат билан боқарди. Сўнгти вақтларда унинг тажанг, гап кўтармас, қайсар бўлиб қолганини қишилоқ аҳли яхши биларди. Эҳтимол, раис эрта-индин нафақага кетишни ўйлаб шу кўйга тушгандир. Ҳар қалай йигирма икки йил раислик курсисида ўтирган, одамларни «гаҳ» деса қўлига қўндириган одам бирдан, тақдирнинг тақозоси билан ҳеч кимга айланиб қолса... Ваҳимага тушмай бўладими?

Аммо ўша күнгилсиз воқеадан кейин Нарзиүл раисни бир умрга ёмон күриб қолдим. Шундан сүңг Холиқ амакини бекатда турганини ё бозор-ұчар қилип юрганини күрмадим. Ҳар замонда зарурат юзасидан күчага чиқиб қолганимда, уни баркашдек кетменини елкасига қўйиб, гоҳ уйи томонга, гоҳ далага шошиб ўтиб кетаётганини күриб қолардим. Кейинчалик ўқиши-имтиҳонлар билан бўлиб, Холиқ амакини бир мунча фурсат унутдим. Бироқ, баъзи-баъзида гоҳ онамдан, гоҳ отамдан амаки ҳақида ул-бул хабарларни эшлигиб юрдим. Ота-онамнинг азбаройи Холиқ амакига хайрикоҳликларидан, унга қайсиидир маънода қайғураётганларидан эмас, жуда бефарқлик билан, шунчаки қишлоқдаги «янгилик» сифатида гапираётганликлари овоздаридан сезилиб турарди. Уларнинг бу қилиғи негадир менинг нафсониятимга тегарди. Хафа бўлиб кетардим.

Онамнинг айтишича, бир куни Холиқ амаки Нортўхта деган қўшниси билан сув талашиб қопти. Ўша куни амаки ҳам, кўшниси ҳам томорқасини сугораётган экан. Нортўхтанинг ҳай-ҳайлапшига қарамасдан, Холиқ амаки сувни ўзи томонга буриб олаверибди. Навбат уники экан-да. Жаҳли чиқиб кетган Нортўхта кетмөн дастаси билан амакининг нақ елкасига туширибди. Холиқ амаки «иҳ» дебди-ю ариқ ичига чўқкалаб қопти. «Қачондан буен тилинг чиқиб қолди?» деб бақирибди ҳалиги қўшни. Ваҳоланки, Холиқ амаки лом-мим демаган экан.

Орадан кўп ўтмай, отамдан ҳам амаки ҳақида ноxуш хабар эшлидим. Холиқ амакининг ўғли йўқ, саккизта қизи бор эди.

— Холиқнинг хотини қизларини олиб, онасиникита кетиб қопти, — деди отам ўшанда. — Сендан ўғил туғилмайди, деганимиш.

— Вой ўлай, — онам истехро билан лабини бурди. — Ҳалим ўғил туғищдан умидини узмабди-да.

— Балки бошқа сабаби бордир. Лекин зрига худди шундай деганини Сафарнинг хотини ўз қулоги билан эшлибиди.

— Худо олсин ўша хотинни! Кетиб гўрга борармиди? Саккизта қиз билан қаерга ҳам сиғарди?

Бу гап-сўзларни эшлиши оғир эди. Холиқ амакининг қунишибгина турган жуссаси кўз олдимга келиб, беихтиёр мижжаларимга ёш қалқиди.

Хотини кетиб қолгач, баъзи бирорвлар амакига маслаҳат беришибди: Кеттанидан фойдаланиб, ими-жимида бошқасига уйланиб олсанг бўларди. Зора ўғил кўрсанг...

Холиқ амаки маслаҳат бергувчиларга жавобан лом-мим демабди. Аммо ўша куниёқ шом тушгандан кейин қари қайноаси-никига борибди. «Юр, уйта кетдик», деган экан, хотини оеқтираб туриб олибди. «Мен сизга ўхшаган ландовур билан ортиқ яшамайман. Орамиз очиқ», дебди хотини йиғлаб. Холиқ амаки индамай ортига қайтибди. Орадан чамаси икки-уч соат ўтгач, хотини қызларини етаклаб уйга кириб келибди. Холиқ амаки: «Нега келдинг?» демабди. Аксинча, хотини салгина истиҳола билан ўпкалабди: «Тил-жағингизни совуқ уриб кетганими, нима бало? Ҳеч қурса, ёлғон бўлсаям, яхши гапларни гапириб, кўнглимни олганингизда, олдингизга тушиб келаверардим».

Орадан анча йиллар ўтиб, мана бугун Холиқ амакини эслар-канман, кўнглим бузилиб кетди. Шунинг баробарида, ёдимга тушса ҳали-ҳануз юрак-бағримни ззиб юборадиган ёқимсиз бир воқеа хаёлимда жонланди...

Ёз кунларининг бири эди. Кечки пайт, аниқроғи, гира-шира қоронгулик тушиб қолганди. Кўча томонда фўнғир-фўнғир овоз эшишилди. Азбаройи қизиққанимдан (одамзоднинг феъли шунақа), қилаётган ишмни ташлаб, кўча эшик олдига чиқдим. Қарасам, катта йўлнинг ўртасида, айнан бизнинг дарвозамизнинг рўпарасида Холиқ амаки турибди. Даладан қайтаяпти шекилли, елкасида кетмони... Икки ёнида иккита йигит турибди. Амаки йигитларнинг гоҳ унисига, гоҳ бунисига жовдираб тикилганча, нималарницир куйиб-пишиб тушунтиришга уринарди.

— Йўқ, сиз гапни бурманг, чалғитаман деманг, — дерди йиғитлардан бири дағал овозда — Бизни қаерда кўрдингиз?

— Кўрдим-да, сенларга айтишим шартми, — деди амаки босиқлик билан. Лекин овози негадир титраб чиқарди.

— Нега шарт эмас экан? Қизиқ экансиз-ку, — деди иккинчи йигит ва секин амакининг тирсагидан тутди. — Биз исбот талаб қилиб келдик. Бекордан бекорга бегуноҳ одамларни айбдор қилманг-да.

— Ўринни ўғри дейди-да. Нима...

Холиқ амакининг гали чала қолди. Ҳеч кутилмаганда, йигитлардан бири унинг юзига тарсаки туширди.

— Катта холангни ўғри деб айтласан!

Холиқ амаки гандираклаб кетди. Мен қўрққанимдан қичқириб юбордим. Қўни-қўшилар эшик-деразалардан мўрашаштагини кўрган йигитлар жуфтакни ростлашди. Амакини-ку қўяве-

ринг, ўша вақтда мен ҳам жуда ёмон аҳволга тушиб қолғандим. Ҳолатимни тасвирлаб беришім қийин, жудаям қийин. Ўғил бола бўлиб туғилмаганим роса алам қилган. Алам бўлсаям, нарёқ-береғи йўқ. Ўғил бола бўлганимда ўша йигитларни бир боплардим, дея армон қилғанларим ҳали-ҳануз ёдимда. Мен Холиқ амакининг ҳақиқигига ишонардим. Чунки анови йигитлар ҳақида турли миши-мишларни эшитиб юрадим. Кўп ўтмасдан уларнинг ўғрилик устида қўлга тушиб, қамалиб кетишлари бу фикримнинг исботи эди. Қолаверса, кейинчалик маълум бўлишича ўша йигитларни «ўғри» деб атаган кимса Нарзиқул раис экан. У Орол омборчининг наҳорги ошида атай ҳаммага эшитарли қилиб гапирган экан. Табиийки бу гапни пойгада ўтирган Холиқ амаки ҳам эшитган. Ва шунчаки янгилик сифатида бу хабарни у Сафар деган қўшнисига шипшиганди. Нарзиқул раиснинг бир уй одам эшитган гапи қумга тушган томчилик сингиб, йўқ бўлиб кетган-у, Холиқ амакининг қўшнисига хуфия айтган сўзи «болалаб» кетган...

Мен Холиқ амакини ким қаёққа етакласа кетаверадиган, хоккор одам деб билардим. Унинг ёруғ дунё ҳақида фикрлари қандай? Уни писанд қилмайдиган, керак бўлса (зўрлигини кўрсатиб қўйиш учун!) кетмондаста билан елкасига туширадиган одамлар, хусусан, Нарзиқул раис ва бошқа-бошқалар ҳақида нималарни ўйлади? Уларнинг паст назар билан йўғрилган муносабатини қандай қабул қилиши ҳақида очиги ҳеч вақо билмасдим.

Этиз қўзилардек бир-бирига ўхшаш кунлар шитоб билан ўтиб борарди. Институтни битириб, ишга жойлашдим. Қишлоқдаги икки қаватли мактабда ишлаётганимга тўрут йил бўлиб қолганди-ёв. Одатдагидек, амакини кўчада, ишга кетаётib ё ишдан қайтаётib кўриб қолардим. Сўнгти вақтларда у жуда қариб кетганди. Аввалдан салгина згик қадди янада эгилган, елкаси гудрайган, қорайиб кетган тишлари тўкилиб, оғзи «ўра»дек бўлиб қолганди. Назаримда, у йил сайин, ой сайин эмас, кун сайин, соат сайин смирилиб, кичрайиб бораётгандек зди. Юзидаги ҳар бир чизиқ «чарчадим» деяётгандек...

Янги ўқув йилида менга берилган синфда Холиқ амакининг «супрақоқди» қизи Салима ўқирди. Биринчи чорак охирлаганда негадир у мактабга келмай қўйди. Хавотирланиб, хабар олиш учун уларнинг уйига бордим. Шунда... ўшанда... даҳшатли воқеанинг устидан чиқдим.

Холиқ амаки ўлим тўшагида ётарди!

Хөвли тұла одам... Ҳаммасининг юзида аллақандай ташвиш, хавотир, нимадандыр норозилик алматалари зухур этганди. Вағур-вүгур қилишгәнча ниманидир мұжокама қилишар, ҳовлига ким келди, ким кетди, ҳеч кимнинг иши йүқ. Ит згасига боқмасди. Бир зум қаеқша юришимни, кимга учрапшимни билмай, ҳовли ўргасида қақдайыб туриб қолдым. Ҳозир... Ҳозир дод-фарәд башланса керак деб ўйладим. Кейин билсам, янглишган эканман. Холиқ амаки ҳали тирик экан. Бироқ... Бироқ... Осқ-құллари аллақачон музлаб, қотиб қолған, қорачиқлари тепага тортилиб, күзлари юмилған, аммо күкрак қафаси билинар-билинмас күтарилиб-түшиб, амакининг ҳали тирик эканини билдириб турарди. Үша ердагиларнинг айтишича, амаки тилдан қолмасдан бурун қызларини бирма-бир құчоқлаб, юм-юм йиглабди.

— Ажалым етиб, ўлыб қолсам куйиб-сниб юрманглар, — дебди ҳансирағ. — Олиб чиқиб кетишгунча, бир-иккі соат «отамлаб» турсаларинг бүлди. Отамиздан айрилиб қолдик, деб куйиб-сниб, бир дард орттириб олманглар. Фойдаси йүқ.. Мен-кубошимни олиб кетаман, ўзларингта қийин бүлади. Қайғурманглар, ўлмаса ўран сүқсін, денглар. Сен бешовингни уй қылолмаганим ёмон бүлди-да. Сыларнинг тақдирларинг у дунёда мени ипон-часын бўлиб чақиб ётади.

Шундан кейин бир оғиз ҳам гапирмабди. Хотини, қариндошлари рози-ризолик сұрашганида, лом-мим демабди. Күзларини чақчайтириб, бир-икки тикилибди-да, юзини тескари бурибди. Ҳеч ким билан рози-ризочилик сұрашишни истамабди.

Бири кириб, бири чиқаётгап одамларга туртиниб-суртиниб ичкарига кирганимда.. Холиқ амаки хона ўртасида нимдошина иккі қават күрпача устида худди ухластгандек, ҳамон юзини терс буриб ётарди! Үлган одамнинг юзида ҳеч қандай маъно, ифода қолмайды, ҳаммаси ўчиб кетади, деб эшигтгандым. Лекин айни дақиқада Холиқ амаки ҳақида бундай деб бўлмасди. Унинг соқоллари ўсиб кетгап юзида аянчли ифода қотиб қолганди. Кимданыр норозидек... Кимларданыр домангирдек...

Холиқ амакининг «шаккоклиги» боисини тушунгандек бўлдим. Шу вақтга довур у кимларданыр андиша қилиб, кимларданыр, таъбир жоиз бўлса, қўрқиб яшаган эди.

Сўнгти дақиқада зса.. ҳаммасига қўл силтаган, ҳаммасидан юз ўтирган эди.

— Икки кундан бүён аҳвол шу, — деди қариндошлардан бири сөкингина. — Үша бир парча жойдан жон сира чиқиб кетмаяпти-да.

— Мулла Дониёрни олиб келиш керак, — деди кимдир. Ялт этиб ўша томонга қарадим. Гап қоттган одам амакининг қўшиниси Нортўхта эди. — Нимадир қилиш керак-да. Ахир, икки кундан бери шу ердамиз. Ҳаммамиз ҳам ишли, ташвишли одаммиз. Қўшничилик, кетиб қолсак, уят бўлар деб...

Худди шу пайт Холиқ амакининг хотини оғзини рўмоли билан тўстанча, ув тортиб йиглаб юборди. Унга қизлари қўшилди. Улар амакининг бош томонида ўтиришарди.

— Бўлдими, узилдими? — деб сўради кимдир шошиб.

Аёл «Йўқ» дегандек бош чайқади. Яна йифи бошлади.

— Эҳ, — деди Нортўхта тиззасига муштлаб. — Ҳозир ўзим бориб муллани олиб келмасам, бугун ҳам...

Нортўхтага яна бир киши қўшилди.

Ярим соатдан кейин миқтигина мулла Дониёрни диконглатиб олиб келишди. Мулла сал нафасини ростлаб олга, ғарип ва бенаво бўлиб ётган амакининг ёнинг чўқди. Тириклигига салом беришга ярамаган одамлар ҳайрат билан «тирик мурда»га тикилишар, қизиқсиниб, янада яқинроқ бориб кўришга оширишарди.

Мулла Дониёр эҳтиётлик билан Холиқ амакининг кўкрагига кулоғини қўйиб, юраги уриш-урмаслигини эшилди. Кўрсатгич бармоғини унинг бурнига яқин келтириб, нафас олиш-олмаслигини текшириб кўрди-да:

— Бир нафаслик жони борга ўхшайди. Бола-чақаси шу ердами? Олиса илҳақ бўлиб кутаётган кишиси йўқми? — деб сўради.

— Ҳаммаси шу ерда, — деди қариндошлардан бири.

Мулла Дониёр «тирик мурда»га бир неча сония ачиниш билан тикилиб турди-да, сўнг бош чайқади:

— Бу дунёни ташлаб кетгиси келмаётги-ёв, шўрликнинг. Бошини тўғрилаб қўймабсилар, бўйни қотиб қопти, — деди у паст овозда ва терс ўгирилиб ётган амакининг бўйини секин-секин уқалай бошлади. Бир оздан сўнг ён-верида ихлос билан ўзига қараб турганларни ҳайратга солиш учунми ёки ёруғ дунёдан кўнгил узолмаётган амакини «совутиш» учунми сафсата сўқа бошлади:

— Бу дунёга ҳаммамиз ҳам меҳмонмиз, Холиқбой. Эртами-кечми, бир қуни кетамиз-борамиз. Ўлим буюк мўъжиза! Шу пайтгача ҳеч ким унга бас келолмаган. Келолмайдиям. Умуман олганда, узоқ яшапдан не фойда? Ейиш-ичиш, ўлиб-тирилиб ишлаш, фарзандлар тақдирини ўйлаб, куйиб-ёниш каби бир хил

ҳолатлар охир-оқибат одамни зериктиради. Дунёнинг қызлигини ёшлигингизда олиб бўлгансиз, Холиқбой. Ҳудонинг иродаси билан юз йилдан, ҳаттоқи, минг йилдан кейин тиришиб келган тақдирингизда ҳам аҳвол ўша-ўша. Қорин ғамида ейсиз-иначисиз, испайсиз, фарзанд орттирасиз... Бизни бу азобдан фақат ўлимгина қутқара олади. Ўзингизни бўш кўйинг, Холиқбой. Бўш кўйинг... Қаранг, тегрангизни етти фаришта ўраб турибди. Ўзингизни фаришталар иктиёрига топширинг. Сиз у дунёда шу фаришталар оғушида бўласиз...

Мулла гапиришдан тўхтаб, бир зум Холиқ амакининг юзига тикилиб қолди. Эътибор билан, синчиклаб тикилди. Во ажаб, ҳалигина Холиқ амакининг кўтарилиб-тушиб турган кўкраги бирдан тинчиди қолди. Мулла Дониёр шошилинч йўл-йўриқ кўрсатди.

Бир метр оқ сурпни тўрт киши тўрт томонидан ушлаб, Холиқ амакининг бош тарафида тутиб туришди. Мулла Дониёр кўзларини юмганча ихлос билан аллақандай дуони ўқий бошлади. Ҳонага пашша учса эшитилгудек жимлик чўқди. Амакининг қизлари турган томондан йигламсираган овоз эшитилганди, эркаклардан бирни уларни тапқарига чиқариб юборди. Мулла дуо ўқиш баробарида қўл ишораси қилган эди, ҳалиги кишилар сурпни тоҳ кўтариб, ғоҳида амакининг юзига теккүдек қилиб тушириб туришди.

Икки соатдан кейин мулла Дониёр дуоларни ўқиб бўлиб, имо қилган эди, ёрдамчилари сурпни секин-секинлик билан пастга тушира-тушира, сўнг амакининг юзига ёпиб қўйишиди.

— Бўлди, узилди, — деди мулла юзига фотиҳа тортиб. Ва ишонч ҳосил қилиш учун эҳтиёткорлик билан сурпнинг бир четини авайлаб кўтариб қаради. Қаради-ю бирдан юзи докадек оқариб кетди: ҳали ҳам ўша бир парча жой билинар-билинмас кўтарилиб-тушиб турарди!

— Менинг қўлимдан келгани шу. Энди дўхтирга олиб боринглар, — деди ранг-кути ўчган мулла овози титраб ва шитоб билан уйдан чиқиб кетди.

Эшик ортидан ичкарига мўралаб турган Холиқ амакининг хотини яна кўзига ёш олаётганини кўрган кампирлардан бирни уни четга олиб чиқиб, насиҳат қила бошлади:

— Йигламай тур! — деди кампир жеркигандек бўлиб. — Ҳали одамлар келганда кучингни кўрсатасан. Қизларингни ҳам бураб қўй, жони бордай бақириб, товуш чиқаришсин. Холиқ боёқиши беиззат бўлиб кетди, деб одамлар кулиб кетмасин. Тескари қўшиқ-

ни ҳаммаям айтавермайди. Ҳа, яна бир гап, Салимага тайинлаб қўй. Кечагидай ўзини ташлаб юбориб, шарманда бўлмасин. Одамлар кулади-я...

Холиқ амакининг хотини ҳиқиллаганча бош иргади.

— Духтирга олиб бориш керак, — деди эркаклардан бири аёлларнинг олдига келиб. — Тузукроқ кўрпачами, адёлми топиб беринг.

Холиқ амакининг хотини имо қилган эди, қизларидан бири шипиллаганча қўши хонага кириб кетди. Ўн дақиқа ўтар-ўтмас тўрт киши Холиқ амакини кўрпача билан бирга кўтаришганча, авайлаб машинага олиб чиқишиди. Эркаклардан икки киши, улардан бири Нортўхта эди, амаки билан касалхонага кетишиди. Кечагина, елкаси қисиб бўлса-да ўз сеғи билан юрган одам бугун кимларнингдир ёрдамига муҳтоҷ эканлиги, қўлма-қўл бўлаётганилиги менга бошқача таъсир қилди.

Холиқ амакини олиб кетишгандан кейин уй тўла одам бўлсада, ҳамма ёқ ҳувиллаб қолгандек туюлди менга.

Кўнглим ғаш, чироқ ёқса ёришмасди. Негадир, бу ерга келганимдан бўён вужудимни қамраган қўркув туйғуси борган сайин юрагимга ваҳима солар, ич-ичимдан титроқ туриб, ўзимни ёмон ҳис этардим. Бундай воқеага биринчи марта дуч келишим эди. Кетай дейман-у, кетолмайман. Қолай дейман-у, қололмайман. Нима бўлганда ҳам амакининг касалхонадан қайтишини кутиш керак дейман-у... Аросатда қолгандим. Холиқ амакининг қизлари ичидан Салимани қидира бошладим. Унга нимадир дегим, кўнглини кўтаргим келди. Опалари анча ўзларини тутиб олганлари туришларидан маълум: улар қовоқлари устигача тушириб олган рўмоллари остидан ўтган-кетганни кузатиб ўтиришарди. Шўрлик Салима ранги бўздек оқариб, деворга суюнганча қотиб ўтирас, кўзи пешонасига битиб қолгандек киприк қоқмас, ҳеч кимни, ҳеч нарсани кўрмайтгандек, ҳис этмаётгандек... Саккизта қиз ичидаги шугина сагир қолгандек...

Ўзимни чалғитиши ниятида, нима қилишларини билмай, тенгсалиб юрган қариндошларга разм солдим. Назаримда, ҳаммасининг юз-кўзида амакининг ғалати аҳволига қайғуриш ёки унинг етимчаларига ачиниш ҳиссидан кўра, ўз уйларига, ўз ишларига алғадалик аломатлари зуҳур этгандек.

— Сигирим бугун-эрта тугадиган эди, — деди бир маҳал ёнимда турган аёл пичирлаб. Унинг афт-ангори қайсицир жиҳатлари

билин амакига ўхшаб кетарди. — Болалар эплаб туғдира олишармикин?

— Хабар олиб келсангиз бўларкан, — дедим атай, ғашим келганини сездирмаслик учун беихтиёр нигоҳимни олиб қочдим.

— Йўғ-ей, уят булар-ов, — деди аёл аланг-жалаңг қилиб. — Бундай бўлишини ким ўйлабди, дейсиз? Ё бирровга бориб келсаммикин? Қорин ҳам очиб кетди.

Аёл менга жовдираб тикилди. Бора қолинг, десам югуриб кетадиган шашти бор. Атай индамадим. Гапларини эшиитмагандек тескари қарадим. Аёл жавоб кутиб, бир неча сония тикилиб турди-да, сўнг нари кетди.

Тушга яқин куча эшик олдига енгил машина келиб тўхтагани эшиитиди. Ҳамма гур этиб ўша томонга ошиқди.

— Кўмиб юбораверинглар, деди дўхтирлар. Баъзиларда шунақаси ҳам учраб тураркан, — деди Нортукта кескинлик билан ҳаммага бирма-бир қараб чиқаркан. — Ўлиб бўлган экан. Алла-қачон ўлган экан...

Шоша-пиша тайёргарлик кўрилди. Эркаклар бу ёқса келиш олдидан тугунларга туғиб келган чопон-белбоғларини олиб, кийипди ва бирин-кетин дарвоза олдига чиқа бошлишди. Хотинлар «ув» тортиб, овоз чиқаришди. Яқинлари Холиқ амакини жуда эҳтиёткорлик билан кўтаришиб (одам ўлганида шунчалик азизми?), уйга олиб киришди.

Қолган гапларни эртаси куни мактабда эшийтдим.

Тақдир тақозоси билан Нарзиқул раис қариб, ювғичлар сафига қўшилиб қолган экан. Сўнгги дақиқада ҳам Холиқ амакининг Нарзиқул раис билан дуч келганига нима дейсиз?! Нарзиқул раис амакидан анча ёш катта, бола-чақасидан тинган, невараларини уйлантириб, чевара ҳам кўрганди. Раислигига йигиб қўйғанларини майдалаб чайнаб, ҳузур-ҳаловатда яшаётган эди. Холиқ амаки эса унга нисбатан ёш, бунинг устига уй кўрмаган бешта қизи бўй чўзиб турарди. Менга бир нарса алам қилиб кетаётган эди. Агар азоилга жон керак бўлса, нега Нарзиқул раиснинг жонини олмади. Нега келиб-келиб бир бечорани танлади? Битта Холиқ амаки билан ялмогиз тўйиб қолмагандир?! Унинг битмаган ишлари кўп эди-ку ҳали? Умр бўйи қора меҳнатдан боши чиқмаган одам... Ҳузур-ҳаловат нелигини билмаган одам... Чумчуқса ҳам озор бермаган одам... Бизга ёшлигимиздан: «Яхши одам бўй», «Бирорвга озор берма» деб уқтиришган. Шу руҳда

тарбия ҳам қилишган. Яхши одамнинг тақдиди шу бўлса, бундай мўминликнинг кимга кераги бор? Қани бу ерда ҳақиқат? Яхши одам камситилса... Яхши одам хўрланса... Яхши одам... Яхши одам фақат у дунёда азизми?

Саволлар адоқсиз...

Афсуски, жавоб бергувчи йўқ эди.

Амакининг ўлимидан уч ой ўттар-ўтмас қишлоқда ивир-ши-вир гап пайдо бўлди. Эмишки, ўша куни Холиқ амакини касалхонага олиб боришганида дўхтирлар Нортўхта айтганидек «кўмиб юбораверинглар» демаган экан. Нортўхта бошлиқ қариндошлар ўзаро: «Бир кун олдин ўлди нимаю, бир кун кейин нима, барибир ўлади-ку» деган фикрга келишибди-да, ҳар хил баҳоналар билан дўхтирлардан кўмиш учун рухсатнома қоғозини олишган экан...

ТАФАККУР

I

Бу ерларнинг ёзи иззатталаб бўлади, кечикиброқ келади-ю, вақтлироқ кетишга шошилади, гўё кутгувчиларнинг бадига уриб кетмай дегандек; ёз гирд атрофини тепаликлар-у, ундан нариси пурвиқор тоғлар билан қуршалган дашт қишлоқни бир қур кўздан кечиради-да, баҳор пойига илашиб қолган яшил этакларини йиғиб олиб олисларга кетиб қолади. Куз келар-келмас олтиндек товланаётган бийдай далалар ёзниң ортидан унсиз қараб қолгандек туюлади.

Кеч кузакдан то баҳор оёқлагунга қадар ярмитгача захлаб ётган гувала уйларнинг деворлари селгишга-да базўр улгуради. Қишлоқдан бир неча чақирим нарида яна бир овул бор. Ундан наридаги қиялиқдан сўнг яна битгаси... Лекин уларни қишлоқ деб ҳам бўлмасди. Аҳолиси кўпи билан ўттиз-қирқ хўжалик чиқар.

Сиртдан қарагандасёқ зерикарли эканлиги кўриниб турган бу қишлоқдаги ҳаёт тарзи ўша қишлоқ деб атаб бўлмайдиган — қишлоқчалардан кўп ҳам фарқ қилмасди. Бунда ҳам томи шиферланган уйлардан кўра лойсувоқ томлар кўп учраганидан ташқари, уйларнинг бири тепароқда, яна бири пастлиқда, тағин биттаси қиялиқда жойлашувлари ҳам бир-бирларига ўшаб кетарди. Қишлоқ гирдида қад кўтарган тепаликлар бағрида бир вақтлар шарқираб оқсан булоқларнинг кўзи аллақачон бекилган, фақат биргина чалажон булоқдан нимдошгина сув сизиб чиқар, аммо қишлоққа етиб келар-келмас, чўпон-чўлиқларнинг бўғовига дуч келиб, ярим йўлда кўлмак ҳосил қилганди. Кўлмакки, ичида қурт-кумурсқа, чувалчангу қурбақалари бисёр. Подага қўшилган сигирларнинг тез-тез зулуклаб туриши ҳам шундан. Ҳар бир ҳовлида қудуқ бор эди. Қадимда битта қудуқнинг суби камида икки авлоднинг чанқоғини қондирган бўлса, эндиликда сув тортилиб, ер остига тушиб кетаётгандек қудуқлар тез-тез қуриб қоларди.

Дов-дарахт камчил эди, кўкламда унган гиёҳлар бир лаҳзалик, саратонга ҳам етиб бормасдан қуриб-қовжираб қолганидан, ҳовлилар тақир бўлиб ётарди. Экин-тикинларнинг баракаси учган, аммо лалми ерга экилган буғдой гуркираб ўсади.

Қишлоқ одамларининг тили қўяғчоқ ладжасида эди. «Соф жўқчи»-лар деб бир вақтлар шу ернинг одамларини айтишарди. Лекин ҳозир

«соф»ликка ҳам андак путур етган, етмисш яшар чолу кампирлар тилида «сапсым», «не түлкә» каби сүзлар тез-тез учраб турарди.

Фақат биргина истисно мавжудки, бу нарса ушбу қишлоқ-нинг нуфузини бошқаларга нисбатан анча юқорилаб қўйганди. Атрофида тўртта қишлоқни бирлаштирган хўжалик маркази шу ерга жойлашган эди. Марказ бўлгандан кейин хўжалик идораси, мактаб, кутубхона, қишлоқ кексаларининг унчалик тили келишмайдиган «амбулатория» ҳам шу ерда эди-да.

«Ойнаи жаҳон» деб аталмиш мўъжиза қишлоқда бундан ўн-үн беш йил муқаддам пайдо бўлганди.

Қаҳрамонимиз — қишлоқ тегирмончининг тўнгичи Тангриберди ҳудди ўша мўъжизани кўриб катта бўлганди.

Ёши олтмишлар атрофида, юзига кексалик нуқси урган бўлсада, туртиб чиққан мушакларидан куч-қувват ёғилиб турган чағиркўз, барваста тегирмончи биринчи марта дунёда еру осмон ва тегирмондан ташқари «дилбузар» деб аталмиш мўъжиза борлигидан боҳабар бўлишигага мана шу тўнгич ўғлиниң бехосдан йўқолиб қолгани сабаб бўлганди. Тегирмончи ўғлиниң йўқолиб қолгани эсига тушганида айни ушбу воқеадан кўра, воқеага таалуқли бошқа бир манзара ҳақида андак ғурур, кибру ҳаво билан гапиришни хуш кўради:

«Пешин бўлиб қолувди-ёв.

Хотин дод-вой қилиб олдимга келди. Тангир ҳеч қаерда йўқ, дейди. У томон қир, бу томон қир, қаерга кетайди, десам ҳам сира кўнмайди. Кўзини ёшини селдай оқизайди. Хотинди дийирмонга ташлаб, изғиб кетдим. Бу қисталоқ осмонга учдими, ерга кирдими, бирор кўрдим, демайди. Кирмаган эшигим биргина Эшбоевнинг ҳовлиси қолувди. Мендан нима кетди, ака-уқадай бўп кетган бўлсак, қисиниб ўтиридимми деб раиснинг эшигини тақиллатдим. Кириб нени кўрдинг дeng? Чоғроқ қутидай бир нарса. Симини тўкка суқса ичиди одами кўринайкан. Тағин дeng, бийрон-бийрон қилиб ўзимиздинг тилда гапиришади. Икки қўлим ёқамда!.. Синграйиб қопман... Эшбоев уйида экан. Манзиратли одам-да. Тўрга ўтинг, Довулбой, деди. Ўтмадим. Қисиндим. Хотини ола қараб тургандай кўринди. Уст-бошим ҳам ҳалигидай... туври дийирмондан чиқиб келяпман-да. Шунда Эшбоев бир гап айтувди, ҳеч эсимдан чиқмайди: «Паланчи ака, дунёнинг янгиликлари биздинг қишлоғимизга ҳам кириб келяшти. Худо хоҳласа, яқин беш-олти йил ичиди хўжалигимдаги одамларнинг

ҳаммасида мана шундақа дилбузар бўлади. Унгача бола-чақангиз минан ҳар замонда бўлсаем келиб дилбузар кўриб кета беринг. Бу матаҳ ейлиб қолармиди!»

Кўнглим бир гупирди, бир гупирди...

Эшбоевдай одам дунёга бир келади-да, лекин айтдим, кўнглимда борини айтдим. Тоза ўлиб турганакан демасин, дедим-да. Кўйинг, раис бова, хўжаликда одам кўп бўлса, уларди ҳар бирига дилбузар оббериб, нима... Кўйинг, бизга шу яхши гапингиз ҳам етади. Биз дилбузарсиз ҳам яхши яшаемиз. Бир раислар бор, савлатидан от ҳуркади. Лекин халқини мирламайди. Бу гапни олдингизда эмас, орқангизда ҳам айтамиз, не тўлка мен, бутун халқ сиздан рози. Мингдан минг рози, дедим.

Эшбоев онграйиб қолди. Бир қизиқ қилиб қараб қўйди. Гапларим мойдай ёқди, лекин кўпни кўрган-да, билдиргиси келмади. Мендан нима кетди, дедим-да, мақтайбердим. Дийирмонда, ун ичидаги ўтириб унга зорман-ку, аслида. Ке, қўй, дедим-да. Эшбоев гапларимга чиппа-чин ишонди. Сизга ўхшаган халқнинг ичидан чиққан одамларнинг гап-сўзларидан биламиш-да халқнинг аҳволини, деди димоғи чоғ бўлиб. Ҳа, деб қўйдим-да қўлтиғига сув пуркайбердим, пуркайбердим. Аслида бошқа бир гапди айтсан ҳам бўлайди. Қишлоққа иккита, тоза бўлмаса, битта артезан қудуқ керак, демоқчиидим. Тунов куни десангиз, муздай сув ичгим келиб, қудуққа пақир ташлаб, шундай тортиб олсам, нени кўрдинг денг? Ярим пақир сув... ичи тўла қурбақа! Катталари нақ пиёладай келайди. Майда-чуйдалари ҳам боракан, нуқул Эшбоевнинг «вилис»ига ўхшайди. Ҳай, тилим қичиди, лекин айтмадим. Турсунбой малим гапга уста, шу айтсан, дедим. Уни қудуғидан зулук чиққан экан, кўмиб ташлабди. Турсунбой айтсан, дедим. Бу гап мендан чиқса, Эшбоев ўпка-гина қилиши турган гап. Оғайни бўлмасак ҳам, оғайнидай бўп кетганмиз, ахир! Кейин давленаси борлиги эсимга тушниб қолди. Диққати ошиб, ўлиб-нетиб қолса, не бўлади? Раҳбар одам, териси юпқа... Тўргбеш кун қурбақадан қолган сувдан исчак-ичиббиз-да, дедим...»

Кимдир бирор: «Улингизди товдингизми, ишқилиб?» дебя луқма ташлагандан кейингина тегирмончи раисникида дилбузар кўриб ўтирганакан. Шу боламиш раисникида дилбузар кўриб катта бўлди ҳисоб. Шунинг учун анча истил бўлиб қолган. Шохмот деган балони дилбузарда кўриб, дувона бўлган-да!..»

* * *

Дарҳақиқат, тегирмончининг түнгичи шахмат ишқибози эди. Ундан қизиқиши оддий ишқибозлик деб бўлмасди. Бу қандайдир бошқача туйғу эди.

Эшбоевнинг қозидан заҳар томиб турадиган хотини очиқ тўрсайса-да (баъзида уришиб ҳайдаб юборарди), болаларча сурбетлик билан куннинг истаган вақтида ҳам яланг оёқ кирпб бориб, ранснинг болалари қаторида (гоҳида улар туриб кетишарди) қимир этмай ўтирганча соатлаб телевизор кўрадиган болакай бир кун келиб кўрсатилаётган киною томошалар ичиде «Шахмат мактаби» деган қисқагина кўрсатув ўзига маъқул келганини фаҳмлаб қолганидан кейин тупроқ кўчани чангитиб уйига югуаркан, эндиғина тегирмондан қайтган, уст-бошидан тортиб, қошу кипригигача оппоқ гард қўнган отасининг белбогига осилиб: «Менгаям шохмот ясад беринг», дега жонжал қўлган кундан бошлиб унинг ишқибозлиги аён бўлган эса-да, бунга на ота, на она зътибор берди.

Отасидан: «Пишт-е, сендан бошқа дарди-касалим йўқми!» деган силловни эшитган бола мактабга, арифметика муаллимининг ҳузурига борган ва ҳаяжондан бир оз довдираган кўйи: «Менга шахмат ясад беринг!..» дей илтимос қўлган.

Муаллимнинг ўша вақтда иши тифизмиди ёки қунт қилмадими, бирдан болакайнинг ҳафсаласини пир қилиб, рад жавоби берган бўлса-да, кейин кўнгли бўшлик қилиб умидбахш ваъдаларни берив юборган, айтганки, «яқин-ўртада шаҳарга борсам сенга давлат ишлаб чиқарган шахмат таҳтасидан опкеб бераман. уни палканга солиб юрсанг ҳам, чўнтағингда олиб юрсанг ҳам бўлади!..»

Хурсанд бўлиб кетган бола нақ уч ой арифметика муаллимининг оғзини пойлади, дарсга кирганиларида қўлларига умидвор тикилди.

Шовқи муаллим ўша ваъдасидан кейин бир эмас, бир неча марта шаҳарга тушган бўлса ҳам кичкина шогирдининг илтимосини унугланган эди. Бунга унинг паришонхотирлиги-ю ўз ташвишларининг мўллигими ёки ўша ваъда қилинган матоҳнинг нархи осмонда эканлиги сабаб бўлганимиди, бу ёғи қоронғу. Тағин... ким билади дейсиз?..

Умидлари пучга чиқса-да, ишқибозлиги сўнмаган бола бир куни Эшбоевнинг ҳовлисида тўнтарилиб ётган қоғоз қутилардан бирини олиб муаллимнинг уйига борган:

«Муаллим, мана шу картонга шахмат катақларини чизиб беринг!..»

Мулзам бўлганидан андак қизаринқираган Шовқи муаллим ўша куниёқ картон қутининг бир бўлагига шахмат катақларини чизиб, оқ ва қора рангларга бўяб берганди. Кейин касбига хос фидойилиги тутиб, болага шашка йўнашни ўргатмоқчи бўлади. Лекин бола кўнмайди. Фақат шахматни ўрганаман, деб туриб олади.

Қалбида ҳавасу қизиқиш кучли бўлган бола муаллим ёрдамида олтмиш тўрттадан иборат оқ-қора катақлар нима, шахмат доналарининг номланиши, уларнинг жойлашувию ҳаракат йўналишларини... жуда зийраклик билан, тезда ўрганиб олади.

У жуда секин, лекин ўжарлик билан йўнаб муаллимни доғда қолдирарди. Айниҳса, унинг шахмат доналарини сөхрлаб олмоқчидек уларга қатъият билан унсиз тикилиши, сабр-тоқат билан соатлаб жим ўтириши Шовқи муаллимни ҳайратга соларди. Ахир, унинг ёшидаги болаларга бундай узоқ сукут сақлаш умуман ёт нарса-ку!

Буюрилган ишни чала-чулпа бажара сола картонини қўлтиғига қисиб, шахмат доналари ҳисобланмиш — оқ ва қорага бўялган турли шаклдаги тошлару ошиқлар солинган халтасини турамлаганча муаллимникига юргурган болакай отасидан тез-тез калтак еб туради. Бироқ қизариб кетган юзидағи тарсаки тафти совимасдан туриб, у бирор пана-пастқамга ўтиб олиб яна картон-тахта устига мук тушарди.

Олтинчи синфда ўқиб юрган кезлари у ўқувчилараро шахмат мусобақасида қатнашиб, кетма-кет ғолибликни қўлга киритди.

Биринчи йирик мусобақага у тўқизинчи синфда ўқиб юрганида қатнашиши лозим эди. Аммо Довул тегирмончи розилик бермади. Бу вақтга келиб Тангриберди кўлидан иш келадиган дастёр бўлиб қолгани учун отаси уни ёнидан жилдиргиси келмади.

— Шоҳмот сенга ош-нон бераймиди?! — деб бақираварди у жазаваси қўзиганидан шахмат тахтаси-ю доналарини дуч келган томонга улоқтириб юбораркан. — Қаёқдаги бекорчиларнинг ўйининг ишқи тушгани-чи! Артисликка қизиққанингдаям майлийди. Бир тўйга борсанг дунёning пулинни топасан-ку, зангар! Савлатинг ҳам артисларга мос...

Ёшига нисбатан бўйи бир оз новча, бунинг устига жудаям ориқ-озғин бўлган Тангриберди дала ишлари тугул уй юмуш-

ларига ҳам уқувсиз эди. Үнга бирор ишни ишониб топшира ол-маслигидан отасининг хуноби ошарди.

— Ким айтади, сени Довул дийирмончининг ули деб. Кундан-кунга ийна еган итдай бўп боряпсан-ов. Сени шохмост жонингни олиб боряпти. Ҳадемай, сочинг тўкилиб кал бўп қоласан, бола!

Бундай хавфли дақиқаларда Тангриберди ерга қараганча мумтишлаб ўтирас, ич-ичидан эзилса-да, отасига қарши бир сўз демасди. Буни безбетлик деб тушунган ота атай үнга алам қиласидаган сўзларни қалаштириб ташларди.

— Сен, бола, барибир, гўр ҳам бўлмайсан-ов. Мени давримда-ку гариллаб юрарсан. Битта жувдирчоч билан қолганингдан кейин... ҳай билмадим. Лекин!.. — мана шу кетидан ундов қўйилган сўзни ота алоҳида таъкид билан айтарди. — Лекин Эркабой!.. Худо ҳоҳласа, новвосдай жигит бўлади!

Кўз ёшлиари юзини юваётган ўсмир овоз чиқармасдан йиғларди... Катта-катта, серкиприк қўй кўзларини бир нуқтага қадаб тек қотганча... юм-юм йиғларди.

— Отангга тик қарама! — деб дўқ уради жаҳли чиқиб кеттан ота,

✓ Тангриберди қаттиқ сесканиб кетиб нигоҳларини «нуқта»дан узиб, ерга қарар, кўз ёшлиари тийилиб, вазмин тортиб қоларди. Унинг жисмида ақлига нисбатан нуқсон (озғинлиги, нимжонлиги) сезилса-да, қайсиdir авлодидан ўтган фавқулодда иқтидори, куч-кувати ана шу сукутида мужассамлапгандек эди. ✓

* * *

Шундай қилиб, Довул тегирмончи ўғлига мусобақада қатниши учун ружсат бермади. «Дам олиш куни Кўзибойнинг маккасини тортиб беришимиз керак», деб туриб олди. Тангрибердини мактабга ҳам юбормай қўйди.

Мусобақа бошланишига бир кун қолганда...

Тепалиқдаги тегирмоннинг эшиги олдига курсича қўйиб ўтирган Довул тегирмончи пастликдан бир-бир босиб юқорилаб келаетган Шовқи муаллимни кўриб энсаси қотди. «Оббо, ана, даллолчиликка ҳам келяпти! — деди у ўзига ўзи. — Энди бир соат бошни қотиради».

Довул тегирмончи ўзини иши тифиз одамдек кўрсатиш учун ичкарига қараб бақирди:

— Тангир! Сийпаланмай бўл тезроқ! Бир тонна маккани қачон тортиб бўламиш?!

Муаллим гўё унинг овозини эшигмагандай, иши тигизлигини сезмагандай хотиржам тутди ўзини. Худди айланаб юриб келиб қолгандай у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтириди. Нарх-наво, экин-тикин, об-ҳаво, ҳатто ўриклар довуча бўлган пайт бирдан бўрондек бостириб келиб, дараҳтларни қарсиллатиб синдириб, довуччаларни тўкиб кетадиган шамол ҳақида ҳам сўзлашиб ўтириди.

Довул тегирмончининг хаёли чалғигандек бўлди.

Бир маҳал зътибор берса... муаллим шахмат ҳақида оғиз кўпиртиряпти!

Тегирмончи қопшу қовоғини уйиб, тиконларини отмоқчи бўлган жайдарек ҳурпайиб олди.

Муаллим ўзи эшигтан буюк шахматчилар ҳақида билганларига озгина қўшиб-чатиб, кўпиртириб гапиаркан, усталик билан гап жиловини Тангриберди томон буриб юборди. Айтдики, ажабмас, бир кун келиб мана шу жиккаккина бола сабаб бўлиб, мана шу тоғлар орасидаги дўппидек қишлоқнинг номи бутун дунёга тараалса, балки кейинчалик...

Шу ерга келганда тегирмончи чидаб туролмади.

— Сен мени бошимди айлантирма, — дея муаллимнинг гапини чўрт кесди у. — Қишлоқди дунё таниди нима, танимади нима? Бирор келиб қурбақа босган қудугимга тоза сув қуйиб бераймиди? Ё улимни мусобақага юборганим учун давлат менга бир сўм бераймиди? Шоҳмотнинг кетидан ким бойиб кетди ўзи, а, ким?.. Қани, айт, ким бойиди? Бизди анди деб ўйлаётган бўлсанг адашасан!

Арифметика муаллим оғрингандек бўлди.

Ўриидан қўзғолиб, кетишга чоғланаркан сўнгги чорани кўллашга қарор қилди.

— Мабодо Тангир мусобақада ғолиб бўлиб, ҳаммадан зўр чиқса... пул берилиши ҳам мумкин!

Довул тегирмончи гангиб қолди. Янглиш эшигмадимми, дегандек муаллимга синончан назар ташлади. Сўнг гир айланаси ёғ сурилгандек ялтираб кетган дўпписини қўлига олиб, чангини қоқиши асносида ўзича алланарсаларни ўйлади: «Дарров хўп десам ўлиб турган экан дейди. Яна бир оз оёқ тирасам, балки кўпроқ нарсабилиб оларман!»

Шовқи муаллим ҳам шу қишлоқнинг одами эмасми, тегирмончининг ҳийласини аллақачон пайқаб ултурган, қанча кўп ял-

тоқланса сұхбатдоши ўзини тарозига солаверишини ўйлаб қовоғини солди, кетишігә өзгеланды.

Ниҳоят, тегирмончининг ўзи бириңчи бўлиб галиришга мажбур бўлди.

— Биз минг гариллаганимиз билан барибир оми одаммиз. Мен боламни жўнатдим ҳам дейлик, у ёқдагилар тағин... ҳалигини... ўзлари олиб... — Тегирмончи кўзларини жавдиратиб муаллимга боқди.

— Ҳақиқат бор, ака, ҳали! — деди лабларида истеҳзоли табассум жилва қилаётган муаллим.

— Ҳақиқатингни бошимга ураманми? Мен дийирмонди ўйлајпман. Таңгир у ёққа кетса дийирмон ишламайди. Ҳалқ буғдойини орқалаб қаерга боради? Менам энди қаридим. Аввалгидек куну тун ишлапта ярамайман. Эшбоевга хўп ялиндим, битта ёрдамчи бер, деб. Бермади. Улингиз бор, сизга ёрдамчи не керак дейди! — Охирги гапни тегирмончи атай ўзидан қўшиб айтди. Муаллим эл ичидаги юрган одам. Бу гапни дарров оёқлатади. Қаррабсизки, Довул тегирмончига пинҳона тиш қайраб юрганлар (улар бор, тўртта одамнинг бири албатта тегирмончининг душмани ҳисобланади) чапак чалиб қолаверишади. Айтишадики (балки ўйлашар), Довул дийирмончи анои эмас. Аллақачон райис билан ишни пишишиб қўйибди. Энди дийирмондан умидимизни (умидимни) узсак бўлади!

— Таңгир голиб бўлса албатта пул билан келади! — Муаллимнинг сўзлари тегирмончининг қулогига булоқ сувининг жилдирашидек ёқимли эшитилди...

Дам олиш куни Таңгриберди мусобақага кетди. Довул тегирмончининг бутун хаёли, фикри-зикри мусобақага кетган ўғлида бўлди, илҳақ бўлиб унинг йўлига кўз тикди.

Тегирмончининг мақсади тегирмон талаш-тортиш бўлиб қолмасдан уни ўғлининг қўлига топшириш эди. Вақт вужуд либосини эскиртиряпти. Соч-соқоли гард қўнмаса ҳам оппоқ бўлиб боряпти. Бугун бўлмаса зартага «тиш қайраб» юрганлар отилиб чиқиши ё ими-жимида Эшбоев билан тилбириктириб жиловини қўлидан олиб қўйиши мумкин. Лекин тегирмончи бунгача кутиб турмайди. Ўғли мактабни тамомлаши билан барча расм-руссумларни адо этиб, «мерос»ни згасига топширади-қўяди! Ана шунда, тиш қайраганлар (уларнинг борлигига тегирмончи шубҳа қиласди, бирор келиб ёқасига ёпишмаган бўлса-да, кимлардир,

қаердадир унга қарши фитна тайёрлаётгани аниқ) тишларини қайраганча қолаверишади. Тегирмончилик улуғ мартаба. Шунинг ортидан саккиз жон кавшаниб турибди ахир!..

Хуллас, шу куни вақт тушдан оғгач, тегирмончининг ҳафсаласи пир бўла бошлиди: «Дийирмончининг боласи-да, гўр бўлармиди?!» деган хаёл кўклам осмонини қоплаган қора булутдай дарди-дунёсини зимистон қилиб юборган бўлса-да, кўнглининг туб-тубида мудраб ётган чалажон умид ҳам ора-сира бош кўтариб қоларди: «Биламан, Худо бу боланинг куч-кувватини миясига берган. Ҳадемай қўйни-қўнжи тўлиб келиб қолади!»

Довул тегирмончи синиқлик билан илжайиб қўйди. Тасаввурда ўғли бир дунё пул ёки... ёки телевизор-меливизорга ўхшаш каттакон совға билан кириб келаётгандек бўлаверди.

Дарвоқе, телевизор...

Худди Эшбоевникига ўхшаш «дилбузар» олиш истаги тегирмончининг кўнглида айнан ўша Эшбоевнинг уйида қутига ўхшаш нарсани кўрган кунидан кейин туғилганди.

Гарчи Эшбоев «хўжалигини телевизор билан таъминлаш»ни бўйнига олган бўлса-да...

Гарчи айтилган муддатдан ўтиб кетилган бўлса-да...

Тегирмончи барибир, телевизор кутиб яшарди. Назарида, Эшбоев бугун бўлмаса эртага, эрта бўлмаса индинга одамларни телевизор билан таъминлаб қоладигандек туюлаверарди. Балки бу гап Эшбоевнинг эсидан чиққандир. Чунки ўшандан кейин у бундан бошқа-бошқа ваъдаларни ҳам бериб юборган. Бир марта икки кун эзиб ёқсан ёмғирга дош бера олмай қулаб тушган деворни қайта тиклаш учун пойдеворига тош тераётганида йўлдан ўтаётган «Виллис» тўхтаб, ундан икки юзи хўрознинг тожидай қип-қизил Эшбоев тушиб, кулимсираганча шу томонга юрди. Тегирмончи ҳали оғзини ҳам очгани йўқ эди.

— Ҳали бу уйларингиз ўрнида пойдевори бир ярим метр кела-диган ҳақиқий кошона қуриб берамиз, Довулбой!

Эшбоевнинг дўрдоқ лабларининг бир четидан учайётган сўзларни эшитган тегирмончи ҳушидан кетиб қолай деди.

Ундан сал олдинроқ эса...

Тегирмончи ҳали ўғлиниң қўлини ҳалолламаган эди. Эрта, деди... Индин, деди... Чоғим келсин, деди. Бир кун қарасаки тўнғичи бу ёқда турсин, кенжатой ўғлининг-да бўйи чўзилиб қолибди. Чамалаб кўрса, чоғи ҳали ҳам келмабди. Шартта юзини сиди

риб ташлаб, хўжалик идорасига борди. Минғирлаб аҳволини тушунтира бошлаган ҳам эдики, Эшбоевнинг гулдираган овози гапини чўрт кесди:

— Қанча керак? Ўн минг!.. Йигирма минг!.. Етадими?

Тегирмончи ўзига келиб олгунча, жавобни ҳам раиснинг ўзи қайтарди.

— Сиз тўйни бошлайверинг. Харажати биздан.

Шошилинч тўй куни белгиланди. Тегирмончи раиснинг муруватидан баҳрамаңд бўлиш учун идорага борганида... Эшбоевни зудлик билан Тошкентга кетиб қолганини эшилди! Ёрдамчилар эса ҳеч қанақангича «харажат» ҳақида гап бўлганлигини зслаша олмади.

Тўйни бир амаллаб ўтказди.

Лекин... кўнглида бир тугун қолгани ёмон бўлди-да.

Тугунки на учи бор, на...

Бироқ кўп ўтмасдан «тугун» ўз-ўзидан ечилиб кетди.

Ўша куни тегирмончи тенг-тўшлари билан кимнингдир худойисидан келаётган эди. «Виллис»да ўтиб кетаётган раис кўчани тўлдириб келаётган ҳалқнинг ёнидан беписанд ўтиб кетолмади чоги, машинани тўхтатди. У Тошкентдан нақ бир ойдан кейин қайтганди.

Юзидаги қозиллик янада тиниқлашган... кўркамлашган...

У ойдай тўлиб, ойдай кулиб, саҳийлик билан ўзидан нурафшон шуълалар таратиб... ҳалққа пешвуз юрди.

Умидбахш сўзларини ўнгу сўлга саҳийлик билан улашди.

Нигоҳлари самимиятни «қарз»га улашаётган бўлса-да, муомласи самимий эди. Айниқса, Довул тегирмончига алоҳида лутф кўрсатди.

Тегирмончига шунинг ўзи кифоя қилди.

Боши узра ёрқин шуъла сочаётган ойга тош отишга ботинолмади...

Эшбоев ойга ўхшаб одамларга ярқироқ томони билан кўринарди. Қоронғу, ёришмайдиган томонига эса шу пайтгача ҳеч кимнинг кўзи тушмаган...

Мана, энди тегирмончига ҳам Худо «ол, қулим» дейдиган кун келиб қолди-ёв.

Довул тегирмончи умрида иш бор ўглиниң иқтидорига ён босди.

Бир маҳал қиялика юргургилаб келаётган қизига кўзи тушган тегирмончи ўрнидан туриб кетганини сөзмай қолди.

— Ота!.. А-акам келди. Биринчи ўрин опти! Икки кундан кейин яна бораймиш!..

Довул тегирмончи қалтираб кетди.

«Дийирмончининг боласи ҳам юрга танилиби!» деган ўй яшин тезлигига хаёлидан ўтди. Бир лаҳза... атиги бир дақиқа фахрланиш туйғуси юрагини қамраб олди. Кейин туйқусдан бир дүнё пул... телевизор ҳақидаги орзуси эсига тушди-ю шоша-пиша энгил-бошянинг чангини қоқа бошлади.

— Сен дийирмонда ўтира тур. Битта-яримта кеп қолса, айтгин, отам насияга ун тортмас экан, де. Кўнгли бўшлиқ қилмагин тағин, нақ қунингни кўрсатаман-а! — Тегирмончи муштини дўлайтирди, ҳоълиқканча икки-уч қадам одимлади-ю дарҳол изига қайтди, гард қўнган сийрак киприкларини пирпиратганча қизига юзланди. — Акангди... қўлида у-бу бормиди?..

Қиз елка қисди.

— Билмадим, — дея жавоб берди бир оздан кейин.

* * *

Ўйга яқинлаб қолганларида муқовасига зарҳал ҳарфлар билан ёзилган «Ёрлиқ»ни кўксига босганча кўзлари ёниб келаётган Тангрибердини Шовқи муаллим енгидан тортиб тұхтатди. Бир зум тараддулланиб турди-да, йигитнинг озғинлигидан сузма халтадай осилиб турған шими чўнтағига нимадир солиб қўйди.

— Боргандан кейин отанға бер. Қувониб қолади...

Тангрибердининг нафақат юзидан, ҳатто кўзларининг ичидан иссиқ чиқиб кетди.

— Керакмас!.. Керакмас!.. — дея хитоб қилди у овози қалтираб. Пулни олиб эгасининг чўнтағига солиб қўйди. — Отам ўзи... сал шунаقا... Пулни яхши кўради!..

— Ахир, қандай қилиб... Нима дейсан?..

— Ҳозирдан пул олиб боришинга ўрганса, кейин нима бўлади?

Муаллим пулни чўнтағига солди, аммо кўнгли ғаш бўлиб қолди...

Кўчага қараган дераза олдида тик турған Тангриберди отасининг ҳовлиқиб ўтиб кетганини кўриб... ичидан зил кетди.

Калтак зарбини ҳис этган вужуди жимирлади...

Аммо отаси рўпарў келганида ростини айтди.

— Биринчиликни олдим, ота. Лекин бир тийин ҳам беришмади. Бунаقا мусобақаларда пул тўланмас экан.

- Қанақасида тұланааркан?.. — аңқовликка олди ота ўзини.
- Катта-катта халқаро турнирларда...
- Нега ўша катта-кattасига қатнашмадинг?
- Ота, ахир...

Йигитча қүққисдан юзига тушган тарсаки зарбидан девор ёнiga учiб тушди. Ҳирсдай тегирмончы бақувват құллари билан силтаб ўғлини ўрнидан турғазди-да, иккiнчи юзига ҳам тарсаки тушириди.

— Бир сүм бермаса ... ни еб юрибсанми?

Әшик зарб билан ёпилганды уй деворилардан тортиб дераза ромларигача зириллаң кетди.

Шифтдан бир қовуч тупроқ түқилди...

Довул тегирмончы тупроқ күчани чангитиб, ён-верига ҳам қарамасдан ғизиллаң тегирмон томон кетаркан, ичида ҳадеб ва ҳадеб Шовқи муаллимни бўралатиб сўкарди: «Мени ишонтириб, қаттиқ ишонтириб, барибир алдади!.. Энди мендан кўради кўрадиганини!»

Орадан кўп ўтмасдан, отасининг «иситмаси» тупшиб улгурмай, Тангриберди яна мусобақага бориш учун рухсат сўради. Тегирмончы миқ этмади. Ўғлининг юзига ўқрайиб қараб қўйида, индамай уни қўлидан етаклаб бориб ертўлага киритди. Сўнг отнин калласидай кулфни ертўла эшигига осиб қулфлаб қўйди...

Ўша мусобақага Тангриберди бора олмади.

Бироқ, кейин йўлини топди. Мусобақа бўладиган куни турли баҳоналар билан уйдан чиқишининг ҳадисини олвозди. Ўнинчи синфни тамомлагунча, у район, област чемпионлигига кўтарилиди. Бир қанча фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди, лекин бирор тасини ҳам на отаси, на онасига кўрсатди.

Кейин эса армияга кетиб қолди.

Шундан кейин шахмат деган бало Довул тегирмончининг оромини ўғирлаб, ҳаёлинин банд этмай қўйди.

Оилада хотиржамлик ҳукм суро бошлиди...

II

Бўйи ёшига нисбатан анча дароз, оғзинлигидан эгнидаги кийимлари мисол йирик мускулларини ўраб турган пуштиранг териси осилиб қолган, қорачиқлари юлдуздай порлаб, зийраклик билан боқса-да, отасининг зулмидан қўрқиб, пана-панада дув-дув кўз ёши тўқадиган йигитча икки йилдан сўнг ҳарбий формада

қишлоққа кириб келганида, уни күпчилик танимай қолди. Сочлары тепага тарапганидан кеңг пешонаси ярқ этиб күзга ташланган, истараси иссиқ, барваста йигитни куриб Довул тегирмончининг ўзи ҳам бир сесканиб тупди.

Бир ҳафтача келди-кетди бўлиб турди.

Ота-бала ёлғиз қолишдан, бақамти келишдан чўчиётгандек туюларди.

Ниҳоят, саккизинчи кунмиди ё тўққизинчими, ота-бала ширчойли дастурхон атрофида ёлғиз қолишиди. Тангриберди ҳафса-ла билан дазмолланган кийимлари ғижим бўлмаслиги учун омнат ўтиради.

— Воснкомгами? — деб сўради тегирмончи чети учган пиёлардан чой ҳўпларкан.

— Шаҳарга бориб келишим керак. Бирорга телефон...

— Дийирмонди қачон қўлга оласан?

Тангриберди ерга боқди. Бир муддат ўйланиб турди-да, сўнг отасига тик қаради.

— Ота, мен яна кетишим керак!

Тегирмончининг ширчойли косага узалган қўли тек қотди.

— Нима дейсан? — деб сўради у гарангсиб.

— Ҳарбий бўлсам девдим... Хизмат қилган еримга яна қайтиб боришим керак. У ёқдагиларга ваъда бериб келганман...

Довул тегирмончи одатига кўра ўзини овсарликка солди:

— У срда нима қиласан, болам?

— Бормасам бўлмайди... — чайналди йигит.

— Ҳов, бола, ўйлаб гапиряпсанми? Дийирмон нима бўлади?

— Нима энди... Тегирмончининг боласи тегирмончи бўлиши керак, деб шу тоғлар орасида ўтиб кетаверамизми?!

— Дийирмончи бўлиб бирордан бир бурда нонни кам едингми?

— Қора нонга обдон тўйғанимиз!..

— Ношуқр бўлма, бола. Тилингни узиб оламан!

— Кетмасам бўлмайди, ота!

— Нима бало, битта-яримта санқи хотинга илакипиб қолдингми?

— Э!..

— Гап шу, ҳеч қаерга кетмайсан. Ота-бовамизнинг касбини қиласан!

— Мен бутуилай кетаман деялганим йўқ... — деди Тангриберди энди зорланиб. — Армияда шахмат билан кўп шуғуллан-

дим. Мусобақаларда қатнашдим. Ишимни яна давом эттиришим керак. Тренерим Алмаз акаяннг ўзи бирга келмоқчи зди. Мен йўлдан қайтардим...

— А-ҳа, ана энди ичингдагини айтдинг! — Тегирмончининг кўзлари ялтираб кетди. — Кўнглим сезиб турувди. Шу ёқларда ҳам тинч юрмабсан-да!

— Ота...

— Хўш, неччи марта ютдинг-у неччи марта ютқаздинг?

— Ана, қоғозлар дипломатда турибди.

— Кўзибойди боласи армиядан битта мотосеклди пулини ишлилаб кепти. Сен!..

Эски фишава бошланаётганидан безган йигит чидаб тура олмади:

— Пул йўқ! Пул йўқ! Бир сўм ҳам беришмади. Ўзим ёнимдан пул тўлаб қатнашдим шу...

— Ҳай, аттанг!.. — Тегирмончи калладай калласини чангалиган кўйи жим қолди. Анчадан кейин бошини кўтариб қарапкан, фавқулодда хотиржамлик билан сўради: — Қани ўша қоғозларинг? Кўрсам бўладими?

Тангриберди яп-янги, заливорлигина сумкасини ичкари уйдан олиб чиқиб, жимитдай калит билан уни очди. Бир ҳанча қалин муқовали ёрлиқларни отасига узатди. «Отам ўқиган билан тушуммайди. Шунчаки кўрмоқчи шекилли», деб ўйлади йигит.

— Анови нима? — ялтироқ қоғозга ўроғлик нарсага имо қилди ота.

— Буми... — Тангриберди бир оз иккиланган ҳолда ялтироқ қоғозни очди. — Бу шахмат тахтаси. Яп-янги! Бунда бир қўл ўйнаганман, холос.

— Бу ёққа бер!..

Довул тегирмончи керакли нарсаларни йигиб олди-да, ўрнидан турди. Тўғри ўчоқ бошига борди. Кули олинмаган тандирга қўлидаги нарсаларни тиқди-да, устидан керосин қуиди...

Қоғозлар гуриллаб бир зумда ёниб битди.

Шахмат тахтаси эса... бир ловуллади-ю, кейин нимагадир тутай бошлади.

Оқ ва қора «Шоҳ»лар ўз сипоҳлари билан ерда сочилиб ётарди.

Тегирмончидан чиққан шахматчи эса ранги бўздай оқарганча ҳайкал бўлиб қолганди...

Тегирмончи ҳеч нарса бўлмагандай жойига келиб ўтириди.
Галини тўхтаган еридан давом эттира бошлади:

— Отам отасини боқди, саксондан ошиб қазо қилганида иззат-икром минан кўмди. Вақти келганида менам отамнинг қўлидан ишини олдим, боқдим, ўлганида ўзим кўмдим. Лекин мен ўлсам, ўлигим эгасиз қоларкан...

Довул тегирмончи бирдан жимиб қолди. Димоги ачишиб, милклари намланди. Бу ҳолдан негадир ийманмади. Кўзларидан думалаган икки томчи ёшни атай ўғли кўрсинг учун... артиб ташламади.

Тангриберди ўрнидан тура солиб эгнидаги оҳорли кўйлагини сиб уй тўрига улоқтириб юборди. Кейин майкачан ҳолда шахт билан юриб ташқарига чиқиб кетди.

Эшик ёпилган асно тегирмончи ошхона деразасидан мўралаб турган хотинини имлаб чақирди.

— Қариндош уруғданми, бегонаданми, тузувроқ қиз топ! Уйлантириб, бу болани оёғига тушов солиб кўймасак қочиб кетишдан ҳам тоймайди. Лекин қиз ҳаддин чиройли бўлсин!..

Турмуш икир-чикирлари тўлиб-тошган миёсида бехосдан пайдо бўлган янги сўз, янги фикр тегирмончини ҳайрон қолдирди. Одатда, у аёлларни ҳуснинг қараб фарқламасди. Ош-овқатингни қилса, бола туғиб берса бўлди-да. Бу дунёда ҳамма нарса ўз ҳолича қолмайди. Янги лаган ҳам бир кун келиб эскиради, сири кўчади, оҳори кетади...

Довул тегирмончи ўйлай-ўйлай охири «истил» бўлиб кетган ўғлининг тақдирини Эшбоев билан биргалиқда ҳал қилишни кўнглига тугди.

Қолаверса, Тангриберди саркашлик қилгани учун унга атай тегирмонни тиқиширгани билан аслида нияти бир оз ўзгарган эди. Басавлат, башанг ўғлини мудом чанг-тўзон аrimайдиган тегирмонга раво кўрмай қолганди тегирмончи...

* * *

Раис тегирмончини хушламайроқ кутиб олди. Тегирмончи буни дарҳол сезди, бир зумда кўнглидан не тусмоллар ўтмади, аммо бирори ҳам думини тутқазмади.

Шунинг учун эски усули мақтovга зўр берди. Мақтаса Эшбоев қуруқ кўл билан чиқариб юбормаслигини биларди. Айтмоқчи бўлдики, одамларга бош бўлиш ҳам осонмас, лекин илож қанча, бирор

тепадан бошқарып турмаса, одамзод хам сут эмган банда, тентак қүйдай боши оққан тарафға улоқиб кетиши турған гап ...шунга үхшаш бир оз дудмал, бир оз чұчмал, бири бошидан, бири кетидан, тұмтароқ, аммо бир неча күндан бүен содда қалбини ҳаяжонға соғлан (тұмтароқ бұлса-да, жумла тузиш осонми) сүзларни батағсил баён қылғандан кейингина асосий мақсадтастырылған.

— Улимиң ҳарбийдан сал бебошроқ бўлиб қайтди-ку, раис бова, — деди у бирдан тұлиқиб кетиб. — У десам, бу дейди, бу десам у... Келганидан бери қытиқ патимга тийиб юрибди-да. Ўзингиз тартибга солиб бермасанғиз бўлмайди.

Эшбоевнинг юзи ой баркашидек ялтираб турса-да, ёғдуси хирадашкан, хўрор тоғидек қип-қизил ёноқларида қорамтири дөғчалар кўзга ташланиб турарди. Пешонасида ажинлар ҳалинчаги пайдо бўлганди.

— Дангал галиринг, нима дийди ўзи?! — Раиснинг авзойидан тегирмончининг минғир-минғирлари асабига текканлиги сезилиб турарди.

— Ҳарбий бўламан дейди. Шоҳмот ўйнайман дейди.

— Ҳарбий бўламан деса жўнатиб юбораверинг!

Тегирмончи бир қалқиб тушди. Оғрингандек эски «ошна»сига ўпкали нигоҳ ташлади. Ўзидан ўзи норозиланди ичидә, бемаврид келганини фаҳмлаб. Бемавридки, ой юзини қора булут тўсган бир замон...

Лекин паст тушгиси келмади. «Мен қўли қабарған меҳнаткаш бир одамман. Унинг ҳузури билан не ишим бор!..» Ўйлари далда бўлиб қаддини тиклади.

— Мен-ку эркак одамман, не ўтса ичимда. Лекин знасига қийин бўляпти-да. Ҳаммамиз ҳам здан бино бўлганимиз...

«Эна» сўзини эшишиб раиснинг қарашлари маҳзунлашди. Яқинда тўқсанға кирған онаси қазо қылғанди. Раис онаси жон берар чоғида тепасида бўлолмаганидан армонда эканлиги тегирмончига маълум эди.

— Сизга қандай ёрдам беришим мумкин?

Тегирмончига айнан шу жавоб керак эди.

— Идорадан иш товиб берсанғиз дебидим, — деди у бирдан жонланиб. — Ҳисоб-китобга калласи зўр ишлайди!..

— Бўлти. Бир ҳафтадан кейин келсин. Гаплашамиз.

Эшбоев шу билан қутулдим деб ўйлаб олдидағи қоғозларни титкилай бошлиди.

Довул тегирмончи эса кетишга шошилмасди. Ниманидир айтишга ботина олмаشتгандек, Эшбоеснга мүлтираб тикилди.

Эшбоев қозозлардан бош күтаришга мажбур бўлди.

— Нима гап яна?

— Улимга қанча... ойлик берилади?

Эшбоев ғалати қарааш қилди, чоли қурғур ҳеч қандай ҳужожати бўлмаган боласини ишга рози бўлиб қанчалик муруват қилганимни тушунмаяшти чоғи, дегандай...

Тегирмончи учлари оқара бошлаган киприкларини пирпиратганча раисга умидвор тикилиб тураверди.

Эшбоев энсаси қотганини сөздириш учун илкисроқ жавоб қилди:

— Бораверинг-чи, қолганини улингиз билан гаплашамиз.

Довул тегирмончи идорадан дили хира бўлиб чиқди. Гоҳ тегага ўрлаб, гоҳ пастга эниб кетган йўл четидан қўлларини орқага қилганча ўй суриб бораркан, раиснинг ўзгариб қолганини ичичидан ҳис этди. Авваллари бундай эмасди, деб ўйлади тегирмончи. Қишлоқнинг итини ҳам кулиб қарши оларди. Раислик курсисида узоқ ўтириб қолганига мана шу самимийлиги кўпроқ сабаб бўлгандир. Энди бўлса... Эшбоеснинг ўзгариб қолишига балки «тегирмон даври» ўтгани сабабдир...

Довул тегирмончи юришдан тўхтаб, калиши ичига тўлган тупроқни тўқди. Шу баҳона ортига, хўжалик идораси томонга қаради. Шу пайтгача раисдан бунчалик кўнгли оғримаганди. Ҳатто ўзи айтиб, ўзи қайтиб кетсан кунларда ҳам...

Тегирмончи юришда давом этди.

Йўлда бир-бири билан қучоқлашиб, оғиз-бурун ўпишаётган алкашларга кўзи тушиб «тегирмон даври» ҳақидаги ўйлари эсига тушди.

Яқин уч-тўрт йилдан бўён хўжаликда буғдой экиладиган ерлар кескин камайтирилган, унинг ўрнига турли навдаги ток кўчалари ўтказилиб, гектар-гектар ерлар узумзорга айлантирилмоқда эди. Бундан қишлоқ аҳли ишсиз қолгани йўқ, албатта. Буғдойзорда ишламаса, узумзорда ишлашади. Лекин узум буғдой змас-да! Узумзорнинг меҳнати кўп-у, меҳнат кучи кам эди. Майиз қилиб бўлмас экан. Бола-чақанинг бир тўйганини айтмаса, Буғдой ўз оти билан буғдой-да! Буғдой уни одамларни тўйдирса, сомони мол-ҳолнинг кунига яраб турарди. Ўрим вақтида удда-буронлар тонна-тонналаб буғдой ғамлаб олишарди. Эпсизлар ҳам буткул қуруқ қолишимасди, бошоқ териб қишлигини ғамларди.

Бундан ташқари, йиллик даромад эвазига ҳам кўпинча буғдой бериларди.

Узумдан кўнгли тўлмаганлар оғзи ботир деб тегирмончининг зски ошнаси Қўзибойни раис билан гаплашгани юборганида, Эшбоевнинг ранги ўчиб кетибди. «Нафсингни катта қўйсанг, тўйганингни билмайсан-да. Ниманга етмаяпти ўзи?» деб Қўзибойни анча сиқувга олибди. Қўзибой дегич ҳам тал тортмабди: «Раис бова, эмасам узумди биз болидан эктиринг. Бунингиз олчадай тирсиллаб тургани билан мийиз қилиб бўлмаса, ширасининг ҳам мазаси йўқ. Ҳеч нарсага ярамайди!..»

Шунда Эшбоевнинг жаҳли чиқиб кетибди.

«Бу узумларнинг навини Грузиядан опкелтирганман. Грузиядан! Бундан зўр вино ишлаб чиқарса бўлади. План тўлганидан кейин ортган узумлар ириб-чириб ётмасин, силар ҳам бир ўзларингни синааб кўринглар. Бу ёғини сўрасанг, грузинлар вино ишлаб чиқариб бойиб кетган халқ! Ўзларинг дангасасилар, Қўзибой, дангасал!..»

Қўзибой ўша куни ўзини илҳақ кутиб турганларга Эшбоевнинг бу сўзларини айтмади. Ичида олиб қолди. Биринчи бўлиб ўзи мусаллас тайёрлаб, татиб кўриш истаги юрагига қутқу солаётганди.

Яширинча тайёрланган мусалласни бир ҳафта давомида ўзи ичиб юрди. Кейин нимагадир зерикди. Бирорга сотиш эсига келмади. Ёлғиз ичиш бўлмас экан, деган фикрга келиб, невараларидан бирорини юбориб Довул тегирмончини чақиртирди. Тегирмончи мусалласдан бехабар, иши тифизлигини баҳона қилиб бормади. Қўзибой неварасини бошқа бир ошнасиникига гизиллатди.

Шундай қилиб, сир ошкор бўлди. Энди билган ҳам, билмаган ҳам мусаллас тайёрлап билан андармон бўлиб қолганди. Энди одамлар кечкурунлари уч-тўртта бўлишиб бир ерда тўпланишар, мусаллас солинглан идишнинг таги кўринниб қолгунча ичишар, кейин... кейин эса... чексиз баҳтиёр кимсалардек ширакайф кўзлари сузилганча... қартабозлик қилишарди. Ютқизган бир шиша вино опкелади.

Қартабозлик қизигани сайин ҳангома ҳам авж оларди: кимнинг виноси зўрлиги-ю кимникига сув аралашгани, кимнинг томорқасидаги картошка ҳанча ҳосил бергани-ю, кимнинг картошкига қурт тушгани ва яна... яна кимнинг қизини оёқ олиши чатоқ экани-ю, кимнинг хотини нимага жерик бўлгаалиги ҳақида

соатлаб оғиз күпиртиришарди. Баъзида ҳангома тортишувга айланар, тортишув авжига чиқиб жанжал-тўполон бўлиб кетарди.

Фақат Довул тегирмончи бундай давралардан ўзини четта олиб юради. Иштиёқ йўқлигидан эмас, асло. Тегирмондан айрилиб қолишдан чўчирди. Ичиб-нетиб юргани Эшбоевнинг қулоғига етса кўнгли қолади. Жаҳли чиқса... ким билади, Эшбоевга тегирмончи қаҳатми? Нон бўлса нонхўрак топилади.

Довул тегирмончи аллақандай шовқин-суронни эшишиб, ҳушёр тортди. Қараса, қишлоқ дўкончаси олдида турибди. Ҳаёли қочганлигини пайқади. Шовқин-сурон сабабини ҳам англади. Дўконга ун келган экан!

Яқингача дўкондаги унни қимматсиниб, қоп орқалаб тегирмонга зир қатнаган одамлар энди бир қоп ун учун дунёни бошига кўтаришарди. «Тўрт кило ун нима бўлади? Касалманд знамнинг овқатига ҳам етмайди-ку!..» деганга ўхшаш жириллашлар анча ергача тегирмончининг қулоғига эшитилиб турди.

Довул тегирмончи ичидаги жиртак чалди. Шунинг баробарида ҳаёлига ярқ этиб бир фикр келди. «Турсунбой муаллимга айтиб Эшбоевнинг устидан ўхшатиб жалоба ёздирсаммикан? Тангирни ишга олмаса устолига тўқ этказиб қўяман шуни!..»

Фикри ўзига жўяли туюлди.

Йўлни қияликтаги Турсунбой муаллимнинг уйи томон бурди.

Турсунбой муаллим уйда ухлаб ётган экан.

Хотини: «Дийирмончи акам келди, туринг», деб қанча турткиласа ҳам уйғонмади. Ёнида думалаб ётган мусаллас юқи бандекани кўрган тегирмончи сирғалиб уйдан чиқди.

* * *

Кунлар ўта бошлиди.

Тегирмончи: «Бир ҳафтадан кейин Эшбоевнинг идорасига борасан», дея ўғлига тайинлаб қўйганди.

Аммо Тангриберди идорага боришни ҳаёлига ҳам келтирмади. Бўш қолди дегунча аллақаердан топиб келган шахмат тахтаси устига мук тушарди. Соатлаб шахмат доналарига тикилиб ўтиради. «Қилт» этмасди. Бир ўзи ҳам «оқ»лар тарафда, ҳам «қора»лар томонда туриб ўйнарди. Одати бўйича жуда секин ҳаракат қиласарди. Аҳён-аҳёнда от ёки филини суриб қўйиб яна «қилт» этмай ҳаракатсиз қотарди. Ташқи дунёни буткул унутарди гўё. Егулик келтирган онаси Бувзилол байча ҳайрон бўла-

бўла чиқиб кетарди. Тирикчилик ташвиши, ўйин-кулги йигитни қизиқтирмасди. Гўё ҳамма орзу-ҳаваслари йитиб битган-у, оддидаги шахмат таҳтасидан бўлак ҳеч нарсаси қолмагандай. Авваллари писанд қилмаган бўлса-да, ҳарбийдан келганидан буён ҳаворанг футболкасини кийиб мускуллари тирсиллаб юрган йигитни кўрган қизлар бу гал ўзлари кўз сузаётган бўлсалар-да, Тангрибердининг хаёлини чалғита олмасдилар.

Тангриберди учун оқ-қора катакларда дунё бор бўй-басти билан намоён бўлар, ғам-ташвиш, қувонч-шодлик, ҳаяжону зҳтирос — ҳамма-ҳаммаси айни ўша олтмиш тўрт катакка жо бўлгандек гўё. Теварагини қуршаган борлиқнинг золимона бир хиллиги, зерикарли оҳанги бадига ургандек, барча-барчасига кўл сийтаганди.

Фақат... Толиқдан кезлари шахмат таҳтасини қўлтиғига қисиб аста уйдан сирғалиб чиқиб, Шовқи муаллимникига йўл оларди.

Ҳарбийдан келганидан кейин биринчи марта йўқлаб борганида муаллим хурсанд бўлиб кетганди. Қайта-қайта қучоқлашиб кўришиб, тўрга ўтқазаркан, муаллим хижолатли кулимсираб «чой»га чақира олмагани учун узр сўради. Ва хотини ёзган ғарифона дастурхон устига ўғли келтирган сопол идишдаги мусалласни қўяркан:

— Бугун бир отамлашайлик, — деганди.

Кейин муаллимлиги эсига тушибми, бир оз қизаринқираган ҳолда:

— Бизда ҳозир шунаقا... — деб кўйди.

Ўртага ўнғайсиз сукунат тушган...

ИЖУЗИБОЙ муаллимнинг ён қўшниси бўлса-да, у бирор марта қўшнисидан мусаллас сўратмаган эди. Бироқ икки йил ўтиб дунёning бир четидан келган шогирди ўз оёғи билан қадам ранжида қилганида (аслида муаллим атай бир кунни мўлжаллаб шогирдини «чой»га чақириши керак эди) унинг ҳурмати учун «яримта» қўймаса таъна тошларининг остида қолиб кетиши аниқ... ✓

Сукунатни Тангрибердининг овози бузди:

— Келинг, шуни ҳангомага қўшмайлик, Шовқи ака, — деди у ва сопол идишни четга олиб қўйди.

Шундан кейингина ўртадаги ўнғайсизлик кўтарилиб, гап-гапга қовушди.

Лекин «сопол идиш» муаллимнинг эсидан чиқмаган экан. Кетиш тадоригига тушган Тангрибердига истиҳолали назар ташларкан:

— Ановини бекор олиб қўйдинг. Отанг эшитса хафа бўлади. Улимни одам ўрнида кўрмабсан деб!.. — деди.

— Парво қилманг, жуда бўлмаса, отамга Шовқи аканикода ичабериб, бўкиб қопман, дейман, — деди Тангриберди кулиб.

Шундан кейин улар тез-тез учрашиб турдилар. Суҳбатлари асосан ҳарбийлик даври ва шахматга оид янгиликлар ҳақида бўларди. Фақат бир марта ҳангома сал бошқача тус олди. Кўзлари киртайиб, ранги кетиброқ қолган йигит одатдагидан фарқли равишда, анча вақт ерга қараб ўтириб-ўтириб, окири ийманиб кўйлагининг кўкрак чўнтағига қўл солиб, у ердан қандайдир сурат олиб муаллимга кўрсатаркан:

— Музайяна деган қиз... — деди пичирлагудек бўлиб.

Кейин муаллимнинг юзига зимдан назар ташларкан, изоҳ берди.

— Алмаз аканинг қизи. Тренерим у киши. Отамнинг олдига келиб ўзи руҳсат сўрамоқчи эди. Мен кўнмадим. Қайтиб келаман дегандим...

Муаллим киртайган кўзлар тубига чўккан мунг согинч зканини пайғаган. Лескин бирор йўриқ беришга истиҳола этган. Эҳтимолки, Довул тегирмончининг ғазабидан кўрқкан...

Орадан икки кун ўтгач, қишлоқда Довул тегирмончининг ўғли қочиб кетиби, деган миши-миши тарқалди. Кечга бориб миши-миши бошқача тус олди, эмишки Довул тегирмончининг ўғли узоққа кета олмабди. Поеzdга билет олиш учун наебатда турганида отаси билан яна бирор бориб тутиб олишибди. Довул тегирмончининг жаҳли чиқиб ўғини ертўлага қамаб кўйибди.

Бу гапларни ҳаммадан кейин эшитган Шовқи муаллим юраги така-пука бўлиб, хабар олгани борганида... Тангриберди чиндан ҳам ертўлада эди!..

Муаллимнинг барча уринишлари зое кетди.

Довул тегирмончига гап уқтириб бўлмади.

— Мени оғзим бадрапдан ҳам баттар. Абийирингизни борида жўнаб қолинг! — дерди тегирмончи ғазабдан қалт-қалт титраганча. — Сизди шаропатингиз минан улимдан айрилиб қолишимга сал қолди-ку! Яна ҳовлимга изингизни боссангиз... қарғайман. Ўнгмайдиган қилиб қарғайман!..

* * *

Довул тегирмончи бир вақтлар, қарчиғайдек йигитлик даврида уйланмасдан олдин бир уй, бир даҳлиз солган эди. Ошхона

ва яна бошқа бало-баттарлар ҳали йўқ эди унда. Даҳлиз ошхона вазифасини ўтарди. Эрта-индин келин келаман деб турибди-ю, тегирмончи (ўшанда ҳам тегирмончи эди) даҳлиз остидан ертўла қазиган. Ният шундай эди: «Тангрим мениям ватанли қилса энг аввал ертўла қазийман. Ичини дон-дунга, ёғ-мойга тўлдирман. Қачонки, бир кун келиб уруш ё очарчилик бошлангудек бўлса, ҳеч қачон оч қолмайман!..» дея ният қилганди... кимсасиз даштда, тұяқорин панасида инига кириб кетган каламушнинг қайтиб чиқишини пойлаб ўтирганида!..

Эҳ-ҳе, у пайтлар уруш даври эди.

Онаси, акаси, иккита синглиси очлиқдан шишиб ўлди. Довулбек уларнинг қаторига кириб қолмаслик учун қўлига нима илинса оғзига тиқди. Бир гал даштда изғиб юриб қилтириққина каламушни кўриб қолиб, роса қувлаб ета олмаган, каламуш қандайдир тешикка кириб кўздан ғойиб бўлганди. Шунда кичкина Довулбек тұяқорин панасига ўтиб икки кун каламушнинг инидан чиқишини пойлаган, куттан, оғзининг слаги оқиб-оқиб кутган. Каламуш қайтиб чиқмаган. Шунда... қорни оч, силласи қуриб бораётган Довулбек бир этак тош териб олиб, уларни битта-бittалаб ғажий бошлаган.

Тошни еб бўлмаслигини била туриб... иштаҳа билан тош ғажирди!

Қовурғаларига ёпишиб, бор-йўқлиги билинмай кетган қорнини сўлак билан алдамоқчи бўларди: ана!.. ана, овқат!.. Ҳозир... Мана ҳозир!.. Сўлак билан қовсанган ошқозон зум ўтмасдан яна буралиб оғирди. Болакай қўллари қалтираганча тағин тош ғажишга тушарди...

Бу ҳол тош бехосдан қаттиқ тегиб, озиқ тишиларидан бири ярминдан синиб тушганидан кейингина барҳам топди. Аммо орадан йиллар ўтган бўлса-да, тегирмончи ҳали ҳамон тушларида тош ғажииди. Тонг саҳардами ё ярим кечасими чўчиб уйғониб кетади. Қалтқалт қилаётган вужуди ўзига келгач англайдики, уйқусини бузган нарса, ғажиган тошларининг ғижирлапти эмас, синган озиқ тишининг лўқилялиб оғриши экан. Синиб, яримта бўлиб қолган, бунинг устига кўкариб кетган тишининг «умри» узун чоги, бошқа, қылтэтмаган тишилари тўкилиб боряпти-ю синиқ тиш қўсимир этмайди.

Уйланмасдан олдин ертўла қуришининг сабаби шу эди. Оч қолмаслик! Тегирмончига умр бўйи қўлтиқтаёқ бўлган шиори шу эди.

Унинг миясида очлик йилларидан қолган «ғовак» ҳеч қачон түлмасди.

Яна қачондир очарчилик бўлади-ю... Яна қачондир...

Бу сафар ҳаёт тегирмончини доғда қолдира олмайди. У аллақачон келажак тадоригини кўриб қўйган. Ертўлада темир бочкаларда камида икки йилга етадиган буғдой, бидонларда эритилган ёғ-мой ғамланган. Рўзгорда ёғ тугаб қолса икки-уч кунлаб овқат қилинмаса қилинмайдики, ертўладаги ёғга ҳеч ким тегинмайди. Бир маҳаллар эмизикли Бувзилол байча ертўлага тушив бидондан ёғ олганини билиб қолган тегирмончи кетмонаста билан уриб аёлини беланги қилиб қўйишга сал қолганди. Шу-шу, Бувзилол байча ертўлага яқин йўламайдиган бўлди.

Ёғни куйдириб, доғ қилиб, бидонларга солиб берарди, холос...

Довул тегирмончи борлиқ тинчнуб, одам оёғи тийилгач, мойчироқни ёқиб ертўлага тушади. Йигнаган «хазина»ларини бирма бир кўздан кечиради. Буғдойга каламуш тегмадими? Ёғ бидон очпомадими? Ертўланинг бир бурчида, буғдой бочканинг орқасида қўл узатса етадиган бир ёриқ бор. Тегирмончи орттирган тўрт-беш сўмини тамаки дони солинган рўмолчага тугиб, устидан селофанга ўраб ип билан чирмаб, кейин ўша ёриқҳа тиқишириб қўярди. Тутаб ёнаётган мойчироқ ёргуида зринмасдан пулларини санаради. Чоловорининг липпасига ва ундан ҳам ичкарироқ ерга яширган пулларини олиб, рўмолчадагисига қўшиб бир бошидан қайта ҳисоблайди. Кейин муштдайгина бўлиб қолган тугунни яна аввалги жойига тиқиб қўяди...

Ертўлада заҳ, мөғор ва яна қандайдир ёқимсиз уфунат уфуриб турарди. Кичикроқ темир эшиги зичлаб ёпилса ичкарига бир тутам нур ҳам тушмасди.

Калтак зарбидан аъзойи-бадани моматалоқ бўлиб кетган Тангриберди шу ертўлада икки кун қимир этмай ҳушли-ҳушсиз ётди. Қолаверса, бу сарда ўрнидан туришга ҳожат ҳам йўқ. Барибир ҳеч нарсани кўриб бўлмайди. Эшик шундай зичлаб ёпилгандики, бир тутам ёргулик тушмасди. Тундай зим-зиё қоронгулик ютаман дейди... «Ўлсам ўларман, лекин аҳдимдан қайтмайман! — дерди у ўзиға ўзи ҳушига келган пайтлари. — Ертўлада ириб-чириб кетсан ҳам отамга ялинмайман!..»

Бироқ учинчи кунга бориб ўрнидан турмасликнинг иложи бўлмади. Ошқозони бураб оғрий бошлиди. Бу камлик қилгандай, ўнг то-

монда қовурғасининг остида санчиқ пайдо бўлганди. Бир... икки... учига чидади йигит. Лекин кейинги кучли оғриқдан ларзага тушган йигит инқилаб ўрнидан турди. Турди-ю ўша заҳоти кўнгли озиб ўхшиб юборди. Шу пайт ташқаридан Бувзилол байчанинг овози келди.

— Тангиржон... болам...

Тангриберди кафти билан оғзини тўсди. Оҳ-воҳини онаси эшишини истамади.

— Калит отангда, бермаяпти ҳеч. Ҳеч еринг оғримаяптими, болам?.. Қулфни бузай десам кучим стмаяпти...

Тангриберди дош бера олмади. Кўнгли озиб, қаттиқ ўхшиб юборди. Кейин мадорсизликдан йиқилгудек бир алфозда эшик олдига келди.

— Оғримаяпти... знажон, оғримаяпти... — деди иҳраниб зўрга. Жарангдор овози лат егандек бўғиқ ва жуда паст чиқди.

— Қорнинг очмадими, болам-а?.. Икки кундан бери... ошкуяринг оғримаяптими?..

— Қорним очгани йўқ... Хавотир олаверманг... — деди Тангриберди хирқираб. Ва оғзини қаттиқ юмди.

Она изиллаб йиглаганча нари кетди-ёв, шип-шип этган қадам товуши эшигилди.

Оғриқ кучайиб кетди.

Аъзойи-бадани қалтираб, тишлари такиллаётган Тангриберди гужанак бўлиб ётиб қолди. Совуқ тер босган баданига кийимлари чиппа ёпишди. Азобга чидай олмади у. Бақириб юборди: «Эй, Худо, жонимни ол!.. Бундан кўра ўлиб кетганим яхши...»

Афсуски, оҳ-воҳ, гужанак бўлиб ў ёқдан бу ёққа ағанашлар ёрдам бермади. Оғриқ кучайгандан кучаяверди. Ҳушидан кетди. Туман ичиди қолган шуурида: «Үляпман...» деган ожизона фикр «йилт» этди-ю сўнди.

Аслида ақл-идрокининг ҳаётга ишқи сўлган, ўрнини ўлим иhtiёрига топшириб кўйган бўлса-да, энди вужуд ва томирларда оқаётган қон ўлим билан олишиб, унга қаршилик кўрсата бошлаганини йигит сезмасди...

Тўртингич куни пешин чоги ертўлани бирдан ёқимли ва қадрдан ҳид тутиб кетди. Бу нон ҳиди эди.

«Онам нон ёпятти», — деб ўйлади сулайиб ётган йигит. Кейин инграницаб, инқиллаб ўрнидан турди. Гандирақлай-гандирақлай, тусмоллаб эшикни топди. Оёқда туришга ҳоли келмади, чўккалаб қолди. Темир эшикка суюнarkan, беихтиёр... оғзини очди...

Кейин нима деди? Жазавага тушиб нималар деб бақирди,
Тангриберди эслашга-да уялди...

Шу куни кечқурун Тангриберди озод қилинди.

Унинг афтига қараб бўлмасди. Кийимларидан мотор ҳиди
анқирди.

Дарвоқе, ион ҳиди...

Янги ёпилган бир жуфт ионни Довул тегирмончи сртұла эши-
ги ёнига қўйиб кетганди...

III

Тўй ўтди.

Келин ўзларидан, Довул тегирмончининг хешларидан бири-
нинг қизи. Юмaloқ юз, икки яноғи туртиб чиққан, дуркунгина
келинчак дастлабки кунларданоқ қайнона-қайнотасига ёқиб
қолди.

У... «тоғдан сел келяпти!» деган хабарни эшитса-да аввал
қайнона-қайнотасининг иззатини жойинга қўйиб, кейин ўз ғамини
ейдиган аёллардан эди.

Тўйдан кейин Довул тегирмончи ўглини Эшбоевнинг идора-
сига бошлаб борган эди. Келишувга биноан раис унга идорадан
иш берди. Ҳисоб-китобга усталиги туфайли бўлим бугалтерла-
рининг бирига ёрдамчи этиб тайинлади.

Эшбоев: «Ҳозирча шу ишда айланишиб кўрсин-чи, кейин яна
ўйлаб кўрармиз», деб қўйди.

Бу муруватдан тегирмончининг боши осмонга етди. Раис
 билан ўз-ўзидан, сабабсиз совуқлашган муносабатлари яна ўз-
ўзидан илиқлаша бошлаганидан хурсанд бўлиб кетди.

Ер чизиб ўтирган ўглининг ёноқлари пир-пир учайтганлигини
сезмади...

Кейинчалик сўраб-суроштириб ўглининг маоши қанча экан-
лигини билиб олди. Ундан олдин Тангриберди айтганида ишон-
маганди.

У ўглининг ёнида ортиқча пули бўлишини истамасди. Мао-
шини тийин-тийинигача ҳисоблаб оларди. Токи, ўглининг чўнта-
гига шамол ўйнаб турса у ҳеч қаерга кета олмайди!..

Шу йили куз беайла серёғин келди.

Кун аро ёмғир томчилайди.

Узум чириб кетишидан ваҳимага тушган Эшбоев ҳар куни
идора ходимларини ғазаблайди. «Одамларни ишлатишни бил-

майсанлар! Халқни тепасида туриб ишлатиш ўрнига идорада тухум босиб ўтирибсанлар!.. Давронқул, буғалтирман деб керилеб идорада ўтирганингни кўрмайин. Ўлсанг, жасадинг даштда қолсин!»

Кун бўйи далада изғиган ходимлар миқ этмайди. «Миқ» этиш ниятлари ҳам йўқ.

Ҳар куни кечқурун раиснинг сўкишлари билан бошланиб, ярим кечаси яна раиснинг болохонадор сўкишлари билан тугайдиган бундай мажлислар ходимларнинг жонига тегиб кетганлиги уларнинг лоқайд ўтиришларидан сезилиб турарди.

Тангриберди Эшбоевнинг сўконгич эканлигини идорага ишга ўтганидан кейин билди. «Унинг оғзи бадрапхонадан ҳам сассиқ экан-ку! — дея ҳайратта тушарди Тангриберди. — Бор ахлатини ходимларнинг бошига тўкиб, ҳалқа сахийсўз бўлгани қизиқ!..»

Шундай кунларнинг бирда Тангрибердининг номига қайси-дир ҳарбий қисмдан мактуб келди. Унда нималар ёзилгани номаълум, ҳатни ўқиб бўла солиб йиртиб ташлади, лекин ўша кундан зътиборан юзи докадек оқариб юрди. Шахмат ўйнашини ҳам йиғиптириб қўйди. Ҳатто шахмат таҳтасини бекитиб қўйди. Ўйин хумори тутмаслиги учун раиснинг топшириғини ўзига ўзи рўйч қилиб, эргадан кечгача далада, узумзорда изғиб юрди. Кўнглидаги иштиёқни ўлдиromoқчи, шу йўл билан ҳамма, ҳаммасига барҳам бермоқчи эди. Ўзини хиёнаткор санаарди. Юзига қора суртгандек ўзидан нафратланарди. Ороузумидлари, иззат-нафси, қалб тўрида асрраган эзгу ҳислари топталди, энди уларни ўлдириш қолди. Шундай ўлдириш керакки, улар ҳеч қачон қайта бош кўтармасин, ҳайвонга айланган эгасини қайта бозовта қилмасин!..

Озиб кетди йигит. Қорайди. Нигоҳларидаги маҳзунлик йўқолиб, кўзлари бефарқ боқди... Бир ҳафтанинг нари-берисида у ўзини ҳаддан ташқари толиқтириди. У ҳеч қачон ўзини бунчалик хўрламаганди. Аёлига қараашга-да ўзида рағбат сесмасди. Тунлари тескари ўтирилиб ўзини ухлаганга солиб ётар, хотинини бир маромда нафас ола бошлаганини ҳис этгач аста тўшакдан туриб, ташқарига йўналарди. Ой шуъласидан ёришган ҳовлида қўлларини кўксига чалиштирганча айланиб юрарди. Ҳеч нарсани ўйламасликка интиларди. Ҳовлида шарпадек изғиб юришидан мақсад ўзини янада толиқтириш эди. Толиқса, ҳолдан тойса тош қотиб ухлайди. Айланиб юриш асносида оёқлари толиққанини ҳис этар, лекин кўзларига уйқу келмасди.

Борлиқ осмон чироқлари ёғдусидан ёришган, тун зулмати қочиб йигит қалбидан паноҳ топғанди.

Зулматнинг күнглига ингани ёмон...

Тоғдай йигит күнглига инган зулматни даф этолмай ҳалак эди...

Бедор йигит чорбоғ этагидаги тепалик устига чиқиб, тиззалирини қучоқлаб ўтирган кўйи дўнгликлар оралаб келган, айни чоғда тун ёғдусида оқариб турган илонизи йўлга унсиз тикиларди. Кейин чуқур хўрсиниб қўяркан: « Яхшиям осмон битта...» деб пичирларди...

Кундузги югур-югурлардан толиқдан келинчак пишиллаб ухлаб ётар, эрининг тунги шарпадек бедор кезишларини сезмасди. Тонгга яғин намоз вақтидан ўтиб кетмадимикин, деган хавотир туйғусидан чўчиб уйгонар, шундагина эрининг ёнида змаслигини билиб, мунгайиб қоларди.

Бир оқшом тескари қараб, ўзини ухлаганга солиб ётган эрининг елкасини силаркан, ботинқирамасдан сўз қотди:

— Мендан кўнглингиз қолдими, нега терс қарайсиз?..

«Кўнглим бормиди ўзи?» дегиси келди йигитнинг. Шундай дейишига чоғланди ҳам...

Аммо...

Қалишиб ётган аёлнинг қорнида типирчилаетган гўдакнинг «тепкиси»дан йигит ҳушёр тортди.

— Сенга шундай туколгандир-да...

Аёл жавобдан қониқмади. Бошқача... жудаям бошқача жавоб кутганди.

— Ота-энгизнинг ўтидан кириб, сувидан чиқсан.. — илдао қўлди аёл. — Қариндошларингизни бешикдаги боласигача сен демасам...

Йигитнинг гапиргиси келмади, энсаси қотди. Аммо барibir нимадир дейиш керак...

— Фазилатларинг учун яхши кўришни истамайман.

Аёлнинг уни ўчди.

* * *

Нонушта вақтида Тангрибердининг тумтайиб ерга қараб ўтирганини кўрган тегирмончи хотинига им қоқди. Демоқчи бўлдики, нима бало хотиниминан жиқиллашиб қолдима?

Она кимдандир, қаердандир ўғлига мактуб келганидан гирашира хабардор, юраги безовта, аммо эрига қараб: «Білмайман», дегандай елка учирди.

Тегирмончи зимдан қараб, ўғлининг оғзини пойлади. Тангри бердидан ҳадеганда сас-садо чиқавермади. Тегирмончининг тоқати тоқ бўлди.

— Гўнгқарғага ўхшаб шуйтиб ўтира берасанма?! — деб юборди охири.

— Ота! — илкис бош кўтарди Тангриберди. — Менга пул керак! Келаси ойнинг ўн еттиничисида шахмат бўйича мусобақа бошланаркан. Бораман-у қайтаман, ишонинг, фақат шунинг учун бораман. Турнир тугаши билан қайтаман. Сўз бераман!..

Тегирмончи ўғлининг сўзларини бўлмай охиригача эшилди. Сўнг кўзларини лўқ қилганча:

— Мен бир дийирмончи бўлсам. Ортиқча пул нима қилсин, — деди у.

— Топганимни олиб келяпман-ку, ахир!

— Топганингни берган бўлсанг бир ўзим еганим йўқ. Сенам бир рўзгорсан энди. Бола-чақангни боқиб ётибман-ку!

Тангрибердининг юзи аламдан бужмайиб кетди.

Довул тегирмончи хотиржамлик билан чой ҳўплади. У ўғли томонга қарамасликка уринарди.

— Бораман, барибир бораман! — деб бақириб юборди Тангриберди жазавага тушиб. — Пул бермасангиз берманг, ўзим топаман! Лекин билиб қўйинг, энди бутунлай кетаман!

Тегирмончи пиёлада қолган чойни ўғлининг қозига сепиб юборди. Кейин иргиб ўрнидан туриб Тангрибердининг устига бостириб келиб, ҳўл бўлган сочларидан тортиб уни ўзига қаратаркан:

— Қани, кетиб кўр-чи, қарғайман, бола!.. — деди важоҳат билан. — Ўнгмайдиган қилиб қарғайман!..

— Бораман, барибир, бораман... — деди Тангриберди паст, аммо қатъиятли овозда.

— Ҳэ, энангди!..

Довул тегирмончи ўғлининг дуч келган ерига мушт тушира бошлиди.

Бувзилол байча ҳай-ҳайлаб ўртага тушди. Йиглади, бақириди, аммо ўғлини ажратиб ололмади.

Довул тегирмончи қутуриб кетганди.

Бор кучини сарфлаб бўлгандан кейингина тегирмончи ҳолдан тойиб ўтириб қолди. Шундоққина ўғлининг ёнига...

Тангриберди бошини ҳимоя қилмоқчи бўлгандек қўллари билан калласини тўсиб олган, пиқ-пиқ йиғларди...

Бир неча кун ўтди.

Довул тегирмончи раиснинг ҳузурига борди. Уйида бўлган гап-сўзларни оқизмай-томизмай Эшбоевга гапириб берди-да, охирида ўтинич билан деди:

— Кўнглим сезиб турибди, улим олдингизга пул сўраб кела-ди. Битта илтимосим шу, райис бова, улимга пул берманг, илти-мос, уришинг, сўкинг, ҳақдингиз бор. Керак бўлса бир-икки ша-пат урсангиз ҳам майли, болани йўлдан қайтаринг!..

— Мени олдимга келолмайди, — деди Эшбоев ишонч билан.

— Ботиниб келса, ўзим боплайман, сиз ҳавотир олманг, у ҳеч қаерга кетолмайди! Истасам, биз истасак, қочиб борган еридан ҳам қайтариб слиб келамиз!

Довул тегирмончи идорадан кўнгли хотиржам бўлиб чиқди. Эшбоевга бўлган зътиқоди янада ортди. Халқ дарди билан яшайди-ган раисга ҳайкал қўйиш керак, деган фикр ҳаёлинни банд этганди.

Бироқ тегирмончининг хотиржамлиги узоқча чўзилмади. Тун ярмида аллақандай шовир-шувур қулоғига чалиниб, ҳовлига чиққан тегирмончи ҳайратдан бир лаҳза қотиб қолди.

Утган йили фалон пулга сотиб олган таҳталарни Тангриберди билан яна бирор кўча эшик томон ташиётган эди!

Шу орада Бувизилол байча чиқиб қолди-ю шовқин-сурон кўта-риди. Нотаниш киши кузовли машинасига ўтирди-да, жўнаб қолди.

Довул тегирмончи ўғлини тутиб қолди, холос.

Таҳтанинг ярми машинада кетди.

Тегирмончи шу куни сезди куч-куватдан қолганини, чунки ўғли юлқиниб чанталидан чиқиб чорбоғ томон қочиб кетганди.

— Қайт! Орқангта қайт, бола! — деб ҳайқирди тегирмончи. Ҳайқириғи тун зулматини ёриб ўтиб тепаликлар ортида акс-садо берди.

Тангриберди ортига қайрилиб ҳам қарамади.

Қаҳр-ғазабдан дир-дир титраётган тегирмончи қўлларини тे-пага кўтариб, кафтларини очди:

— Қарғайман, бола! Ўнгмайдиган...

Бувизилол байча ўзини зрининг оёқлари остига ташлади.

— Жон отаси, боламни српарчин қилманг... жон отаси, мени уринг... мени тепинг... аламингиз босилади! Боламни қарғаманг, жон отаси...

Тегирмончининг кўзлари филтиллади.

Кўкка чўзилган қўллари бўшашди...

Оёқларидан мадор кетиб ерга чўк тушди.

Кўз олдидан ўғлининг чақчайган кўзлари нари кетмасди.

Бу кўзлар бир вақтлар юм-юм кўз ёш тўқадиган кўзларга сира-сира ўхшамасди.

Довул тегирмончининг дуоибадга очилган қўллари бошини чангаллади...

Тангриберди тунни тепалик ортида ўтказди. Унинг юзи, бўйни, билаклари тирналган, қон сизган згнидаги кўйлагининг тутмалари узилган, сочлари тўзғиб, «сават» бўлиб қолганди. Жон аса-ри тарқ этаётгандек аъзойи-бадани бўшашиб, ҳолсизланиб бораради.

Аммо... орзузи ҳали ҳам сўнмаган, кўнгил қирғоғида илиниб турар, «ана кетдим-мана кетдим» дегандай. Лекин буткул тушиб кетишга ожизлик қиласи, чунки... илдизи бақувват эди!..

Тонг отиши билан у хўжалик идорасига борди. Эшбоев энди келиб турган экан.

— Намунча, гарға оғзига ... олмасдан келиб турибсан? Тинчликми? — Эшбоев Тангрибердининг шилингган, гезарган юзидан «тинчлик» эмаслигини пайқаган бўлса-да, атай шундай деди.

— Менга бир оз пул керак, ака. Илтимос, йўқ деманг!..

— Пул керак бўлса отангдан сўрамадингми? — Эшбоев курсисига ястаниб ўтириб, йигиттга бошдан-оёқ разм солиб чиқди.

— Отам... — деди-ю Тангриберди гапиролмай қолди. Шу пайтда ҳам кўнгил бўшайдими?

Раис ундан кўз узмай турарди.

Тангриберди ич-ичидан кўтарилаётган галаённи куч билан босди. Кейин раиснинг кўзларига тик қараб деди:

— Отамда пул йўқ экан. Илтимос, раис ака!.. Кўрқманг, сб кетмайман...

— Энди, ука, бизнинг номимиз улуғ, раис деган отимиз бор, лекин пул масаласида эл қаторимиз, — деди Эшбоев зорлангандай бўлиб. — Раисда пул тиқилиб ётибди деб ўйлайсан-да ҳамманг!.. Аслида аввалги раиснинг шилтасидан ҳамон чиқолмай ёттанимни ҳеч ким билмайди. Хўжаликни ўтқазиб қўйган экан, номард!

— Бу гапларни отамга айтсангиз ишонарди, — дей пичинг қылди Тангриберди.

— Ишонмасаяг ўзинг биласан!..

— Пул бермайсанми?.. — кўзлари чақчайди Тангрибердининг.

— Бермайсанми?..

— Бермайман дессан урасанми?!

— Йўқ, урмайман, — Тангриберди хотиржам сўзлашга уринса-да овози, нафақат овози, балки бутун вужуди титрай бошлиди. Қарашлари ҳам ғалати эди. — Лекин!.. Ер сотганингизни, йўллар тўлиқ асфальтланди, деб бир миллион сўмлик акт тушиб, пулни уч-тўрт киши бўлишиб олганларингизни ёзиб райкомга, керак бўлса обкомга бораман. Фермадаги қўйларни сел оқизиб кетди деб акт туздирганингизни ҳам биламан. Ун беш йилдан бўён хўжаликни еб ётибсиз-ку, сизда пул бўлмайдими?!

— Ҳов бола, ўйлаб гапир!.. Тилим бор деб...

— Мана, манави қофозда, — Тангриберди кўйлагининг кўкрак чўнгагидан тўрт буклоғлик қофоз олиб, ҳавода силкитди, — барча кирдикорларингиз ёзилган. Ипидан иғнасигача! Мен бир йилдан бўён идорада бекор юрганим йўқ!..

Эшбоев баға бўлиб қолди.

Аммо тезда ўзини ўнглаб олди.

— Э, билганингни қилмайсанми! Менга деса райкомдан ҳам каттасига бор!

— Мана шу гапингизни ёзиб қўяман. Қўрқмайсизми, ахир?!

— Нега қўрқаман, ҳақ бўлгандан кейин. Опке, ёзганингга қўл қўйиб бераман!

Кутилмагандан Тангриберди ҳиринглаб купди.

— Аҳмомингиз йўқ, — деди ортига тисланаркан. — Сиз билан энди тегишли жойда гаплашамиз!

Эшик тарақлаб ёпилди.

«Ана энди, Эшбоев оёғи куйган товуқдек типирчилаб қолади!

— деди ичида тантана қилди йигит. — Типирчиламай кўрсин-чи, ур-руғини қуритаман ҳали!..»

Тангриберди хўжалик идорасидан узоқлашгани сайин тез-тез ўгирилиб ортига қараб қўярди. Ўйлардики, типирчилаб қолган раис орқасидан югурдакларини югуртиради. Шунда... Шунда... Ана шунда!..

Тангриберди уйинга яқин келди ҳамки, идора томондан бирор-нинг қораси кўринмади.

Кўча сокин, кимсасиз эди.

Хўжалик идораси ҳеч нарса бўлмагандек қўқайиб турарди.

Йигитнинг асаблари заифлашди. Юзидағи шодиёна ифода йўқолди. Ҳалигина ғалаба нашъасини тантана қилаётган юраги ториқа бошлиди. Бирдан унинг миясига: «Нега Эшбоевга ёпишиб

қолдим? — деган фикр ярқ этиб урилди. — Биревга ўтқазиб қўйган жойим борми? Бирев-биров-да, чўнтағи тўла пул бўлсаям истаса беради, истамаса йўқ!» Ўзига ўзи шундай дейиши билан Тангрибердининг туйкусдан жазаваси қўзиб кетди. Ўзини босолмай қолди. «Эшбоевни ер билан ясоон қилишим керак!» Ушбу таҳдидона фикр ийгитга фавқулодда куч-қувват бағишлади. Орзуладан озурда бўлган юраги ғазаб ва нафрат исканжасида дир-дир титраса-да.. Файри-шуурый равишида руҳан енгил тортган эди. Афсуски, бу кай-фиятнинг умри узоққа чўзилмади. Қия очиқ эшикдан уйга кириши билан хотининг кўзи тушиб асаби бузилди. Барча кўргилтиг-шўришларига хотини айбордерек кўзига бало-қазодек кўринди. Шунда ҳам ўзини босишига уринди. Эшбоевнинг «урругини қуригитиш» фикридан ҳали ҳам қайтмаган эди. Шунинг учун хаёлини чалғитмасликка тиришди. Қоронгу хонага кириб олиб, Эшбоевнинг устидан ўхшатиб ёзмоқчи, шу йўл билан юрагидаги заҳар-закқумларни мадда боғламасдан чиқариб ташламоқчи эди. Раисга дағдага билан кўрсатган қоғозда аслида ҳеч вақо ёзилмаганди. «Мана энди қўради мендан!..» Тангриберди қоғозга алланималарни ёзишга киришди. Аммо ҳадеганда фикрини жамлай олмади. Чунки хотини у ёқ-бу ёққа ўтиш баҳонасида эрининг елжаси оша кўз ташлаб «пойлоқчилик» қилаётганди. Тангриберди буни сезиб қолди.

— Нимага бунча атрофимда хира пашшадек ўралашсан?!

— деб бақирди у, аъзойи-бадани яна дир-дир титрашга тушди. —

Бор, йўқол, кўзимга кўринма!

Келин тахта бўлиб қолди.

— Эй, йўқол дегандак кейин йўқолмайсанми! Ҳайдаб чиқармагунимча тураверасанми қаққайиб!..

Доф босган олма ёноқлар аввал қизарди, кейин оқариб кетди. Сўнг ҳўнграб йиғлаганча ғоз юриш қилиб қайнонасининг уйига қараб кетди.

Бу ёғи зиди маълум...

Келин ҳиқиллаб йиғлади аввал...

Юраги ёрилган қайнона шошиб қолади. Нима бўлди ўзи, деган зардали сўров базўр оғзига келади.

Келин пиқ-пиқ йиғлади.

Йиғлаб туриб сўзланади, айтадики, ўлар бўлсам ўлиб бўлдим, жонимга тегиб кетди, мени ким деб ўйлайяпти улингиз, ҳайдаб чиқармасам кетмайсанма, деб бақиради?! Мен ўз оёғим билан келмаганман йўлдан қўшилиб, иззатимни қилиб олиб келибми-

дингизлар, энди беиззат бўп қолдимма? Бирорга хат ёзаётганини кўриб қолганимдан қўрқиб кетди, қўрқоқ!..

✓ Бошига гурзи тушгандек дсавдираб қолган она (қайнона бўлиш ҳам осонмас) бу вақтга келиб ҳушини йигиб олади, қарши ҳужумга ўтади, айтадики, ҳа, эси йўқ хотин! Эринг кет деса кетаберсанма? Қачондан бери у хотин ҳайдайдиган бўлиб қопти? Бу уйдинг катталари ўлганма? Қайната-қайнинна пишагингни пишт демаса, зринг аччуви чиқиб турганда айтса-айтибди-да. Кундуз урупса, оқшом суюди, эр-хотинчилик шу-да!

Келиннинг қарашларида зигирдек иddaоми, саркаспликми бордай, аммо уялганидан қайта оғзини очмайди. Лаблари қимтилганча ҳовлига чиқади, тенгсалиб, бир нимасини йўқотгандек гарангсиб у ёққа ўтади, бу ёққа ўтади, иш унмайди. Қайтиб ботинқира масдан ўз уйига киради. Ўргамчакка ўхшаб ўз тўрига ўралиб олган анови «гўрсўхта» аёл томонга қараб ҳам кўймайди...

Келинга алам қилиб кетаверди... кетаверди...

Охири чидай олмади, алил-тапил кийимларини йигиб тутунга тугди-да, индамай чиқиб кетди.

На бир товуш берди, на бир сўз деди.

Андак зарда билан ёпилган эшикдан «қарс» этган овоз чиқди холос.

Келиннинг кетиб қолганидан хабар топган ота-она кечга яқин Тангрибердини ўртага олишди. Бири бақириб, сўкиб, боши устидаги муштини дўлайтиrsa, иккинчиси йиглаб-сиқтаб, эмраниб... йўлга солишиб уни. Аммо меҳрибонларининг бирори ҳам нима бўлди ўзи деб сўрапмасди.

Хуллас, хотинини олиб келиш учун Тангрибердиннинг ўзи борадиган бўлди.

* * *

Келин кутмаган экан.

Эшик олдида турган эрини кўриб кўзлари чақнаб кетди.

Кейин бирдан аразли экани эсига тушиб, дарров қовоғини солиб олди.

— Бўл, нарсаларингни йигиштир, опкеттани келдим, — деди Тангриберди қуруқина қилиб.

— Бормайман! — Келин терс бурилди.

— Нега?

- Айтайнима, айтсам айтайнин, кўнглиниң башқада сизнинг!
Ҳар доим бирорни ўйлаб юрасиз!
- Осмондан олдингми бу гапни?..
- Осмондан олганим йўқ. Шовқи муаллимнинг хотинидан эшигидим!..
- Қачон?!.
- Тўйдав олдин!..
- Одамлар нималар демайди. Бир вақтлар кимдир билиб-билимай гапирган гапни байроқ қилиб кўтариб юриш шартми?
- Ўзингиз айтдингиз-ку!..
- Қачон айтдим? Нима дедим?..
- Айтдингиз... Ўзингиз айтдингиз... — Келин ҳиқиллаб йиглашга тушди. Овози аянчли эди. Йиғлаганида, энтикканида атлас кўйлаги остида дўшайиб турган қорни кўтарилиб-тушарди.
- Бўлди, энди... — Тангрибердининг кўнгли бир хил бўлди. Шаштидан тушгани овозидан билинди. — Бўла қол, уйдагилар кутиб қолишди.
- Келин оёқ тиради.
- Аввал ваъда беринг, ҳеч кимни ўйламайман деб! Борларини ҳам кўнглимдан чиқариб ташладим дент!
- Тангрибердининг эти сесканди. Жунжикаётгандек қунишиб олди.
- Кўнглидаги сир-асрорини билиб олмоқчилик синчковлик билан тикилиб турган ёстиқдошидан нигоҳларини олиб қочаркан... ноҷорлик билан кулимсиради:
- Сен нима десанг шу...
- Аёл-аёл-да... эрининг бир лаҳзалик сукутдан кейин янграган лутфидан хурсанд бўлиб кетди.
- Сиз бораберинг, мен пичак ёпиб, кейин бораман. Отам билан знам бир мазза қилиб ейди.
- Кеч бўлиб қолди-ку.
- Укам қўйиб келади.
- Келин шошилганча ичкарига кириб кетди.
- Ҳақиқий азоб кейин бошланди.
- Қайнатасининг дарвозасидан беш-олти қадам узоқлашар-узоқлашмас Тангриберди ўзини уриб ташлагудек ёмон кўриб кетди.
- Ўзини оғир тоғ кўчкиси остида қолгандек ҳис этди.
- Юраги сим-сим оғриди.
- Уйга боргиси келмади.

Кейинги күнларда тилга тушиб, анча танилиб қолған, пастак пештоқыга «Ҳасан вино» деб тұмтароқлы ёзув осилған уй томон бурилди. Уйға яқынлашған сари ачиган-чириған мева-чевалар-нинг құланса ҳиди димоғига урилиб, афти бужмайған бўлса-да ортига қайтмади...

Йигит ҳамма-ҳаммасини унудишины истарди...

Алламақалда винофурушының хотини ҳайдаб солганидан кейин ўрнидан турған Тангриберди кайф зўридан бир неча марта ииқилиб тупди. Бир амаллаб ўрнидан турді, зум ўтмай яна ииқилди. Гандираклай-гандираклай кўчага чиқиб олди. Тунги саррин шабада мисдай қизиётган лоҳас вужудга хуш ёқиб, бир неча дақиқа йўл ўртасида туриб қолди. Оғзини катта-катта очиб кўксини тўлдириб нафас олди. Муздай ҳаво гумираётган юрагининг тафтини босгандай бўлди. Кейин уйини мўлжал олиб йўлга тушди. Ўзича нималардир деб гудранар, ииқилиб-суринар, йўлнинг гоҳ у томонига гоҳ бу томонига ўтиб гандираклаб бораркан, орқасидан изма-из келаётган иккита барзангидай йигитни пайқамасди.

Бир оз юргач сойлик бошланди.

Сойлик хилват эди.

Навбатдаги уй нариги тепалик бағрида эди.

Тангриберди сойликка знаётганда йигитлардан бири стиб келиб уни туртиб юборди. Зўр-базўр оёқда келаётган йигит «гуп» этиб ииқилди.

Сойлик қоронгутоб эди. Сарғимтир ойнинг сарғиш шуъласи бу ерни ғира-шира ёритарди.

— Кўзингга қараб юрсанг ўласанми! — Бирдан дағдаға қилди ўша йигит. — Нега туртасан мени?.. Сенга осилдимми?!

Тангриберди инқилаб ўрнидан тураркан:

— М-мен т-ту-туртмадим. Ўз...зинг-ку... — деда гўлдиради.

— Ие, ҳам ғарлик, ҳам пешгирилик де. Ҳов бола!.. —

Йигит Тангрибердининг ёқасидан олди: — Туҳмат қилсанг каттарофидан қил, билдингми?!

— Ўзинг... — дейишга улгурди Тангриберди, барзанги асабийроқ эканми, уни ёқасидан тутиб, бир-икки сиқди-да кейин итариб юборди.

Тангриберди орқаси билан срга ўтириб қолди.

Тангриберди сўқинганча ўрнидан турганида барзанги муштини ишга солди. Тангриберди чап бермоқчи бўлди, лекин эплай

олмади, кайфининг зўридан боши ҳамон гарант эди. Мушт Тангрибердининг қуий жағини шишириб юборди.

Жаҳли чиқиб кетган Тангриберди қаттиқ теккан зарбдан ва ғазабдан афти бужмайганча қарши ҳужумга ўтаркан, нега бу одам менга түппа-тусиндан ташланиб қолди, деб таажкубланаради. Фира-ширада у барзангининг кенг, япасқи юзи-ю қаҳр-ғазабдан ёниб турган кўзларинигина кўтарди. Бундай башарани у қиппелоқ ичидаги учратмаганидан уни таний олмади.

— Энангди!.. Пишагингни пишт демасам, нега мени итарасан?!.. — Тангриберди қорувли эди, йигитнинг елкасига, биқинига бир-икки мушт туширди. Барзангининг лаби ёрилди шекилли, Тангрибердининг кўли шилимшиқ нарсага тегди. Бундан руҳланниб кетиб муштига зўр берди у. Биқинига, кўкрагига тушаётган зарбалардан бадани зирқираб оғриётганини ҳис этса-да, у бор кучини тўплаб уришарди.

Барзанг қалқиб кетиб, йиқилишига сал қолди. Шунда иккичи барзанг шеригига ёрдамга келди. Тангрибердининг муштлари зарби заифлаша бошлади. У иккала томондан тўхтовсиз урилаётган муштларга чап бера олмай қолди. Унинг биқинлари, бели, елкалари зирқираб оғрирди. Иккичи барзангининг қақшатқич тепкисидан кейин боши худди қўрғошин қўйилгандай оғир бўлиб қолди. Ҳолдан тойган йигит йиқилиб қолганда ҳам барзангилар аяб ўтиришмади. Энди улар Тангрибердининг дуч келган срига тепишарди.

— Теп! Теп! — дейишарди улар ҳансирааб. — Ўнгмайдиган қилиб теп!

Не кўргулик юз бераётганига ақли бовар қилмаётган Тангриберди жон аччиғида бақира бошлаган эди, йигитлардан бири кафти билан оғзини тўсди-ю елкаси аралаш бўйнига зарб билан тепди. Иккичиси мўлжаллаб туриб белига тепди...

Тангрибердининг кўзлари даҳшат ичра «ярқ» этиб очилди, гавдаси бир кўтарилиб тушди-ю юзтубан йиқилди...

Барзанг йигитлар шундан кейин баттар қутуриб кетишиди.

Улар Тангрибердининг боши-кўзи демай тепаверишиди, тепаверишиди...

Касалхона.

Жой танқислиги сабаб олти кишилик палатанинг кираверишида, эшикка яқин срга қўйилган каравотда Тангриберди юзтубан ётарди. Унинг умуртқа поғонаси уч еридан синган, синганда ҳам

унча-мунча эмас, сүяклари майды-майды бўлиб кеттанди. Тўрт ойдан буён жароҳати битмас, дўхтирларнинг ўзаро эътирофича, ҳали-вери битадиганга ўхшамасди. Бундан ташқари бош мияда ҳам андак ўзгариш юз берган чоги, йигит тез-тез иситмаси кўтарилиб, ҳущдан кешиб қоларди. Ҳушига келгандан кейин ҳам кўз олди қоронгулашиб, қулоқлари шангиллар, юзи докадек оқариб, оёқ-кўллари музлаб қоларди. Кўп терлаганидан кийимлари ҳўл бўлиб кетар, томир уриши сустлапшиб, қисқа-қисқа нафас олиб ётарди.

Тўрт ойдан буён аҳвол шу...

Тўрт ойдан буён у тахтакаравотда ётарди...

Озиб, чўп бўлиб қолганди.

Тўрт ойдан буён ўғлининг ёнида ўтирган она ҳам адойи-тамом бўлганди. Қовоқлари чукурлашиб, кўзлари ўйилган гўрдай бўлиб қолганди.

Ўғлини ҳар гал операция хонасига олиб кириб кетишаётганида: бу довургисига чидай олмайди, нима жони қолди ўзи, деган ўйдан жинни бўлиб қолай дерди. Икки... уч... баъзида тўрт соатлаб чўзилган операциядан кейин ўғлини яна тирик ҳолда кўриш насиб қилганида она дунёга қайта келгандек бўларди...

Бирдан елкаси гудрайиб, алпдай қомати дол бўлиб қолган Довул тегирмончи кун ора касалхонага қатнайди. Ўғлининг ўнгланмаётганидан хавотирга тушиб, кўнглига бир шумлик келди: «дўхтирлар бир нарса мудигар бўлаётган бўлмасин, тағин!..»

«Қора кун»га деб асраб қўйганидан қисиб-қимтиб бир қисми ни олиб бориб катта дўхтирнинг шахсан ўз қўлига тутди. Тўғри, орага одам қўйса ҳам бўларди, лекин ўртадаги одам қаллоблик қилиб, пулни катта дўхтирга бермаса-чи! Берсаям аввал ўзининг улушкини олиб, ортганини оборса-чи. Қўлма-қўл бўлгандан кўра ўз қўли билан бергани маъқул. Катта дўхтир у-бу дейдиган бўлса, «биз бир оми одаммиз», деб тураверади. Ҳозир пул олмайдиган дўхтири борми, ҳаммаси ҳам шу сариқ шайтонни кўрса шайтонлаб қолади.

Афус...

Тегирмончи хом ўйлаган экан.

Катта дўхтир ранглари ўчиб, титилиб кеттан, захнингми, монгонингми ҳиди анқиб турган, жамиси майды пуллардан иборат боғламни тегирмончининг қўлига қайтариб бераркан:

— Ўғлингиз тузалаверсин, бундан каттарофига зрийсиз, ҳали, — деди.

— Кам бўлса яна опкеламан...

— Кам деяётганим йўқ, ум-муман керак эмас, деяпман. Очиғини айтсан, раисингиз бизга шундай топшириқ берган!..

— Йўғ-е, Эшбоев келдима?.. — Ишонқирамасдан дўхтирнинг кўзларига тикилди тегирмончи.

— Ҳа, келди, ўғлингизни кўрди, айтадиганини айтди бизга. Хуллас, «золотой» раисингиз бор экан!..

— Эшбоевни икки-уч марта кўрдим... — деди тегирмончин ўзига ўзи гапиргандай ўйчанлик билан. Аммо... Эшбоев бу ерда нима қилиб юрибди, деб ўйлаш хаёлимга келмади.

— Эшбоевга ўҳшаган одамлар яхшиликни билдирамасдан қилишади, — деди катта дўхтири.

У самимий сўзладими ёки кесатиб гапирдими, тегирмончи ажратга олмади, дўхтирнинг гап оҳангидан тушуниксиз зди.

Барибир, нима бўлганда ҳам дўхтирандан эшигтан янгилик тегирмончига хуш ёқди. Этилган қадди кўтарилилди. Эшбоев аралашибди, демак улим тузалиди, деган ишонч билан қайтди касалхонадан.

Хўжалик идораси қаршисидан ўтаётиб ичкарига киргиси келди. Аммо ботинолмади, тўғриси оёғи тортмади. Кирди ҳам дейлил, нима дейди? Яхшиси, ўғли тузалиб кетганидан кейин уни етаклаб идорага боради, икковлашиб миннатдорчилик билдиришади.

Фикри ўзига жўяли туюлди.

Кампири бўшаган идишларни солиб берган сеткани саланг-латганча йўлида давом этди. Икки қадам ташламасдан ортига ўгирилди. Назарида, идора деразаларининг биридан кимдир қараб тургандек, тегирмончи ўтирилиши билан ўзини панага тортгандек туюлди...

Уйга келиб биринчи қылган иши, оғзидан боласи чиқиб кетгудай бўлиб юрган келинини отасиникига олиб бориб қўйди. Бувзил байча шуни қаттиқ тайнилаганди.

Келин... камзулининг ёқасини кўзига босганча йиглаб қолди.

Довул тегирмончи қудасининг уйидан чиқиб тегирмонга борди. Бироқ кундалик машғулотига қўл ургиси келмади. Илк бор ишдан кўнгли совуганини ҳис этди.

Эшик олдидаги курсичада узоқ ўтирди.

Қуёш пушти ранг уфқ устида осилиб турарди.

Қуёш нурларидан тегирмончининг кўзлари қамашди, у худди кўзи оғриган одамдай ёруғликка тик боқолмай қолди.

Бошини күйи солиб, күзларини чирт юмди. Шундай қылса унга осондай түюлди.

Бирор соат ўтиб қүш күринмай қолди.

Уфқда пушти ранг излар жилоланди.

Тегирмончи бошини күтарди, күзларини баралла очди. Ухладим, деб ўйлади. Лекин у ухламаганди. Курсичада қимир этмай ўтирганча, ҳеч нарса ҳақида ўйламаган, мушоҳада қылмаган эди.

Қалби ҳам, мияси ҳам бўум-бўш, ҳувиллаб қолганди.

Бир маҳал у бирдан сесканиб кетди, аланг-жаланг қилиб ёнверига қаради. Атрофда ундан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Кейин билдики, безовта қылган нарса синиқ тишининг зирқираши зкан. Тегирмончи тишини ушлаб кўрди. Сал қимирлаб қопти. Тушиб кеттганида кутилардим, деб ўйлади у.

Уфқдаги пушти ранг излар йўқолган, қош қорая бошлаганди.

Тегирмончининг ҳувиллаб қолган қалбига аста-секин изтироб ина бошлади. Оқшом борлиқни айланаб ўтиб, унинг қалбига оқиб кираётганди...

Ўмровини кўтара олмай, ўсал ётган ўғлини кўз олдинга келтираскан ўзини босиб турга олмади: «Зангар!.. Ичишга бало бормиди?! Мен энди кимнинг ёқасига ёпишман, боламни нега майиб қийдинг деб!..»

Кейин шахт билан ўрнидан турди-ю, Қўзибой ошнасининг ҳовлиси томон юрди.

Ошнасининг бир уйига қамалиб олиб, ярим кечагача бўқиб ичди. Аввалига чарчоги чиққандай тетикланди, фикрлари тиниклашди. Хотирасида олис ўтмишдаги узук-юлуқ хотиралар жонланар, аммо зум ўтиб, бу манзаралар айқаш-уйқаш бўлиб кетар, кўз олдидан ўғли билан боғлиқ воқсалар бир-бирига зргашиб ўта бошларди. Нимадир камзулининг ёқасини кўзига босгана-ча йиғлаб қолган келини ҳадеб кўзига кўринаверади.

Нимадир алам қилиб кетаверди. Нималигини ўзи ҳам билмасди. Яна ва яна қуиб ичиб бир неча сопол идишни бўшатди. Кейин ўзини бошқара олмай қолди. Лоҳас бўлганидан уй ичига сигмай кетасттгаңдек ўзини гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёнга ташлар, тинимсиз «уд» тортар, бўғзига нимадир тиқилиб қолгандай иягини тепага кўтариб, ҳадеб томогини силарди.

Бир маҳал хабар олгани ошнаси Қўзибой кириб қолганди, сенам ич, деб унга ёпишди-қолди. Қўзибой ошнаси: «Ичмайман, ичишни ташладим, сотган одам ичмайди, галварс», деб ўзини четга тортса ҳам кўнмади. «Ичасан, мен минан ичсан», деб тирғала-

верди. Ўртага Кўзибойнинг хотини тушди. Эр-хотин бир амаллаб тегирмончини уйдан чиқариб юборишга зўр бериб уринишарди.

Аммо...

Довул тегирмончи кетишни хаёлига ҳам келтирмас, ҳадеб бошмолдоқдай нарса туртиб чиқсан томогини силаганча:

— Мана шу еримда нимадир турибди-да, ошна. Не ичга тушади, не сиртга чиқади... — деда йигфламсиради.

Орадан икки ҳафта ўтиб келиннинг кўзи ёриди, ўғил кўрди.

Довул тегирмончи қудасиникига бориб неварасининг қулоғига аzon айтиб, исм қўйиб келди.

Отасига йўлдош бўлиб юрсин деб неварасининг исмини Йўлдош деб атади.

Тангриберди эса ҳеч нарсадан бехабар, ҳамон қимир этмай дустаман ётар, яқинда бўлиб ўтган бош мия операциясининг оқибати шекили, кун-уззукун пиш-пиш ухларди. Охириги операцияга олиб кетишаётганда Бувзилол байча... очиги, умидини узганди. Озиб кетганидан қуриган чўпдай бўлиб ётган, дока билан ўраб ташланган юзи бир бурда бўлиб қолган ўғли операциядан тирик чиққанини кўриб кампир изиллаб йиглаб юборди. «Чибиндай жонинг тошдан қаттиқ экан, болам...» дерди у ҳиқиллаб.

Куну тун пишиллаб ухлаётган Тангриберди аста-секин ўзига кела бошлади. У онда-сонда уйғониб кетгандек бўлар, изтироб ифодаси қотиб қолган, ёстиққа босиб ётаверганидан эгри-буғри чизиқчалар пайдо бўлган юзи бир турлиkkандек, қотиб қолган қорачиқлари ҳаракатлангандек бўларди-ю илҳақ ўтирган она «ҳа», дегунча бўлмай яна ухлаб қоларди.

Бир оқшом унинг тағин иситмаси кўтарилиб кетди. Аъзойибадани темирдек қизиб, алаҳлади, алланималар деб қичқирди. Ҳатто ўрнидан турмоқчи бўлиб бошини кўтарди, аммо жароҳати оғриб кетди чоғи, бошини кўтарган заҳоти азобдан афти бужмайиб кетди.

Шу охиргиси бўлди.

Шундан кейин Тангрибердини жазавага солувчи ғайритабий иситма безовта қилмади.

Кундан кунга юзи сокин тортиб, ўнглана бошлади. Гапирмаса-да ётган еридан ён-верини кузатарди, қорачиқлари у ёқдан бу ёққа бориб-келярди.

Бошида парвона бўлаётган аёлга қизиқсиниб қараб қўярди.

Ниҳоят кунларнинг бирида Тангриберди тилга кирди:

— Қорним оч... — Қуруқшаб, ёрилиб кетган лабларидан уч-
ган дастлабки сүз шу бўлди.

Бувзилол байчанинг юраги ёрилаёзди.

Топган-тутганини ўғлининг оғзига тутди.

Бирор соат ўтиб яна Тангрибердининг шикаста овози эши-
тилди:

— Овқат... борми?...

— Болам бечора... — Онанинг кўнгли вайрон бўлди. — Инди-
ги қуриб кетган-да.

Бироқ...

Кўп ўтмасдан ўғил тағин овқат сўради.

Бу сафар она хиёл ажабланди. «Шунча овқат қаерга кетяп-
ти?» деди ичида ўзига ўзи. Кейин кўзи тегиб қолишидан қўрқиб
кетди. Шоша-пиша ўнг оёғи билан чап оёғининг изини «кесиб»
қўйди.

Тангриберди эса тағин овқат талаб қила бошлади.

Кечта бориб она хавотирга тушди.

— Улим эрта-мертандан бери тинмай овқат еб ётибди. Ошқу-
яри овриб қолмайдима? — деб сўради «обход»га кирган ҳаво-
ранг қалпоқли, баланд бўйли дўхтирдан.

— Ҳозир нима сўраса бераверинг, — деб жавоб берди ҳаво-
ранг қалпоқи врач. — Лекин кейин тўхтатиш керак. Буни ўзим
айтаман ҳали.

Чамаси бир ҳафтадан кейин бошини кўтариб, бемалол у ёқ-
бу ёққа ҳаракатлантира оладиган бўлиб қолган Тангриберди
овқатлангандан кейин қаршисида мунғайиб турган аёлга мин-
натдорчилик билдира бошлади:

— Раҳмат, хола, овқатнингиз мазали бўпти.

Бувзилол байча чала эшитдимми, деган хаёлда ўғлининг юзи-
га ҳайрон бўлиб тикилди.

Тангриберди аёлни эшитмади хаёл қилиб яна сўзини такрор-
лади.

— Раҳмат, холажон.

— Нимага хола дейсан?! — Қўрқиб кетган она бақириб юбор-
ганини сезмай қолди.

Тангриберди сесканиб кетди. Кўзларида хавотир аломати
пайдо бўлди. Қаршисида гезариб, йифламоқдан бери бўлиб
турган кампирнинг айюҳаннос солишидан чўчиб юзини де-
ворга бурди.

Дастлабки күнларга қараганда енгил шиппақда юришга ўрганиб қолган она палатадан чиң солиб, дўхтирнинг хонаси томон югуриб кетди.

— Улим... Болам... мени хола деб ётиби... — деди у врач ҳузурига ҳансирағ бориб.

Қандайдир қофозларни деразадан тушаётган ёруғга тутиб кўздан кечираётган қалпоқли дўхтир эшигмадим, дегандек она-га юзланди.

— Улим мени хола деб ётиби...

— Амнезия! Ўзим ҳам ўйловдим. — Врачнинг юзида ўйчан ифода пайдо бўлди. Кейин анқайиб турган аёлга тушунтириди: — Ўғлингиз хотирасини йўқотган. Лекин сиз ваҳимага тушманг, бу вақтингча, албатта...

— У энди ҳеч кимни танимайдим? Боласиниямми?..

— Афсуски, шундай. Лекин бу вақтингча бўлиши мумкин. Мен ҳозир ҳамшираларга айтаман...

— Яна апараста қиласизларми?

— Оббо! Онахон, жуда бесабр экансиз-да. Энди операция қилмаймиз. Намунча, ҳаммаларнинг операциядан қўрқасизлар?!

— Апарастадан кейин шўйтиб қолди-ку!..

Дўхтирнинг юзи сезиларли даражада ўзгариб кетди.

— Агар биз операция қилмаганимизда, биласизми, ҳозир ўғлингиз қаерда бўларди?!

— Жиннихонада! Боринг палатага, ўғлингиз қалтис ҳаракат қилиб қўймасин!

... Бир ойдан кейин Тангрибердига уйга қайтишга рухсат беришди. Ўша куни бош врач Довул тегирмончини ҳузурига чақириб ётиғи билан тушунтириди:

— Биз қўлимиздан келганча қарадик, даволадик. Лекин... Умуртқа погонасидан атиги битта суюги синган одам қулаган дараҳтдай гап. Тангрибердининг бир эмас, учта суюги синган. Бош мия... озгина шикастланган... Эҳ!.. Қараб туриб... шуларнинг ҳаммаси ичкиликнинг касри, деб ўйласант, бир қултум ҳам ичкилик оғзингга олгинг келмай қолади. Хуллас, бу ёғини энди вақт даволайди. Бир ой, бир йил, балки ундан кўпроқ муддат керакдир. Лекин аниқ кафолат бера олмайман. Балки умуман... Аммо очигини айтишим керак, Москвага олиб борганингизда ҳам бундан ортиғи қўлларидан келмайди...

Тегирмончи лом-мим демади.

Нигоҳларини ерга тикканча нафасини ичига ютиб ўтирди.

— Лекин овқатни вақти-вақти билан бериш керак. Семириб кетса ўзига қийин бўлади.

Врач яна нималардир деди.

Тегирмончи бирини англади, бирини англамади.

Хонадан чиқаётib эшик олдида бир зум каловланиб туриб қолди. Сўнг шими чўнтағидан қоғозга ўралган нарсани олиб стол устига қўйди-да, ёв қувлагандек чиқиб кетишга шошилган эди, дўхтир йўлини тўсди.

Пулни қайтариб эгасининг чўнтағига солиб қўйди.

— Қизиқсилар, сўралмаган пайтда ҳам пул берасизлар-а? — дея ҳазилга бурмоқчи бўлди гапни дўхтир. Тегирмончининг қарашларидаги тошдай оғир ифода ҳазилнинг ўрни эмаслигини таъкидлаб тургандек туюлди. Дўхтир бирдан жиддийлашди: — Яхшиси ўғлингизга аравача олиб беринг!..

Вазни анча оғирлашиб қолган Тангрибердини тўрт киши кўтариб касалхонадан олиб чиқиши. Машинанинг орқа ўринидигига қорни билан ётқизиши. Шалвираб қолган оёқларини орқага букиб қўйиши...

— Бечора одам... — дея пицирлади эшик олдида турган ҳамширалардан бири.

— У одам эмас, урод! — деди ҳаворанг қалпоқли дўхтир ва тобора узоқлашаётган машина ортидан унсиз қараб қолди.

* * *

— Бу сени улинг!

Бувзилол байчанинг қўлида кўзлари чақнаб турган етти ойлик болакайга Тангриберди кулиб қаради, аммо болага қўл узатмади.

— Кўлингга олсанг-чи болангни... — деди Бувзилол байча ва болакайни Тангрибердининг қорни устига ўтқазиб қўйди. — Отабола бир искашиб олинглар, зора...

Она кўзларини олиб қочди.

Тангриберди қаршисидаги аёлнинг кўнгли учун болакайнинг пешонасидан ўпиб, эркалади. Кейин уни қўлларида туттан кўйи гоҳ ўзидан узоқлаштириб, гоҳ кўзига яқин келтириб юз-кўзига тикилди. Синчиклаб тикилди. Аммо... зулмат ортида муз қотган хотирасида «йилт» этган тафт, учкун сезилмади.

Балки шу боис болага нисбатан юрагида ҳеч қандай туйғу уйғонмади..

— Мени хола демагин, тағин. Эна де, энанг бўламан, — деди Бувзилол байча.

Бир муддат тарафдудланиб турди-да, дўхтирларнинг: «Таниш нарсаларни кўпроқ кўрсатинг. Эслаш қобилиятини тиклашда ёрдам беради», деган сўзларини эслади ва ёшига ярашмаган бир енгиллик билан «лип» этиб бориб қасрдандир шахмат тахтасини топиб келди.

— Манави эсингдами, манави... — Бувзилол байча чант босган шахмат тахтасини енги билан артиб ўғлининг кўзларига яқин келтирди. — Шуни деб балога йўлиқиб қолдингма дейман-да, шўрли болам!..

Тангриберди «эна»сининг қўлидаги матоҳга парвосиз назар ташлади. Индамади.

— Манави ерга қўйдим шахматингни, керак бўлса қўлингни чузиб олаверасан, — деди ва шахмат тахтасини ўғлининг бош тарафиға тикка қилиб қўйди.

Тангриберди тағин индамади.

У қиқирлаб кулаётган болакайга андармон бўлиб қолганди.

Бир куни...

Тегирмончини Эшбоев йўқлатди.

Саҳар эди.

Эшбоев айтганидай «...ғарға овзига ... олмаган» бир пайт эди.

Эшбоев гапни аввал тегирмондан бошлиди. Кимdir Довулбой кундан кун кўл ҳаққини ошириб борягти, деган змиш.

Эшбоев шу гапларни айтиб киприк қоқмасдан тегирмончига тикилиб тураверди.

Терговга чақирилибман, деб ўйлади тегирмончи. Энди бу кўргулик ҳам бормиди?.. Аввалига оёқлари қалтиради, кейин териси буришиб қолган вужуди титрашга тушди. Лекин барибир жавоб бериши керак! Энг осони, бошига тушган кулфатни рўкач қилиш... Шунда балки Эшбоев кўкайини кенг қиласди. Довул тегирмончи кўзларини пирпиратди, слкасини қисди. Бечораҳол кўрингиси келди янада.

Айтдики:

— Боламиз... Боламизниң бошига ташвиш тушиб... Энди унинг бола-чақасини боқиш мени гарданимда... Тан оламан, бир иккитасидан ошиқча ҳақ олдим. Лекин ҳаммаданмас!..

— Ўша «бир-иккиталар» кимлигини яхши биламиз. Мана, ўзининг сти, отасининг отига довур аниқ-таниқ қилиб ёзиб кетишган. Ҳай, майли, мен хўжакўрсинга сизни идорага чақиртирдим. Ановиларни кўзига бўла... мен сизга айтсан, ошиқча пулни кимдан олишни билиш керак. Айтганча, улингиз қандай?..

— Шу... кўтарам бўлиб қолди-да.

— Хотираси ҳам яхшимас, деб эшитдим.

— Шундай.

— Бўлмаса бундай қиласми. Мен улингизга хўжалик ҳисобидан пенсия тайинлайман. Ҳар ойда пешма-пеш олиб турасиз. Кейин... битта дилбузар билан битта аравача биздан!..

Тегирмончининг юраги ҳаприқди. Қаршисида ойдай ярқираб, тўлишган раиснинг пойига тиз чўкишдан ўзини базўр тийди.

— Раис бова... Оробани ўзимиз обберамиз... — деди у ҳаяжондан тутилиб. — Сиз аробани Қодирқулди отасига бера қолинг. Шўрли ўн уч йилдан берি тўшақда михланиб ётибди.

— Қодирқулди отасигаям арава топамиз. Фам сманг. Аравачанинг таги мўл! Айтгандай, невара қандай? Уям шохмот ишқибози эмасми, ишқилиб?..

— Ким билади, лекин калласи каттагина отасига ўхшаб. Аммо-лекин... Раҳмат, раис бова!.. — Довул тегирмончи қўлини кўксига урди.

Ойнинг юзида табассум жилва қилди.

«Ороба керакмас дедим, дилбузар керак эмас демадим, — деб ўйлади тегирмончи уйига қайтар экан. — Шуни фаҳмига етдимикан?..»

Тангриберди эса кундан кун семириб бораётганди. У энди тўлишиш фаслидан ўтиб росмана семираётган эди. Онаси ёки хотинига кўзи тупса бас, қорним очди, деб қўярди. Улар атай эшитмасликка олиб ўтиб кетишса Тангриберди ўзини боса олмай қоларди:

— Қорним оч, овқат борми ўзи бу уйда! — деб айюҳаниос соларди.

Қўни-қўшнилардан хижолат тортган аёллар дарров унинг айтганини муҳайё қилишарди.

Тангриберди фақат овқат сийиш учун яшайдандек эди. Унинг фақат ногирон вужуди ва ошқозони қолганди.

Кўп ўтмасдан у бир қоп гўштга айланди.

Идора ходимларидан икки киши келиб, тантанали равища Тангрибердига ногиронлик аравачаси билан телевизор топши-

риш маросимини ўтказиши. Машина ҳайдаб келган йигит суратга тушириди...

Икки ҳафтадан кейин Тангрибердининг ногиронлар аравасида ўтирганча телевизорни қабул қилиб олаётган ҳолдаги сурати газетада босилиб чиқди...

Эшбоев эса... Кўп ўтмасдан район катталари ҳузурига чақиририлди.

Айтишларича, ё ўринбосар, ё «катта» бўлармиш...

IV

Ҳаёт давом этарди.

Бирин-кетин бўй етиб қолган қизлар жойи чиқиб узатилиб кетиши. Эркабой уйланди. Ёр-ёр садолари янграб, янгалар қуршовида келинчак кириб келганида нима учундир йифлаб юборган катта келин «юз очди» бўлган куннинг эртасига боласини етаклаб қаёққадир отланди. Хавотир аралаш ҳайрат билан ҳаракатларини кузатаётган Бувзилол байчадан на изн сўради, на рагбат кутди. Боласини етаклади-ю чиқиб кетди.

Ўша куни, ундан кейинги кунлар ҳам келиндан дарак бўлмади.

Мункиллаб қолган тегирмончи қудасиникига зир қатнади. Кимларни ўртага қўймади.

Афуски, келини қайтиб келмади.

Тегирмончининг аввалги шахти йўқ эди. Қудаси-ю-келини олдида тили қисиқдай эди. Аммо буткул ноумид қайтишни ҳам истамасди.

— Йўлдошбой бизники! — деб туриб олди неварасини қучоқлаб.

Қуда ер сузди.

Лекин қудағай тилини тийиб тура олмади, жовуллади:

— Болангиз миҳан уй қилиб орттиргани шу болайди. Энди шугинани ҳам тортиб олмоқчимисиз?

Довул тегирмончи «миқ» этолмай қолди. Ичида неварасидан айрилганини тан олиб ҳам қўйганди. Энди бош кўтармай чиқиб кетиш қолганди.

Шу пайт эшик оҳиста очилиб, остоңада келин бўлмиш — Йўлдошбойнинг онаси пайдо бўлди.

— Майли, бола уники... — деди у йифламсираб, камзули ёқасини кўзига босиб. Кейин йиги аралаш сўзланди: — Фақат кейинроқ...

Довул тегирмончи келиннинг муддаосини фаҳмлади.

Тангрибердига хотинининг кетиб қолганини айтишмаганди. Ўғлига ўрганиб қолган экан, ҳадеб: «Йўлдошбой қани? Нега келмаяпти?» деб сўрайвериб онасини бозор қилиб юборди. Бувзилол байча чидаб тура олмади, охири айтди. Йиғлаб туриб айтди.

Тангриберди «миқ» этмади.

Онасининг куз ёшлари юваётган юзидан кўзларини олиб қочди. Шифтга тикилди. Киприк қоқмай ётди.

Шу куни у бирор марта ҳам: «Қорним очди!..» деб бақирмади.

Эртаси куни ҳам...

Ундан кейин ҳам...

Кейинги куни у тун ярмидан оққанда онасини уйғотиб ташқариға олиб чиқишини илтимос қилди.

— Ярим оқшомда нима бор, болам. Тонг отсин...

— Олиб чиқмасангиз, ҳозироқ ўлиб қоламан!.. — юзи кўкариб кетган Тангриберди кўйлаги ёқасини тутамлади.

Бувзилол байча қўрқиб кетди.

Ҳай-ҳайлаб Эркабойни уйғотди.

Биргалашиб Тангрибердини аравачага ўтқазиб ҳовлига олиб чиқриди.

— Энди бориб ухлайверинг, — деди Тангриберди онасига. — Мен ўзим ўтираверман!

Бувзилол байча аста юриб уйга кирди. Аммо ўринга чўэзилмади. Ҳовлига қараган дераза олдига чўк тушиб, ўғлидан куз узмай ўтириди.

Тангрибердининг нигоҳлари ҳовлини кўздан кечириб, ой шульласига чўлганиб ётган тепаликка тушди. Бироқ нигоҳлари бу ерда ҳам бир дақиқа «тўхтамади», тепалик оша узоқ-узоқларга тикилди. Бири қорайиб, яна бирорининг уни ялтираб турган тепаликлару-тоғлар билан юлдузлари жилва қилаётган осмоннинг туашган ерига унсиз тикилиб қолди.

Лекин афсуски, музлаб қолган шури ҳеч нарсани ҳис этмади.

Бедарак кетган хотираси ҳеч нарсани эслай олмади.

Юраги қаттиқ санчди, холос.

Эртаси куни Довул тегирмончи эрталабданоқ тирговуч ясашга киришди. Тунда дераза олдида тиз чўккан кампиригининг ёнида туриб шу фикрга келганди. Бирор соат ўтиб тайёр бўлган тирговучга шахмат тахтасини осиб, ўғлининг каравоти ёнига қўйди.

Қаршисида телевизор, ёнида шахмат доскаси, бирор тегирмонга бор, деб зугум қилмайди. Неки истагини айтса бас, ёнида мўлтираб турган онаси муҳайё қиласди.

Энди шахмат билан шуғулланиш учун барча шароит мұхайё зди!
Аммо...

Тангрибердини шахмат деган балои-азим энди умуман безовта қылмасди. У фақат телевизор күрарди. Толиққан пайтлари дерајадан күчани, ўттан-кеттгани кузатиб ўтиради.

Истаса, шундоқ қўлини узатса бас, шахмат билан шуғулланиши мумкин зди.

Айнан, ўша истак йўқ зди йигитнинг кўнглида.

У фақат бир нарсани, онаси «сенинг ўғлинг», деб қўлига тутган ўша болакайни кўришни, уни яна қўлига олишни орзу қиларди.

Довул тегирмончи эса... тез-тез ўғлининг хонасига кирадиган, у билан соатлаб гаплашиб ўтирадиган бўлиб қолгауди. У ўғли билан сұҳбатлашиш асносига шу нарсага амин бўлдики, Тангрибердининг тили равон, ҳамма нарса ҳақида бийрон-бийрон гапиради. Фақат нимагадир ёнгинасига турган шахмат доскасига қайрилиб ҳам қарамасди.

Шунда тегирмончининг мижжаларига беихтиёр ёш қалқди. Буни ўзи ҳам сезмай қолди. Ўғлининг ярми тирик, ярми жонсиз, абгор танаисига зидан боқаркан юраги ўртаниб кетди: «Балки ҳарбийга қайтиб кеттганида бу фалокатта йўлиқмасмиди?...» деган армонли ўй миясидаги ўша ғовакни тирнаб ўтгандай бўлди...

Ўша куни кечга бориб тегирмончи сирқовланиб ётиб қолди. Эртасига ҳам, индинига ҳам ўрнидан турмади. Туз тотмай кўйди.

Бешинчи куни тонгта яқин бошмалдоқдай нарса туртиб чиққан томогини икки-уч бора силади, кейин қўлларини қимирлатишга ҳоли келмади...

Бувзилол байча оғзига томизиш учун сув олиб келганида тегирмончи жон таслим қилиш арафасига хириллаб ётарди. Оёқ-қўллари музлаган... Кўзлари чирт юмилган, худди қайта очилиб кетмасин, дегандай... Аммо ҳамон хирқираётган бўғиздан отилаётган кўкимтирик кўпик сира адo бўлмайдигандек оқаверди, оқаверди... Бувзилол байча қўрқиб кетди: Бунча кўпик қаердан чиқяпти?!

Орадан олти ой ўтиб Бувзилол байча ҳам касал бўлиб ётиб қолди. Ўрнидан туролмай қолгунча ўғлининг хизматини қилди. Охирги дақиқаларда ҳам у боласига илҳақ бўлди. Ўлгиси келмагандек жон талашди; жон тери чиқиб, қат-қат ажин босган пешонасидан реза-реза тер оққанида ҳам... кампир ўрнидан турмоқчи

бўлар, устига ёпилган снгил кўрпани силтаб-силтаб юборар, аллақачон караҳт бўлиб қолган лаблари нимадир демоқчи бўлган-дай аҳён-аҳёнда сесканиб кетарди.

Бир бурда бўлиб қолган вужуд сўнгти куч-қувватини шу йўсин сарфлади...

Бақрайиб қолган кўзларни қишлоқ мулласи дуо ўқиб ҳам ёпа олмади...

* * *

Катта келин бошқа турмуш қилгачгина, Йўлдошбойни отасининг ихтиёрига юборди. Бирданига икки ўғилчали бўлиб қолган кичик келин рўзгор юмушларига ўралашиб қолган, Тангрибердига қарашиб баъзи кунлари эсидан чиқиб кетарди. Эркабой кун бўйи тегирмондан бери келмасди.

Довул тегирмончи оламдан ўтиб кетган бўлса-да, у умр бўйи кутган, кўрқсан «талаш-тортиш» юз бермаган, Эркабой тегирмонни ёпиш хаёлида юради.

Беморга қаровнинг мазаси қочди.

Хонадан ёхимсиз ҳид уфуриб қолганди.

Тинимсиз қашинаверганидан Тангрибердининг баданида учукча ўхшаш бир нарсалар пайдо бўлди. Учуклар аста-секин катталасиб, йирингли ярага айланди. Бир кун келиб яралар ёрилганидан, йиринг аралаш қон сачраб кийимлари доғ бўлиб қолгандан кейингина Эркабой бундан хабар топди. Тўғрироғи, бу «хабар»ни ота-онаси ўлганидан кейин Тангрибердининг олдига тез-тез кириб турадиган Шовқи муаллим айтди. Эркабойга биринки аччиқ-тизиқ гапларни ҳам гапирди. Эркабойга жizzакироқ эди. Жаҳли чиқиб кетди унинг.

— Сиз! — деди у отасиникига ўхшаш чағир кўзларини чақчайтириб. — Акам минан ишингиз бўлмасин! Отамдан бир эшигандим, аслида акамнинг бошига сиз етгансиз! Сиз!

Шовқи муаллимнинг кўзларидан тирқираб ёш отилди. Аммо бир сўз демади. Сенга гап ҳайф, дегандай Эркабойга нафрат билан тикилди-да, уйдан чиқиб кетди.

Шу кетганча бадар кетди. Қайтиб бу остонаяга қадам қўймади. Тангриберди эса ташқарида бўлаётган гап-сўзлардан бехабар, эшикка термулиб ётарди. Шовқи муаллим келишини кутарди. Муаллимнинг суҳбатлари унга номаълумлик чегарасини бузиб ўтиш учун куч-қувват бағишаётгандай эди.

Нимадир юз бериб, ҳаммаси тамом бўлганига бир ойлардан кейин ишонди Тангриберди. Чунки ўтган вақт мобайнида Шовқи муаллим умуман қорасини кўрсатмаганди. Тангрибердининг: «Балки кўчадан ўтганда кўзи тушиб қолар...» деган ожизона ишинжи ҳам пучга чиқди.

У энди кун уззукун миқ этмасди. Уғли ўйин боласи эмасми, кўчадан бери келмасди. Телевизор ҳам жонига текканида баъзида кун бўйи бирор марта ёқилмасди.

Тангриберди энди «овқат!» деб бақирмасди. Келини патнис кўтариб келгунча бир парча бўлиб қолган юзини ярмини эгаллаган кўзларини бақрайтирганча деразадан ташқарига тикилар, аҳён-аҳёнда ёнгинасида қаққайиб турган «икки оёқли» шахмат тахтасига қараб-қараб кўярди.

У озиб, чўп бўлиб қолганди. Худди мўмиёланган жасаддек кундан кун кичрайиб, емирилиб бораётгандек эди.

Қалбида ҳамма нарса айқаш-уйқаш бўлиб кетган... Вуҳудидан муҳаббат ва самимият сиқиб чиқарилган... Шуури... аёвсиз жангдан кейин ҳувиллаб қолган кўрғонни эслатарди. Совуқ шамол, елвизак ҳукм сурарди у ерда... У жисмонан сиғилган эди.

У нақ мурданинг ўзи бўлиб ётарди.

Кунларнинг бирида...

Саҳар пайти эди.

Осмон ёришган, қушлар чаҳ-чаҳлаб тонгни ҳушлаётган соқин бир палла эди.

Тангриберди уйқудан чўчиб уйғонди.

Уйғона солиб, иргиб ўрнидан турмоқчи бўлди. Бироқ жонсиз оёқлари қимир этмади. Ажабланди. Тарападек қотган оёқлари га ҳайрон бўлгандек бир неча сония тикилиб қолди. Кейин олазарак бўлиб атрофга аланглади. «Эна-а!» деб бақиргиси келди. Аммо бақирмади, бақира олмади. Чунки каравотдан сал нарига солинган ўринда ўзига қуйиб қўйғандай ўхшаш бир бола пишиллаб ухлаб ётарди. Кўксини ажиб туйғу қамраб олди. У болани қўлига олгиси, бағрига босиб, эркалатгиси келди. Аммо болакайнинг ширин уйқусини бузгиси келмади.

Сўнг нигоҳлари беихтиёр шахмат тахтасига қадалди. Қарашларида фавқулодда бир зийраклик ва теран маъно акс этарди.

Узалиб тирговучли шахмат тахтасини ўзинга яқин сурди. Куттимаган жўшқинлик билан шоша-пиша оқ ва қора доналарни тахтага териб чиқди.

Кейин... қандайдир хаёлий куч исканжасига тушиб қолган-дек қалтираб кетди. Қалтираш асносида... елкасидаги йириングли ярадан нимжонгина бир нарсалар учуб пастга — кўрпа устига тушди. Бу қурт эди.

Баданидаги яралар қуртлай бошлиганди.

Тангриберди бундан бехабар...

Юраги ҳеч ерга сифмайдигандек гурсиллаб урап, олов ёлқим-ланастган кўзлари таҳтага қадалганча тек қотганди.

Бир маҳал...

Музлаб қолган тафаккурида «айлт» этиб учқун пайдо бўлди. Учқун аста-секин аланг олиб, зулматда қақшаб ётган тасаввур кўзгусини ёритиб, кумушдай ярақлатиб юборди.

Шундан кейингина йигитнинг кўз олдидан таниш лавҳалар бир-бирини қувлашиб ўта бошлиди. Ва... Ва Тангриберди аста қўлини узатиб «оқ»ларнинг «пиёда»сини бир катак олға сурди.

V

Телевизорда шахмат мусобақасига оид кўрсатув берилаёт-ган пайт.

Жаҳон чемпиони билан жаҳон чемпионлигига даъвогар ўртасида кескин жанг бошланган. Иккаласи ҳам чуқур ўйга толиб, шахмат таҳтасига тикилган кўйи ўтиришарди.

Тангриберди жаҳон чемпионининг ҳар бир ҳаракатини, ҳатто кўз қарашларини ҳам эътибордан қочирмасдан ўйинни кузатарди. Унинг бутун вужуди кўзга айланган, экран ичига кириб кетгудек бўлиб ўтиради.

Бир маҳал тош қотиб ўтирган жаҳон чемпионининг кўли ҳаракатга келди. Бармоқлари «от»нинг бошидан тутди.

Шунда.. шунда Тангриберди ўтирган ерида бир қалқиб тушди.

— Йўқ! Йўқ! — дей пичирлади у ҳаяжонланиб. — «От»ни қўятур! «Рух»ни с 8 дан с 4 га юр! Шунда... Ана шунда!..

АЁЛ

Декабрь ойининг охирлари. Ҳаво совуқ, майдалаб ёмғир ара-лаш қор ёғмоқда. Күчалар бўум-бўш, кимсасиз...

Кўп қаватли уйларнинг бирида дераза ойнасидан ташқарини кузатиб турган аёлнинг кўнгли бунданда гаріб, бундан-да ҳоргин эди. У янги ишга қўл уришга чоғланган-у, бироқ кўнглини хавотирми, иккиланиши ми ё кўркувами ўхшаш бир ҳис чулғаб олган киши кайфиятида эди. Деразанинг муздек ойнасига пешонасини тираб яна бир неча сония шу кўйи турди-да, сўнг бир қарорга келди шекилли, кийимхонага ўтиб апил-тапил кийина бошлади.

— Қаёққа кетаяпсан, Нафис?

Аёл кийимхонадан чиқаркан, ётоқхона эшиги олдида майка-чан турган эрини кўриб бир оз саросималаниб туриб қолди.

— Ўтган куни Хоснит янга уч юз сўм олганди, сўраб кўрмоқчиман. Ўзига қарасам ҳали-бери берадиганга ўхшамайди.

Асиљек кўзларини олиб қочди..

Нафиса кўчага чиққандан кейингина сингил тортди, орҳасига қараб-қараб мактаб томон йўл олди. Кўп қаватли уйлар оралиғидаги йўлақдан юриб бораркан, хаёли паришонлигиданми ё шошилаёттаниданми, бир исча марта текис йўлда қоқилиб кетди.

Мактаб илмий бўлим мудири унинг муддаосини эшиттагч директор ҳузурига олиб кирди.

— Институтни битирганман, дарс бўлса ишласам дегандим, — деди у бир оз ҳаяжон билан. — Ботаникман...

Директор — тўладан келган, баланд бўйли, тилла гардишли кўзойнақ таққан салобатли аёл — Нафисага синончан тикилиб турди-да, сўнг «завуч»га юзланди.

— Дарслардан қалайсиз? Бўш ўрин борми юқори синфларда?

— Бор-у, аммо рус синфларида. Менимча, — завуч Нафисага бир қараб қўйиб, фикримни давом эттираверайми дегандай директорга маъноли нигоҳ ташлади.

— Хўш?

— Менимча, бу киши юқори синфларни зплаши қийин. Юмшоқ табнат экан.

— Ўзингиз нима дейсиз?

— Билмасам... Очиғи, рус тилидан нўноқман.

— Унда кўнглингиз ўзингиздан қолсин, — директор гап та- мом дегандай ўрнидан турди.

— Ўқитувчилик бўлмаса бошқа иш бўлсаям майли... Кутубхоначиликоми, котибаликоми...

— Афус, — директор бир зум ўйланиб турди-да, сўнг деди: — бизга ҳозирча фақат дворник керак-а?

— Дворник кераг-у, лекин опамиз институтни битирган экан, — завуч Нафиса томон ачиниш билан қараб қўйди.

— Менуни мажбур қилаётганим йўқ, просто бўш ўринни айтдим, холос. Ҳозир ўқув йилининг ўртаси, бошқа мактабларда ҳам бўш ўрин йўқ. Августда келсангиз ўйлаб кўрармиз, — деди директор мулоиймлик билан.

Нафисанинг ранги учиб кетганди. Бош кўтаришга мажоли етмай, ердан кўз узолмай қолди. Директор «олиб кетинг» дегандай завучга ишора қилди.

— Бўлмаса августда келарсиз-а? Тўппа-тўғри манга келиб учрашсангиз йўл-йўриқ кўрсатаман, — завуч яхши гаплар билан «сув пуркай» бошлади.

Нафиса базўр ўрнидан туриб эшик томон йўналди. Остонага етгунча тўрт қадам... Шу орада у кўп нарсаларни ўйлади, ҳам ўйламади. Ва бирдан тўхтаб ортига ўғирилди.

— Кечирасиз, бир нарсани сўрасам майлими, дворник қандай ишларни бажариши керак?

— Ҳар куни икки маҳал мактаб ҳовлисини супуриб тозалайди, холос.

— Маоши қанчा?

— Етти юз сўм, — директорнинг овози қаттиқроқ эшитилди.

Аёл мактаб ҳовлисига чиқиб, атрофни кузатди. Нари борса олти сотих чиқар. Эрталаб ва кечқурун... Икки маҳал... Биринки соатда тозалаб ташлаш мумкин. Шу арзимаган иш учун етти юз тўлашса ёмон змас. Энг муҳими — уйи бир қадам. Ана, балкон ойналари кўриниб турибди. Нима бўлса бўлар, бугун ҳал қилмаса кейин яна иккиланиб юраверади. Бу ёқда тўртта бола... Уч ой муқаддам, ўзининг айтишича, «ноҳақ ишдан бўшатилган» эр...

Нафиса директор ҳузурига кириб, ишлаш учун розилик берди. «Фақат вақтингчалик», — деган ўй кўнглига таскин берди.

— Намунча қолиб кетдинг? — чинқириб йиғлаётган бир ярим яшар ўғилчасини кўтариб олган Асилбекнинг кози бўғриқиб кетган эди. — Кетишинг билан уйғониб қолиб, қиёматни бошлади... Хосият янга уйдамикин?

Нафиса уйдан чиқиб кетаётганида айтган ёлғон гапини эслаб қизарди. Индамай ўғилчасини олиб эмиза бошлади.

— Акалари қани?

— Кўчага чиқамиз деб қўйишмади.

— Чой ичишдими?

Эри боп чайқади. Хотинига қарамаслик учун нигоҳини олиб қочди.

— Нон тугаб қопти, — деди бир оздан кейин ҳазин товушда.

Ўртага нокулай жимлик чўқди. Асилбек айбдор одамдай бош эгиб ўтирас, Нафисанинг тили танглайига ёпишиб қолгандек... Фақат онасини эмиб қорни тўйган бахтиёр болакайнинг қиқирқиқиқир кулгани эшитиларди хонада.

— Хосият янга... қарзини бермадими? — дедя яна ботинмайгини сўради эри. — Нонга чиқиб келардим.

* * *

Ишни бошлаб юборганига уч ой бўляпти-ю, ҳамон аёлнинг кўнгли ғаш эди. Очигини айтганда, бирорга «ишляяпман» дейишга уяларди. Айниқса, ҳовлига чиқиб кун бўйи гап сотиб ўтирадиган қўшни аёллардан тортинарди. Шу боис у ҳар куни вақтли турар, тонг ёришар-ёришмас мактабга борар, ҳамма ёқни супуриб, ариқларни тозалар, ахлатларни чиқариб ташлар, узоқроққа ишга қатнайдиган кишилар уйларидан чиққанларида у қош-кўзи чангта беланиб қайтаётган бўларди. Кечки маҳал эса ҳовлида битта-яримта танишларга йўлишиб қолмаслик учун ерга қараганча мактаб томон шипиллаб жўнаб қоларди. Вақт ўтган сийин негадир шошқалоқлик қилиб ўзини ўзи ерга урган, юзига қора чаплаган одамдек ўзидан ўзи нафратлана бошлади.

Директор Дилбар Юсуповна ҳам унинг ишидан қониқмаяпти шекилли, оғиз очиб бир нима демаса-да, уни кўрганда ижирганиб қўйгани шундоққина юз-кўзидан билиниб турарди. Аммо бу ҳолат узоққа бормади.

— Сиз ишга келганингиздан буён мактаб ҳовлисига одам қараб бўлмай қолди, — дедя заҳрини сочди бир куни ҳузурига чақириб. — Аёл кишисиз-ку, уйингизда ҳам шунаقا ярим-ёрти иш қиласизми? Эссиз эркак... Бугундан бошлаб кун бўйи мактабда бўласиз, эрталаб, кечкурун келиб кетишни бас қилинг. Мен сизга саккиз соатлик иш ҳақи тўляяпман. Олган маошингизни ҳалоллаб олинг.

— Күн бўйи мактабда юришга иложим йўқ, — деди у минг истиҳола ҳам андак ҳадик билан. — Ёш болам бор.

— Эпласангиз ишланг. Пул топиш осон эмас.

Кўзларига жиққа ёш келди. Нимадир демоқчи, ўзини оқла-моқчи бўлди, аммо тилига тушов тушгандек гапиролмади. Лаб-лари пир-пир учди холос.

— Боринг, ишингизни қилинг, — деди директор дағаллик билан. Қаттиқ жаҳли чиққан шекилли, ҳамон паст тушай демасди.

— Ҳаммаёқни тозалаб чиқдим...

— Тозалаб чиқдим?! — Дилбар Юсуповна тилла гардишли кўзойнагини юлқиб олиб, иргиб ўрнидан турди. — Бу ёкка юринг!

Улар кетма-кет ҳовлига чиқиши.

— Мана буларга қаранг, — деди директор ҳовлининг икки тарафидаги дарахтларни кўрсатиб.

— Қовжираб ётиби. Ким сугориши керак? Анови девордаги ёзувларни кўряпсизми, буларни ким ўчириб, тозалайди? Фақат ҳовлини чангитиб супуриб қўйсан бўлди деб ўйляпсизми? Ман сизни шахсий чорбогимда ишлатаётганим йўқ. Бу ер давлат идораси! Эпласангиз ишланг! Ўзингизни осмондан тушгандек тутсангиз... келишолмаймиз!

Дилбар Юсуповна шахт билан ичкарига кириб кетди. Нафиса ўйидан челяк, совун, эски латта-путта олиб чиқиб, деворларга кўмир-қора сақич билан катта-катта қилиб ёзилган хунук сўзларни ўчиаркан, хўрлиги келиб йифлагиси келар, ён-веридан ўтаётган йоловчилардан уялиб, ерга киргудек бўларди ..

Сал фурсат ўтиб эса, анча ўзини тутиб олгач, у ишхона шартшароитига ҳам кўника бошлади ва ҷарчаган, асаби бузилган пайтлари болаларини, каталакдек уйини, ишсиз ўтирган зрини кўз олдига келтириб, ўзига ўзи таскин берадиган бўлди.

— Нафис, — деди бир куни эри. — Мактабдан бўшаб қўя қол. Болалар ҳам қийналиб кетди... Бирорта озиқ-овқат дўконига бўлсаям ишга кирмоқчиман.

Аёл яйт этиб эрига қаради. Нигоҳида аччиқ бир киноя бор здики, Асилбек беихтиёр кўзларини олиб қочди.

— Бу дунёда ҳеч нарса боқий эмас, жумладан озиқ-овқат дўкони ҳам... — деди у кулимсираб. Сўнг фавқулодда ақли гап айтиб, эрини лол этиб қўйганидан курсанд ҳолда давом этди: — ЭндиGINA ишга, ишлашга ўрганганимда йўлдан қайтарманг. Ҳадемай дарс ҳам бериб қолишса керак.

Сүнгги гап ёлғон зди. Үнга ҳеч ким дарс соатлари вайда қилмаганди. Мактаб қовисини супураеттани маҳаллари эрта-индин декрет отпускасига чиқаман деб юрган аёлларни күрганида хаёлига шу фикр келганди.

— Дарс бўларкан-у, бошидан шундай қилишса бўлмасмиди,
— деди Асилик норози бўлиб.

— Ким билади дейсиз...

Аёл чуқур хўрсиниб қўйди.

* * *

Ана-мана дегунча чарақлаган ёз ўтиб, қовоқ-тумшуғи осилганча куз кириб келди. Октябрь ойининг охирларига келиб ёгин гарчилик бўшлианди, кунлар совиб кетди. Нафисанинг иши анча сенгиллашди, чунки ҳаммаёқ лойгарчилик... Дарахтларни сугормаса ҳам бўлади энди.

Мактаб фойесининг чап тарафида «техничка»лар учун ажратилган ҳужранинг деразасидан қараб ўтирган аёл «Ёмғир сира тўхтамаса-я» дэя ният қиларди.

Унинг оҳини эшитдими, ёмғир ҳам роса бир ҳафта эзиб ёғди. Ер сал намини тортса яхшилаб ҳовлини супуриб кўјман деб атрофдаги қоғоз, шоҳ-шаббаларни териб юрган кунларининг бирида, директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Матлуба Темировна уни хонасига чақирди.

— Бир ўйнаб берасиз энди, Нафиса опа,— дэя кулиб қаршилади у. Матлуба Темировна ўрта бўй, қадди-қомати келишган, сутга чайиб олингандек оптоқ, кўзлари катта-катта, киприклари қайрилма, бир сўз билан айтганда «ўта гўзал» эди. Оғзи тўла тилла тиш. Шарақлаб кулганида оғзида бир ҳовуч олов ловуллаётгандай туюлади.

— Битта ўқитувчимиз отпускага кетаётганди, ўрнига ман сизни тиқишитирвордим.

— Йўғ-э, ростданми?

— Ҳа, мани уялтирумайсиз энди Дилбар опамларнинг олдиларида. Ишлайман деган кўп, лекин ман сизнинг ҳовли супуриб юрганингизни кўриб жа... ғалати бўлиб юардим. Шу учун...

— Раҳмат, умрингиздан барака топинг...

— 8 «А» билан 8 «Б»ни сизга берамиз. Душанбадан бошлаб ишга ўқитувчи сифатида келинг,— деди Матлуба Темировна тантанали равишда. — Биз сизни ўз сафимизга жон-жоғ деб қабул қиласмиз.

Бу қувончли хабарни эсанкираб қолган Нафиса завучга қайта-қайта миннатдорчилик билдириб, унинг ҳузуридан чиқдио уйига югурди. Ҳаяжонланганидан аёлнинг юраги тез-тез урар, бутун вужудидан иссиқ чиқиб, юзи ловуллаб ёнарди...

Эртасига мактабга вақтли келди, дарс жадвалида белгиланган синфга кирди ва журнални маҳкам ушлаганча ўқувчиларни кута бошлиди, кўнғироқ чалиниб, болалар хонага туриллаб кириб келишганида юраги бир ҳаприқиб кетди.

Бироқ ҳеч ким унга эътибор бермасди. Бир-бирларини ита-ришган, тутишган, бақиришган, хохолашган...

— Жим, жим бўлинглар,— дея олди у ниҳоят.— Дарсни бошлаймизми, йўқми?

Бирдан синфга жимлик чўкди. Болалар ҳайрон бўлиб унга тикилиб туришарди.

— Ие, сиз ўқитувчимисиз?— дея кимдир кинояли луқма ташлади. У ер-бу ердан пиқ-пиқ қулги овози эшитилди.

— Ҳа, бугундан бошлаб мен сизларга ботаника фанидан дарс бераман. Шунинг учун...

— Унда ҳовлини ким тозалайди?

Нафисанинг аъзойи-баданидан ўт чиқиб кетди. Кутимаган зарбадан ўзини йўқотиб қўйди. Тили калимага келмай эсанкиради. Синф сув қўйгандек жимиб қолган, ўттиз икки жуфт қоракўз уни дикқат билан кузатарди.

— Ҳовлиними?.. Ҳовлини бошқа кишига топширдим,— деди у ахийри ўзини тутишга ҳаракат қилиб. Нигоҳи билан савол берган болани қидириб топди, қораҷадан келган, новча, жингалак соч бола.

— Исминг нима?

— Нодир,— деди бола ўтирган жойида.— Фамилиямни ҳам айтайми?

— Шарт эмас. Бугун сизлар билан,— у қўлига китобни олиши билан синфда яна вағур-вуғур бошланди. Нафиса ўзини бошиб, уларга эътибор бермаётгандек мавзу ҳақида гапира бошлади, аммо ҳеч ким унга қулоқ солмади.

Олти соатлик дарс шу зайлда ўтди. Болалар унинг ҳовли су-пуреб юрганини кўришган, шунинг учун ўқитувчи сифатида тан олгилари келмаётгандек туюлди Нафисага. Уч-тўрт кун ўтса кўнишиб кетишар.

Афсуски, уч-тўрт кун эмас, бир ой ўтса ҳамки ўқувчилар сира бўй беришмасди. Бирорга дардини айтишга Нафисанинг ўзи уял

ди. «Собиқ дворнику» деган лақаби бор... Иккинчи тарафдан «Дарсингизни кузатайлико» деб битта-яримтаси кириб қолса нима бўлади?» деган хавотир мудом ич-этини ерди. Бир ой ичида бир йил ишлагандек чарчади. Нимадир қилиш керак. Ўқитувчилар қўллайдиган усулларни бирма бир ишга сола бошлади. Бари бе-фойда. Кўпчилик дарсга қизиқмас, битта-иккита ўқийдиган бола билан эса иш битмас эди. Улар янги ўқитувчини синаб кўриша-яптими ёки бўлари шуми — тушуниш мушкул эди. Китоб ўқиш у ёқда турсин, дарс пайтида ҳам тинч ўтиришмасди. Айниқса, ёшиш, она сути оғзидан кетмаган қизчаларнинг бошдан-оёқ кино-яли боқиплари оғир ботарди.

Нафисанинг бор хаёли мактаб бўлиб қолди. Эри, болалари билан илгаригидек очилиб гаглашмай қўйди. Ўй ишларини апил-тапил бажарасола китоб ўқир, конспект ёзар, ҳар хил расмларни қирқиб олиб альбом, қўлбола кўргазмали қуроллар тайёрларди. Аввал бошда баъзи ишларига Асилбек ҳам кўмаклашиб турди: у ҳамон тайинли иш тополмай, уйда ўтиради.

— Ҳақиқат эгилади, аммо синмайди, — деб тез-тез такрор-лайдиган бўлиб қолди у сўнгти пайтларда. — Ҳали ўзлари келиб кечирим сўрашади. Ўшанда улар мендан кўрадиганларини кўришади.

Нафиса зрига ачиниб қараб қўяр, лекин зътиroz билдирамасди. Ҳаёлида эса фақат мактаб... Эрта-индин комиссия келармиш деган гап тарқалган. Шу боис директор ҳар куни мажлис чақиргани чақирган, «Планёрка» дейишаркан.

— Мен сизларни огоҳлантиридим, — дерди Дилбар Юсуповна ҳар гал. — Ишланг, ишланг, ишланг! Энди илгариги замонлар ўтиб кетди. Вижданан ишлайдиган давр келди. Шунчалик куйиб-нишиб талаб қилиб турганимиздан кейин ҳам бирор камчиликка йўл қўйсангиз кўнглингиз ўзингиздан қолсин. Нон бўлса нонхўрак топилади. Қирқ беш минутлик дарсни пок-покиза ўтолмасангиз нима қилиб юрибсиз мактабда? Ана, анави мактаб бору... 54-миди, ҳозир эсидан чиқибди, ўтган йили текширувчилар келганида бир ўқитувчи дарсга конспектсиз киргани учун статья билан ишдан бўшатилган. Статья билан-а! Биласизми бу нима дегани?!.. Демоқчиманки, сизлар ҳам шу адвокатга тушиб қолманлар. Мактаб маъмурияти томонидан қандай ёрдам керак бўлса марҳамат. Дарсдан кейин кабинетта келиб олишингиз мумкин.

Бундай ваҳимаю дүқ-пўписага йўғрилган гап-сўзларни эшитган сайин Нафиса ичидан зил кетарди. Ишга киргани, устоэликини орзу қилгани учун афсус ҳам чека бошлади. Үқувчиларини кўз олдига келтириб эса баттар таҳликага тушарди. Бундан ташқари, яна бир муаммо мавжуд эдики, бу барисидан ошиб тушарди. Кўргазмали қурол! Қирқ беш минут давомида ўқитувчининг асосий қуроли... Мактабда эса аксига олиб қўлларию жағ суяги синиб тушган скелетдан бўлак ҳеч вақо йўқ эди. Директорнинг «Қандай ёрдам керак бўлса марҳамат» деган сўзларидан кейин Нафисанинг елкасидан тог қулагандай бўлди. Мажлисдан кейин ноқ Дилбар Юсуповнанинг ҳузурига ошиқди.

— Кўргазмали қурол бўлса беринг дәйпизми? — Директорнинг кўзлари чақчайиб кетди. — Ман бераманми сизга кўргазмали қуролни? Дарсингизни ҳам ўтиб берсан нима дейсиз? Сиз фақат ойлигингизни қуртдек санаб олгани келардингиз-қўядингиз!

Нафисанинг нафаси ичига тушиб кетди.

— Ахир... ўзингиз қандай ёрдам... керак дегандингиз...

— Ёрдам? Мен методик ёрдам дегандим! Яъни маслаҳат, йўл-йўриқ.

— Унда.... кўргазмали қуролларни қандай топсан бўлади? Ўзим скелет ясай олмайман-ку.

— У ёғи сиззи вазифангиз. Ота-оналар билан маслаҳатлашинг, қаттиқроқ ишланг. Мактаб маъмурияти сизни кўргазмали қурол билан таъминлай олмайди. Фонд йўқ.

— Текширувчилар шуни ҳисобга олишадими ахир. Мактабда ҳеч нима йўқлигини...

Аэбаройи жаҳли чиққанидан Дилбар Юсуповна ўрнидан сапчиб туриб кетди-да. Нафисанинг қоқ тепасига келганча, илондай вишиллади:

— Ҳали мактаб ҳеч нима бермаяпти деб комиссияга шикоят қиласман денг?! Ҳой хотин, сал у ёқ-бу ёғингизга қаранг. Мактаб устидан шикоят қилисангиз биз ҳам қараб турмасмиз...

— Шикоят қилимоқчи эмасман. Мен...

— Шикоят қилаверинг. Мен қўрқмайман. Бироннинг бир сўми ни еган эмасман! — директор гавдасига ярашмаган чаққонлик билан жойига қайтиб, креслосига ястаниб ўтириб олди. — Фонд масаласига келсак... ҳозир ҳамма жойда шу аҳвол. Үқитувчи керакли жиҳозларни ўзи тайёрлай олиши керак. Қўлидан келмаса бўшатиб қўйсин ўринини!.. Айтмоқчи, мана бу дафтарда... — у

стол тортмасидан қалин муқовали дафтарни олиб кўрсатди, — ҳамма ҳисоб-китоблар ёзиб кўйилган, «Қора дафтар» деб атайман мен буни...

Шу куни кечгача бошини кўтаролмай чўзилиб ётди. Овқатлана-ётганларида бўлган воқеани оқизмай-томизмай эрига айтиб берди.

— У киши менинг нима демоқчи эканлигимни тушунмади. Тушунтиришга зса имкон бермади. — деди у овози титраб.

— Томи кетган шекилли, — деди Асилбек бамайлихотир. — Мактабда соғ одам ишламайди ўзи.

Эртасига «окно» вақтида ўзига яқин бўлиб қолган икки-уч ўқитувчи билан услубхонада ўтиришганида улардан бири — Шаҳноза Алиевна исмли рус тили муаллимни кулимсираб:

— Кеча нима ишлар қилиб кетдингиз, азизим? — деди.

Хомуш ўтирган Нафиса бирдан ҳушёр тортди.

— Нима иш қилибман?

— Опани роса жигига тегибсиз-у... Биз ҳам сиззи касрингизга қоладиган бўлдик энди.

Нафисанинг юзи докадек оқариб кетди.

— Нега менинг касримга қоларкансиз?

— Сиз кетгандан кейин яна мажлис чақириб, роса тўполон қилдилар. — Шаҳноза Алиевна ҳамон кулимсираб туриб, санай кетди: — Эркаланиб кетибмиз! Кела солиб икки-уч соат дарсни ўтарканмизу, уйга қочарканмиз! Давлатдан уялмасдан жарақлатиб пул олиб ётибмиз... Бўлдими, ҳаммасини айтдимми? Ҳа, айтгандай, завучга янги топшириқ берилди. Дарсларни кетмакет қилмасдан, оралиққа икки-уч соат окно кўйиб ташланг деб буюрилди. Завуч жонивор ҳам шуни кутиб турган эканми, кечаси билан ухламасдан дарс жадвалини ўзгартириб келибди. Мана энди икки соат дарс учун мактабда етти соат ўтиришим керак. Менга-ку, майли-я, аммо манави шўрликка қийин бўлди, — у адабиёт муаллимасига имо қилди. — Уйида эмизикли боласи қолган. Боғчага берай деса олишмаяпти, ЖЭКдан справка олиб келинг дейишшапти. ЖЭКдан справка олиш учун бир йиллик коммунал жизмат ҳақини тўлаб қўйиши керак. Ана шунаقا...

— Бўш вақтда бекор ўтирмай, камчиликларингизни тузатинг, комиссия келганда гап эшитиб қолмайсизлар деган маънода гапиргандирлар-да.

— Э, комиссия ким бўлти! Уям сизу менга ўхшаган, маоши кам бир нотавон-да. — Шаҳноза Алиевна Нафисани қучоқлаб

олди. — Азизим, күркманд, комиссияни ўзлари тинчтадилар. Сиз жигига тегмасангиз, албатта... Бунақа ишларга опанинг сяги йўқ. Талант! Минг қиссаям кўпни кўрган. Асли касби архитектор, бир пайтлар шаҳар бош архитектори бўлган. Замонани зайди, танишларининг майли билан мактабга директор бўлиб қолган.

— Йўғ-с?

— Комиссия кеттандан кейин маошингиздан икки-уч юз ташлаб чиқасиз, тамом-вассалом.

— Кейинги пайтда «йиг-йиг»лар кўпайиб кетмаяптими, — дея орага қўшилди боядан бери жим ўтирган адабиёт муаллимаси Санобар Умаровна.

— Шунинг учун ҳам биримиз икки бўлмаяптида. Только лъготаси демасангиз...

— Ёнимиздаги 51-лицей бору, ўшанинг ўқитувчиларини кўрганмисиз? — Санобар Умаровна ўрнидан туриб, уларга яқинлашди. — Во! Кийимларини кўриб оғзингиз очилади!

— Биласизми улар нима қилишади? — Шаҳноза Алиевна эшик томонга қараб қўйгач, овозини бир парда пасайтириди. — Ҳар чорак охирида «зачёт» ўтқазишиб, ста-оналарни роса шилишади.

— Ана холос!

— Ростданми?

— Рост. Давай, биз ҳам бир тажриба қилиб кўрайлик. — Шаҳноза Алиевна қўлини узатган эди, Санобар Умаровна биринчи бўлиб қўл ташлади. — Яхши, — деди Шаҳноза Алиевна унга қараб. Бирлаҳзадан сўнг яна бир марта «Яхши» деб тақрорлади. Негадир унинг кайфияти кўтарилиб кетганди.

Нафиса бу «билағон» аёлни ёқтирумади. «Намунча очкўз бўлмаса!» деб қўйди ичиди. У Шаҳноза Алиевнани ҳовли супурриб юрган кезлари кўп учратарди. Ёши қирқлар атрофида, озгин, оқ-сариқдан келган бу жувон ҳар доим бир хил кийинар, оёғидаги уриниб қолган туфлисини пахта ёғи шимдирилган латта билан артиб ялтиллатиб юради. Орқаворатдан ўқувчилар уни «ёлка» деб аташлари ҳам бир-икки қулоғига чалингандай бўлувди. Рўзгорида етишмовчилиги кўпдир-да, деб ўйлаганди ўшанда. Ростга ўхшайди...

— Бечорани бешта боласи билан эри ташлаб кетган, — деди Нафисанинг ўйларини ўқиб тургандай Санобар опа Шаҳноза Алиевна чиқиб кеттандан сўнг секингина. — Иккита болани эрим икковимиз базўр боқаяпмиз, ҳалиям бу шўрлик «дод» девормайди.

— Нега ташлаб кетган?

— Нега бўларди, опа бир вақтлар коммунист бўлган, қирқ соатлаб дарс олган, уйга эри қатори, балки ундан ҳам кечроқ борган... Рўзгор ишлари ўлда-жўлда, қозон вақтида қайнамаган, яна ярим кечагача ўтириб дафтар текширади, дарсга тайёрланади, эрининг кўнглини олишга вақт йўқ... Бунга ҳафсала ҳам бўлмаган. Ўша вақтлари ўқитувчи одмироқ бўлиши керак деган қонунми, қоидами бўларди. Сиз биласизми-йўқми, ўқитувчи бечора ўқувчиларнинг кўзи очилмасин деб лабига помада ҳам суролмасди. Хуллас, эри ўзи билан ишлайдиган бир аёлни севиб қолиб, ўшаникига кетиб қолади... Аммо лекин ўша пайтлари ўқиттган ўқувчилари ҳалига довур келиб хабар олиб туришади. Бири бир қоп картишка, бир қоп гуруч дегандай ташлаб кетишиади. Шаҳноза Алиевна собиқ ўқувчиларидан ўша картишка-пиёзни олгани учун жуда уялади. Шунинг учун ўзи кўпроқ пул тошишга, болаларини ўзи боқишга ҳаракат қиласди. Алимент ҳақида-ку, эшитгиси ҳам келмайди...

Нафиса ҳалигини шарт-шурт гапириб чиқиб кетган аёлни кўз олдига келтиаркан, юраги туз қўйгандек ачишди...

* * *

Дарсан кейин Матлуба Темировна уни ҳузурига чақиртирди.

— Нега исён кўтариб юрибсиз, Нафиса опа? — дея қарши олди у жувонни. — Комиссия келса шикоят қиласман дебсизми?

«Оббо... — энсаси қотган Нафисанинг яна кайфияти бузилди. — Буларга бир гап топилмасин экан!»

— Кеча Дилбар опам мани чақириб олиб анча уришдилар, — деди Матлуба Темировна жилмайиб. Овози бирам майин, ёқимили... Дилбар Юсуповнанинг бутунлай акси. — Янги ўқитувчинингизга ёрдам керак экан, сиз бехабарсиз, энди ишлаётганлар билан тез-тез суҳбат ўтказинг, маслаҳат беринг, дарс жараёнини кузатинг деб кўрсатма бердилар. Опагинам, сиз билан келишиб олсак, бундан бу ёғига бирор савол туғилса, аввал албатта менга учрашинг. Ҳўпми? Дилбар опам сиз ҳақингизда жуда яхши фикрдалар, фақат янги иш жойига кўниколмаяпти шекилини, ёрдам бериб туринг деб жуда қаттиқ тайинладилар...

Матлуба Темировна табиатан бироз жizzаки эди. Уйида эри ё қайноаси билан тез-тез айтишиб, ота-онасиникига неча марта кетиб, қайтиб келиб юрса-да, иш жараёнинда жуда усталик билан

ўзини босик-мәхрибон тутар, шу қобилияти билан, күпчиликнинг меҳрини ҳам қозонган эди. Ҳозир ҳам Дилбар Юсуповнанинг гапларини эҳтиётлик билан, у ёқ-бу ёғини «тарашлаб» Нафисага етказаркан, аёлнинг мунғайиб срга қараб ўтиришини кузатаркан, негадир ғаши келди: «Намунча лаллайган бу шўрлик!»

Аслида эса...

Ўша куни Нафиса мулзам бўлиб чиқиб кетган заҳоти Дилбар Юсуповна завучни чақиртирган ва у остоноада кўриниши билан қўлинни пахса қилиб ўшқирган эди.

— Ўқитувчи деб кимни бошлаб келдингиз менинг олдимга? Фалчами, овсарми — одам билиб бўлмайди. Ҳовлини супуриб юравер-масмиди?! Нега бошлаб келдингиз ўзи? Менда қасдингиз бормиди?

Директор узоқ вайсади. Матлуба Темировна пинақ бузмай обдан охиригача эшилди. Дилбар Юсуповна ҳолдан тойиб, креслога чўккандан кейингина мулойим жилмайиб, мәхрибонлик билан деди.

— Дилбар опажон, шу арзимаган ишга ҳам асабингизни бузиб ўтирасизми? Кўйинг-э, ҳозир яна давленингиз кўтарилиб кетади. — Матлуба Темировна графиндан сув қуйиб узатди. — Ўзи ёмон змас, саккиз йилдан бери уйда ўтирган хотин. Кўниколмаяпти шекилли.

— Бунақалар ёмон бўлади, — деди Дилбар Юсуповна ҳамон қовоғини очмай, — Ўзини овсарликка солиб юриб, тагингта сув қуяди.

— Йўғ-е.

— Ҳа, нечтасини кўрганман бунақаларнинг. Сизга маслаҳатим, умуман ходимларингизнинг бош кўтаришига имкон берманг. Ишга кўмиб ташланг, ҳеч қачон бирлашмасин улар. Собиқ дворникини мунтазам кузатиб боринг. Кунора дарсига кириб, камчиликларини айтиб туринг. Бирор ғаламисликни сезсангиз дарҳол етказинг, думини тугворамиз! Ҳалиги, бир гап бор-у, кучук болани кўзи очилмай туриб каттарогига талатсангиз ўша кучук сўлоқмондай бўлганида ҳам бирорвга «сов» дей олмайдиган бўлади. Тушундингизми?

Матлуба Темировна одоб юзасидан директорнинг гапларини маъқуллаб ўтирас, аммо айтилаётган фикрларга кўшила олмасди. Зоро, бу борада унинг ўз услуби, ўз қараши бор эди. Бироқ эҳтиёт шарт дегандек, Дилбар Юсуповнанинг «Дарсларига киринг, кузатинг» деган кўрсатмасини эслаб қолганди. Шунинг учунми, Нафиса билан хайрлашаётсиб:

— Эртага дарсингизни кузатаман, тайёрланиб келинг, — деб огоҳлантириди.

Матлуба Темировна кунора бўлмаса-да, ҳафтада бир-икки марта дарсга кириб, кузатар, таҳлил этар экан, ҳар гал кўнгли тўлмай чиқаёттанини яшириб ўтирмасди.

— Бўпсиз, жудаям бўпсиз, — дерди у. — Билимингиз бор, лекин шу билимни болаларга етказолмаяпсиз. Уларнинг зътиборини ўзингизга жалб қила олмаяпсиз. Бошқа ўқитувчиларнинг дарсига кириб, тажриба ортиринг.

Шундай қиалиб, Нафисани кексароқ бир ўқитувчига «бириктириб» қўйишди. Энди Нафиса бўш вақтларини ўша ўқитувчининг дарсларини кузатишга сарфларди. Тажриба ўрганиш жараённида у шунга амин бўлдики, бошқаларда ҳам аҳвол маҳтанаарли даражада эмас, муаллим шўрликлар ўқувчиларни тинчлантириб олгунча анча вақт ўтиб кетар, натижада дарснинг асосий қисмiga фурсат тўла етмай қоларди. Ўқитувчиларнинг ҳаммаси, жисмоний тарбия муаллимидан ташҳари, аёллар эди. Баъзиларининг бошида фаҳат рўзгор ташвиши, сийш-ичиш, кийиниш, уйда қолган боласини эмизиб келиш учун пайт пойлаб юриш...

Дарс вақтида писта чақиб ўтирган, кроссовка билан савдо қилаётган, машқ дафтарига уят расмларни чизиб партадошига кўрса-таётган болаларни, қизларни кўриб Нафисанинг юраги орқасига тортиб кетарди. «Булар мени тириклайн ютиб юборишдан ҳам тойишмайди», — деган ваҳимали ўй хаёлинни тарқ этмасди. Бир неча марта ишдан бўшаб кетишига қарор қилди. Аммо оиласини ўйлаб... Асилбек ҳамон бекорчи эди... Тўғри, кейинги пайтларда собиқ ишхонасидан аллакимлар келиб, йўқлаб турадиган бўлишиди, аммо Асилбек шошилмасди. Нафиса зрининг одатини яхши билади. Шу пайтгача жонини жабборга бериб ишлади, аммо арзимаган баҳона ҳаммасини бир пул қилиб ташлагани унга қаттиқ таъсири қилган, шу боис ҳамкасларини ҳамон кечиролмасди...

Нафисанинг эзилиб юрганини сезганми:

— Азизим, юринг бизникига бориб бир пиёла чой ичиб келамиз, — дея таклиф қилиб қолди бир куни Шаҳноза Алиевна.

Уй уч хонали экан. На бир тузукроқ жиҳоз бор, на мебель... Деворлардаги гулқоғозлар эскирганидан сарғайиб кетган, у ербу ерида йиртилган жойлари кўзга шундоқ ташланиб турибди.

— Сиз билан анҷадан бери гаплашмоқчи бўлиб юардим-у, ҳеч мавридини тополмасдим, — деди Шаҳноза Алиевна уни ошхонасига бошларкан. — Кеча кечқурун сомса қилгандим, ажойиб чиқибди. Бир мазза қиламиз. Гурунглашиб...

— Болаларингиз күриммайдими?

— Маникилар ҳаммаси ўқишида, уйда қоладигани йўқ... Ху ўша машмашадан кейин олангиз билан келишолмаяпсиз шекили, а? — Шаҳноза Алиевна маъноли қараб қўйди.

— Унчалик эмас-у, дарсимга киравериб безор қилиб юборишди.

— Киригманг. Ҳаққингиз бор бунга... Хўш, аввал тамадди қилиб олайлик-чи, кейин сизга баъзи бир сирларни ошкор қиласман...

Шу пайт телефон жиринглаб қолиб, суҳбат узилди.

Шаҳноза Алиевна сомсани столга кўясола йўлак томон шошиди. Йўл-йўлакай унинг:

— Нафисаҳон, сиз сомсадан олаверинг, совиб қолмасин, — дегани эшитилди.

«Ҳар тугул телефон бор экан-ку, — деб ўйлади Нафиса, — Бизда шуям йўқ...»

Йўлақдан Шаҳноза Алиевнанинг қаттиқ-қаттиқ гапиргани эшитилди:

— Жасур телефон қилибдими? Қачон? Ўлай агар бехабарман... Хўп, хўп... кўчада қолмадингиз-ку ҳар қалай. Нима?... — Аёл йығламсиради. — Ман ўргатганим йўқ. Нега ишонмайсиз?! Үқитувчилигимга тил теккизманг! Ҳалиям қарз эмассиз... Уйни ташлаган бўлсангиз болаларингиз учун ташлагансиз... Бўлди, бас қилинг!... — Гўшакни отиб юборган Шаҳноза Алиевна деворга беҳол сўяниб қолди. Нафиса чопқиллаб келиб тутиб қолмаганида йиқилиб тушиши аниқ эди. Аёлнинг юзи бўздек оқариб, кўзлари олайган, оғзидан кўпик чиқа бошлиганди...

— Кенжатойим кечга дадасига телефон қилган экан, — деди хушига келгандан сўнг Шаҳноза Алиевна хирқироқ овозда. — Хабарингиз бордир... ажрашиб кетганимиз. Сан ўргатгансан деб манга ёпишяпти... Сандан қарзим йўқ, энди безовта қилма, уйни ташлаб чиқдим-ку санларга деб миннат қилавериб, еб қўйди бу одам мани. Имконим бўлса эди уй-пуйи билан қўшиб бетига ураддим... Сизга айтмоқчи бўлганим, бу дунёнинг куйикларига куйманг, куйинманг...

Аёл пиқиллаб йиғлаб юборди...

* * *

Чорак охирлай боплади. Үқитувчилар орасида ҳар хил мишишлар оралаб қолди. Кимдир «тест», кимдир «зачёт» олаётганмиш... Ахир буям ўқувчилар билимини оширишнинг бир йўлида, дея бир-бирларининг гапини маъқуллаб қолишарди улар.

Шундай кунларнинг бирида, дарс маҳали йўлакда шанғиллаган овоз эшитилиб қолди. Нафиса эътибор бермасликка ҳаракат қилди. Аммо ўқувчиларнинг кулоқлари динг бўлганди. Биринкитаси аллақачон йўлакка мўралаб ҳам келишди.

— Драка бўляяпти, — дейишди улар кулимсираб. — Анави «ёлка»ни биттасининг онаси дабдала қиласяпти.

Нафисанинг юраги шувиллаб кетди. Болаларга сир бермаслик учун доскага ўтирилиб алланималарни ёза бошлади. Худди шу пайт эшик бирдан очилиб, остонаяда Шаҳноза Алиевна кўринди.

Юзи қордек оппоқ...

— Мумкинми, Нафисахон, — аёлнинг овози базўр эшитилди.

Нафиса яйт этиб ўқувчиларга қаради. Улар диққат билан томоша қилиб туришарди.

— Нима гап, тинчликми? — Нафиса йўлакка чиқиб, эшикни қаттиқ ёпди. — Мазангиз йўқми?

Шаҳноза Алиевна синф томон ишора қилди-да, бу ёққа юринг, дегандек ёнгидан тортди.

Шаҳноза Алиевнанинг синфи олдида тўладан келган, басавлат аёл гердайиб турарди. Нафиса «драка»нинг маъносини тушунгандай бўлди.

— Кечча ўқувчилардан зачёт олгандим, — деда тушунтира бошлади Шаҳноза Алиевна. Унинг овози борган сари бўғилиб борарди. — Буларнинг ўғиллари топширолмади. Сиз ҳам бор эдингиз-ку, — Шаҳноза Алиевна «бор эдингиз-ку» деган сўзни ургу билан айтди. — Нега ўғлимга баҳо қўймадинг деб тўполон қиласяптилар.

— Ўғлингиз жудаям бўш, билими ҳам саёз, биз қандай қилиб унга баҳо қўя оламиз, — деда олди Нафиса базўр. У сирайм бунақа вазиятга тушмаган эди, довдираф қолди.

— Мен тўполон қиласётганим йўқ, ўргилай, — деди аёл зарда билан. — Талаб қиласяпман! Тўққиз йилдан буён синфдан синфга кўчиб юрган бола энди саводсиз бўлиб қолдими? Баҳона қидирмай, очигини айтаверинглар, нима олиб берай? Бемалол айтаверинглар, кучим етади.

— Сиз менин ким деб ўйласпиз? Отзингизга қараб галиринг!

Бироқ жанжалкаш аёл паст тушмади, аксинча, унинг кўзларида шундай бир совуқ ифода бор эди-ки, бамисоли баданни тешиб юборарди.

— Кўшнимизнинг ҳеч вақони билмайдиган қизига қўйиб бе-
рибсиз-ку! Арабский духи совға қилгани учун... Меникидан ҳазар
қилиб қолдингизми?.. — Аёл яна бор овозда шанғиллашга ўтди.
Бошқа синфлардан ҳам ўқитувчилар чиқиб кела бошлишди. —
Сенга ўхшаганлар ўқитувчи деган улуғ номни булғаб юрибди.
Садқаи устоз кет! Тфу... — Аёлнинг балғам аралаш сарғиш ту-
пуги Шаҳноза Алиевнанинг юзига сачради.

Қолгани бир зумда рўй берди.

Шаддод аёл тарс-турс юриб кетди.

Шаҳноза Алиевна чап кўксини ушлаганча шилқ этиб йиқилди.

* * *

Шаҳноза Алиевнани эртаси куни чошгоҳда жойига қўйиб ке-
лишди. Шўрликнинг қариндош-уруги ҳам йўқ ҳисоби экан. Бар-
ча оғирликни собиқ ўқувчилари кўтаришди. Мактаб ўқитувчи-
лари икки юздан йиғишишди.

— Шаҳноза Алиевна энг яхши ўқитувчиларимиздан эди, —
деди Дилбар Юсуповна кўпчилик ичида. — Билимдон, меҳнатсе-
вар, ўз ишининг устаси эди. Афсуски, умри қисқа экан, пешона-
мизга сифмади. Энди унинг табаррук ишини ўқувчилари, ўғила-
ри, қизлари давом эттирасин...

Маросимдан кейин директор барча мактабнинг мажлислар
залига тўплансин, деб буюрди. Шошилинч «педсовет» эмиш.

— Таъба қилдим деб айтай, — дея сўз бошлади Дилбар Юсу-
повна йиғишишда, — ер етказиб бормасин-у, очигини айтадиган
бўлсан, Шаҳноза Алиевна ўқитувчи деган юксак номга доғ ту-
ширди. Ахир шунчалик ҳам бўладими?! Нимангта етмаяпти? Мак-
таб берган масшга қаноат қилмасанг, ана, бозорга чиқ, савдо би-
лан шугууллан. Ўлган ўлиб кетди бошини олиб... Балога қолган
биз бўламиз, аниқроғи мен. Ҳали бу иш учун РайОНОга бориб
сўроқ бераман. Огоҳлантириш ҳам олсан керак. Айттандек, — у
ёнидаги завучга юзланди, — Шаҳноза Алиевнанинг қизи техни-
кумни битирган эмиш. Мабодо иш сўраб келиб қолса менга рўбарў
қилманг. Онасининг кўрсатган каромати ҳам етади менга.

Дилбар Юсуповна одатдагидек узоқ сўзлади. Аммо Нафиса
бу ёғини эшитмади, эшитолмади. Шаҳноза Алиевнанинг ранг-
пар чеҳраси кўз олдига келиб, ўпкаси тўлиб кетаверди.

Нафиса шу куни қоронғу тушгандагина уйига кириб келди.
Ҳар хаёлга бориб, жони ҳалқумига келиб ўтирган Асилбек хоти-
нини кўриши билан ўшқира кетди:

— Қаёқларда санғиб юрибсан? Ишляпман деб жа ўзингдан кетиб қолдинг! Уй, бола-чақа эсингда ҳам йўқдир. Агар шунаقا қиласидиган бўлсанг жавобингни бераман!

Нафиса шошмасдан кийимларини алмаштириди. Ванинда юви-ниб, бир оз ўзига келгач, ошхонага ўтди. Асиљек ҳамон жаврар эди.

— Бўлдими? — деди Нафиса эрига тик қараб. Унинг нигоҳи асабий-қаҳрли эди. Асиљек алланималар деб фўлдирай бошлиди. Аммо Нафиса уни эшишиб ўтиради. — Сиз бола боғча бўлиб уйда ўтиргандан кейин мен юраман-да кўчада. Энди орингиз келиб қолдими? Жавобингни бераман эмиш! Кўлингиздан келганини қилмайсизми!.. Осмонни ушлаб турган бўлсангиз ташлаб юбора қолинг. Бир босиб ҳолсин...

Бўғзига тошдек бир нима тиқилган Нафиса ортиқ гапиролмай қолдию, ҳўнграб йиглаб юборди... Болалар ҳайрон... Асиљек тек қотган...

Йиглай-йиглай сал кўнглинини бўшатиб олгандай бўлди. Аммо бутун қалбини чирмаб олган қайгули ҳисдан қутула олмади.

Бир оздан кейин:

— Нима бўлди? Бирор хафа қилдими? — дея оҳиста сўради Асиљек. — Яна ўша можароми?

Нафиса киприк қоқмай эрига тикилиб ўтиреди, ўтириди ва бирдан уйқудан уйғонгандек сескачиб кетди.

— Жавобингни бераман дедингизми? — дея сўради у ҳайрат билан. — Сиз-а? Мени кун кўролмайди деб ўйлајпизми? Ялинади, ёлворади дейсизми? Оввора бўласиз! Мен сизсиз ҳам яшай оламан, болаларимни боқа оламан...

— Сенга нима бўлди?

Нафиса юзини ўгириб олди...

Шу оқшом у тонгтacha киприк қоқмади. Асиљекни ҳам ҳолжонига қўймади: жавобимни бер, сенсиз ҳам яшай оламан, болаларимни боқа оламан, дерди у тинмай йигламсираб...

«МУҲАББАТ — ҲИЖРОНДА!..»

Зарнигор ишхонадан чиқаётіб, йўлка четидаги қарағай соясіда сигарет чекиб турған йигитни кўриб, юраги шув этди. «Яна келибди...» деган хаёл ўтди кўнглидан.

Йигит уни кўриши билан сигарет қолдигини бир четга улоқтириб, истиқболига юрди.

— Мени шарманда қыммоқчимисиз? — деди аёл зардали оҳангда.

Йигитнинг кулимсираган кўзлари бирдан маҳзунлашди. Боши кўйи згилди. Бир оздан кейин ер остидан Зарнигорга тикиларкан:

— Бошқа иложим йўқ, — деди журъатсизлик билан.

— Ўзингизни ўйламасангиз, мени ўйласангиз-чи, Ботир ака!

— деди Зарнигор аламли илтижо билан.

Ботир чуқур хўрсинди.

Зарнигорнинг йигиттга раҳми ҳам келарди, ҳам аччиги чиқарди. Бир йилдан буён аҳвол шу. Ботир унинг йўлини пойлайди. Аслида у эрининг ўрготи, институтда бирга ўқишган. Бошқа-бошқа жойларда ишлашгани учун анча вақт кўришишмаган. Икки йил муқаддам тасодифан кўчада учрашиб қолишиб, борди-келдини бошлиб юборишганди. Байрамларда, тугилган куяларда улар оиласи билан бир-бирларини кечиб турди. Ўша меҳмондорчиликларда Ботир ўзини замдан кузатишни Зарнигор пайқаб юрарди. Лекин бунчаликка боради деб ўйламаганди.

— Агар яна йўлмини тўсадиган бўлсангиз, бор гапни эримга айтиб бераман, — деди Зарнигор, унинг жаҳли чиқа бошлаганди.

Ботирнинг юзи докадек оқариб кетди. Аммо аёл олдида сир бой бергиси келмади.

— Унда мен ҳам Роҳатга бор гапни айтаман. Оранн очиқ қиласман, — деди Ботир. Бир оздан кейин норозилик билан тўнғиллади: — Шунча қийналганим етар.

— Сиз факат ўзингизни ўйлайсиз, — деди Зарнигор гинали оҳангда. Сўнг шарт бурилиб кетишга чорланганда Ботир йўлини тўсди.

— Машинада обориб қўйман!

Аёл ўтган-кеттганларнинг қизиқсиниб қарастганини сезиб, ноилож йигиттга бўйсунди.

Машинада ҳам шу можаро давом этди. Кечқурун эри Турсунали ишдан келганида кечки овқат ҳали тайёр бўлмаган эди. Зарнигор шошилганидан гоҳ бармоғини, гоҳ билагини қизиб тур-

ган қозонга босиб олар, қаттиқ ҳаяжонга тушганидан бармоқла-
ри, билаги ачишаёттанини у сезмасди.

— Ишдан кеч келдингизми? — деб сўради Турсунали ошқозо-
ни ҳуштак чалаётган бўлса-да базур ўзини босиб.

— Йўқ, унчаликмас, — деди Зарнигор эрининг кўзларига қара-
масликка тиришиб.

— Кеч келдила ойим, — дея орага суқилди кичкина Сардор.

— Мениям боғчадан ҳаммадан кейин олиб келдила.

— Шунақами, ҳаммадан кеч қолдингми? — Турсунали ўғли-
га гапиряпти-ю, икки кўзи хотинида эди. Зарнигор ялт этиб ўғли-
га қаради. Қарашларида бир олам гина бор эди.

— Шунча «дардинг» бор экан, ўзимга айтиб қўя қолмайсан-
ми, ўғлим? — дея кулимсиради. Ниманидир яширмоқчи бўлди.
Аммо эплолмади. Қизарип кетди.

— Акангни олдига бор-чи, ўғлим, — деди Турсунали ва ошко-
надан чиқарип юборди-да, сўнг хотинига қозланди: — Ишинг шун-
чалик кўпайиб кетдими? Кейинги вақтларда уйга кеч келяпсан?

— Мавжуда опа мажлисни чўзиб юборди-да, бўлмаса вақтли
қайтардим, — аёл самимий гапиришга, шу йўл билан эрини ишон-
тиришга, кўнглида «тугуң» қолдирмасликка ҳаракат қилди.

Турсунали унга синчковлик билан тикилиб турди-да, сўнг
дағаллик билан дўқ урди:

— Агар ножўя қадам боссанг... ўлдираман!..

«... ўлдираман!» Сўнгти пайтларда Турсунали бу сўзни тез-
тез ишлатадиган бўлиб қолди. Назарида хотини уни алдаётган-
дай... Айниқса, болаларидан: «Ойим бугун кеч келдилар», деган
гапни эшитса, устидан совуқ сув қуйиб юборилгандай, аъзойи-
бадани музлаб кетарди. Гумонсирагани билан қўлида далил-ис-
боти бўлмагани учун, дўқ-пўписадан нарига ўтмасди. Шу йўл
билан хотинининг кўзини кўрқитмоқчи.

Зарнигор эса...

Аёл икки ўт орасида қолганди. Ботирнинг бемаврид ташриф-
ларини, ишдан чиқишини кутиб туришларини, илтижо билан сев-
ги изҳор қилишларини ўйлайвериб таҳликага тушар, юрагини
ваҳм босар, боши қотиб, қўли ишга бормай қоларди.

— Хотинимдан кўнглим совиб кетган, — деди бир куни Ботир
машинани ярим йўлда тўхтатаркан, одатдагидек аллақандай қора
тумани «чию» этиб босиб қўйди. — Уйга боргим келмайди.

— Болаларингиз...

— Шуларни күзим қиймайди. Бўлмаса аллақачон Роҳат билай ажрашиб кетардим, — деди у дардчил оҳангда.

Қораҷадан келган, қарашлари тийрак бу йигит Зарнигорга бир оз ёқиб ҳам қолганди. Унинг ўйчанлиги, оғир-вазминлиги, айниқса, аңчадан бўён «севаман, сизсиз яшай олмайман», дея ялиниб-ёлвориб юргани билан ҳатто қўлинни ушлашга-да уринмаётгани аёлни ҳам ҳайратга солар, ҳам қувонтирас эди.

Эри билан ораларидан ола мушук ўтиб қолганида (бунаقا «воқеа» тез-тез бўлиб турарди, сабаблари ҳам ҳилма-хил ва се-роб эди!) у беихтиёр Ботирни эслаб қоларди. Унинг армон билан тикилишлари кўз олдида гавдаланиб, чуқур хўрсиниб қўярди. Болаларининг қиқирлаб кулгани, зерининг дўрилдоқ овози эши-тилса бирдан ҳушёр торгар, хонада ўзидан бошқа ҳеч ким бўлма-са-да, ўз-ўзидан уялиб кетар, нимадир ёдига тушарди...

— Агар Сиз мени дессангиз ҳаммасидан воз кечардим!

Хаёлга толган Зарнигор Ботирнинг кескин овозидан чўчиб тушди.

— Бу гапни айтиш тутул хаёлингиздан ҳам чиқариб ташланг, — деди Зарнигор қатъийлик билан.

— Сиз менга ишонмаятсиз-а? — Йигитнинг оғрингани овозидан сезилиб турарди.

— Мен кетишими керак...

Аёл тушиш учун машина эшигини очишга чоғланган эди, йигит у томон эгилиб чаққонлик билан тутқичдан маҳкам тутди.

— Аввал бир жавоб айтинг!..

Зарнигорнинг юраги ҳаприқиб кетди. Йигитнинг юзи юзига тегай-тегай деб турарди. Ҳозир нимадир содир бўлади, деб ўйла-ган аёл қўрқиб кетди. Ҳар тутул Ботир вазминлик қилди. Эшикни маҳкамлаб ёпгач, қаддини ростлаб, аёлга умидвор тикилди.

— Бугун ҳам эримдан гап эшиштаман, шекилли, — деди Зарнигор тоқатсизланди.

— Уришлаттими? — Ботирнинг нигоҳида хавотир пайдо бўлди.

— Ҳа, — деди Зарнигор кескинлик билан. — Ҳатто урмоқчи ҳам бўлди.

Ботир рулга бағрини бериб, хаёлга толди. Сал фурсат ўтиб, бир қарорга келди шекилли, яна Зарнигор томон эгилиб, эшикни очди.

— Илтимос, энди йўлимга ғов бўлманг. Уят бўлади, — деди Зарнигор ва машинадан тушди.

Ботир индамади, аёл томонга қайрилиб ҳам қарамади. Зарнигор машинадан узоқлашаркан, кимдир кузатиб турғандек туғулиб, ён-верига хавфсираб қараб қўйди.

Унинг юраги безовта бўлганича бор эди. Йўлнинг нариги томонидаги гавжум бекатда эрининг укаси Аҳмад улардан кўз узмай турарди!

Ўша куни у ҳаммасига улгурди. Эри ишдан келганида очиқ чеҳра билан кутиб олди. Бироқ эртаси куни кечки маҳал ўша қайраоч тагида турган Ботирни кўриб юраги қинидан чиқиб кетай деди. Негадир ўғиллари ёдига тушди. Ранг-кути ўчиб, аъзойибадани титраб турибди-ю, хаёлида болалари...

— Одам ҳам шунчалик безбет бўладими? — дея у илондай вишшиллади чинакамига жаҳли чиқиб. — Мен сизга нима дегандим?!

— Зарнигор, аввал гапимни эшитинг...

— Қанақа гапингиз бўлса Роҳатга бориб айтинг!

Аёл шаҳд билан йигитнинг ёнидан ўтиб кетмоқчи бўлган эди, у билагидан тутиб машина томон бошлиди. Зарнигор кўчада, ўтган-кеттанинг кўз олдида Ботир билан жанжаллашиб, томоша кўрсатгандан кўра, тинчгина унинг йўриғига бўйсунишни афзал билди. Машина ўрнидан жилди. Бир оз ўтгач, уларнинг ортидан яна бир машина йўлга чиқди. Зарнигор ҳам, Ботир ҳам буни пайқамади. Улар ўз «муаммо»лари билан банд эди.

— Кеча Роҳат билан уришиб қолгандим. Эрталаб у Самарқандга, ота-онасининг олдига жўнаб кетди. Мен унга бошқа аёлни севиб қолганимни очиқ айтдим, — деди Ботир йўлдан кўз узмай бораркан.

Зарнигорнинг юзи докадек оқариб кетди.

— Эсингизни еб қўйибсиз. Қандай тилингиз борди?

— Сўнгти вақтларда унинг характеристи жуда оғир бўлиб боряпти, — дея дардини тўка бошлиди йигит. — Авваллари, рўзгоримизда қийин кунлар, йўқчиликлар бўлганида бунаقا эмасди. Учтўрт йилдан бўён ҳамма нарсани муҳайё қилиб қўйганимдан кейин ўз-ўзидан айниб қолди. Мисини еб қўйди. Битта гап етмайди, иккитаси ортиқча. Бунинг устига склероз бўлиб қолган.

— Йўқчиликда орттирган дардлари энди юзага чиқаётган-да, — деди Зарнигор зарда билан.

Ботир ялт этиб аёлга қаради. Ўсмоқчилаб сўради:

— Нима демоқчисиз бу билан, Роҳатнинг тарафини олмоқчимисиз?

— Албатта, — деди аёл қызғынлик билан. — Сиз Ботир бойвачча деган номни олгунингизча у бечора қандай азобларни бошидан ўтказган. Эҳ, сиз, сизлар буни тушунармидингиз? Билармидингиз? Фақат бегона хотин олдида ўз аёлингизни ёмонстлиқ қилишни қойиллатиб бажарасизлар!

— Зарнигор!..

— Нима, Зарнигор?.. Ҳозир менга очигини айтинг, фақат ростини, ўша аёлга севиб уйланганимисиз? — деб сўради Зарнигор йигитга қаттиқ тикилиб. У негадир жазавага тушган, юзи бўғриқиб кетганди.

Ботир унга ҳайрат аралаш ҳадик билан бир неча сония тикилиб турди-да, сўнг жавоб берди:

— Ҳа. Бир вақтлар Лайли-Мажнун дейишарди... — хотираляр ёдига тушиб, йигитнинг юзига табассум ёйилди.

— Қани ўша севги?!

Аёвсиз берилган бу савол Ботирнинг юрагига напштардек ботди. Ҳалигина юзида пайдо бўлган табассум ўрнини изтиробли ифода эгаллади.

— Билмадим... — деди анчадан кейин ёрга қараб у.

— Ана кўрдингизми? — деди Зарнигор бўғиқ овозда, унинг томоғига тошдек нарса тиқилиб, сўзлашга халақит берса-да, жонжади билан гапиришга, анчадан буён хаёлини банд этган фикрларини йигитга тушунтиришга уринди. — Сизнинг, Сизларнинг севгингизни тирикчилик ташвишлари «еб» қўйган. Оила қурилдими, муҳаббат билан рўзгор икир-чикирлари ўртасида «жанг» бошлигади. Бу жангда муҳаббатнинг ғолиб чиқиши амри маҳол. Охир-оқибат эса ўзингизга маълум: дилсиёҳлик, дардмандлик, кўнгил совуши... Майли, мени севманг демайман. Севинг, яхши кўринг, ардоқланг. Лекин бунинг зазига мендан ҳеч нарса талаб қилманг. Агар истасам, эрим билан ажрашиб, Сизнинг ённингизга келишим мумкин. Лекин бундан нима фойда? Нима зиён? Яна битта Роҳатой пайдо бўлади, холос. Агар билсангиз... Йўқ, аввал менга ваъда беринг. Гапларим эриш туюлиб, мазах қилмасликка сўз беринг!

Шамдай қотиб қолган йигит сўз берди.

Шундан кейингина Зарнигор йигит интиқ кутаётган сўнгти фикрини айтди:

— Менимча, муҳаббат — ҳижронда!.. Висол онлари ҳар қандай муҳаббат оловини сўндиради.

Шу пайт орқадан келаётган машина бирдан тезликни ошириб, уларни қувиб ўтди-да, йўлга кўндаланг туриб олди. Кутилмаган вазиятдан шошиб қолган Ботир қаттиқ тормоз берди. Бехосдан мункиб кетган Зарнигор пешонасини пешойнага уриб олди.

Кўндаланг турган машинадан иккита эркак тушди-да, улар томон ўқдек отилишиди. Қаттиқ зарбдан пешонаси фурра бўлиб, кўз олди қоронғулашиб кетган Зарнигор ўзини ўнглаб олганида... Қаршисида эри билан унинг укаси Аҳмад турарди!

— Кўзимга чўп солдингми, қанжиқ?! — Турсунали хотинининг қип-қизариб кетган юзига тарсаки туширди. Аёлнинг юзи ловуллаб, кўзларидан ўт чақнаб кетгандек бўлди.

— Унда айб йўқ, — деди сал нарида турган Ботир уларга яқинлашаркан.

— Сен билан кейин ҳисоб-китоб қиласман, — деди Турсунали ва бор кучи билан ўргогини итариб юборди. Бўшашиб турган Ботир кучли зарбадан қалқиб кетди. Гандираклай-гандираклай ерга ўтириб қолди.

— Мен сени огоҳлантиргандим-а, — деди кўзлари қонга тўлган Турсунали йиглаётган аёлга юзланиб. — Ўлдираман, дегандим-а?! Лекин аввал бир жойга борамиз. Ўнашинг билан бирга қипяланғоч ҳолда ота-онангнинг олдига ҳайдаб бораман!

Зарнигор бирдан йигидан тўхтади. Кўзлари даҳшатдан чақчайиб кетди.

— Менинг айбим йўқ, — деди у дадиллик билан, кўз ёшларини сидириб тапларкан.

— Алдаяпти, ака, мен уларни кеча ҳам худди шу ерда кўрган эдим, — дея орага сукилди Аҳмад. У шу пайтгача Ботир билан янгасига ошкора нафрат билан тикилганча, бир четда турарди.

— Айбим йўқ, — дея яна тақрорлади аёл, қайниси томонга қайрилиб ҳам қарамади.

— Шунақами?.. — Турсунали таҳдид билан хотинига яқинлаша бошлади.

Зарнигор хавотир билан ортига тислана-тислана йўл четида-ги бетон ариқ ёнига бориб қолди. Файри-шуурый равишда ортига ўгирилиб қарамоқчи бўлди, лекин... хотинини хиёнат устида тутиб олган эркаклардек соч толасидан тортиб, тирноғининг учигача ғазаб ва нафрат ботқоғига ботган Турсунали уни «қочиб кетмоқчи», деган хаёлга бориб, жон ҳолатда ўзини Зарнигор то-

мон отди. Аёл унга чап берди. Бироқ ёнгинасидаги бетон ариқчани күрмади. Бекосдан оёғи ариқчага тушиб кетди ва мувозанатини сақтай олмай чалқанчасига йиқилди. На «дод», деди, на «вой».

Турсунали күзларига ишонмаёттандек бир зум белидан юқориси бетон ариқ четида сулайиб ётган хотинига тикилиб турди-да, ниятига етган хўроздек қаддини керганча машинаси томон шитоб билан юриб кетди. Укаси унга эргашди...

Юраги қонга тұлған Ботир Зарнигорни касалхонага олиб борди. Афсуски, у аллақачон ўлиб бўлған экан. Чалқанчасига йиқилган заҳоти бўйин томири узилиб, жон таслим қилған экан. Ботир дўхтирларнинг гапига ишонмай, аёлнинг боши-ю, бўйин атрофларини кўздан кечирди. На бир томчи қон бор, на бирор белги...

Шундай қилиб ҳам одам ўладими?

Ботир маъсумгина бўлиб «ухлаб» ётган Зарнигорнинг юзларини силаркан, алам билан ўкириб юборди.

Орадан икки ҳафта ўтгач, хотиним ўлди, дея аза очган Турсуналига ўн уч-ўн тўрт ёшлардаги бола қоғозга ўралган алланарсани бериб кетди. Ҳадиксираб, минг хил хаёлга борган Турсунали охири қизиқиши устун келиб, қоғозни очди: оддийгина магнит тасмаси!

Нимадир кўнглига келган Турсунали шошилиб тасмани магнитофонга қўйди. Шиг-шиғ этган овоздан кейин магнитофондан аввал эркак кишининг, сўнг аёл овози эшитила бошлиди.

— «Сизни яхши кўриб қолдим, Зарнигор!»
— «Менинг тинч қўйинг».
— «Сўнгти вақтларда фақат сизни ўйлаб ухлайман, сизни ўйлаб уйғонаман».

— «Мен эримга хиснат қилмайман!»
... ва ҳоказо, ҳоказолардан кейинги гап:
— «Менинг фикримча, муҳаббат — ҳижронда!»
Охирида эса Ботирнинг хаста, ҳам аламли овози эшитилди:
— «Елғиз қолганимда эшитиб туриш учун унинг овозини ёзиб олгандим...

НОМУС

Улар ўн икки йилдан буён ижарама-ижара кўчиб юришарди. Эрининг қўлида тайинли ҳунари йўқ, хотинининг зуғумидан қўрқсанидан вокзалда юк туширувчи бўлиб ишларди. Мўмайроқ пул топган куни даромаднинг ярмини ичкликка сарфлаб, уйига фирт масти ҳолда бораради. Худо кўнглига соладими, хотини ўша куни эшик олдида қўлларини белига тираганча лаблари гезариб кутиб олади:

— Яна бўкиб ичиб олдингизми? Қачон болам-чақам дейсиз?
Мени хонавайрон қиласиз-ку!

— Топаман-ичаман, — дейди Санжар ғўлдираб йиқилиб тушмаслик учун эшик кесакисига суюнarkan.

— Топмай ўл... — Аёлнинг пиқиллагани эшитилади. — Умримизнинг охиригача бировларнинг уйида яшаб ўтамиزمи?

— Бор-е!.. — Санжар хотинини туртиб, ўзига йўл очди-да, ал-понг-талпонт қилиб ичкарига киаркан, норозилик билан тўнгиллайди: — Шу топда ўйлаган нарсани қара...

— Шу топда ўйламай, қачон ўйлайман, ахир?.. — Нодира эрининг кетидан ётоқхонага кириб боради. — Сизам одамларга ўхшаб... — дей гап бошлиши билан Санжар уни итариб-итариб йўлакка чиқариб юборади, эшикни қарсиллатиб ёпаркан, кўпол сўзлар билан сўкинади:

— Шлюха!

Йўлакда турган Нодира ундан ҳам ошиб тушади:

— Ифлос! Сассиқ алкаш!.. Уйда қозонга солгулик ҳеч вақо ўйғу, буни исқирик такадек кекириб юргани-чи!.. Илойим, еган-ичганинг ичингдан ириб-чириб тушсин! Болам бор демасанг, хотиним бор демасанг!..

Нодира жафи толгунча жаврайди. Оғзидан боди кириб, шоди чиқади. Охирида аламини йифидан олади, уйни бошига кўтариб дод-вой қилади.

Жилди эскиб, ҳилвираб қолган ёстиқ билан қулоқларини бекитиб ётган Санжар ҳаммасини эшигади. «Намунча, овозини кўтармаса, кўши nilар эшигади демайди-я, андишасиз!» дей ўзича орланади.

Можаро шу билан тугамайди. Эртаси куни катта куч-куват тўпланган ҳолда давом этади:

— Сенга тегиб хор бўлдим, — дей чинқиради Нодира. — Бировларнинг уйида яшаб умрим ўтяпти. Кун бўйи эшик тиқ этса юрак ҳовучлаб ўтираман. Уй эгаси келиб қолдими, деб.

— Сенламасдан гапир, нима, бешигимни тебратганмисан? —
Боши ари уясидек ғувиллаёттан Санжар шундан бөшқа түзукроқ
баҳона тополмайди.

— Сизлашга арзимайсан! Биттә қизинг билан хотинингни эп-
лаб боқолмайсан-ку, ўзингіта ҳурмат талаң қылганингга ўлайми!

— Онангни!.. — Санжар хотинининг юзига тарсаки тортиб
юборади.

Нодира тап тортмайди. Ўн икки, йўғ-е... Шу беш-олти йилдан
буён бунақа тарсакиларнинг таъмини тотиб кўравериб пишиб
кетган. Кўққисдан тушган тарсаки ёки тепки уни баттар олов-
лантиради.

— Боқолмасынг, қўй, жавобимни бер. Манаман деганлар ола-
ди мени ҳали. Сенам эркакмисан!

Кейинги беш-олти йил ичидай бундай жанжалларнинг боши-
кети кўринмай қолди. Уйда ёғ тугаб қолса ҳам жанжал. Қизи-
нинг мактабидан пул сўрашса ҳам жанжал. Уй эгаси ижара пу-
лини сўраб келган куни нақ осмон узилиб, уларнинг бошига ту-
шади. Ва ҳар қандай жанжаллиниг охири: «Сенам эркакмисан?»
деган даҳшатли таъна билан якунланади.

Санжарнинг ҳам одамларга ўхшаб тинчгина яшагиси ке-
лади. Уйим бўлса, қисиниб-қимтимасдан бемалол кириб чиқ-
сам, дейди. Кунда, кунора ижара пулини сўраб келувчи «ял-
моғиз»дан азроилдан қўрқандай қўрқмасам дейди. Кўшни
подъездда яшовчи уй бекасига кўринмаслик йўлинни излайве-
риб, асаблари ниҳоятда толиққан Санжар кейинги вақтларда
жуда баджаҳл бўлиб бораётганди. Хотинининг илон заҳридан
ҳам ўткир таъналарини эшитишга тоқат қилолмас, муштини
ишига солар, лекин барибир ўша илонни пўст ташлашга маж-
бур қиласиган сўзларни эшитар, чунки Нодира оғзи-бурни
қонга бўялса ҳам, бошида мушт дўлайтириб турса-да, тап тор-
тимасдан мағзавани унинг устига ағдаришдан чарчамасди:
«Ҳаммасига Сен, Сен айбдорсан!» Бир вақтлар, бундан ўн-ўн
икки йиллар муқаддам Санжар хотинига қўл кўтариш тутул
сенлашга ҳам журъат қилолмасди. Қўнғироқ соchlари пешо-
насига тушган, қайрилма қош, шаҳло кўзларининг милкни
қоллаган кипприклири қуюқ ва қоп-қора, юзи сутга чайиб олин-
гандек оппоқ Нодира учун у ҳар қандай қурбонликка тайёр
эди. Елди-югурди, ишлади, топди, толганини хотинининг қўли-
га қўшқўллаб топшириди, аммо... баракаси бўлмади. Қизчали

бўлишгач, харажатлари янада ортди. Санжар янада қаттиқроқ ишлади, лекин яхши яшаш учун ташлаган ҳар бир қадами олдга эмас, ортга қайтаверди. Нодира илк бора етишмовчиликдан гап очганида юзлари анордек қизарган ҳолда, қисишиб-қимтиниб, хижолатли овозда гапирганди:

— Қизингиз кечаси билан... яхши ухламади... Қорни... тўймади шекилли...

— Кўпроқ эмиз.

— Сутим кам... Кучли-кучли овқат сийшим керак экан, — Нодира бу гапни тўрт ойлик қизчасининг юзини юзига пана қилиб айтганди.

Санжар унинг нима демоқчи бўлганини тушунди. Аммо сир бой бергиси келмади, худди минг қўйли бойваччадай андак виқор билан:

— Томоқдан аямаслик керак. Нима егинг келяпти, айт, сен яхши сб-ичсанг, бола яхши ўсади.

Нодира кўнгли тусаганини эмас, дўхтирлар тайинлаган нарсаларни айтди. Санжар икки марта икки халтани тўлатиб егулик ташиди, учинчисига навбат келганда ўйланиб қолди. Чунки «тешик» ҳамён аллақачон соб бўлганди.

Бир оз ёлғон қўшиб ростини айтди хотинига:

— Озроқ сабр қиласан энди, уйда борини бир амаллаб тур, яқинда қўшимча яхшигина пул тушади.

Атай «пул тушадиган» муддатнинг кунини ҳам, ойини ҳам айтмади. Ҳали анча тажрибасиз Нодира ҳам «Қачон?» дея сўрамади. Бироқ кутди, зориқиб кутди ўша «пул тушадиган» кунни. Уйда борини «бир амаллаб» яшади. Лекин эри ваъда қилган катта пулдан ҳадеганда дарак бўлмади. Ана шундан кейин аввалига журъатсизлик билан бошланган мингир-мингиrlар ҳақиқий фишавага айланди. Санжарнинг уйга келишга юраги безилларди. Тўнғичлари Зебодан кейин бошқа фарзанд ҳам кўришмади. Хотинининг жаврашлари жонига тегиб кетганида ё юрагига ўқдек қадалаётган саволларга жавоб бергиси келмай қолганида у гап жиловини атай шу мавзуга буриб юборарди.

— Пулдан бошқа дардинг қолмабди ўзи. Ҳадеб чўнтағимни ковлаштиргунча бола туғсанг бўларди. Битта қиз билан ўтаверамизми?

Бу вақтга келиб хотинининг анча юзи қотган, ҳозиржавоб бўлиб қолганди.

— Бир ойда бир кило гүшт емаймиз-у бола қаёқдан бўлсин! — деганди ўшанда кўзларидаги эри яхши кўрадиган мунгли ибони йўқотганини ўзи ҳам сезмай қолган Нодира.

Санжарнинг юраги зирқираб кетган, аммо чидаган, чидашга ўзида куч топа билган... Лекин кейинчалик ўша кучни топа олмай қолди. Иложисизлик жонидан ўтиб илк бор ичиб, маст бўлиб келганида хотини эшикни очмаган. Шовқин-сурон билан бир амаллаб уйга кириб олганидан кейин бутун қаҳр-ғазабини қўлига жамлаб Нодиранинг юзига чунонам тарсаки туширдики, бечора аёл кутмаган чоги, «шили» этиб оёқлари остига ийқилди. Ўшанда бир ҳафта-гача қўли оғриб юрган. Ярашиб олгунча ичини иттирнаган. Бундай ваҳшийликни кутмаган Нодира бир ойгача ўзига келолмаган, тумтайиб, аразлаб, йиглаб юриб иш қиласади, боласига қаради. Санжар хотини билан ярашиб олиш учун нималар қилмаган. Бир сўм топса, «ўн сўм ишладим», деб хотинининг қўлига туттган. Аммо Нодира пулга қайрилиб ҳам қарамаган... Бирордан қарзга олинган ўша пул майда-чўйда нарсаларга ишлатилиб кетди.

Бугунга келиб, оиласдаги муҳит шу қадар ўзгарганки, Санжар хотинининг юзига тарсаки туширмоқ тугул, оёқлари остига олиб тепкиласа ҳам суяги зирқирамайди. Нодира ҳам бурунгидек аразлаб юрмайди. Калтак сявериб, бўлка нондай шишиб кетса-да, орадан бир-икки соат ўтиб Санжар чўнтагини қаппайтириб келса, ҳеч нарса бўлмагандек ялтоқланиб кутиб олади.

Мана шуниси Санжарга қаттиқ тегади. Негадир у хотинининг аввалгилик аразлашларини, хафа бўлиб гапирмай юришларини қўмсайди. Юзига чақалоқнинг юзини пана қилиб сўзланган келинчак ҳақида ўйлашга-да ботина олмайди.

Муносабатларидаги самимийлик йўқолиб, аллақандай шилемшиқ, ёқимсиз бир нарса илашгандек туюлади.

Бир куни Санжар «тушум»нинг мазаси бўлмаганидан тушкун кайфиятда уйга қайтаркан, йўл четидаги дўкончага кириб юз грамм вино ичиб, дадиланиб олиш учун чўнтагини кавлаштириди. Камбағалнинг чўнтағи катта бўлади, аммо ичида ҳеч вақо бўлмайди деган гап тўғри. Умид дунёсида тимирскаланаётган бармоқларига тўрт-беш тантага-чақа илинганида аэбаройи жаҳли чиққанидан овоз чиқариб қаттиқ сўкиниб юбориб пештахта ортида мўлтираб турган сотувчини ҳам ҳайрон қолдирди. Буниси камлик қылгандек ҳаммасига сотувчи айбордай унга нафрат билан қараб, ерга «чирт» этказиб тупурди-да, чиқди-кетди.

Күнгироқни босганидан кейин ҳам уч-түрт дақиқа ўтиб эшикни очган Нодиранинг икки юзига икки пайса қизил юргурган, күэлари ҳар кунгидек ғазабдор эмас, аллақандай мунгли жозиба билан сузилиб боқарди. Бундай күнгилли ҳолга дуч келаман деб ўйламаган Санжар довдираб қолди. Бир зумда, остона ҳаттаб ичкарига киргунча, нелар хаёлидан ўтмади. Уятданми, хижолатданми, мунисгина бўлиб жилмайиб турган хотинига зимдан қараб қўяркан, сархуш бўлгандек боши айланиб кетди. Анчадан бўён қўлга олинмаган «кал» телпакни нозик қўллар деворга қоқилган илгаклардан бирига илиб қўйди. Санжар туш кўряпман деб ўйлади. Агар шу чиндан туш бўлса ҳеч қачон уйғонмасам, деб ният қилди. Яна ўша нозик қўллар эгнидаги кир, яғир фуфайкани ечиб олиб, илгак томон интилди. Санжар лол эди. Анчадан бўён уни эсидан чиқариб қўйган тақдир бугун уни бунчалар сийламаса!

«Пулсиз ҳам баҳтиёр яшаса бўлар экан-ку!» деб юборгиси келди унинг. Шундай демоқчи бўлиб, шундай демоққа лаб жуфтлаб хотини томон шаҳд билан ўгирилган он ошхона томондан шангиллаган овоз эшитилди:

— Ким у, Нодиричка? Нимага нафасинг чиқмай қолди?
Уй бекаси!

Устидан бир чеълак совуқ сув қуйиб юборилгандай Санжарнинг қизиб турган вужуди музлади-қолди.

— Ижара пулини сўраб келган экан, роса тўполон қилди, кейин... алдаб-сулдаб... зўрға овозини ўчирдим... вино қуйиб бердим... — Нодира пичирлаганча шоша-пиша изоҳ берди.

— Сенам ичдингми?..

— Ҳа, озгина... шу ялмоғизни овози ўчсин деб...

Санжар яшин ургандек бор гавдаси билан гандираклаб кетди.

— Нодиричка!.. — Бесканинг зорлангани эшитилди.

— Ҳа, ҳозир... Сизам ўша ерда овқатлана қолинг. Юнинг, Тамара опа билан би-ир ўтирамиз, — деди Нодира.

Санжар истар-истамай хотинига эргашди.

Кайфи тароқ бўлса-да, уни кўриши билан ранги ўчган Тамара опа бир қўзғалиб қўяркан, ниҳоят қўлга тушдинг-ку дегандек қувлик билан қаради.

Тўрт ойдан бўён ундан қочиб юрганидан эмас, ижара пулини сўраб қолса нима қиламан, деган ваҳимадан юраги пўкиллаб турган Санжар беканинг қарашларидағи «маъно»ни аллақачон

тушунган бўлса-да, қўрқан олдин мушт кўтарар, деганлари-дай, ҳурпайиб олди.

Дастурхон ҳаминқадар, ўртада «ғўддайиб» турган шишаги-на унга кўрк бериб турарди.

— Кўрқма, бугун пул сўрамайман, — деди Тамара опа пиёла-ларга вино қуяркан. — Бугун кайфиятим жойида...

«Бугун бўлмаса, эртага сўрайсан,» — деда ўйлади Санжар алам билан. Аммо билинар-билинмас титраётган лабларидан бутунлай бошқа сўзлар учди:

— Ҳа, энди сизга ишониб юрибмиз-да, Тамара опа. Сиз қўллаб турмаганингизда, эҳ-ҳе...

Битта-битта олишгач, кўнглидаги ғашлик тарқаб, ўзини хотиржам сеза бошлаган Санжар мағтовга зўр берди:

— Сиз зўрсиз, опа! Зўрсиз! Зўр»лигингиз нимада биласизми, чунки сиз одамни тушунасиз.

Пиёлалар даврани яна бир айланиб чиққач Санжар тағин «опа-си» шаънига ҳамду сано ўқий бошлади:

— Аёл киши бўлсангиз ҳам бир хил эркаклардан анча юқори турасиз. Чунки мардсиз, мард хотинсиз!..

— Мақта, мақтайвер, лекин шу ойнинг охирига уй пулини тўлаб қўйишни эсингдан чиқарма, — деди юмилиб бораётган қўзларини базур очган Тамара опа.

Санжар четга қараб сўкиниб қўйди.

Шишаанинг таги кўриниб қолганини сезиб, ўзини четга тортиган Нодира бекага мулозамат қилди.

— Яна озгина овқат солиб берай, косангизни беринг...

Тамара опа биққи қўлларини столга тираб ўрнидан тураркан бош чайқади.

— Раҳмат, тўйдим. Мазали овқат бўпти, гўшти бўлмасаям.

Нодира «яғи» этиб эрига қаради. Санжар унинг нигоҳини ҳис этди, аммо овқатдан бош кўтартмади. Асабийлик билан коса ҷетига қошиқни бир-икки уриб қўйди. Қошиқ тутган қўллари титрарди унинг...

Орадан бир ҳафта ўтди.

Бир куни кечаси соат ўн бирлар атрофида эшик қўнғироги асабийлик билан тўхтовсиз жиринглади. Сарпойчан югуриб чиққан Санжар эшик олдида ҳамон бармоқларини қўнғироқ тугмачасига босиб турган Тамара опани кўриб қўрқиб кетди.

— Пулни қачои тўлайсиз, бойвачча?! — Тамара опанинг қўзларида газаб учқуни ёлқинланарди.

— Тұлайман, тұлайман дедим-ку сизга... — дейиішдан нарига үттолмади Санжар.

— Топ, ҳозир, қаердан бўлсаям! Олти ой бўлди-я тўламаганингта! Олти ой!

— Свет пулини тўладим. Энди...

Тамара опа бобиллаб уни галиртиргани қўймади.

— Чиқ, ҳозироқ чиқ уйимдан! Сенларга ўхшаш боқиманда керак змас. Кимни лоҳ қўлмоқчисан? Чиқ, деяпман. Чиқ. Бўлмаса ҳозир мелиса чақираман. Босқинчлил қилиб уйимга кириб олишди дейман. Бева, эрсиз бир бечора хотинни алдаб-сулдаб... Кўрсатиб қўяман ҳали!..

— Яна бир ҳафта сабр қилинг, илтимос...

— Ҳо, аҳмогинг йўқ, бир ҳафта ичида кўч-кўронингни ортиб қочиб қолсанг-чи. Ҳозир, ҳозироқ тўлайсан. Етар, шунча сабр қилганим.

— Пулни йўқ ҳозир, чинданам... — Санжар дир-дир титраёт-ган қўллари билан пижамасини пайпаслай бошлади.

— Йўлни бўшпат!.. — Аёл зўрлик билан ичкарига кириб, илгакда турган кийимларнинг чўнтакларини тинтиб кўра бошлади.

Санжар ҳайкал бўлиб қолди.

Етоқхона эшиги ёнида ер ёрилса-ю ерга кириб кетсам деб уядан адойи-тамом бўлган Нодира туарди. Кийимларни авра-астаригача ағдариб кўриб, сариқ чақа ҳам топа олмаган Тамара опа чексиз нафрат билан Санжарга тикилди.

— Топганингни ичиб, сасиб юравер, ярамас! — дея бақирди у томоги йиртилгудек бўлиб. Ҳаммасини ичибсан-да, номард! Боя кўчада гандираклаб келаётганингдан билувдим ўзи. Ифлос! Агар эрталабгача пулни топиб қўймасанг...

Беканинг гали чала қолди. Нодира уйқудан уйғонгандек бир сесканди-ю, Тамара опанинг қаршисида пайдо бўлди.

— Тамара опа, юринг, ошхонага юринг, сиз яхши кўрадиган карамли перашка қилганман. Илтимос, юринг, энди. Пулни берамиз, албаттга берамиз. Қочиб кетмаймиз. Мен айтдимми, берамиз. Мени биласиз-ку. Юринг, юра қолинг, мени ҳурматим йўқми? — Нодира уни билагидан тутиб, ҳадеб ошхона томон бошламоқчи бўлар, элликларга кирган, хўппа семиз бека эса сира ўрнидан жилай демас, аксинча, силтаб билагини тортиб олмоқчи бўлар, аммо Нодиранинг «чангак» бармоқлари билагини қўйиб юбормасди.

Ниҳоят, бека таслим бўлди.

Нодиранинг сўзини ерда қолдиргиси келмаганлигини бир неча бор такрорлаганидан сўнгтина истар-истамай ошхона томон йўналаркан, Санжарга ёб юборгудек қарааш қилди. Нодира эски, фир-фир қиласвериб қулоқни қоматта келтирадиган музлатгичда борини, ҳатто тўрт дона арzon конфетни ҳам олиб столга қўйди. «Тамара опа яхши кўрадиган карамли перашка»сини мақтаб-мақтаб меҳмоннинг олдига қўяркан:

— Тамара опа, қиттай-қиттай оламизми? — деб сўради. Кўллари ни кўксиди чалиштирганча ўшшайиб ўтирган Тамара опа аввалига миқ этмади, аммо зум ўтмасдан зарда билан елкасини учириб қўйди.

Нодира отилиб балконга чиқди ва аллақаерларни титкилаб, тарақ-туруҳ қилиб, сўнг бир шиша винони қўлтиғига қисганча кулимсираб қайтиб кирди.

Орадан чамаси, ўн дақиқа ўтгач, Нодиранинг қувноқ овози эшитилди.

— Дадаси, келинг сиз ҳам!..

Бир зумдан кейин Тамара опанинг аввал қулгани кейин зардали овози эшитилди.

— Келмайсанми энди, ноз қиласермай!.. Жиз-биз қилиб юбормайсанми келиб?!..

Шайтоний сув ичларига кириб, таранг тортилган асаблар бўшашгач яна апоқ-чапоқ бўлиб қолишли.

Ҳангома қизиди.

Санжар кечки пайт ҳам бўкиб ичган эмасми, бош оғриғига чидай олмасдан пиёлани тўлдириб қуйиб, ютоқиб-ютоқиб ичди. Тамара опа ҳам ундан қолишмасди. Нодира «тишининг ковагида» асраб юрган шиша бўшагач, Санжар уни «круглосуточно» ишлайдиган дўконга юборди. Шаптидан тушиб, анча мулойим бўлиб қолган Тамара опа кўйлагининг ёқасига қўлини тиқиб, «ичкари»дан бир тутам пул чиқариб, Нодира томон улоқтириди:

— Ичгандан кейин тўйиб ичиш керак!

Санжар уни қувватлагандек қийқириб кулди.

Нодира кечаси ёлғиз кўчага чиқишига қўрқиб қизини уйғоттида, уйқусираган қизини етаклаганча чиқиб кетди.

Иштаҳалари очилиб кетган эди.

Нодира уч шиша вино билан кириб келгунча, Санжар картошка қовурди.

Яна ичишди.

Бу сафар Нодира ҳам уларга қўшилди.

Улар нима ҳақда суҳбатлашмасин, барибир гап пул устига келиб тұхталаверарди.

Санжар «мастлик-ростлик» ҳолига тушиб қолғанди.

— Умрим қора мәжнатда ўтятти. Дам олиш нималигини билмайман, — деде зорланарди у. — Итдай ишласам ҳам ҳеч биримикки бўлмади. Одамлар яшаети-ку, уйи бор, мошинаси бор. Менда эса мана!.. — У бош бармоғини иккала бармоғи ўртасидан чиқариб кўрсатди.

— Хотининг ишласин,— деде ғўлдиради Тамара опа.

Хона ичи исиб кетган. Санжар ҳам, Тамара опа ҳам мумдай зриб ўтиришарди.

— Э, ўқимаган, саккизинчини зўрга битирган, гўрига ишлайдими?

— Ҳа, аҳволинг чатоқ экан,— деб қўйди Тамара опа. Муло заматни кутмасдан пиёласига қултиллатиб вино қуиб олди-да, бир кўтаришда сипқорди. Пиёлани тўқ этказиб столга қўяркан:
— Шуям ҳастми? — деде бақириб юборди.

Санжар бирдан ҳушёр тортиб, бекага хавфсираб қаради. Ичкилик таъсирида хира торған онгининг аллақайси пучмоқларида нимадир «йилт» этди, нимадир уйғонди. Бу қўрқув туйғуси эди. «Яна бошламасайди?..» деган ўйнинг инъикоси эди. Камбағал мастилигига ҳам «иштони йиртиқлиги»ни эсидан чиқара олмайди.

— Мен сенга змас, хотинингта ичим ачийди, — деде давом этди Тамара опа ҳийла жимлиқдан сўнг. — Сенга нима, қорнинг тўйған куни қарқарасан! Бу ёқда хотининг бечора... қара унга, қанчалар эзилиб кетган. Ўзи санамрастадайгина, ҳали ўттизга ҳам кирмандир. Лекин хор бўлди. Увол, увол-а, шундай хотин...

Яримлаб қолган шишага тикилган Санжар миқ эта олмади.

— Сен ўйнингда ҳам, борингда ҳам уйнингта кираман, тузингни totaman. Лекин бирор марта гўштли овқат еганимни зслай олмайдан. Бу қанақаси?

— Жа, унчаликимас... — Санжар нафаси сиқилаётганини сезиб кўйлаги ёқасини бўшатди.

— Сенинг ўрнингда хотининг пул топиш учун кўчага чиқанида борми?.. — Тамара опанинг кўзларидаи кибрли учқун сачради. — Аллақачон Санжар бойваччага айланардинг. Жилла қурса тўйиб гўштли овқат ердиларинг.

— Намунча гүштли овқатта ёпишиб қолдингиз? — Кайфи тарқаганини ҳам, тарқамаганини ҳам билмай, каловланиб қолган Санжар бекага синовчан тикилди.

— Хотинингта туғмайсан дер эмишсан?.. Бир ойда бир гүшт емагандан кейин... — Тамара опа ўқни нишонга урган эди.

Санжарнинг юзи ўзгарди.

— Гүшт егилари кепти-да, — деди у истеҳзо билан хотинига нигоҳ ташларкан.

Нодира ўнғайсиз аҳволга тушиб қолди. Тамара опани уйга олиб кирганига пушаймон бўла бошлади.

Санжар ўзига қуйиб ичди-да, сўнг Тамара опанинг пиёласига қўйди. «Олинг», деб кўйди хушламайгина.

Тамара опа пиёлани бир сипқоришда бўшатиб, «тўғ» этказиб қўяркан, Санжарга иддао билан тикилди.

— Бирорнинг пулуга ичиш яхши-а?

— Менам пул бердим-ку, — деди у соchlари тикрайиб.

— Сен-чи, яхшиси, — Тамара опа унинг сўзларига парво қилмади. — Хотинингни ўз ҳолига қўй. Унга хўжайнинлик қилма. Ана шунда, унинг пул топишини кўрасан.

— Тушунмадим... — деди Санжар тишлари орасидан чиқариб. Унинг юзи шу қадар ўзгариб кетгандики...

— Пул топади-да, нима, шуниям тушунмайсанми? — деди бека жеркиброқ. — Аёл киши эркаклардан кўп пул топади, агар билсанг. Бева бошим билан иккита уйни битимни сотиб олармидим!

— Ҳали сен... Ҳали сен... — Санжарнинг икки кўзи бўшай деб қолган шишага қадалди.

— Рост-да, нимасини яшираман? Сенам тан ол, боқолмадим, дегин-да, хотинингни ихтиёрига қўй. Ана шунда кўрасан!.. Ўзим топиб бераман. Зўридан! — Тамара опа Нодирага юзланди. Ширакайф кўзларини юмиди очди, очиб юмди, ниҳоят, кўз олдини қоплаган туман орасидан Нодиранинг сиймоси сузуб чиқиб, аниқ-таниқ кўрингач, галини давом эттириди: — Оғзингита сиққанини айтасан, тамом, «ест» қиласди. Сен фақат яхши, яхши ич кийимлар, нафис ҳидли духилар олишинг керак. Ўткир ҳидлisisи бўлмайди, эркакларга ёқмайди...

— Ифлос! Қанжиқ! — Санжар бор кучи билан столга муштлади. — Йўқол, кўзимга кўринма!

Тамара опа қилт этмади. Кайф таъсирида сузилган кўзларнинг беписанд боқишини кўрганмисиз? Бека Санжарга худди шу йўсинда қаради. Аммо ўрнидан туришни хаёлига ҳам келтирмади.

— Намунча бўкирасан? Бақироқ туж!
— Йўқол, дедим!
— Ўзинг йўқол! Уй менини! «Бў» дейсанми? Яхшилик ёқмаган. Тўғри йўлни кўрсатсан... ана, хотининг миқ этмалити-ку. Униям яхши яшагиси келади ахир. Кўзларига қара, уни, кўзларига!.. Ҳар қандай эркакни адо қилади...

Кўзларига қон қуйилиб, бирдан қутуриб кетган Санжар аввал бўшаган шишани, кейин дуч келган нарсани олиб беканинг юз-кўзи аралаш отди. Қўлига илингган сўнгти буюм ҳалигина ўзи ўтирган табуретка бўлди.

Табуретка ёнғоқ дарахтидан ясалган бўлиб, зилдай оғир эди. Қолаверса, ошконадаги стол-табуреткалар Тамара опанинг ўзиники эди!

— Вой, ўлдим!..

Орадан аллақантча вақт ўтган, бошини чангаллаб ўтирган Санжарни Нодиранинг жон ҳолатда чинқириб юборган овози ўзига келтирди.

— Нима қилиб қўйдингиз?.. — Нодира зрига яқин келиб, уни силталаркан, ҳадеб: — Нима қилиб қўйдингиз? — дея изиллаб йигларди.

Санжар ҳиссизлик билан атрофига алланглади.

Бир мунча фурсат олдин эшик ёнидаги курсида ўтирган Тамара опа филдек бўлиб чўзилиб ётар, остона қиррасига теккан чеккасидан тизиллаб қон отиларди.

Санжар нима қилиб қўйганини англади. Англади-ю, вужуди даҳшатдан эмас, аламли жазавадан қалтираб кетди: «Баттар бўлсин!» Кейин кўйлакларининг этакларигача қалтираётган Нодирага қараб ўшқирди:

— Сен нима қилиб турибсан? Йўқол!

Нодира чинқирганча ётоқхона томон отилди.

Ёлғиз қолган Санжар бир муддат беканинг филдек жуссасига тикилиб турди. Қон отилиши тўхтаган, Тамара опа мук тушиб ухлаб ётганга ўхшарди.

Чор-атрофига қон сачраганини айтмаса!..

Унинг ҳуши ўзида, кайфи ҳам тарқаб кетган, қандай воқса юз берганини-да идрок этиб турарди. Аммо бир қадам ташлапга ҳам мадори йўқ эди. «Оёқларим қалтираяпти...» деб ўйлади у беихтиёр. Олазарак нигоҳи идиш-товоқ қўйиладиган қути устидатурган шишага тушди. Нодира учшиша опкеган экан-да, дея

ўйлади у ўзининг хотиржам эканлигини ўзича исботлаш учун. Сўнг муз устида юраёттандек жуда эҳтиёткорлик билан кути томон қадам ташлади. Тиши билан шиша тиқинини очди ва... ва саҳрода сувсиз қолган сайёҳдек ютоқиб-ютоқиб винони ичди. Бирорта идишга қуишишга-да, сабри чидамади, шишаси билан кўтарди. Кейин жигилдонини қиздириб ўтган ичимлик томир-томирига ёйилишини кутиб, кўзларини чирт юмди. Ана шундан кейин атрофига журъат ва қатъият билан кўз югуртириди. Нигоҳлари ҳали мук тушиб ётган гавдага стмай туриб... «Балки ўлмагандир...» деган ўй ўтди хаёлидан. Шу умид уни илдам ҳаракат қилишга ундали. Тамара опанинг тепасига келиб энгашаркан, боши айланиб қўзи тинганидан гандираклаб кетди.

Ичкилик таъсири миясига урган, ҳаракатлари беўхшов, қўпол, аммо қатъиятли эди. Беканинг қулогидан тутиб ёнламаси ётган бошини тўғрилаб қўяркан, аёлнинг косасидан отилиб чиққудай олай-иб қолган кўзларига қўзи тушиб қаттиқ сессанди. Кучни зарб билан йиқилганидан жаги тушиб қолганми, ияги осилиб, оғзи очиқ туради унинг. Дафъатан хаёлига келган ўйдан кўрқиб кетди. Назарида бека тирик, салгичиб ўрнидан туради-ю, яна ҳақорату лаънат тўла қалпоқни унинг бошига кийгизади. У аёлнинг биқининг оёғининг уни билан никтаб туртди. Жасад бир қоп гўштдек бир чайқалди, аммо Санжар уни судраб хона ўртасига олиб келди, ҳамон баҳрайиб турган кўзларни ёпмоқчи бўлиб, қовоқлари устига бир-икки кафтини босди. Бироқ кўзлар ёпилмади. Худди тириклигидагидек беписанд тикилиб тургандай туюлди. «Ҳолинг шу экан-ку, — дея заҳархандали илжайди Санжар. — Эндиям ҳақорат қилиб кўр-чи. Мана шу кўзларингми, менга кўчадаям, уйдаям тинчлик бермайдиган? Ҳозир... Ҳозир...»

* * *

Эртаси куни Санжарнинг ўзи милиция пунктига борди. Дастлабки терговдаёқ у барча қилмишларини айтиб берди. Терговчининг: «Адвокат оласизми?» деган саволига рад жавобини берди.

Икки ҳафтадан кейин суд ҳукми эълон қилинди: Санжарга ўн саккиз йиллик қамоқ жазоси берилди.

ҮЛИМГА ЕТАКЛОВЧИ «КАМПИРЛАР»

Носир амаки янги йил арафасида кенжә ўғилни ҳам уйлантириб қарзидан қутулди. Түй ҳар доимгидек данғиллама бўлди. Онаси йўқлиги билинмасин деб, Носир амаки кенжатойининг тўйига йиқ-қан-терганининг ҳаммасини тўқди. Сарпо-суруққа ҳам аямасдан пул сарфлади. Келин тараф ҳам, кўёв тараф ҳам курсанд. Энди сөёни узатиб, бемалол дам олса бўлади. Тўй харажатидан ортиб қолган «танга-чақалар» қолган умрига бемалол етиб ортади. Фақат шу... шундай кунларда хотинининг ёнида бўлмагани сал кўнглини зэди-да. Кўғирчоқдек келинининг эгилиб салом бериб турганини кўрганида суюнганидан юраги ёрилармиди?..

Хаёлга толиб ўтирган Носир амакини эшикнинг фийқиллаб очилиши чучитиб юборди.

— Ассалому алайкум... дада... — Келин қўлидаги патнисни хонтахта устига қўйиб, чойни қайтара бошлади.

— Зокир турдими?

— Ҳа, ҳозир келадилар.

Келин таъзим билан чойни узатди-да, «қозир...» деганча чиқиб кетди. Бир оз ўтгач, Зокир кирди хонага. Ота-бала ўтириб нонушта қилишди. Ўғли ишга кетгач, Носир амаки ҳам ҳовлига чиқди. Ҳали ёш бўлса-да, рўзгор юмушларини балодек эплаётган келинини зимдан кузатаркан, ич-ичидан суюнди...

Орадан уч ой ўтди.

Бир куни эрталаб Носир амаки нонушта олиб кирган келинининг қовоқлари қизариб кетганини кўриб, юраги «шув» этди. «Нима бало, уришиб қолишмадимикин? — Хаёлига келган ўй амакини хавотирга солди. — Эндинга уч ой бўлди-я».

— Зокирни чақир, тез олдимга келсин, — деди амаки Фариданинг қўлидан пиёлани оларкан.

— Ҳўп... — Келиннинг овози эшитилар-эшитилмас чиқди. «Ҳа», десангиз йиглаб юборгудек.

Амаки бир пиёла чойни ичгунча Зокир ҳам келди.

— Ассалому алайкум, дада.

Носир амаки билинар-билинмас бош иргаб қўйди. Пиёлада қолган бир ҳўплам чойга тикилганча индамай ўтираверди.

— Ҳа, дада, тинчликми?

Носир амаки пиёлани дастурхон четига қўяркан, ўғлига хўмрайиб қараб қўйди.

— Келинни нега хафа қилдинг?

Зокир туйқусдан берилган саволга нима деб жавоб беришини билмай бир оз довдидари.

— Нима, отанг олиб берган қыз ёқмаяптыми? — Яна забтига олди Носир амаки.

— ...
— Қандай одамларнинг фарзанди эканлигини биласан-а?
Шундай одамнинг фарзанди эшигингда чўридай хизматингни қилиб юргани...

— Э, дада, аввал гапни эшигинг, — ерга қараб ўтирган Зокир бирдан «портлади». — Уч-тўрт кундан бўён ярим кечаси мени кимдир чақирияпти, деб ҳовлига чиқиб кетади. Хавотир олиб келинингиз билан бирга чиқаман. Ҳовлида одам тугул, ит ҳам йўқ бўлади. Бугун кечаси яна ҳовлига чиқмоқчи бўлган эди. Уришиб бердим. Ўзиям эрталабгача йиглаб чиқди.

— Ҳм... Шунаقا дегин... — Носир амакининг авзойи ўзгариб, ўйланиб қолди. Бир оздан кейин яна тақрорлади: — Шунаقا дегин?..

Зокир иқдамасдан бош иргади.

— Бўлти, сен боравер, — дея рухсат берди ота ўғлига. — Айтмоқчи, йўл-йўлакай қайнонангни айтиб юбор. Дадам бирровга келиб кетсин, деяпти дегин. Ваҳима қилмасдан, ҳовлиқтирмасдан айтгин.

... Ярим соат ўтар-ўтмас Фариданинг онаси кириб келди. Носир амаки ёстиги билан унга воқеани тушунтирди.

— Бу эскичадан бўлса керак. Эркак бошим билан мен бунақа нарсаларга тушунмайман. Фаридани опкетиб, ўзингиз ирим-сиримларини қилсангиз девдим, — деди у охирида.

— Фариданинг ўзи нима лейди? Бунақа касали йўқ эди-ку, — дея опа хавотирлана бошлади. — Ўзидан сўраб кўрай-чи.

— Майли, майли, — деди Носир амаки юмшоқлик билан. — Ана қизингиз...

Чиндан ҳам бу вақтда даҳлиз эшиги ёнида Фарида туради. Она-бала айвонга чиқиб, нималарнидир гаплашишди. Бир оздан кейин қуда хола деразадан бош суқиб хайрлашди.

— Мен келинингизни опкетяпман. Худо хоҳласа, зартага эрталаб отдай бўлиб кириб келади уйингизга.

— Айтганингиз келсин... — Носир амаки фотиҳа қилди.

Чиндан ҳам эртасига эрталаб «отдай» бўлиб келган Фарида тўғрисида Зокир юқоридағига ўхшаш гапларни гапирмай қўйди.

Орадан бир йил ўтиб келин оғироёқ бўлди. Ой-куни яқин кунлар...

Бекорчиликдан зериккан Носир амаки қўрани тозалайттан эди. Қўранинг ёнида пичан ғарами, ундан кейин оғилхона бор зди. Оғилхонанинг рўпарасида, яъни ҳовлининг чап тарафида ошхона бўлиб, унинг ёнида чоғроқрина қўлбола тандирхона жойлашганди. Ўша куни Фарида нон ёпмоқчи шекилли, тандирга олов ёқаётганди. Сўнгти кунларда қорни анча дўппайиб қолган келин ғозга ўхшаб лапанглаб юради. Шу ҳолига ҳовлидаги юмушларнинг ҳаммасини ўзи бажаарди. Тушганига икки йил бўляптики, овсинларини ёрдамга чақирганини амаки эслай олмайди.

Носир амаки қўрани тозалаб бўлиб, гўнгни галтакка аравага ортаётганда Фариданинг оғилхона томонга ўтаётганини кўриб қолди. «Ҳўқиз тепиб юбормасайди. Оғилхонада нима бор экан унга?» Носир амакининг ўйи охирига етгунча Фарида шошиб яна тандир ёнига келиб, ишига андармон бўлди.

Носир амаки гўнгни ортиб бўлди ҳамки, Фарида яна оғилхона томонга шитоб билан ўтиб кетди. Носир амакининг негадир жаҳли чиқди. «Оғилхонага намунча физиллайди?» Носир амаки куракни қўйиб, оғилхона томон юришга чоғланганда бирдан Фарида у ердан чиқиб, тандир ёнига келди. Ён-верига қарамасдан саватдаги нонни олиб, рағида билан тандирга тез-тез ёпа бошлади. Носир амаки келинининг ҳаракатларини кузатаркан, ҳеч нарсага ақли етмай, ҳайрон бўларди. «Кампирнинг йўқлиги чатоқ бўлдида, — дея ўйланди у маҳзунлик билан. — Нима безовта қиляпти деб мен сўрай олмасам. Катта келинни чақиртирсаммикин? Балки бу бечорани дард тутаётгандир?..» Ҳаёлига келган ўйдан амаки шошиб қолди. Назарida, чақалоқ ҳозир туғилиб қолади-ю, у нима қилишини билмай довдираф қоладигандек туюлди. Йўл устида турган аравани четга сурib кўяркан ногоҳ Фариданинг яна оғилхона томонга ўтаётганига кўзи тушди: «Оббо!..»

Носир амаки энгил-бошини чала-чулпа қоқа-қоқа, шу томонга юрди. Уятниям йигиштириб қўйиб, келинидан ҳол сўраш ниятида оғилхонага мўралади. Мўралади-ю... турган ерида қотиб қолди. Бино шифтида арқон-сиртмоқ осилиб турар, келини, унинг меҳнаткаш келини шу сиртмоққа тикилиб, ундан кўз узмай турарди. Оёқ остида иккита тогора устма-уст тўнкарилиб қўйилганди. Носир амакининг мияси тормозлангандек қотиб қолди. Шу пайт қилт этмай турган келиндан садо чиқди:

— Вой, тандирда ноним бор эди-ку!

Фарида ортига бурилган асно Носир амаки ўзини четга олди. Амаки оғчыл ёнига ўтиб олғандан кейин Фарида у ердан чиқди. Ва шошиб тандир ёнига ўтиб кетди. Хаёли қочганилиги, ҳупши ўзида змаслиги шунчалик здики, у деворга қапишиб турган қайнотасини пайқамади. Тандир олдига борғандан кейин ҳам ортига ўтирилиб қарамади. Носир амаки ниманидир фаҳмлагандек бўлди. У сассиз юриб ортига қайтди. Қўрадаги ўтган йилги қўзилардан чоғроғини даст кўтариб олди-ю, келинининг шошиб-пишиб нонга сув ураётганидан фойдаланиб, лип этиб оғилхонага ўзини урди...

Осиғлиқ турган сиртмоққа қўзини осиб кўйди-да, ичида аллақандай дуони ўқиганча шитоб билан оғилхонадан чиқди.

Орадан ярим соатдан эиёдроқ вақт ўтди. Айвон устунига сунгандай, уйга киргиси келмай, келинининг қадам олишини кузатиб ўтирган Носир амакининг олдига бир маҳал келини ҳовли-қиб келди.

— Дада, анави ола-була қўйимиз бор эди-ку... ўшани иккита кампир оғилхонага осиб кўйибди. Ахир... ахир...

— Йўғ-е... — Носир амаки ҳайрон бўлғандек иргиб ўрнидан турди. Оғилхона томонга юрди. Фарида лапанглаганча қайнотасининг ортидан зргашди.

— Ҳа, майли, бош-кўзларингдан садақа, — деди Носир амаки келинига синчковлик билан тикиларкан.

Фарида ўнгайсизлангандек туюлганди бошида Носир амакига, лекин синчиклаб қараб шуни англадики, келинининг нигоҳларида норозилик аломатлари зуҳур этганди.

— Кампир дедингми? Қанақа кампир?.. — Носир амаки кўнглига ғулғула солиб қўйган сирли ҳодисасининг тагига етмоқчи эди.

— Кампир?.. — Фарида чўчиб уйқудан уйғонгаңдек бирдан үшёр тортиди. Ҳатто кўзлари катта-катта бўлиб кетгандек эди. Ҳалигина «...ола-була қўйимизни иккита кампир осиб қўйди», деганча меровсиб турган келин дабдурустдан айтган сўзидан тона бошлади. — Кампир?.. Кампир демадим. Мен... айтмоқчи эдимки... ҳаҳ, нимайди... Қўрқиб кетганимдан шундай девордим шекилли...

Фарида саросималангандек, нимадандир алағда бўлғандек, шошиб уйига кириб кетди. Шу кўйи у кечгача уйидан чиқмади.

Носир амакининг тоза бўлари бўлди. Бирорга дардини айтольмайди. Ёш келинчакнинг «касалмандр» экан деган ном олишини истамайди. Ваҳимага тушган юраги типирчилаб, кўксига сифмай ураётган бўлса-да, тишини тишига қўйиб чидашга, ўзини бешишга ҳаракат қиласади.

Тушлик маҳали яқинлашган бўлса-да, келини уйдан чиқмади. Носир амаки атай чойнак-пиёлаларни жаранг-журунг қилиб ўзига чой дамлади ҳамки, Фаридадан дарак бўлмади. Охири сабр косаси тўлган амаки очиқ турган дераза пардасини ҳиёл суриб, келинининг хонасига мўралади. Кун иссиқ бўлишига қарамай, Фарида катта ва қалин кўрпага ўранганча пишиллаб ухлаб ётарди. Унинг бир неча кундан бўён аллақандай саросимали изтироб билан гезарган юзи тиннилашгандек сокин эди. Кўнгли хотиржам тортиган амаки секин ортига қайтди.

Кечкүрун ўғли билан ҳоли қолганида кундузи содир бўлган воқеани гапириб берди у. Зокирнинг юзи ўзгариб кетган, нигодлари босаранжом бўлиб, мадад куттгандек отасига термилиб турарди.

— Ўтган йили ҳам шунаقا бўлиб қолганди, эсингиздами? Шунаقا касали бор шекилли, вос-восми?..

— Вос-восмас, ос-ос деган касаллик бу, — деди амаки овозини бир парда пасайтириб. — Ўзим билганимча, бугун иримини қилдим. Худо ҳоҳласа, энди яхши бўлиб кетар. Ўзи гап очмаса, бу ҳақда сен индама. Эсига солма. Лекин кечаси ҳовлига ёлғиз чиқмасин. Кўз-қулоқ бўлиб тур. Эртага Тозагул янгангни чақирамиз. Кўзи ёригунча шу ерда бўлиб туради у.

— Кун бўйи ухлаган бўлса, иссиқ овқатдан қопсиз-да, — деди Зокир отасига раҳми келиб.

— Мен тамадди қилиб ўтирибман. Кечки овқатни ўзи қилди келин.

— Бўпти...

Зокир ҳардамхаёллик билан ўрнидан турди. У хонага кириб келганида Фарида пиқиллаб йиглаб ўтиради. Капалаги учган Зокир хотинининг ёнига гўёки учиб борди.

— Нима бўлди? — дей эҳтиётлик билан сўради у.

— Ҳеч нарса... — Фарида юзини кафти билан тўсганча ичичидан сиқилиб йигларди.

— Эт-бетинг оғрияптими?

Фарида бош чайқади. Зокир чорасиз қолган одамдек ерга чўк тушганча, бошини зғди. Бир оздан кейин Фариданинг йигламсираган овози эшитилди:

— Сизларни ҳам қийнаб қўйдим...
— Бизни қўявер. Ўзинг, ўзинг қандайсан? Яна безовта... бўляпсанми?
— Йўқ, — деди Фарида йиги аралаш. — Безовта бўлганим йўқ. Бугун жуда яхшиман. Сиздан, дадамдан хижолатдаман. Бугун дадам қаровсиз қолдилар. Нима бўлганини айтиб берган-дирлар...

Фарида ёшли кўзларини эрига тикди.

— Йўқ, — деб юборди Зокир беихтиёр. — Нима бўлди ўзи?

— Айтсам... Мендан чўчиб қолмайсизми?

— Нега чўчийман?

Фарида овози бўғилиб қолгандек бир-икки йўталиб қўйди.

— Эсингиздами, ўтган йили, янги келинлилк пайтимда кечаси бирор чақирапти, деб ҳовлига чиқиб кетардим. Бу нарса ўшандан кейин бошланди. Чиндан ҳам ўша вақтларда кечаси кимдир мени чақираётгандек туюларди. Сиз пайқаб қолмасингиздан олдин икки марта кечаси ёлғиз ўзим ҳовлига чиқдим. Қанчалик ўзимга далда бермайин, айвондан нарига ўтолмасдим. Мени чақираётган овоз эса гоҳ ошхона, гоҳ оғилхона тарафдан эшитиларди. Ўша томонга боришга негадир юрагим бетламасди. Қўрқардим. Оёқ-қўлимдан мадор кетиб қоларди. Кейин... Сиз билиб қолдингиз. Онам уйга обориб, ўқитиб ташлаганларидан кейин анча вақт яхши бўлиб қолгандим. Ҳеч ким безовта қилмай қўйганди. Лекин ўша қўрқинчли лаҳзалар хаёлимдан чиқиб кетмаганди. Ўша овоз ҳам қулогимга ўrnaшиб қолгандек эди. Биласизми, ўша овоз аёл кишиники, аниқроғи, кампирникига ўхшарди. Тунда чақириб ҳеч ким мени безовта қилмаётган бўлса-да, кеч бўлгандага ошхона ёки оғилхонага зарурат юзасидан кириб қолсам... аллақандай шарпа атрофимда айланиб юргандек туюларди. Бир неча марта ёнимда ҳеч ким бўлмаса-да, этагимни тортиб қўйгандек, елкамни оҳиста силаб қўйгандек ҳис этардим. Мен бу ҳолни қўрқанимдан шундай бўляпти деб ўйлардим. Ҳар хил бўлмағур нарсаларни ўйлашдан, кўз олдимга келтиришдан ўзимни тиярдим. Куч билан асабимни тинчлантиришга, бўшаш масликка уринардим. Бироқ... Яқинда... Ҳали бир ой ҳам бўлгани йўқ. Ярим кечаси иккаламиз ҳам ухлаб ётгандик. Кимдир дегизани чергаётгандек туюлиб, бирдан уйғониб кетдим. Ишонасизми, дераза ортидан иккита, ҳа, ҳа, аниқ, улар иккита эди, кампир мулойимлик билан тикилганча мени имлаб чақиришарди.

Ўрнимдан қандай турганимни билмайман. Сизни уйғотиб юбор-маслик учун эшикни овоз чиқармасдан очдим. Ҳовлига чиқдим. Не күз билан күрайки, дераза ёнида ҳалиги кампирлар йўқ эди. Ҳайрон бўлиб, нима қилишимни билмай турганимда оғилхона томондан овоз келди: «Фарида-а!..»

Беихтиёр ўша томонга юрдим. Негадир ҳеч нарсани, на қўркув, на ҳадикни ҳис этмасдим. Қандайдир кўзга кўринмас куч мени ўша томонга бошлаб бораради. Ниҳоят, уларнинг ёнига етдим. Кампирлар гап-сўёзиз мени ичкарига, оғилхонага бошлишди. Кеча қоронғи эди. Лекин мен иккιшат бўлишимга қарамасдан, ҳеч қоқилмай қадам ташлардим.

— Арқонни ол! — деб буюрди биринчи кампир.

Мен нигоҳим билан арқон қидира бошладим.

— Ана, охурнинг ёнида турибди, — дея йўл кўрсатди иккинчи кампир.

Мен улар нимани буюрса ҳеч иккilanмай бажарадим. Охурда ётган ем тоғораларни устма-уст қўйиб шифтга дор ясадим.

— Энди ўзингни ос! — Кампирларнинг овози қатъият билан янгради.

Шу ерга келганда негадир оёқ-қўлларим титраёттанини ҳис қилдим. Аммо мен уларнинг ҳукмини бажаришга маҳкум эдим. Тўнкарилган тоғоралар устига бир оёғимни қўйишмни билмани, бирдан қорнимдаги болам шунақанги қаттиқ қимирладики, уйқудан уйғонгандек чўчиб, ўзимга келдим. Қоп-қоронғуда бошим узра осилиб турган дорни кўриб жон-поним чиқиб кетди. Оғилхонадан қандай югуриб чиққанимни билмайман. Кампирлар бирдан ғойиб бўлишдими ёки ўша ерда қолиб кетишдими, эсломайман. Ўшандан кейин оғилхонага кириш тугул ёнидан ўтишга-да чўчиб қолдим. Кундуз кунлари ҳам ўша тунги воқеани эсласам, сал хаёлим чалғиса кимдир мени оғилхона томонга имлаёттандек туюлиб, қўрқиб кетардим. Бирорга, ҳатто сизга ҳам айттолмайман. Ҳар хил хаёлга бориш... боришингиз мумкин эди-да.

Кампирлар... Уларнинг кўринишини аниқ тасвиirlаб бера олмайман. Мен учун улар оддий кампирлар эди тасаввуримда. Онгимда ҳам ўша «кампирлар» деган сўз ўрнашиб қолган.

Сўнгти бир ҳафта ичida кампирларнинг таъкиби кучайди. Уч кун олдин уйда ҳеч ким йўқ эди. Сиз ишда, дадам Қодир амакинкига тўйга кетгандилар. Тушлиқда бир пас мизғиб олай деб

үйга кирибман-у, чарчаган эканман тошдек қотиб ухлаб қопман. Бир маҳал кимдир туртгандек бўлиб уйғониб кетдим. Не кўз билан кўрайки, ёнгинамда ўша кампирлардан бири менга қаттиқ тикилиб турарди. Нигоҳи шунчалик қатъиятли эдик, зътиroz билдира олмадим.

Кампир мени оғилхона томонга боплади. Яна ўша ҳолат такрорланди. Сиртмоқ тайёр бўлганда юрагимни, нафақат юрагим, балки бутун вужудимни кўркув туйғуси қамраб олди. Хаёлимда қорнимдаги болам... Мен ўзимни оссам, болам нима бўлади?

— Йўқ, — дей олдим ўзимда аллақандай куч таъсирини сезиб.

— Йўқ, мен бундай қила олмайман...

— Кўрқма, — дей далда берди ҳалиги кампир. — Бу жуда осон...

— Йўқ... Йўқ... — Мен йигламсираганча ортга тисландим.

— Бу жуда осон, — деди яна ўша кампир. Ва шеригига имо қилида-да, менга юзланаркан деди: — Қара, қандай ажойиб!..

Шеригидан ишора олган иккичи кампир ҳеч иккиланмасдан тогоралар устига чиқди ва... ва... худди шундай ҳеч иккиланмасдан, оддий юмушни бажараётгандек... сиртмоқни бўйнига солди. Куз олдимда у ўзини ўзи осди! Ишоняпсизми, у ўзини осди!

Кампирнинг ўша вақтдаги ҳолати кўз ўнгимда муҳрланиб қолди. Унинг юзи улуғ саодатга зришгандек мамнун ва сокин эди!

— Ахир... у ўлиб қолди-ку... — деб юбордим ҳаяжонимни яшира олмай ва қўрққанимдан кўзларимни юмиб олдим.

— У ўлгани йўқ, яхшироқ қара. Мана, ёнимизда турибди-ку.

Кампирнинг овозини эшишиб секин кўзимни очдим. Очдим-у, ҳайратдан ёқамини ушладим. Кампир бояги жойида ҳеч нарса бўлмагандек, қаққайиб турарди!

Ақлдан озишнинг сал қолди.

— Бу жуда осон... — дей шивирларди қандайдир овоз.

— Бу жуда ажойиб... — дерди яна бир овоз.

Атроф, бутун борлиқ шивир-шивирга тўлиб кетгандек, ҳар томонимдан ўша овоз эшитиларди: «Бу жуда осон... Бу жуда осон... Бу... Бу... Бу...»

Тарант тортилган асабларим бўшашиб, вужудим аллақандай куч таъсирига тушиб қолганди. Мен иккичи маротаба ўзим истамаган ҳолда, лекин шунга мажбурдек, тогора устига чиқдим. Сиртмоқка кўл чўздим. Бир лаҳза иккиландим. Ва шу иккиланганим учун ҳали-ҳануз худога минг қатла шукр дейман. Ўша иккилангани чоғимда бегуноҳ гўдагим ўтган сафаргидек шунақсанги қат-

тиң төпдикى қорнимга, сиртмоқ қўлимдан чиқиб кетди. Йиқилип тушишимга сал қолди. Киндигимнинг пастида кучли оғриқ сезиб, беихтиер гужанак бўлиб ўтириб қолдим. Менинг қаттиқ ларзага тушганим, руҳий ҳолатимдаги ўзгариш боламга таъсир қилганидан у безовта бўлиб, шунача типирчилагандир. Ёки бошқа сабаби бормиди, билмайман. Ҳеч нарсани, ҳеч нимани билмайман.

Оғриқ босилгач, ён-веримга қараганимда ҳалиги кампирларни кўрмадим. Осмонга учдими, ерга кирдими... Энг даҳшатлиси, оғилхона шу қадар қоронғу здики, бу ерга қўрқмасдан қандай кирганимга сира ақлим бовар қилмасди. Ҳалигина бу ёп-ёруғ бўлган ва мен ҳамма нарсани, дорни ҳам, шифт-у оғилхона деворларини ва ниҳоят ўша сирли кампирларни аниқ-таниқ кўрган эдим-ку!

Дарвоқе, дор ҳақида.

Ўрнимдан туриб, шифтга қарасам, оқиш дор ҳамон бошим узра чайқалиб турибди. Бир оз қўркув ва ҳаяжон билан арқонни ечиб олдим. Ечиб олдим-у, ўйланиб қолдим. Арқонни йўқ қилсанм, балки ўша кампирлар мени тинч қўйишшар? Шу фикр жўяли туюлиб, арқонни олиб чиқдим-да, девор оша қўшнининг ҳовлисига отиб юбордим. Ярим кечаси бундан ортиқ тузукроқ фикр хаёлнимга келмади-да. Шундан кейин сал сингил тортгандек уйга кирдим. Қарасам, сиз пишиллаб ухлаб ётибсиз. Ҳеч нарсадан бехабар... Ўша дақиқада сизни қанчалик яхши кўриб, меҳрим товланиб кетганини тасавур ҳам қиломайсиз...

Энди қутулдим, деб ўйлагандим.

Янгишган эканман. Бугун эрталабданоқ яна ғалати аҳволга туша бошладим. Ҳовли супураётганимда ҳам, хамир қораётгандада ҳам ёнгинамда кимдир тургандек, мен билан изма-из юргандек бўлаверди. Яна ўша эски «қадрдонларим» миқин деган хавотирда кўз қирим билан атрофимни кузатаман. Ҳеч ким кўзимга кўринмайди-ю, негадир ўша оғилхонага ҳадеб боргим келаверади. Ўша ерда нимадир бору, мен қуруқ қолаётгандек, юрагим ҳаприқади. Анув кунги сирли воқеалар ёдимдан кўтарилгани йўқ, лекин нимагадир юрагимда кўркувдан асар ҳам йўқ. Аллақандай қудратли куч мени ўша томонга чорлайверади. Тандирга олов ёқяпману, бутун фикри-зикрим ўша ёқда... «Нон ёпмаганимда эртароқ борармидим», деб ўйлайман.

Охири бўлмади. Таандирга тўлдириб ўтин солиб, гугурт чақдим-да, оғилхонага бордим.

Нимқоронгу хонада яна ўша манзара...

Қариб-чуриб қолган кампирлар ҳадеб мени ўзлари томонга имлашарди. Бир маҳал тандирга олов ёқаёттаним эсимга тушиб қолди-ю, шартта ортимга қайтдим. Ҳаёлимда «арқон йўғ-у, мен уни қўшнининг ҳовлисига отиб юбордим», дейман ўзимга ўзим. Косов билан тандир чўғини ковляяпман-у, бутун фикри-эикрим арқонда... Ҳатто арқонни йўқоттаним учун афсус ҳам қила бошлигандим. Бу орада оғилхонага яна бир марта бориб, ўз ихтиёрим билан бошқа бир арқонни топиб, дор ясадим. Тандирдаги нон оқиб тушиб, кул ошаб қолса нима бўлади, деган ўй менга тинчлик бермасди. Лапанглаб яна тандир бошига келдим.

Мен икки дунё орасидаги аросатда қолгандек эдим. Охири бўлмади. Яна бир оз кутсан, тандирдаги нон қизарган ва мен уни узиб олган бўлардим. Бироқ иродам етмади. Ҳаммасига қўл силтадим-у, оғилхонага йўналдим. Кўз ўнгимда осиглиқ турган сиртмоқ шу қадар яхши кўринардикি...

Дадам сезиб қолмаганларида, билмадим, ҳозир мени...

— Бўлди, галирма, — деди Зокир титроқ овозда. Унинг нафакат овози, балки бутун вужудига қалтироқ кириб, ларзага тушганди. — Ҳозир... энди қандайсан, ўзингни яна бошқача ҳис этмаяпсанми?

— Ўша воқеадан кейин уйга кирибману, қотиб ухлабман, — деди Фарида кулимсираб. — Дадам бечора тушликсиз қолдилар. Кечга яқин уйқудан қушдек енгил бўлиб турдим.

Зокир қувонганидан ўзини тутиб тура олмади. Хотинини қучоқлаб, бағрига босаркан ҳаяжон билан пичирлади:

— Худога шукр!..

Қайнотасининг шарофати билан омон қолган Фарида вақти соати стиб фарзанд кўрди. Унинг кўзлари жуда чиройли, айни дамда жиддий боқарди. Болали бўлгандан кейин кампирлар келинчакни безовта қилмай қўйишди. Гўё, Фариданинг ҳимоячиши — ўғлидан қўрқишгандай...

РАШК

Огулнинг энг сулув қизи Хосият кўшни қишлоқлик Донабой чолнинг тўнгичи Шералига турмушга чиққанида ўн етти яшар навниҳол қизча эди. Келинчаклик лиbosлари унинг бир ҳуснига ўн ҳусн кўшиб юборди... Аҳвол шу даражага бориб етдики, ҳам-қишлоқлар янги келинчакни куриш учун келавериб Донабой чолнинг безорини чиқариб юборишиди. Бунинг устига куёвтура аданбист ўқитувчиси эмасми, ота-онасини юз-хотир қилиб ўтирумасдан хотини атрофида парвона бўлар, ширин сўзларини аямас, иложини топса, унинг қўлини совуқ сувга урдирмасам дерди. Бу қилиқ, айниқса, онага ёқмас, ғаши келар, бальзан-бальзан жуда энсаси қотиб кетган маҳаллари чолига қараб: «Шу боламиз то-загина чуччи чиқди-ёв», деб қўярди.

Аммо...

Кетма-кет туғилган уч бола Хосиятни ўзгартириб юборди. Хосият келин озиб кетди, ёноқ суюклари туртиб чиқди, козига ажин тушди, негадир чакка соchlари эрта оқара бошлади. Аввалги назокатларидан-ку, асар ҳам қолмагандек. Ўзиям эрта-кеч тиймайди-да. Бош келин эмасми, рўзгорнинг бутун оғирлиги унинг слкасида. Қайнилари ҳали ёш, қайниснингиллар эса эрга тегиб кетишган. Эрталабки соат тўртдан юмуш бошланарди: сигир соғиши, ҳовли супуриш, нон ёпиш, уй тозалаш, тушлик овқат, кечки овқат, молларнинг тагини тозалаш, тезагини йигиб таппи қилиш... Хосият келин ўзига сенгироқ бўлсин дея аввалига фақат сигирларнинг тезагини таппи қиласар эди. Бир куни қайнонаси таҳорат олишга ўтаётсиб, қўйларнинг қийи кўшиб қилинса, таппи яхши чиқишини писанда қилиб қолди...

Донабой чолнинг қорамоли кўп эди. Кўз-қулоқ бўлиб туради деб, оғилхонанинг орқа тарафига катта қопағон бир итни боғлаб кўйғанди. Янги келинлик даврида ит Хосият келинни кўрди дегунча, ипини узгудай вовулларди. Кейинчалик ювииди-чайинди бериб ўзига ўргатиб олди.

Катта рўзгорнинг ташвиши ҳам катта бўларкан. Хосият келин бир пас чўзилиб дам олишга зор эди.

Бир куни эри дабдурустдан унга:

— Хоси, сал ўзингта қараб юрсанг бўлмайдими? — деди.

— Энди мени келин қилишармиди? — деди Хосият келин бепарво оҳангда.

Шерали унга галати-галати қараб қўйди.

Яна бир куни Шерали унга:

— Тузукроқ кўйлагинг йўқми? Этнингдагининг ранг-рўйи қолмабди-ку, — деди.

Бу сафар овози баландроқ, жеркиброқ чиқди.

Хосият келин бир зум кулимсираб турди-да сўнг:

— Атлас кўйлак кийиб, мол тагини тозалайманми? — деди.

Эри миқ этолмай қолди. Кўзларини олиб қочди. Хосият келин ўзича: «Боғладим, — дея ўйлади. — Иккинчи менга бу ҳақда гапирмайдиган бўлди».

Бироқ кўп утмай яна шу ҳақда гап очилди.

Ўша куни эрининг бироз кайфи бор эди. «Қўлингдан талпининг ҳиди келаятти, бор, яхшилаб ювиб кело», — деб кечаси хотинини ҳовлига чиқариб юборди. Хосият келин кир совун билан учтўрт марта ювса ҳам қўлидан ҳид кетай демасди. Охири чорбодан ўтадиган ариқ бўйига бориб, қўлларига лой чашлади. Анча вақт шу кўйя ўтирди. Сўнг ювиб ташлаб, ортига қайтаркан, ҳўрлиги келиб кўзларига ёш тўлди. Келин бўлиб тушганидан бери биринчи марта йиғлашиб эди. Олма дараҳтига суюниб ўксисиб-ўксисиб, узоқ йиғлади. Ўзини босиб, юзини ариқда оқаётган лойқа сувга чайиб, уйга киргандан эри аллақачон ухлаб қолганди.

Эртасига эрталаб у: «У ёқ-бу ёққа чиққанда киярман» деб сандиққа солиб қўйган оҳорли кўйлакларидан бирини кийиб, пардоз-андозини ўринлатиб ҳовлига чиқди. Бостирма тарафдан таҳорат олиб қайтаётган қайнотаси ҳайрон бўлиб келининг қараб қўйди. Хосият келин буни сезди ва ўнгайсизланганидан югуриб ошхонага кириб кетди.

Донабой чол уйга кириб, кампирга шипшиди:

— Турив хабар ол, келининг қасекқадир отланаяпти?

Тўладан келган Рисолат кампир лорсиллаб ҳовлига чиқди. Ошхонанинг очиқ деразасидан келининг хамир қораётганини кўриб, секин ортига қайтди.

— Орқасидан пойлаб юраманми, ўзи айттар-да керак бўлса, — дея ўзича фудранди.

Хамир юқи қўлини ювиш учун чиққанида ҳовлида ўйнаб юрган қайн укалари югуриб келишиди.

— Янга, қаерга борасиз? Бозор бормоқчимисиз? — дея чувиллашиди.

Хосият келин жуда ноқулай аҳволда қолди. Ўзини меҳмонда юргандай ҳис қилди. Ҳеч бир ишига уқуви келмасди. Шу куни

әлган қони тагини бермай, парча-парча бўлиб чиқди. Тушликда шилпилдоқ сузаман деб, қайноасининг Хитой чиннисидан ясалган лаганини си ңидириб қўйди. Лаган Рисолат кампирнинг келинлигидан қолган зсадалик эди. Роса жиги-бийрони чиқди.

— Сен, — деди у келинга қўлини бигиз қилиб, — қош-қўзингни бўягунча ишингта пишиқ бўл!

Хосият келиннинг юзидан олов чиқиб кетди. «Лип» этиб уйинга кирди-ю, кийимларини ечиб, ҳар ёқقا ота бошлади.

Бир неча кун ўтгач, Хосият келин кичкина қизини эмизиб ўтирган чоқда эри дабдурустдан унга шундай деди:

— Хоси, анави музқаймоқчи хотин бор-ку, магазиннинг ёнидан дўконча очиб олган, ўша жувонга қараб туриб, ҳайрон қоламан-да. Тонг саҳардан шаҳардан этиб келади. Кун бўйи қўли-қўлига тегмай савдо қиласди. Қош қорайгандада яна шаҳарга жўнайди. У ёқдаям уй иши бўлса керак. Шундаям ҳеч ўзини олдирмаган. Жа-а олифта бўлиб юради. Қанаққиб улгураркин-а ўзига қарашта?..

Хосият келин жавоб бермади. Лабини тишлаб, бўғзига тиқилган ўқирикни базур қайтарди. Шерали хотинининг ҳолатини сезмади. У аллақандай ёқимли қайфият оғушида маст эди.

Кунлар ўтган сайин Хосият келин эридан торгинадиган бўлиб қолди. Шерали уйда вақти ёнида ўтиргиси келмас, рўзгор юмушлари билан ўзини чалғитиб, ҳовлида ивирсиб юрарди. Аёлнинг ҳеч кимга айтмаган бирдан-бир орзуси бор эди. Упа-эликни, атир тақинчоқларни эри олиб келишини жуда-жуда хоҳларди. Духилари шу қадар кўп бўлишини истардики, ҳеч қачон адo бўлмаса. Ўзидан таппи эмас, атиргул ҳиди анқиб турса, ёнимдан ўтган кишининг мастиқдан бошлари айланиб кетса, дея ўйларди.

Аёл киши минг қилгандайм, тежамкор бўлади. Шу арзимаган духига ҳам фалон сўм тўлайманми, деб кўзи қиймайди. Рўзгорида бирон камчиллик сезилса, дарҳол ўзига ниубатан саҳиълик қилиб юборганидан пушаймон қиласди. Эркакларнинг йўриги бошқа, улар шартта кўзни юмади-ю, олади-қўяди. Кейин ҳеч қачон пушаймон қилиш маса керак. Тағинам ким билади? Эри ундан гўзалик талааб қиласди-ю, бироқ... Қўнғизда ҳам кўнгил борлиги эсигаям келмайди.

Хосият келин ўзини тортган сари эри ҳам ундан узоқлашиб борарди. Мактабда дарси тугагандан кейин ҳам аллақаёқларда санғиб юрар, уйга кеч қайтар, баъзан овқатлангиси ҳам келмай, ухлаб қоларди.

Кузда, кунлар энди салқын бўлиб қолди, қизимни кўкракдан чиқараман, деб юрган кунларнинг бирида Шерали уйга ҳовли-қиб келди:

— Бўлди, Хоси, ўқитувчиликни ташлайман, — деди у. — Шунча йил ишлаб, бирим икки бўлмади. Савдо билан шугулланаман.

— Ўқитувчилик яхши эмасми, тинчгина...

— Э, гирт бош оғриқ дессанг-чи. Кечга тузукроқ овқат қилиб қўй. Мәҳмонлар келишади. Эр-хотин. Боғдаги олмаларга харидор топдим.

— Ие, нима деяпсиз, — ҳуши бошидан учди келиннинг. — Отам рухсат бермайди.

— Отам билан ўзим гаплашаман. Сен айтганимни қиласергин.

Уфқ қизариб, қуёш ботай деганда кўча эшик олдига яп-янги «жигули» келиб тўхтади. Ундаги эшикдан эр-хотин эмас, учкиши, икки аёл, бир эркак тушишди. Хосият келин мәҳмонларнинг бири «музқаймоқчи хотин» эканлигини дарҳол англади. Аммо ноҳуш ўйларга бормади. Елиб-югуриб хизмат қилди. Шерали негадир безовта зди. Мәҳмонлар олдида ўтиrolмай, ҳали уни, ҳали буни баҳона қилиб, туриб кетарди. Мәҳмондорчиликдан сўнг мәҳмонлар чорбоққа ўтишди. Шерали ҳам уларга зрагашди. Оғилхона ёнидаги боғлоқлик ит бегона кишиларни кўриб, ҳуравериб, кулоқларини қоматга келтирди.

Хосият келин қозон-товоқларни ювиб олгач, сигир соғиш учун оғилхона тарафга ўтди. У сигирларнинг олдига, кундуз тайёрлаб қўйган емларни қўйди-да, елинини сийпалаб, ийдира бошлиди. Шу пайт оғилхонанинг тўридан, туйнук очилган тарафидан эркак кишининг зардали овози эшишилди. Хосият келин овоз эгаси эри эканлигини сезди. «Савдоси келишмаяпти-ё», деб қўйди ўзича. Бир оздан сўнг аёл кишининг «Нима қипти? Нима қипти келсан?» дегани эшишилди. Хосият келин қизиқиши устун келиб, соғишни бас қилди, чelакни сигирдан узоқроқ ерга қўйиб, туйнук томон юрди. Ташқаридан кўриб қолмасликлари учун зингшиб, деворга яқин ўтирди.

— Одамни ноқулай аҳволга солдингиз, фақат иккаласи боради дегандингиз-ку, — дерди Шерали ўпкалаб.

— Нега ноқулай бўларкан, — аёлнинг қувноқ овози эшишилди. — Хотинингиз қанақалигини билмоқчи эдим, холос.

— Ниятингизга етдингизми?

— Ҳа, лекин ёқмади, жуда-а... тупой экан. Эрини бегона аёллар сўраб келганини кўриб, рашк ҳам қилмади-я...

— Сизни мәхмөн деб ўйлайтти-да. Юринг, аnavиларнинг ёнига борайлыш-чи.

— Сиз күркманг, улар айттан нархингизга олишади. Фақат... эсиз, шундай йигит хотинга ёлчимаган экансиз. Эрим мени ташлаб кетгандан кейин, роса уч йил иккинчи хотинини «шантаж» қылғанман. «Музқаймоқ» дўконини очиб бериб, кутилди шўрлик.

Аёлнинг ҳиринглаб кулгани эшишилди.

Хосият келиннинг оёқ-кўлидан жон кетиб, деворга суюниб қолганди. Хаёлида, «Эримни йўлдан урайпти», — деган ўй чир айланниб, ҳеч қўним топмасди...

Келин сут челягини кўтариб оғилхонадан чиққанида, шом туша бошлаганди. Мәхмөнлар ҳали чорбоғда айланиб юришар, қолафон ит баттар авжига чиқсан, акиллайвериб, ҳамманинг жонига текканди. Пешайвондаги сўрида чорбоғдан кўз узмай ўтирган Рисолат кампир ҳам ниманидир сезгандай бўлди. «Ит акилламаганда мәхмөнларнинг гап-сўзларини эшитиб олардим», — деб ўйлаб хуноб бўлиб ўтиради. Келиннинг сўлжайиб ошона томонга ўтаётганини кўриб, секин имлаб чақирди.

— Аnavи овозинг ўчгурни сал кўздан панароқча бойлаб қўй, — деди зорланиб.

— Хўп, — деди Хосият келин эшишилар-эшишил мас қилиб. Унинг ҳуши ўзида эмасди. Бутуи вужудини ғашлик қамраб олганди. Юрагида музқаймоқчи аёлга нисбатан ҳали ўзи ҳам тўла тушиниб етмаган адоват пайдо бўлганди. «У мени эримга ёмонлаб, уни тортиб олмоқчи... Мени тупой деди-я? Э, худо, энди нима қила-ман? Қандай кунларга қолдим? Дардимни кимга айтаман?» Хосият итнинг олдига етгунча титраб-қақшаб борди. Қолафон уни кўриб тинчлангандай бўлди-ю, аммо тортинишини қўймасди. Аёл занжирни ечиш учун қозиқ ёнига ўтирадикан, зимдан олмазор тарафга қараб қўйди. Эр-хотин мәхмөнлар ҳовли томонга қайтишаётган эди. Эри эса музқаймоқчи хотинга олмаларни кўрсатиб, алланималарни вайсар, бироқ аёлнинг иккала кўзи Хосият келинда эди. У қандайдир мазахомуз қараб тургандек туюлди Хосият келинга. Итни чорбоғдан ташқарига олиб чиқиб, боғламоқчи эди, ўтаётгип яна бир маротаба қаради, қалбида алам ва нафрат туйғуси қоришиб кетди, қўзларида қасос ўти аланга олди. Ва «бехос»дан кўлидан занжир тушиб кетди. Ҳамон жазавага тушиб, ҳураётган ит «кошиқ-маъшуқ» томон югуриб кетди. Бир лаҳза ўтар-ўтмас аёл кишининг жон ҳолатда қичқиргани эшишилди...

ЛАТОФАТ ХОНИМ

Ниҳоят, икки йиллик мусоғирчиликдаги овора гарчилигу текшир-текширлардан сүнг Латофат хонимга уйга қайтишига рухсат берилди. Үша куни ёқ Масковдан Тошкентга учиб келишди. Эрининг гапига қараганда, Тошкент дўхтирлари янгилишипти, ҳеч қандай рак эмас, шунчаки ўпка яллиғланиши холос. Фақат сал ўтказиб юборилган... Ўрис дўхтирлар берган қофозда ҳам шундай деб ёзилган.

Латофат хонимнинг елкасидан тоғ ағдаригандек бўлди. Икки йил бадалида тушкунликка тушиб, чироқ ёқса ёришмай юрган кўнгли бирдан кўтарилиб, ўзини қушдек сингил сеза бошлади. Энди мазза қилиб яшайман, ҳар бир дақиқанинг қадрига етаман, дей ўзига-ўзи сўз берди у.

Музейдай ясатилган, бироқ одамсиз ҳувиллаб ётган уйи кўзиға бутунлай бошқача кўринди. Ўзини эркин, энг муҳими — бутунлай соғлом одамдек ҳис эта бошлади. Бегона юртда, бегона одамлар орасида бир оғиз илиқ сўз эшитармикинман, деб яшаш нақадар оғир! «Сиз рак эмассиз!» деган одамга у бутун бойлигини беришга тайёр эди. Икки йил давомида у ёмон хаёлларга боравериб, бутунлай руҳи тушиб кетган, ёлғиз қолди дегунча, бармоқларига, билакларига тикилиб, «Наҳотки, мана шу кўлларим чириб, тупроққа қоришиб кетса?» дей тинимсиз ўйлайдиган бўлиб қолганди. Ахир рак дегани муқаррар ӯлим-ку!

У шу қадар тушкунликка берилган эдикни, ҳатто кўчага ҳам чиққиси келмасди. Соғлом, баҳтиёр кишиларни, айниқса арзимаган нарсаларни баҳона қилиб, бир кунда икки-уч марта олдига чиқадиган кўшиниси Санобарни умуман кўргиси келмай қолганди. Нега ейиш-ичишининг тайини бўлмаса ҳам улар соппа-соғу, мен ӯлимга маҳкум бўлиб қолдим, деган худбин бир ўй хаёлини банд этган эди. Ҳатто кўчадан ўтаётган аёлларнинг туфлиларини тақтуқ этган товушларини ҳам эшитишини хоҳламасди. Ётоқхонасидағи деразаларни қалин пардалар билан тўсив таплаганди.

Эридан «Рак эмас экансан, жавоб беришди» деган гапни эшитган заҳоти у бутунлай ўзгариб кетди. Асабларини кемириб, итфеъл қилиб кўйган ўйлардан бир зумда халос бўлди-қолди. Уйига келиб болаларини бирлашса ҳам ёнидан жилдирмади. Улар ялиниб-ёлвориб мактабга бориш учун рухсат олиб кетишганда, йилнинг тўрт фаслига мослаб ясатилган хоналарини унсиз айланаб юрди. Девор-

га осилган гиламларига юзини босиб, силаб-сийпалади, буюмларининг ўзи қандай қўйган бўлса, шундайлигича турганини кўриб, кўнгли янада хотиржам бўлди. «Шукуров яхши одам. У ҳеч қачон хиёнат қилмайди», — деган қатъий қарорга келди яна бир бор.

Ўртоқ Шукуров (Латофат хоним эрини шундай аташни хуш кўрарди) жамиятда ўз ўрнини топган эркаклардан эди. У анча иззатталаб, ўзига бино қўйган шахс эди. Одамови, меҳмондорчиликни, қариндош-уруглар билан борди-келди қилишни ёқтирилас, бирортасиникига тўй-маъракаларга ҳам яхшигина совсаломлар билан машинада Латофат хонимни ёлғиз ўзини юборарди. Эрининг қариндошлар учун қусур ҳисобланган бу одатини у камсуқумликка йўярди.

Шундай буюқ одам икки йилдан бўён хотини билан шаҳармашаҳар, касалхонама-касалхона овораи сарсон. Тўғри, ҳар куни бориб турмаса-да, ҳар қалай тез-тез хабар олиб турди. Бирон марта бўлсин сиқилганини билдирамади. Қачон қарамасин, ўша-ўша сипо, хотиржам, қоп-қора кўзлари мулойим боқиб турарди. У ҳеч қачон хотинига зулм қилмаган, шу билан бирга кўнглини ёриб, сирлашмаган ҳам.

Илк бор тошкентлик дўхтирлар Латофат хонимга «раю» деб тапхис қўйишганида ҳам Шукуров ўта хотиржамлик билан эшилтанди. Латофат хоним қўшроватли ётоқхонасида шифутта тикилиб ётаркан, хаёлига дафъатан: «Мен йўғимда жилла қурса «уф» тортиб сиқилмасмикин?» деган ўй келиб, совқотгандек, аъзойи-бадани жунжикиб кетди. Оёқ учидаги ётган кўрпани устига тортиди.

Бир оздан сўнг ўзидан-ўзи домангир бўла бошлиди: «Ўла, яхшиликни билмаган хотин... Сотқин... Қарамасдан ташлаб кетганида қўлингдан нима келарди?» Ким бўлди ўзи бу... Латофат хоним деганлари? Ўқимаган, ишламаган... Мактабни битирган йили Шукуров билан топишни қолди-ю, икки ой ўтар-ўтмас тўйлари бўлган. Шу-шу уй бекаси деган шарафли номга мушарраф. Эрининг топганини еб ётган боқиманда. Ёши етмишга яқинлашиб қолгаи онаси-ю, ичкиликка муккасидан кетган омадсиз акасидан бўлак ҳеч кими йўқ.

Уйдаги ажхомларнинг асосий қисми Шукуровнинг пуллари эвазига келган. Латофат хонимнинг айтарли сепи ҳам йўқ эди. Онасининг кўнглида кўп ниятлари бор эди, аммо ҳамён кўтармаган. «Бахтли бўлсанг, бас, қизим, мол-дунё топилади» деганди онаси ўшанда йиглаб. Бу ноиложлиқдан айтилган гап эди. Одам-

зод ночорлик, иложсизлик туфайли бойлиқдан ҳазар қиласы. Бахт бойлиқда эмас, деб ўзини ишонтиришга ҳаракат қиласы. Турмуши сал ўнглана бошладими, бу телба-тескари дунёда бойликинг ҳам ўз ўрни бор, деб фикрлашни ўрганади.

Бильякс, эрининг обруси, пули бўлмагандан, масковлик ўрис дўхтирлар унга қарашармиди? Бу — тақдир инъоми. Уни асралаш лозим. Шукуревга йўлиқмай, ўзига ўхшаган бева-бечорага текканида нима бўларди? Аллақачон кўкариб чиқсан бўлмасмиди?..

Шукуревнинг хотиржамлигига келсак... унда ишонч бор. Мол-дунёси бор одам ўзини кучли, ҳар ишга қодирман деб ўйлайди. Хуллас, Латофат хоним... айтгандай Латофатнинг Латофат хоним бўлиб танилишига ҳам, катта-катта давраларнинг тўридан жой олишига ҳам Шукуревнинг мавқеи сабаб эмасми? Шундай экан, эрнинг юриш-туришини таҳлил этишни сизга ким кўйибди, хоним? Сиз... фақат... унинг кўзларини севинг. Қандай чиройли кўзлари бор унинг! Ўзини кеккайганроқ тутса ҳам барibir кўзлари бошқача боқади одамга. Сеҳр борми? Меҳр борми? Балки... балки Латофат хоним уни севиб яшагани учун шундай туюлар. Аслида бошқача... жуда бошқача... улик кўздир.

Латофат хоним яна ноўрин хаёлларга бораётганини сезиб, шартта кўрпа билан бошини ўраб олиб, кўзларини чирт юмди: «Ухлайман!»

Фўнгир-ғўнгир овоздан Латофат хоним уйғониб кетди. У боягига қараганда бироз оғирлашиб ўрнидан турди. Меҳмонхона томон секин, сассиз юриб бораркан, онасининг ҳаяжонли овозини эшишиб, бирдан сергак торгди.

— Ўша савилни ҳар қандай касалга даво деб эшишиб, югуриб келавердим, — дерди онаси ташвишли оҳангда.

Бир неча сониядан кейин эрининг овози эшитилди:

— Билмадим, мен унақа эскичага кўпам ишонавермайман.

— Эскича эмас-у, ҳар эҳтимолга қарши чучварами, мантими қилиб, озгина едириб кўрсак. Чиқмаган жондан умид... Гулдай болам ҳазон бўлиб кетаверадими?.. — Онасининг пициллаган овози эшитилди. — Тағинам ўзингиз биласиз... Латофат сизнинг хотинингиз...

— Мен суриштириб кўрай, чиндан даво бўлса, топтирамиз. Қолганини ўзингиз эсларсиз.

— Айни саратон чилласида кучга тўлган бўларкан. Жуда кичкинаси ҳам бўлмасин, униям эркаги, аёли бўлади. Аёл кишига эркак кўлвор эм бўлармиш.

Латофат хонимнинг бутун вужуди музлаб кетди. Юрак уриши тезлашиб, турган ерида қалтирай бошлади. Қулоқлари чиппа битиб, ҳеч нарсани идрок этолмай қолди... Кечга яқин ўзига келди. Тепасида онаси ўтирганини ҳис қилди, бироқ кўзини очгиси келмади. Касаллик нуқси уриб, сарғайиб кетган юзининг мурданикidan фарқи йўқ эди. Онаси йигламсираб деди:

— Латофат, қизим, кўзингни оч!..

Латофат хонимнинг қовоқлари киртайиб, ичига ботиб кетган кўзларидан йирик-йирик икки томчи ёш икки чаккасига оқиб тушиб, гажак соchlари орасига ёйилиб кетди.

— Мени қўрқитма, болам, — кўзларидан дувиллаб ёш оқаётган кампир қизининг қўлларидан тортқилай бошлади. — Тур, болам, тур, ҳеч бўлмаса кўзингни оч... Менга бир қара... Сенга келган дардга мен балогардон бўлай... Жон керак бўлса менинг жонимни олсин худо... тур, қизим, кўзингни оч...

Кампирнинг ҳуши бошидан учган, нима қилаётганини, нима дейётганини англамас, ҳадеб қизининг қўлидан тортқиларди. Она учун қизининг касали эмас, айни дақиқада, соғми, носоғми, нима бўлганда ҳам тирик эканлигини ўз кўзи билан кўриш, ҳис этиш муҳим эди.

— Ойи, — деди Латофат хоним айтарли пичирлаб. — Бу адодлатсизлик ахир. Ҳали ниманиям қўрдим. Улар одам бўлмайди, деб қайтаришган экан-да... Энди нима қиласман, ойи?.. Ўлимдан жуда қўрқаман... Қўрқаман! Болаларим ҳали ёш. Шўрликлар ўгай она қўлида қоладими? Э, Худо! У болаларимни уради. Мен биламан, уради...

— Оғир бўл, болам, — деди кампир ҳиқиллаб. — Ҳали кўрмагандай бўлиб кетасан. Ҳалигини... ҳамма дардга даво дейишганди... Шунга...

— Йўқ. Йўқ!

Латофат хонимнинг нафаси сиқа бошлади. Қўрқанидан жон ҳолатда ўрнидан турди.

— Ҳеч нарса керакмас... ся олмайман унақа совуқ нарсани... — деди у ҳансираб.

— Унинг ёмон ери йўқ. Ўзимизнинг гўшти мантидан фарқи йўқ.

— Йўқ, дедимми, йўқ. Мени зўрламанг, ойи. Ҳозирданоқ кўнглум айниб кетаялти.

Шу пайт Латофат хонимнинг қўшниси Санобар чиқиб қолди. Кампир куйиб-пишиб унга аҳволни тушунтиргди.

Санобар оддий инженернинг хотини бўлиб, топган-тутганлари сийиш-ичишларидан ортмас, чақа ҳисоблаб рўзгор тебратадиган аёл эди.

У ўзини кўринишидан очиқ кўнгил, хушчақчақ, турмушнинг икир-чикирлари бўйсундира олмайдиган, иродали аёл қилиб кўрсатса-да, Латофат хоним уйига янги мебелми, гиламми олган куни эри билан қирпичноқ бўлиб жанжаллашар, тўрт боласини етаклаб «кетаман»га тушар, эри уларни бекатданми ёки биронта қўшнининг уйида бекиниб ўтиргандами топиб олиб чиқиб кетар, уч-тўрт кун ўтгач яна апоқ-чапоқ бўлиб кетишарди.

Етишмовчилик қанчалик жонидан ўтиб кетган бўлмасин, Санобархон ҳеч қачон Латофат хонимга сир берган эмас. Қачон қараманг, оғзини тўлдириб мақтангани-мақтанган: ҳар йили бир марта чет элга бориб келишади.

Санобархон қўшнисининг бедаво дардга чалинганини аввалроқ эшитган ва эшитган заҳоти кўнглида аллақандай бир ёруғлик пайдо бўлганди...

— Кўпда ҳизр бор дейишади. Ҳадеб дўхтир дэйвермай, қариларнинг ҳам айттанини қилиб кўриш керак-да, — деди Санобархон қўшнисининг юзига, кўзларига синчковлик билан назар соларкан.

Иккала аёл ўртага олиб, Латофат хоним у деса, бу дейишди, хуллас, манти эмас, шўрва қилиб берипларига ишмоҳ рози бўлади.

Латофат хоним эрининг «топиб келаман» деган гапига ишониб, шу уч-тўрт кун ичida қилиб берипса керак, дэя кута бошлиди. Орадан бир ой ўтиб кетди. Латофат хоним аллақандай ҳадик билан онаси олиб келган овқатларни, қуюқми-суюқми, ҳидлаб кўриб, кейин ичадиган одат чиқарди.

У эрининг кўлвор илон олиб келмаслигини чин кўнгилдан исстаётган бўлмасин, нега олиб келмаяпти, деган нохуш ўй ҳам тинчлик бермасди. «Олиб келди ҳам дейлик, — дерди у ўзига-ўзи. — Кейин нима бўлади? Илон шўрва дардимга даво бўладими, ё...» Латофат хоним ўзини ярим аёл, ярим илон қиёфасида тасаввур этиб, қўрқиб кетди. Аммо яшашга бўлган иштиёқ уни зридан сўрашга мажбур этди.

Шукуров бир лаҳза лол бўлиб қолди-ю, кейин кулимсираб пешонасига шапатилади:

— Эсим курсин... эртага албатта олиб келишади, — деди у ва хотинининг яноғидан секингина ўпиб қўйди.

Аёл ғалати бўлиб кетди. Шу пайтгача у менинг касалим зrimнинг дарду-дунёсини қоронғу қилиб юборган, деган хаёл билан юрар-

ди. Наҳотки, у шунчалик лоқайд бўлса? Латофат хоним яна нохуш хаёлларга бораётганини ҳис қилиб, дарҳол ўзини қўлга олди: «Ҳаққинг йўқ, ҳаққинг йўқ!», — деда ўзига-ўзи танбеҳ берада бошлади.

Уч кун ўтиб онаси ўша илон шўрвани пишириб келди.

— Буни ичганингдан кейин, қалин кўрпага ўраниб ётасан. Билч-билч терласанг яхши бўлади, — деди онаси. Овозидан, ёшига ярашмаган енгил ҳаракатларидан унинг баҳтиерлиги сезилиб турарди. Латофат хоним пахта гулли косани олдига суреб, қошиқ билан ковлай бошлади. Оддий шўрвадан фарқли, ўта ёғли ва аллақандай қорамтир рангли эди. Ҳаёлига онасининг «Яхшилаб терлашинг керак» деган гали ўрнашиб қолди. Бир вақтлар учинчи ўғлини туғиб, туғруқхонада ётганида, ҳамхонаси илон гўштини роса мақтаган, ҳар қандай дардга даво, деган ва охирида «слекин илон гўштини еб терлаган одамдан аллақандай бадбўй ҳид анқиб тураркан» деганди.

Латофат хоним энгашиб косадаги шўрвани ҳидлаб кўрди. Ҳақиқатан ҳам димогига аллақандай ёқимсиз ҳид урилди. Аёл секин косани нари суреб, ўрнидан турди. Қизининг хатти-ҳарақатини ажабсениб кузатиб ўтирган онанинг киртайган, киприксиз кўзларинда ёш айланди.

— Ёш бола эмассан-ку, болам, — деди у бир сиқим бўлиб. — Ўзингни ўйламасанг, мени ўйлагин-да.

— Йўқ, бўлмайди, ойи, — деди Латофат хоним ва сассиз юриб ётоқхонасига кириб кетди. Ортидан эшикнинг «шириқ» этиб кул-флангани эшитилди. Бир оздан сўнг йўлакдан Санобархоннинг овози эшитилди:

— Латофат, эшикни очинг. Жиннимисиз? Онангиз бечора юзингизга қарайвериб, адойи тамом бўлди-ку! Жилла курса ярим коса ичинг!.. Бир қошиққина ҳўпланг...

Ичкаридан тиқ этган овоз эшитилмади. Санобархон ярим соатча вайсади. Натижা чиқмагач, ноилож опхонага, кампирнинг олдига қайтиб келди.

— Унингиз барибир ичмайди. Кўнгли ёмон экан, — деди у ҳафсаласи пир бўлиб.

— Вой, шунча шўрвани нима қиласман энди, — деди кампир. — Күёвим бечора аллақаёқлардан топиб келганди-я...

— Агар... керак бўлмаса бизга бера қолинг. Кўлвор тугул, кобра бўлсам ютварамиз.

Шу куни Санобархон ярим қозон шўрвани олиб кетди. Икки кун ўтиб у ғалати хушхабар билан билан келди. Эмишки, типра-

тикан ҳам даво эмиш. Латофат хоним бурнини жийирганини күриб, яна бир янгиликни айтишга шопилди.

— Ўзимизнинг ўсма бор-ку, эзиз қошимизга қўядиган, ушандан бир-икки томчи ичсаям, ҳар қандай касалга даво эмиш. Ўсма жудаим ўткир бўларкан. Ракми, бошқами, ишқилиб қандай дард бўлмасин, айнан илдизини, ўзагини қуритаркан. Ўсимтаси қуригандан кейин, ҳар қандай дард ҳам тузалади-да!

Бу хабар Латофат хонимни бироз қизиқтириб қўйди. У қўшни-сидан ўсманни қачон, қанчадан ичиш лозимлигини суриштириди. Ҳатто бир боғлам ўсма олиб келиб беришни илтимос қилди. Санобархон: «Агар хоҳласангиз, эзиз бераман», деган эди, кўнмади.

— Ҳар эҳтимолга қарши, олиб қўйяпман, — деди у ўта жиддий тарзда.

Санобархон беминнат хизмат қилишни хуш кўрадиганлар тоифасидан эди. У ўша куниёқ бир боғлам кўм-кўк ўсмани келтириб берди. Латофат хоним бир муддат ўсмага тикилиб турдида, сўнг музлатгичга солиб қўйди. Уйда ҳеч ким йўғида бир томчи ичиб кўришга қарор қилди. Музлатгич томон бораркан хаёлидан: «Бир томчисиям ичимни куйдириб юборса-я», — деган ўй ўтди-ю, титраб кетди. Шартта ортига қайтди.

«Ичмайман, — деди у қатъий қилиб. — Ўлсан ўларман. Шукров яхши одам, болаларимни хор қилмайди. Мендан кейин уйланишиниям худо билади. Шунча обрў-эътибори бўла туриб, шу пайтгача бирорта бегона хотинга ёмон кўз билан қараганини сезмадим. Ўйнаш тутишининг ҳам ўзига яраспа муаммолари борлиги-ни жуда яхши тушунади. Янги хотин масаласи... Ўгай она, ўгай болалар... Уларни келишгираман деб... Шукров хотиржамликни севадиган одам. У ҳеч қачон бу ишга қўл урмайди! Ҳеч қачон!»

Бу ўйлардан Латофат хонимнинг кўнгли кўтарилиди. Бевақт ўлим ваҳимаси ҳам йироқ кетиб, ўзини сенгил ҳис эта бошлади...

Кечки маҳал бегона кишиларнинг овозини эшлитиб, у ҳовлига чиқди. Кўча эшик олдида нотаниш сенгил машина турар, ҳайдовчи билан бир мўйловли йигит юксонадан алланималарни тушираётгандилар.

— Акам тайнлагандилар, — деди мўйловли йигит Латофат хонимнинг олдига келиб. — Бу икки қоп гуруч, анави ёғ, сурп, яна ул-бул ҳали келганича йўқ.

Худди шу пайт хизмат машинасида Шукров келиб қолди. Ранги бўздай оқарған ҳолда шув этиб машинадан тушди-ю, хотинининг олдига келиб:

— Сен ичкарига киравер, — деди.

Ич-ичидан титроқ туриб, қалтирай бошлаган аёл базур ортига қайтди.

— Салла деса, каллани олиб келасанлар — дәя вишиллади Шукров. — Мен ҳар эҳтимолга қарши тайёр турсин дегандим.

Йигитлар қовун туширганликларини сезиб, қаттиқ ўсал бўлишди. Қайта-қайта кечирим сураб, жўнаб кетишди.

Шу оқшом Латофат хоним фақат йиглади, йиглади, тонгтacha йиглади. Кўзларидан шашқатор ёш қуйилиб келаверди, кела-верди, келаверди.

Шукров илк бор қанчалик яшиниб-ёлвормасин, зинкни очмади.

Эртаси куни у ранг-рўйи бир ҳолатда Санобарникига чиқди. Кўлида бир сиқим пул...

— Менга... ўсма... олиб келиб беринг, — дәя олди у зўрга. Кўзларига ёш тўлиб кетганидан қўшнисининг юзига қарай олмади.

— Бунча пулни бериб... нима қиласиз? — деди Санобархон таажжубланиб. — Ахир кўп-ку?

Латофат хоним беҳолгина қўл силтаб, ортига қайтди.

Тушга яқин Санобархон етти яшар ўғлидан икки боғлам ўсма бериб юборди.

Латофат хоним ўзи яхши кўрадиган пахта гулли пиёлани стол устига қўйиб, кўм-кўк ўсмадан бир сиқим олиб, кафтлари орасида сиқа бошлади. Ҳосил бўлган ям-яшил суюқликга бир неча сония тикилиб турди. Сўнг ботинмайгина бир ҳўплади. Заҳардай аччиқ суюқлик аввал лабларини, тилени, танглайнини куйдириб ўтди-ю, ошқозонга етиб таққа тўхтади.

«Бир ҳўплам яхши таъсир қилмади, шекилли, — дәя ўлади у суюқликка тикилиб. У ҳаддан ортиқ асабий ҳолатда эди. Ҳудди бирор келиб, тортиб олиб қўядигандек, титроқ қўлларин билан маҳкам пиёлага ёпишди. — Ҳаммасини ичаман, ҳаммасини... Ўша бедаво дардни ўзак-пўзаги билан куритиб юборсин! Бутунлай!»

Аёл чўлда сувсиз қолган одамдай ташналиқ билан ютоқиб-ютоқиб ича бошлади.

ҲАВОГА СОВРИЛГАН УМР

Аёл кейинги кунларини таҳлика остида ўтказарди. Айниқса, кеч тушишини юрак ҳовучлаб кутарди. Сир бой бермаслик мақсадида, ўзини баджаҳл қилиб кўрсатишга уринар, қошларини чимириб, ўшшайиб юрар, аммо юраги гурс-гурс уриб, така-пука бўлаверарди. Аёл хавотир билан эрининг бирдан ўзгариб қолганини ҳис этар, мўмин-қобил эрининг сўнгти пайтлардаги юриштуришини, гап сўзларини бот-бот кўз олдига келтиравериб, эслайвериб, таҳлил қилишга урина-урина, асаблари ишдан чиқар, ҳолдан тойиб, тиқ этган товуш ёқмасдан қоларди.

Ўша куни ҳам алағда кўнгли нохуш воқеа содир бўлишини сезгандек, ғаш бўлиб, қўли ишга бормай, аламини болалардан олганча, бирини уриб, бирини қарғаб ўтирганида эри кириб келди. Мухторқул сўнгти пайтларда индамасликни одат қилиб олганди. Индамай ечинди, ювинди. Дастурхон тепасида ҳам миқ этмади. Манзура чой, заранг косани тўлдириб шўрва олиб келди. Мухторқул бўёғи учиб кетган ёғоч қошиқда косани бир-икки кавлади-да, кўнгил учун тузини ҳам тотиб кўрмади, косани нари сурди.

Манзурунинг ранг-қути ўчди.

— Ҳа, битта-яримтаси тўйдириб юбордими?

Мухторқул чағир кўзларини хотинига ёб юборгудек важоҳатда тикиди:

— Ичмайман. На жир бор бу овқатингда, на маза-матра... Йигирма йиллик хотинсан-у, дурустроқ овқат қилишни билмайсан.

Манзура ғазабдан дағ-дағ титраб, бўғриқиб:

— Вой,вой тавба! —деди-ю, кутилмаганда кулиб юборди. Жуда асабий тарзда кулди. Сўнг бирдан жим бўлди, беписанд нигоҳини эрига қадаганча жаврашга ўтди:

— Мазали овқат егингиз келган бўлса, масаллигини тайёрлаб қўйинг эди! Йигирма йил дейсиз! Йигирма йилдан бери бирим икки бўлдими? Ҳар итдан бир суюк қарз бўлиб яшаймиз! Вой тавба, мен ноз қилиш ўрнига бу кишим... Яхшиям одамларнинг зрига ўхшаб тоғни урса талқон қиласидиганмас...

Мухторқул хезланиб ўрнидан турди.

— Эй, овозингни ўчирасанми-йўқми? Мен гап эшитаман деб келганим йўқ уйга!

Эрининг чигиртканинг эржагидай озғин гавдасига қараб хотининг яна кулгиси қистади. Бироқ бу гал ўзини босди-да, қўлингдан келганини қил, дегандай Мухторқулга тик қараб тураверди. Аввал бир-икки шапалоқ туширмоққа чоғланган эр хотининг тал тортмай турганини кўргач, шахдидан тушди. Лекин барibir тишлари ғазабдан гижирлаб кетди.

— Бор, йўқол! Қайтиб кўзимга кўринма!

— Кетаман! Кўчада қолганим йўқ! — Манзура даҳлизга чиқиб, болаларини қидирди: — Шаҳбоз! Шаҳнигор!

Ота-она жанжалидан юрак олдириб қўйган болалар эски телевизор турган стол тагига кириб кетишган экан. Манзура уларни уриб-сўкиб олиб чиқди. Болалар бараварига «Кетмаймиз! Энамникига бормаймиз!» деб чирқираб йиғлай бошлашди. Илгарилари Мухторқул бундай вазиятда чидаб туролмас, югуриб бориб хотинининг қўлидан болаларни тортиб олар ва уларни етаклаб бошқа хонага кириб кетарди. Манзура эса жаврай-жаврай охири тинчиб қоларди. Аммо хотин ҳафта-үн кун аразлаб, миқ этмай юраверар, қачонки Мухторқул ёш болани алдагандай силяб-сиийлаб, сувидан кириб, ўтидан чиққандан кейингина сал қовоғини очарди.

Бу гал Мухторқул болаларнинг қий-чувига парво қилмагандай миқ этмасдан ўтираверди. Манзура уларни кийинтиrolмай фифони фалакка чиқар, лекин қарғанишини ҳам қўймасди:

— Одамларнинг отасига ўхшаган мард оталаринг бўлсайкан, шунча куйиб-пишганларингта яратла! Шаҳбоз, туфлингни кий!.. Уялмайдиям бола-чақасини кўчага ҳайдаб согани. Ўл, эркак бўлмай, ўл бу кунингдан!..

Ниҳоят Манзура болаларини олдига солиб ҳайдаб чиқиб кетди. Уй ҳувиллаб қолди. Ўрганилмаган жимжитликдан Мухторқулнинг юраги сиқилди.

Эртаси куни кечга яқин қайноаси кириб келди. Мухторқул ҳар доимгилик кампирнинг оғзидан боди кириб, шоди чиқишини куттган, шунга яраша ўзини «безбет куёв» қиёфасига солиб, тайёр ҳам турганди. Бироқ юзи жаҳлдан бўғриқиб, қорайиб турсада, қайнона бу сафар бошқача йўл тутди: гўё орада ҳеч нарса бўлмагандай, куёв билан илиқ сўрашди, ҳатто ўтириб бир пиёла чой ичди.

— Мен сени тушунган одам деб юрардим, — дея ниҳоят мақсадга кўчди кампир. «Тушунган одам» деган ибора Мухторқул-

нинг ғашига тегди. Негадир ўзини яна ҳақоратлангандай ҳис қилди. — Сенга не бўлди ўзи?! Ойдай яшайдиларинг-ку... Болаларга ичинг ачимайдими? Қизимди оппоқ демайман. Ҳамма бало асли хотин зотидан чиқади. Сен тушунган одамсан, сал оғирроқ бўлсанг девдим, — кампир күёвига мұлтираб қаради. — Менгаям осон тутма. Тўрт келин билан ҳовлида турамиз. Ургингта қирғин келгурлар кунда бир чўқишмаса ҳисобмас. Уларнинг ўртасига тушавериб ҷарчадим. Бу ёқдан ҳафта ўтмай сенинг болаларинг етиб бориб туради. Мен ўзиниди ўйласттаним йўқ. Ҳузур-ҳаловатда яшамасам ўлмасман. Аммо-лекин болалар қийналиб кетди. Катта ўғлимнинг қизлари мен йўғимда «Боринглар, уйларингта кетинглар» деб сиқувга оларкан болаларингни...

Мухторқул қайнонасидан кўзини олиб қочиб, уй ичига разм солди. Деворлари ярмигача зах босиб кетган икки хонадан иборат уй ичида кўзга кўринарли ҳеч вақо йўқ эди ҳисоб. Тўрдаги эски, ранглари ўнгиб кетган қўпол сандиқ устида етти-саккиз кўрпа-тўшак йигилган, унинг ёнида бир томонига сал огиб қолган эски шифонер, ичида нима борлигиям маълум: Манзура исча йиллардан буён авайлаб-асраб келаётган уч-тўрт кўйлак-лозим. Зах ўтмасин учун ерга похол солиниб, устига ҳар йили ювила-верганидан ранги ўнгиб кетган шолча тўшалган. Иккинчи хона меҳмонхона вазифасини ўтарди. Шунинг учунми, хонада ерга тўшалган шолча ва деразага осилган пардалар ҳали анча оҳорли. У хонага болалар у ёқда турсин, ҳатто эр-хотиннинг ўзи ҳам фақат меҳмон келгандай ўтишарди.

Турган-биттани қашшоқликдан дарак бериб турган бу хонадоннинг ҳеч қандай жозибаси йўқдай туюлса-да, у болаларига эркинлик баҳш этишга қодирлигини Мухторқул шу пайтгача ҳаёлига ҳам келтирмаган экан-да. «Менинг уйим — менинг қальзам» деганлари балки шудир.

Қайнона эса ҳамон мингирлаб «тарбиявий соат»ни давом эттиromoқдайди:

— Манзурунинг ўзи ҳам...

— Хўп, майли, зина, айб биздан ўтибди, — деди Мухторқул яна қайнонасининг кўзига тик қарамаслика ҳаракат қилиб, дастурхон устида юрган майда сариқ чумолиларни битталаб териб ташларкан.

— Келаверсинми ё ўзинг борасанми? — сўради кампир.

— Ўзлари келаверишсин... Мен бирров устахонага ўтиб келишим керак.

Кейинги күнларини Мухторқул ямоқчиллик устахонасида ўтказа бошлади. Бу ер тинч, осуда, ҳеч кимнинг у билан иши йўқ. Эрталабки соат тўқиздан кеч беш-олтиларгача устахонадан жилмай ямоқчиллик қилиди. Бирорнинг ботинкаси, бирорнинг этиги дегандай... Кейинги вақтларда мижозлар ҳам устахонага серқатнов бўлиб қолиши. Ҳатто эрталаблари Мухторкулнинг зишк очишини кутиб турадиган, косиб сал кечикиб қолса, тепа сочи тикка бўладиганлари ҳам чиқиб қолиши.

Кеч кириши билан Мухторқул енгил нафас оларди. Эшикни ичкаридан қулфлаб, дераза вазифасини ўтовчи туйнук олдига кўйилган курсига ўтирганча бироз тамадди қилган бўлади.

Устахонанинг орқа тарафида нақшинкор, миллий услубда қурилган чойхона бор. Афтидан, бу копонанинг мухлислари ҳам тобора кўпайиб бормоқда эди. Мухторқул туйнукдан чойхонани кузатиб ўтириши хуш кўрарди. Жимир-жимир нур таратиб, кўзни қамаштирадиган қандиллар, нақшинкор устунлар бир тараф, бу ерга дэярли ҳар куни келишнинг иложини қиласидиган одамларнинг мўллиги ямоқчини ҳайрон қолдиради. Ҳа, бу дунёни кўтирда беташвиш-бекам янгаётган, пулларини бемалол чойхона оши-ю, турли ичимликларга бебилиска сарфлай оладиган кишилар ҳам бор. Мухторқул уларга ҳавас қиласиди. Ўзининг мижозлари билан чойхона мижозлари ўртасида жуда ка-атта фарқ борлигини ҳам ич-ичидан ҳис этиб турарди.

Куз кириши билан ямоқчининг мижозлари янада кўпайди. Мухторқул худо берган бу имкониятдан унумли фойдаланиб қолишига қарор қилди. Чунки қишлоқда унивидан башқа устахона йўқ. Шаҳарга бориш учун эса саккиз чақирим йўл босиш керак. Битта эски этик ёки туфлини яматиш учун ким ҳам шаҳарга борарди? Ҳадеб янгисини олаверишга эса унча-мунча одамнинг курби етавермайди. Хуллас, ҳамма томонни обдон ўйлаб, тарозига солиб кўрган Мухторқул «кўйл ҳақи»ни аста-секинлик билан, лекин мунтазам равищда ошира борди. Айни пайтда, буюртмаларни ўз вақтида адо этиш учун устахонасида тунаб қоладиган бўлди.

Бу орада ўғли икки марта яширинча келиб кетди. Мухторқул уни кузатиб қўяркан, муҳим бир гапни шивирлаб икки марта такрорлади:

— Ойингта айтиб қўй, тойчоқ, даданг яқинда бойиб кетади.

Кейинги кунларда Мухторқул тўйиб овқатланишни ҳам бас қилди. Бир бурда нону бир чойнак суюқина қайноқ чой кифоя. Бора-бора тансиқ, мазали таомларни кўнгли ҳам тусамай қўйди.

Мухторқул даромадини ўта хасислик билан сарфларди. Эски, йиртиқ пулларни ейиш-ичиш учун ажратар, сал оҳорлироқ ёки яп-янги, шитирлаган пулларни ўзи доимо ўтирадиган қўлбола ўриндиқ устига тўшалган қуроқ кўрпача ичига яшириб қўярди. Энди у илгаригидай чойхонага келиб кетувчи бойваччаларни кузатиб ўтиришга вақт тополмас, тўғриси, бундай истак ҳам унда пайдо бўлмасди. Қандай қилиб бўлсаям кўпроқ пул топиш истаги ямоқчининг ўй-хаёлинини шу қадар банд этган здики, кун бўйи қўли қўлига тегмай ишлаётганида ҳам, кечалари хира чироқ ёруғида кўзи ёшланиб пойабзалларни таъмиrlашда давом этаётганида ҳам тушадиган ақчаларни дилида қайта-қайта ҳисоб қилишдан чарчамасди.

Бир куни хасисроқ мижозлардан бири у ўтирган ўриндиқча қараб-қараб қўйғандек туволди. Мижоз кетиши билан Мухторқул эшикни шартта тамбалади-ю, рўмолчага тугилган пулларни кўрпача ичидан олиб, хонанинг одамлар кўзи тушавермайдиган қоронги бурчагидаги майдадар солинган қутича ичига яшириб қўйди. Шундан кейингина кўнгли сал хотиржам тортиб, эшикни очди... Тўғри, кўп ўтмай у ўзи қўйган пулларни тополмай роса гарант бўлди. Излайвериб-излайвериб устахонанинг титпитетини чиқарди, жинни бўлиб қолишига сал қолди. Кўзлари чақчайган, башираси қийшайган аҳволда қуроқ кўрпачани қайта-қайта фижимлаб, юлқиб, қоқиб ҳам кўрди. Ниҳоят бошини маҳкам чанглаб ўтира-ўтира, ахийри, бойлигини олиб қаерга яширганини эслади... Мухторқул пул тугилган рўмолчани бағрига босиб ҳўнг-ҳўнг йиглади. Пул топилганининг шукронасигами, ўша куни устахона эшиги қайта очилмади.

Ямоқчи эртаси куни узоқ хаёлларга толди. «Манзурага обориб берсаммикин?.. Рўзғорнинг кам-кўстига деб барини ишлатиб юборса... Йўқ! У отдан тушсаям эгардан тушмайдиганлардан... Юриб-юриб топганинг шу бўлдими деса... — Мухторқул игна санчилаверганидан яра-чақа бўлиб кетган бармоқларига қаради. — Эрқакмисан, эпласанг, бола-чақа қил, дейди. Яна бироз тўплай. Уйга кўринарли шкафми, тўшамчими оламан. Ана ўшанда ўзинг зипиллаб келасан, хотин...»

Сиртдан қараганда, у тарки дунё қылган одамдек зди. Сочсоқол ўсиб кетган, озиб, қоқсуяк бўлиб қолган, елкалари буқчайган, киртайган кузлари тез-тез ёшланниб турарди. Эгнидаги куйлаги кир босиб, сасиб кетган. Умуман, ямоқчининг устахонасидан ҳам, ўзидан ҳам ёқимсиз бир ис анқиб турадиган бўлганди. Айниқса, унинг бармоқларига қараб бўлмасди. Улар худди... чумчук чўқиб ташлагандек, яра-чақа бўлиб кетганди. Аммо Мухторқул жонини жабборга бериб ишлашда давом этар, кўнгилда эса бири-биридан ширин орзулар мавж уради.

Ташқи дунё билан алоқа бутунлай узилганди ҳисоб. Мухторқул мижозлардан биронтаси таниш ёхуд қариндош чиқиб қолса, «хизмат ҳақи»ни камроқ айтиши мумкинлигидан чўчиб, улар билан тузукроқ гаплашмас ҳам зди. Авваллари ўғли мактабдан чиққандан кейин қочиб-пусиб келиб турарди, кейинги пайтларда унинг ҳам қораси ўчди. Бироқ ямоқчи бу ҳолатга зътибор бериб ўтирадиган аҳволда эмасди.

Шундай кунларнинг бирида устахонага қишлоқ оқсоқоли кириб келди. Мухторқул уни хушламайроқ қарши олди.

Оқсоқолнинг Мухторқулга ота томондан узоқроқ қариндошлик жойи бор зди. Томир тортиб келган бўлса керак-да. Оқсоқол ўзига тўқ одам. Яна ким билади дейсиз. Бола-бақраси кўп бўлса, бир қоп эски-туски пойабзални текинга тикдириш учун келгандир-да. Бирорлар бойлиги ачиб ётган бўлса ҳам, бир сўмнинг бетига қарайди. Бунинг устига, ишдан қолдиргани ортиқча.

Ёқимсиз ис димоғига урилган оқсоқол бурнини жийириб у ёқбу ёққа қаракан, туйнук ёнидаги ўринидиққа омонатгина чўқди.

— Нима гап, тинчликми? — деб сўради оқсоқол.

— Тинчлик, нима, бир гап бўлди деб эшитдингизми, тоға? — ўз навбатида савол берди Мухторқул.

— Куни кечада эшитиб қолдим. Бола-чақанг у ёқда, ўзинг бу ёқда, сарсон бўлиб юрганинисизлар.

— Нега сарсон бўларканмиз? — тўнғиллади Мухторқул. — Бола-чақанинг бошпаанаси бор, кўчада қолгани йўқ.

Оқсоқол мулоҳимлик билан жиянининг қўйнига қўл солиб кўришга ҳаракат қилди:

— Уларни қўя тур. Ўзинг-чи, ўзингнинг аҳволинг қандай?

— Мен ишлайтман, ўшабола-чақани боқиш учун. Менга нима бўпти? Қизиқ гапларни гапирасиза, тоға. Ё Манзура шикоят қилиб бордими?

Оқсоқол пастаккина, қурум боссан шифтга қараб олди.

— Демак, борган. Тавба, бу хотинларга ҳайронсан. Бошидағи савдони ҳаммага овоза қилиш шартмикан?!

— Йүқ, жиян, сен аввал гални эшит. Гап деб ҳамма нарсаны гапираверасанми? Келинни аңчадан бүён күрганим йүқ. Овулжамсаңдан шундай гаплар эшитиб, жияндан бир ҳол сүрай деб келиб турганим.

— Одамлар... — пича ҳовуридан тушган Мухторқұл ўйланиб қолди. — Тоға, биласыз, отадан әлғиз йигитман. Шунга яраша қариндош-уругнинг ҳам тайини йүқ. Биттаси сиз бұлсанғыз, түрт үй нарида туриб, рүзғор қылғанимдан бери бир марта атайлада зиғігимни тақыллатиб келмагансыз. Ўзи зўрга кунини күради, нима қиласаң ташвишга қўйиб, деб алдаб қўясиз-да ўзингизни. Бу билан менга хайрихоядлик кўрсатиб, раҳм қилаёттандай бўласыз, ўзингизч! Аслида эса, мени ҳақорат қилаётганилигингизни, ўзингизга ҳеч тенг кўрмаеттанингизни ўйлаб кўрганымисиз? Яна ўзингизнинг жонингиз ҳузурини ҳам ўйлагансиз, чунки уйимда шаронт йўқ, зах ўтиб, эски бод касалингиз қўзиб қолиши мумкин, ахир! Сиз шундан чўчиғансиз... Мабодо мен ўзига тўқроқ, бадавлатроқ яшаганимда, ё ўзим бирон каттароқ ишда ишлага-нимда борми, билмадим, ойига неча марта келиб кетган бўлардингиз уйимга... Бугун ҳам одамлардан эшитганингиз учун эмас, Манзура бориб шикоят қылгани учун келгансиз бу ерга. Одамзод ўзи шунақа...

— Тўхта! — оқсоқол ўнг қўлинин кўтариб, ҳавода бир сермаб олди. Хотиржам чеҳраси бирдан шиддатли тус олди. — Нега сен гапни дарров ўзингига буриб олаверасан, а?

— Камбағалнинг кўнгли шунақа нозик бўлади, — деди Мухторқұл ачитиб.

— Сен бир нарсаны яхшилаб тушуниб олишинг керак. Хотин зотига бас келиб бўлмайди. Айниқса, ўртада рўзғор тебратиш масаласи турса.

— Нима қиласай, тоға, нима қиласай! — Мухторқұл бақириб юборищдан ўзини аранг тийди. — Мени рўзғорини ташлаб қўйған эркаклардан деб ўйласанғыз хато қиласиз. Шу хотиннинг кўнглини олай деб қилмаган ишим қолмади-ку. Қўли қалталик менга она сути билан кирған шекилли. Ҳеч омадим юришмади-юришмади-да. Сиз менинг яримжонлигимни ҳатто билмасанғыз ҳам керак. Ўпканинг энг оғир формаси билан касалланғанлигим ту-

файли илгаридан касалхонада күп ёттардим. Бола-чақали бўлгандан кейин эса касалхонага чақиришсаям бормай қўйдим. Чунки у ерда ётишнинг ўзи бўлмайди-да. Болаларимнинг насибасини қирқиб, дўхтирларга харажат қиласманми деб ўйладим. Бирорлар ўпкага кўлвор илон фойда, деди. Шунақа илонни туттириб келиб, Манзурага шўрва қилдириб ичдим. Янги туғилган кучук боласи даво деб эшитиб, қулоқларини қитирлатиб кучукча едим. Шулар туфайлими, худога шукр, ўз гавдамни ўзим кўтариб юрибман. Аммо мени бир тайинли ишга олишмагани ёмон. Қишлоқда иш тополмай шаҳаргаям бордим, фишт заводига, пахта заводига, фабрика, мактаб дегандай... Лекин ҳамма жойга соғлом одамлар керак экан. Менга эса оғир, чангли ишлар мумкин эмас... Болалар бор ерга-ку, умуман қадам босмаслигим керак экан, чунки касаллигим юқумли бўлиши ҳам мумкин экан. Юриб юриб, охири Манзуранинг акаси ёрдамида оҳак заводига ишга киргандим. Фалокат босиб, оёғимга қайнаб турган оҳак тўкилиб кетди. Икки ой касалхонада ётдим. Ана шундан кейин бошланди фиш-фиша гаплар...

Манзура... мени писанд қиласмай қўйди. Баъзан сиқилиб кетиб, болаларга сал қаттикроқ гапириб юборсан ҳам уйда катта жанжал кўтарадиган бўлди. Ҳалиям оёққа туриб, бир ишнинг бошини туттганим, ҳатто шундан кейин ҳам Манзура онасиникидан ул-бул ташиб рўзгорни тебратиб турди. Ичимдан зил кетсан ҳам билдирамасдим. Буни Манзура безбетликка йўярди... Ҳар нарсани баҳона қилиб жанжал кўтарарди. Жуда тўлиб кеттан пайтлари қариндошларини чақириб келиб мени ер билан битта қиласади... — бирдан Мухторқулнинг нафаси ичига тушиб кетди. Сунг у қув-қуввлаб узоқ йўталди.

— Бўлди-е! — деди оқсоқол жиянини жеркиб. — Гапирма-е! Бўлди, тушундим.

— Йўқ, энди гапираман, тоға, — деди Мухторқул ҳансираф. — Энди гапирмасам бўлмайди. Ким билади, шу билан қачон кўришамиз?! Кўришамизми ҳали... — ранги қуи ўчган Мухторқулнинг қўллари титрай бошлади. — Сафар яқинлашиб қолган, тоға... Агар манави еримни ёриб кўрсангиз, — Мухторқул чап кўксига ниқтади, — у ердан юракни эмас, бир бўлак кўмирини топган бўлардингиз. Дардмандлик, йўқчилик, азоб, ҳақоратлар мени шу қадар эзиз ташлаганки, ўзимни одам деб ҳис қилолмай қолганман... Лекин яқиндан бери мен бир йўл тутдим. Мен ўзим-

га ўзимдан қалқон ясаб олдим. — Мұхторқұл гапдан тұхтаб, ан-грайиб қолған оқсоқолга синчков күз ташлади. — Гапимга ту-шунмадингиз-а? — ямоқчининг ажин босган қозига табассум шар-паси соя солиб үттәндей бўлди. — Энди мен хотинимнинг ўтидан кириб, сувидан чиқмай кўйдим. Бир амаллаб шу устахонани очиб олғандан кейин эса обдон ўйлаб-ўйлаб бир қарорга келдим-да, хотин сўроққа тутди дегунча гапни ҳужумдан бошлайдиган бўлдим. Биринчи куниёқ Манзуранинг аҳволини кўрсангиз эди, нақ оёғи куйган товуқ дейсиз. Қайнона, қайноталар келгандан ҳам аҳвол шу. Ўргада улар ҳам ҳайрон. Илгарилари эртами-кечми юзинг-кўзинг демай бостириб келаверадиганлар бирдан оёқларини тийиб қолиши. Хўш, хотинимнинг қариндошлари мени камситиб, оёқ ости қилиб нимага эришиши? А, нимага? — кўзлари чақчайган Мұхторқұл оқсоқолга бир муддат саволомуз тикилиб қолди. Оқсоқол лом-мим деслмади. — Ёвуэликка! — деди ниҳоят ямоқчи тантанали равишда. — Фақат ёвуэликка! Мен табиатан ўта кўнгли бўш, хокисор одам эдим. Иложини топ-сам, Манзура оғирроқ юк ҳам кўтармаса дердим. Уни жуда ило-ҳийлаштириб юборгандим. Болаларни-ку, ер-кўкка ишонмасдим. Афсус... Хом сут эмган бандалар бундай мукофотга муносиб бўлолмас эканлар. Уйланмасимдан олдин орзу қиласардим, хоти-ним шундай мўъжиза бўлсаки, касаллигимни юзимга солмаса деб. Афсус...

Бу билан сиз жияним бола-чақасини ташлаб кетишга қарор қилибди-да, деган хаёлга борманғ. Аксинча. Мен энди қандай йўл билан бўлмасин, кўпроқ пул топишга ҳаракат қилаяпман. Мен пулнинг жодусига учдим. Ёвуэлик дегандада эса мен виждон-ни — ҳилвираб пишган қўйруқни лиқ этиб ютиб юборишни кўзда туттандим... Мен энди одамларни алдайман. Бир сўмлик иш қил-сам ўн сўм оламан, ўн сўмлик иш қилсам, йигирма сўм! Тўгри, бу катта ўғриликка ўхшамайди. Аммо мендай хокисор одам учун бу катта, жуда катта гуноҳ! Мана буларни қўряпсизми! — Мұх-торқұл гандираклаб бориб хонанинг қоронғи бурчагидаги қути-чадан рўмолчага тугилган пулларини олиб келиб оқсоқол олди-га қўяркан, қалт-қалт титраётган бармоқларига бир муддат ме-ровсираб тикилиб қолди. — Негадир бўшашиб, ҳолсизланиб ке-таяпман... Хўш... Тоға, тўгри, бу — катта бойлик эмас. Манави бир сўмлик кўчада ётса, эҳтимол, сиз бефарқ ўтиб кетарсиз. Лекин мен бундай қиполмайман. Чунки мен ана шун бир сўмни ҳам

не машақатлар билан топаман! Мабодо кутылмаганда, катта бойликка эга бўлиб қолсам, юрагим ёрилиб кетиши ҳеч гап эмас...

Мухторқул туйқусдан жимиб қолди. Анча вағтгача чолдан ҳам садо чиқмади.

Мухторқул бир гапириб, кўнглини бўшатиб олмоқчи, сал сингил тортмоқчи бўлганди. Аммо жуда муҳим, азиз бир нимадан ажралгандай кўнгли бўм-бўш бўлиб, ҳувиллаб қолди; жисмидағи титроқ эса, борган сайин кучаяверди.

Ниҳоят, тамом каловланиб қолган оқсоқол: «Хўп, мен борай эмас» дей мингирилаб ўрнидан тураётган эди, чопони бари тегиб кетдими, рўмолча ерга тушиб, ичидаги пуллар сочилиб кетди.

Буни кўрган Мухторқул ўрнидан отилиб туриб кетди. Сўнг гуноҳкорона тарзда бўйинни қисиб, қимтинибгина турган оқсоқолга зътибор ҳам бермасдан, жон ҳалпида чўк тушганча қалтироқ қўлларини аранг иродасига бўйсундириб, сочилган пулларни очкўзлик билан ҳансираб-пишқириб тера бошлади.

Оқсоқол чидаб туролмади — бемаврид ташрифининг асл сабини айтишниям унуган кўйи ўзини эшикка урди. Ваҳоланки, у Мухторқулнинг қайнонаси илтимосига кўра келган, яъни, кусв Манзуранинг талоқ хатини тезроқ бериши лозимлигини, шусиз ҳам яқин-йироқдан совчилар келиб-кетиб туришганини айтиши керак эди.

Орадан уч кун ўтиб, Мухторқул ямоқчи ўз устахонаасида қон туфлаб, жон таслим қилди. Ямоқчи рўмолчага ўраб йиққан пуллар унинг маъракасига етди ҳисоб...

ЁВУЗЛИК ФАРИШТАСИ

Куз кунларининг бирида бўлажак фан доктори Фулом Сайд бошчиллик қилаётган бўлимга ёшина аспирант қиз ишга қабул қилинди. Фулом Сайд ёши қирқ-қирқ беш ёшлиар атрофида, қомати барваста, бутун вужудидан куч ёғилиб турган, сочлари жингалак, бироқ негадир оқ оралаган, қош-киприклари эса қоп-қора киши эди. Кўзлари... унинг кўзлари жуда чиройли эди. Ҳа, ҳа, худди шундай: жудаим чиройли! Қиз ишга қабул қилинган куниёқ уни кўриб, юраги қинидан чиқиб кетай деган. Ҳаяжонланиб, буни сездириб қўйишига сал қолди. Фулом Сайд эса ўта босиқ, ўйчан, ҳатто анча совуқдан эди. Бошқа ҳодимлар сингари Камолага ҳам зътибор бермаётгандек, ўзини жуда сипо тутди, фақат иш юзасидан савол-жавоб қилди-ю, бўлди тамом, шу билан бир кунлик иш вақти тугади, Фулом Сайд ўз уйига, Камола ўз манзилига кетди, эртасига эрталаб яна ўшандай салом-алик, савол-жавоб...

Қиз орқаваротдан суриштириб, унинг хотини, икки ўғли борлигини билиб олди. Айниқса, хотини тўгрисидаги «сал қаримсиқ кўриниади» деган гаплар миёсига ўрнашиб қолди. Шундан кейин у беихтиёр ўзини тез-тез кўзгуга соладиган одат чиқарди. Қоматини янада сириб, чиройли кўрсатадиган кийимлар тавлади, сочини ҳар куни ҳар хил турмаклашга зътибор бўрди. Кўзгуга қараб чиройли жилтмайишни ўрганди. Аммо назарида барча ҳаракатлари зос кетаётгандек эди. Фулом Сайд ҳамон ўша-ўша, унга қиё ҳам боқмасди. У ўз ўйи, ўз хаёли билан банддек эди.

* * *

Аслида... аслида Фулом Сайд бу қадар бераҳм ва бефаҳм эмасди. Бу мафтункор қиз ишга келган куниёқ унинг зътиборини тортган. Айниқса, буюрилган ҳар бир ишни тез илғаб олиши ва пухта бажариши уни, Фулом Сайдни, ниҳоят даражада ажаблантирган, қизиқишини ортирган эди. Қизнинг бу қадар истебдодли эканлигини у хаёлига ҳам келтирмаганди. Шунча йил ишлаб, ишхонадан бирорта ҳамфикр, уни гапирмай туриб тушувадиган бир дўст тополмаганди.

Бир куни қиз у билан янада яқинлашиш мақсадидами ё чин кўнгилдан ўйлаган нияти эдими, ҳар қалай иш вақтида дабдурустдан унга илмий иш қилиш орзуси борлигини айтгиди қолди. Шунда Фуломнинг хаёлига уни шогирдликка олиш режаси келиб қол-

ди ва бу ҳақда қыз билан сұхбатлашганида у хурсандлигидан чапак өзінде жүгерди. Шу нараса сабаб булди-ю, улар бир-бирига болганиб қолғанини үzlари ҳам сезмай қолишиди.

Камола ҳар куни ишга ҳаяжон билан кириб келаркан, юраги гурс-гурс уриб, күzlари қақнаб кетар, тезроқ уни күришга шошилар, рўпара келганда үзини йўқотиб, гапидан адашиб кетар, Фулом Сайднинг ҳамон ўша «совую» муомаласидан кейингина ҳуши үзига келиб, сипо тортиб қолар, алами келганидан йиғлаб юборай дерди. «Э, Худо, бу аҳвол қачонгача давом этади? — дерди у тепасига «Лаборатория» деб ёзилган хонага кириб, эшикни қарсилатиб ёпаркан. — Домлам бўлса нима қипти? Олим бўлса үзига. Бола-чақаси ҳам мени қизиқтирмайди, — дерди у ўжарлик билан. — Менга ундан бошқа ҳеч ким керак эмас!» Қизнинг күzlарига ғилтилаб ёш келар, ортига қайтиб, эшикни секин, гийқиллатмасдан очиб, йўлакнинг нариги бетида тепасига «Доц. Фулом Сайд» деб ёзилган эшикка ўшшайиб қарапкан, хонаси ҳамон очилмаганини кўриб, хаёлида: «Қаёққа кетиб қолдийкин?» деган ўй тинимсиз чарх ура бошларди. Қыз бу ишларнинг оқибатини ўйламасди, ўйлайдиган аҳвoldа эмасди.

Аммо Фулом Сайд ўйлайвериб, ўйининг тагига етмасди. Кўли ишга бормай қолган вақтлари ҳам бўлышти-да, ахир. Охири бир қарорга кеполмай, бу ишини тақдирнинг измига ташлаб қўйди.

* * *

Қыз эса таъқибни баттар кучайтириди. Ҳар хил баҳоналар билан хонасига кириб келишлари кўпайди. Деярли ҳар куни лаборатория эшигини очиқ қолдирар, чунки хонанинг у ёғидан бу ёғига, албатта, иш билан ўтганида рўпарасидаги хонада ўтирган Фулом Сайдни бемалол кўриш мумкин зди. Энг муҳими, сиртдан қараган киши қыз бу ишларни атай қилаёттанини умуман сезмасди.

Фулом Сайд қанчалик эҳтиёткор бўлмасин, барибир сири фоп бўлиб қолди. Лаборатория ишини бажараётганда бехосдан қизнинг қўли қўлига тегиб кетди. Камола зътибор бермади, аммо Фулом Сайднинг бутун вужуди зирисидан кетган зди. Овози ҳам ўз-ўзидан титраб чиқди ўша онда. Яна бир куни қизнинг либоси үзига жуда ярашиб турганидан таъсирланиб, тикилиб турганида беихтиёр күzlари тўқнашиб қолди-ю, Фулом Сайд сири фоп бўлиб қолгандек қип-қизариб кетди. Бу вақтта келиб Камола

аёлларга хос сөзгирлик билан унинг ҳам бефарқ змаслигини билib олганди.

«Агар у менга устозлик мәхри билан қараётган бўлса, бир умр ундан нафратланиб ўтаман», — дерди у ўзига-ўзи кўнглини гумон кемирган пайтларда. Камола бир неча кун ишга келмай қолган кунлари Гулом Сайд ўзини қўярга жой тополмасди. Анча вақтгача ўзича ундан гумонсираб, аразлаб юради. Унинг бу қилиғи қизнинг эътиборидан четда қолмасди, албатта. Бирор ишни баҳона қилиб, гап орасида ишга келмай қолиш сабабини қистириб ўтар, шундан кейингина йигитнинг чиройи очилиб, ўзига келиб қоларди.

Гулом Сайд ҳеч кутилмаганда тақдир инъом эттан баҳтдан маст бўлиб, қизнинг сўнгги бир-икки ой ичидагироз гарангсиб юрганини сезмай қолди.

Бир куни қиз қўлида аллақандай конверт билан унинг хонасига кириб келди. Фамгин, кўзлари қизарган... Гулом Сайд ҳайрон бўлиб, қизга бир қараб қўйди-да, индамай конвертни очди: муқовасига зарҳал ҳарфлар билан ёзилган таклифнома!

Юраги қинидан чиққудай бўлиб, турс-турс уриб, беихтиёр ўрнидан туриб кетди.

— Тўйми? — деб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди.

Қиз қизариб ерга қаради, лабинни тишлади.

— Камола... — у илк бор қизни исми билан атади.

Қиз илкис бош кўтариб қаради. Кўзларида бир олам гина...

— Ота-онам қўйишмаяпти... Мен ҳар томонлама ўйлаб кўрдим... Бошқа... иложимиз йўқ, — деди ва яна боши қуйи солинди.

Гулом Сайд гангигб қолди. У нима деярини, нима қипарини билмай ўртанаарди. Икки ўт орасида қолганди. Шундагина у қизнинг сўнгги пайтларда ранг-рўйи бир аҳволда юргани сабабини англади. Англади-ю, ўзини-ўзи лаънатлай бошлади. Бўлажак фан доктори, ёши қирқни уриб қўйган, ҳаётнинг анча-мунча аччиқ-чучугини тотган одам уч йилдан бўён юрагининг энг тубига яшириб қўйган гавҳари бир кунмас-бир кун бошқа бировнинг қўлига ўтиб кетиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмабди.

Камола ерга қараган куйи, индамай кета бошлади.

— Камола!

Қиз таққа тўхтаб ўтирилди. Кўзларида недир умид учкунни порлагандек бўлди. Рангпар чеҳраси жозибали тус олди. Илк бор

йигитнинг кўнглида рашк туйғуси ғалаёт қилди. Илк бор қиз олдиди совуқон ўқтамлигини йўқотиб, асл қиёфасига қайтгандек бўлди.

— Кетманг... илтимос... — деди у деярли пичирлаб. Камола қулоқларига ишонмади. «Йўқ, у змас, бу бошқа одам, — дея ўйлади у изтироб билан. — Менга шундай туюляпти. Сароб бу... Шайтон йўлдан уряпти. Шайтон... у змас...»

Довдираф қолган йигит ўзи томон яқинлашаётганини ҳис этиб, уйқудан уйғонгандек сесканиб, ортига тисарилди.

— Мен сизга анчадан бери шуни айтмоқчи эдимки... — йигит очиқ гапиролмай қийналарди. — Бирданига бунақа иш... албатта сизда айб йўқ. Сиз... демоқчиманки, сиз кетсангиз, менинг аҳволим не кечади?..

— Сиз?! — Камола унинг сўзларини: «Ёрдамчисиз қолдим, энди нима қиласман?», деган маънода тушуниб, бирдан чимирилиб, чарс-чурс гапира бошлади:

— Бир ойлик отпуска олмоқчиман. Керакли ҳужжатлар, қўллэзмаларни таҳт қилиб, тортмангизга солиб қўйдим. Индинга... ўтарсиз... — охирги сўзни пичирлаб айтди у, — уйдагилар билан, — деб қўшиб қўйди бироздан кейин.

Камола «уйдагилар» деганида хотини Шоирани назарда тутганини йигит тушуяиб, беихтиёр кўзларини олиб қочди.

Қиз ғамгин кўзлари билан сал кулимсирагандек бўлди-ю, шарт бурилиб чиқиб кетди. Бироздан кейин йўлақда унинг ким биландир гаплашаётгани эшитилди.

Камола кетиб, йигитнинг кўнгли ҳувиллаб қолди. Кўли ишга бормади. Иш столи кўзига бало-қазодек кўрина бошлади. Күёш ботиб, борлиқни чулғаётган зимистон унинг қалбига ҳам оқиб кираётгандек эди. Кўнгли шу пайттacha ўзи тан олиб, олмай, ўзи тушуниб, тушуниб етмай келган ғалати бир ҳис билан тўлиб борарди.

Шу куни илк бор унинг уйга боргиси келмади. Камоланинг маҳзун чеҳраси кўз олдидан нари кетмади. «Мен адолатсизлик қилдим, — дея ўйлади у алам билан. — Энди у бир умр баҳтсиз бўлади...»

Шу пайт телефон жиринглади. Ички бир сезги билан хотини телефон қилаётганини сезиб, афти бужмайди. Дарвоқе, Шоира...

* * *

Шоира синчков аёл эди. Эридаги ҳар бир ўзгаришни дарров пайқаб оларди. Аммо: «Ўзи ёрилиб қолар, сабр қилиб турай-чи»,

дейдиган аёллардан эмасди. Күнглига келган гапни шартта айтади- құяди.

— Намунча қовоғингиздан қор ғұмаса? — деди у бир куни зрига. — Шогирдчанғыз зрга тегиб, ҳамма-әкни азага айлантириб кетдими?

Фулом унга «Жиннимисан?» деган маңнода қараб қўйди, лекин индамади. Жавоб қайтарса өқибати нима бўлишини яхши билади. Сабаби, салкам бир йилдан буён Шоира эрини ўша «шогирдча»сидан рашк қилиб юрарди. Бир-икки марта ишхонасига пойлаб бориб, зрининг ўша «шогирдча»си билан гаплашиб турганини ўз қўзи билан кўриб қолганидан бери пичинг қиласвериб, бечоранинг кўзини очирмасди. Ҳар гал Фулом: «Ҳали ёш болаку у. Мени бирорвнинг ёш қизини йўлдан урадиган ифлос деб ўйла-япсанми? Фақат иш юзасидан гаплашаман у билан» деган чучмал сўзлар билан қутуларди. Бироқ ўзи ёлғиз қолди дегунча, ўша «бирорвнинг ёш қизини» ўйламаса туролмайдиган бўлиб қолганди. Баъзан ихтиёrsиз равишда Шоира билан Камолани солиштира бошларди.

Хотини яқин-яқингача ип-йигирув фабрикасида ишларди. Бирор новча бўлса-да, қош-кўзи попукдек эди. Камоланинг юз тузилиши, қарашлари унга айнан ўша вақтларни, хотинининг ёшлигини зслатгандек ҳам бўларди. Рўзгорни сал тиклаб олишгандан кейин бутунлай ишламай қўйди. Уй тутишни, бола боқишини жойига қўяр, зрининг уст-боши ҳар доим ювилган, дазмолланган, ўзига қарашга ҳам улгуарди. Сўнгти вақтларда ёшлиқда ўтган қийинчиликлар, рўзгор, бола-чақа ташвиши ортда қолиб, бирор тўлишиб, салобатли аёлга айланиб бораётган эди, фалокат оёқ остида деганлариdek, бирданига унинг тишлари тўкила бошлади. Омон қолганларини ҳам қурт еб оғритар, совуқ нарса ея олмас, жағи оғриб, шишиб кетишидан қўрқиб, тишларини ювмай қўйганидан оғзидан бадбўй ҳид анқийдиган бўлиб қолганди. Шу боис, эр-хотин анчадан буён begona эдилар...

Фулом Сайд қурби етганича хотинининг тишларини даволатишига ҳаракат қилди. Афсус, ўзгариш бўлмади. Шоира: «Пул топиб, тилла тиш солдирасиз» деб ғингшиб юрган кунларнинг биррида зрининг «зўр» шогирдчаси борлигини эшишиб қолди. Шу кундан бошлаб аёлнинг зрига ишончи йўқолди, күнглига шайтон уя кура бошлади. Уч марта зрига билдиримай ишхонасига бориб, таниш аёллардан сўраб сурнштириди. Камоланинг қобилиятли қиз

бўлгани учун Фулом Сайдга шогирдликка берилганини зшигиб сал ҳовури пасайди. «Тўғри қизга ўхшайди-ку» дея ўзига ўзи тасалли берса-да, шайтон қурғур кўнглига ғулгула солаверарди. Шунинг учун «тупф саосиқ» бўлиб қолган эканман-да, деб ўйлапи билан аёлнинг дарди азобга айланар, ўзини кераксиз матоҳга ўхшаб қолгандек ҳис этаркан, дунё кўзига тор кўриниб, ўлимни афзал билиб қоларди. Шунда ўғилларини кўз олдига келтириб, яна фикридан қайтарди. «Мен бўлмасам эрим анави шогирдчасига уйланади-кўяди. Ўғилларим ўгай онанинг қўлида қоладими? Ўгай онанинг қош-қовоғига қараб, кўнгли ярим бўлиб ўсадими? Йўқ, болаларим учун ҳам яшашим керак», деб ўзини ўзи кўнглини кўтарар, ёмон хаёлларни қувишга ҳаракат қиласарди.

Аёл олий маълумотга эга бўлмаса-да, эрининг ишларига умуман тушунмаса-да, унинг келажаги порлоқ олимлардан эканлигини ақли етарди. Чунки эридан илмий мақолалар сўраб, ҳали Ленинграддан, ҳали Туркиядан хатлар келиб турарди. Ҳатто Франциядан мактуб келганида бутунлай лол бўлиб қолган эди. Наҳотки, шу оддийгина, битта костюм-шимни беш-олти йиллаб кийдиган, хотининг заҳар-заққум (айниқса, пул масаласида) гапларини жим туриб эшитадиган мўмин-қобил кишини Францияда ҳам танишса?! Ҳалиги гап чиққунга довур, у эрини бош кўтармай ишлайди, деб ўйларди, мана энди кимга ишонишни билмай боши гаранг. Бироқ ҳозир қилаётган илмий иши эрига олам жаҳон шуҳрат келтиришига юз фоиз ишонарди. Чунки Фулом Сайд илмий ишини ҳеч кимга (анави қизга ҳам!) ишонмай уйда сақлар, иш хонасига ўзи тугул болаларини ҳам йўлатмасди. Аёл азбаройи қизиққанидан эри уйда йўқ пайтида ўша илмий ишни варақлаб кўрган, аммо ҳеч вақога тушунмаган эди. Алламбало формулалар...

Камола турмушга чиқмасидан бир неча кун аввал кечки овқат маҳали телефон жиринглаб қолди. Аёл чаққонлик билан эридан олдин трубкани олди: «Эрим уйда йўқ» деди-ю, шартта гўшакни жойига қўйди. Ўрнидан тураётган эрига юзланиб қичқирди:

— Ўтиринг жойингизга! Ишхонада гаплашганингиз стмайдими?

— Иш юзасидан гаплашмоқчиман... — деди Фулом икки кўзи телефонда бўлиб.

— Менга қаранг, — деди Шоира зардаси қайнаб. Унинг рангруйи учиб, лаблари пириллай бошлаганди. — Агар ўша қиз билан дон олишадиган бўлсангиз, болаларимни бағримга босаману, ўзимга ҳам, уйга ҳам керосин сепиб, ёқвораман!

Гуломнинг эти жимиirlаб кетди. Юрак ютиб, лом-мим демади. Азбаройи хотинига раҳми келганидан, унинг аҳволини тушунганидан эмас, аксинча: «Уйда ўтирган хотин ваҳшийлашиб кетади деганлари рост экан» деб ўйлагани учун оғиз очмай қўяқолди.

* * *

Шу воқеадан кўп ўтмай, Камоланинг турмушга чиқиб кетганини эшитган Шоира хурсанд бўлиб кетди. Боши боғланса, ҳартугул қутуламан, деб ўйлади у соддалик билан. Эри ҳам ҳардам хаёл бўлиб юриб-юриб, охири тақдирга тан берган шекилини, боши билан ишга шўнғиб кетди. Докторлик ишини тайёрлап жараёнида бироз моддий томондан қийналиб юрганини сезган аёл «тишишиш» учун йиғиб юрган пулларини эрининг чўнтағига солиб қўйганини ўзи ҳам сезмай қолди.

Докторлик иши тайёр бўлган куни тақдир Гуломга яна бир хушнудлик баҳш этди. Хонасига Камола кириб келди! Аёл шу қадар очилиб кетгандики, Гуломнинг ҳуши бошидан учиб, юраги қинидан чиқиб кетаёзди. Хонасида нафис атиргул ҳиди уфуриб кетди.

— Бугундан ишга қайтдим, — деда аввал сўз бошлиди Камола. Йигит лол бўлиб қолганини ҳис этиб, қалби қувончга тўлганди унинг. — Ишлар йиғилиб қолгандир.

— А, ҳа, э, йўқ, — деда довдиради Гулом. — Т-тажрибаларни ўзим ўтказдим. Бир амаллаб... сиз... сиз...

— Менга иш қолмабди-да, — жилмайди Камола. Кўзлари маъюс боқаётгандек туюлди йигитта.

— Ўтиринг, Камола.

— Мен бироз ишласам дегандим.

— Иш бўлса қочмас, ўтиринг.

Камола йигитнинг қаршисидаги стулга омонатгина ўтирди. У Гуломнинг кўзига қарамаслик учун стол устидаги қофозни беихтиёр фикимлай бошлиди. Гулом ўзини босишга ҳарчанд уринмасин, ҳаяжони ортиб борар, бутун вужудини аллақандай ёқимили ҳис қамраб олаётгандек эди. «Э, Худо, — деда нола қилди у илк бор. — уни шу қадар севаманки, бу севги мени адойи-тамом қилмаса деб қўрқаман. Ахир энди унинг оиласи бор... Ўртамиздаги жарлик шу қадар чуқурлашиб кетдики, энди унга кўприк қўйишнинг асло иложи йўқ. У энди бирорвнинг хотини...» Шу ўй

хаёлига келиши билан йигит бирдан ҳушёр тортди. Ҳиссиётга берилиб, титраб турган вужуди базўр унинг амрига бўйсуниб, сипо тортиб қолди.

— Ҳозирча тажрибаларни тўхтатиб турибман, — деди Гулом. Овози дағалроқ чиқди шекилли, Камола ялт этиб унга қаради. — Агар хоҳласангиз, уч-тўрт кун дам олишинингиз мумкин.

Аёлнинг жонни ўргаб юборувчи қоп-қора қўзлари жонсараклик билан шундай боқдики, беихтиёр йигитнинг аъзойи-бадани жимиirlаб кетди.

— Мен сизга енгилроқ бўлсин дегандим. Энди... ҳам давлат иши, ҳам рўзгор ташвиши дегандай... — дея шошилиб кечирим сўрай бошлади у.

Аёлнинг ўпкаси тўлиб, мижжаларига ёш қалқди:

— Бу ерга келишдан мени маҳрум қилманг, илтимос, — деди ю, юзини қўллари билан тўстсанча югуриб хонадан чиқиб кетди.

Гуломнинг кўнгли ғаш тортиб, боши лўқиллай бошлади. Яхшилик қиламан деб қовун тушуриб қўйганидан изтиробга тушиб, ўзини ўзи ёмон кўриб кетди.

Кунлар шу зайдда ўтаверди.

Камола бир куни хурсанд бўлиб келса, эртасига хафа бўлиб уйидан чиққани шундоқчина юз-кўзидан билиниб турар, баъзи кунлари ишхонада йиглаб олса ҳам керак, қўзлари қизариб юарди. Сўнгги кунларда бир-икки кун ишга келмайдиган одат чиқарди.

Ниҳоят Гулом юрак ютиб, аёлдан кўнгил сўрашга жазм этганда, у ўзини тутолмай ҳўнграб йиглаб юборди.

— Нима бўляпти ўзи, тинчликми? — деди Гулом юраги тосиб. Камола юзига дастрўмолини босиб, баттар йиғлай бошлади. Шу пайтгача у аёлга қўлини ҳам теккизмаган эди. Ўша куни ботинмайгина аёлнинг қўлларидан тутиб, авайлаб кўз ёшини артди. Аллақачонлардан бўён вужудини ларзага солиб юрган таниш ҳис тагин ғалаён қилди.

— Эрталаб... ишга келиши олдидан уришиб қолдим, — дея хўрсиниб галира бошлади аёл. — Нимага ҳадеб қовоқ солаверсан, дейди. Бошқа аёлларга ўхшаб кулиб юрмайсанми, кулиб кутиб олмайсанми, дейди. Кунда, кунора шу можаро... Мени кузатгани- кузатган. Уйга боришга юрагим безиллади. Худди айбим бор-у, бир кунмас-бир кун фош бўлиб қоладигандек, юрагимни ҳовучлаб яшайман. Ўзиям, ўша бир хонали уйи ҳам сиқиб

юборди одамни. Мени баҳтиёр хотин бўлиб юришимни талаб қиласди. Бу иш қўлимдан келмаса нима қиласай? Уни алдашни хоҳ-ламайман.

— Ўзи қанақа одам? — деда эҳтиёткорлик билан сўради Фулом.

— Ҳамма эрлар ҳатори битта одам. Ишга борса, маош олса, қорни тўйса бўлди. Кирлари ювилган... дазмолланган...

Шу пайт йўлақдан эҳтиётлик билан босилган қадам товушлари эшигидек бўлиб, иккаласи ҳам бенхтиёр ўрниларидан туриб кетишди. Камола хавотирли нигоҳ билан йигитга қаради-ю, шошиб эшик томон йўналди ва тўсатдан остонада Шоира билан тўқнаш келди. Ҳатто бир-бирларига урилиб кетишларига сал қолди. Уни кўриб Шоиранинг кўзлари хонасидан чиқиб кетай деди. Аммо миқ этмади. Камола эшигилар-эшигилмас салом бериб, хонасига кириб кетди.

— Ҳа, намунча рангингиз оқариб кетди? — деди Шоира тақлифни ҳам кутмасдан ҳалигина Камола ўтирган стулга чўкаркан.

— Нима гап? Тинчлики? — саволга савол билан жавоб берди Фулом. — Болалар тинчми?

— Тинчлик. Тиш дўхтирига бораётгандим, — деда баҳона қилди Шоира, эшик томон ўқрайиб қараб қўйди. — Пойлаб келди деб қўрқиб кетдингизми?

— Қўйсанг-чи, шунақа тузсиз гапларни, — деди Фулом энсаси қотиб. — Борадиган бўлсанг, зартароқ бор.

— Қаяжиқчангиз яна олдингизга кеволибди-ку, — деди аёл ич-ичидан кўтарилиб келаётган ғалаённи базур босиб. Фулом эшигасликка олди. Хотинининг жанжал бошлиш учун баҳона қидираётганини сөзиб, атай тилини тийди. Нариги хонада юрак ҳовучлаб ўтирган Камолани аяди. Ишлаётган кишидек китоб вараклай бошлиди. Шоира зрининг бепарво ҳатти-ҳаракатини қузатаркан, хўрлиги келди, унинг йиғлагиси, хонани бошига кўтариб баҳиргиси келди. Бироқ эри бу қўлмиши учун бир умр кечирмаслигини эслаб, бошқа баҳона қидирди.

— Пул керак, — деди у кутилмагандага. Бу гали билан эрининг жон сридан тутганига амин эди.

— Ёнингда борини ишлатиб тургин, — Фулом бироз овозини пасайтириб, мулойимроқ гапиришга уринаётганини сөзган аёл аламли кулимсираб қўйди.

— Етмайди, — деди у ўжарлик қилиб. — Тилла тиш қўйдира-ман дегандим-ку сизга.

— Хўп, хўп, — баттар овози пасайди Фуломнинг. — Топиб бераман. Сен бориб келавер-чи, ҳали дўхтиринг нима дейди.

— Ана шунача-да, ўлиб-тирилиб йиққан пулларимни берга-нимда, индамайгина ишлатгандингиз. Менга қолганда пули йўқ эмиш. Яна оғзи сассиқ деб ноз қилганига ўлайми?

— Бўлди. Ўчир овозингни. Пулинг бўлмаса ҳеч қаерга бор-ма. Кечқурун олиб бораман.

Шоирага негадир алам қилиб кетаётганди. «Ўйнаш орттирга-нидан бери тили ҳам чиқиб қолибди, — деган ўй келди хаёлига, — ҳам гарлик, ҳам пешгирилик қилмоқчи шекилли. Овора бўласан!»

Шоира мижжаларига қалқан ёшни дастрўмоли билан авайлаб артиб, ўзини еттиди. Сўнг силтаниб ўрнидан турди. Унинг кўз қара-шидан тортиб, ўзини тутиши-ю, қадам олишигача эрига нисбатан чексиз қаҳр-ғазаб билан тўлиб турарди. Айниқса, унинг қарашлари кўрқинчли эди. Жаҳли чиққан вақтларида Фулом унинг кўзларидан кўркиб кетарди. Қаҳр-ғазабдан ташқари аллақандай ваҳшийлик-ми, ёвузликми яшириниб ётгандай эди унинг кўзларидা.

Фулом ишдан кейин танишларидан қарз сўраб олгандан кей-ингнина енгил тортиб уйига йўл олди.

Шоира ҳамон ўшшайиб ўтиради. Эри стол устига қўйган пулни олди-ю, индамай ётоқхонага кириб кетди. Бироздан кейин ишхонадаги воқеанинг тагига етмоқчи бўлиб қайтиб чиққанида, эри меҳмонхонада аллақачон ухлаб қолганини кўриб, баттар зардаси қайнади ва зартагаёқ онаси яшайдиган маҳаллада «Оппоқ ойи» деб ном чиқарган фолбинникига боришга аҳд қилиб, ётогига кириб кетди.

* * *

Эрталаб у эрини ишга жўнатиб, у ёқ-бу ёқни йиғиштирган бўлди-ю, апил-тапил кийиниб арман фолбинникига йўл олди. Одамларнинг айтганича бор экан, фолбиннинг «клиентлари» шунчалик кўп эканки, эрталаб борган кишига кечки соат бешда навбат келса бўладими. Шоиранинг бунача жойларга би-ринчи марта келиши эди, бироз довдираф, ҳаяжонланиб кириб борди. Фолбинни «Оппоқ ойи» деганлари рост экан. У баланд бўйли, тўладан келган, сочидан тортиб қош-кипригигача оппоқ оқариб кетганди.

«Арман фолбинлар кучли бўлади деб эшитардим, ростга ўхшайди», — деб ўйлади Шоира фолбиннинг қарписига ўтираётиб. Оппоқ ойи унинг юзига қарамади ҳам. «Келинг» деди, холос.

— Оилам сал нотинч эди. Шунга...

Оппоқ ойи қўли билан «бўлди» дегандек ишора қилди. Сўнг тасбечини олиб, кўзларини чирт юмганча, ичида аллақандай дуони ўқий бошлиди. Шоира юрагини ҳовучлаб, аёлнинг оғизига тикилиб ўтириди. Бирмунча фурсат ўтиб, фолбин тилга кирди.

— Эринг илмли киши экан, қизим. Санни ҳурмат қила. Аммо яна бир аёл кўрина. Иккаласи бир-бирина талпиниб турарлар. Севги бор ораларинда...

— Тўшакда бўлганми? — деда шошиб сўради Шоира.

— Йўқ. Тўшак йўқ. Аммо муҳаббат бор...

— Ўша аёлдан эримни совитиб бероласизми? Қанча харажати бўлса майли...

— Йўқ, — аёл қатъийлик билан бошини сарак-сарак қилди.

— Ман фол очаман, ром кўраман, касал бўлсанг ўқийман. Худонинг буюргани шу менга. Аммо бунаقا ишни қилмайман. Бу энг оғир гуноҳ...

Аёл тасбечни йиғишириб, ўрнидан тураркан, яна бир марта «гуноҳ» деб қўйди пичирлаб.

Ўйлаган режасининг асосий қисми битмай қолгани учун кўнгли ғаш бўлса-да, аёл руҳан тетик эди. «Ҳар қалай эрим менга хиёнат қилмаган экан-ку. Энди нима бўлсаям ўша хотинни кўзига ёмон кўрсатиб кўйиш керак, — деган ўй кечди хаёлидан.

— Аммо нима?.. Нимадир қилиш керак... нимадир... Токи ўша аёл кўзига бало-қазодек кўринсин. У дунё-ю бу дунё унинг отини атамайдиган бўлсин!» Шоира уйга етиб келгунча ҳам, ошхонада идиш-товоқларни ювив-тозалаб юрганида ҳам фақат шу ҳақида ўйлади. Ўзини-ўзи ёлғонни ўз ўрнида, ишонарли қилиб ишлатишга-да тайёрлаб бориш мумкинлигини ҳам унутмади.

* * *

Бир куни кечки овқат маҳали у биринчи зарбани беришга чоғланди:

— Бугун ишда бўлдингизми? — сўради у ўта хотиржамлик билан.

— Ҳа, нимайди?

— Ҳалиги шогирдчангиз... — аёл нафрат билан «қанжиқчангиз» демоқчи бўлди-ю, базур тилини тийди. — Исми нима эди? Камолами, ўша қўнғироқ қилиб сизни сўраганди.

— Камола? Қай маҳал эди?

— Тушдан кейин... соат, — Шоира ошхона деворидаги осма соатга қараб қўйди. — Икки ярим-уч эди-ёв.

— Кун бўйи ишхонадан чиқмадим-ку... — эри секин косани суреб қўйгани Шоиранинг эътиборидан четда қолмади.

— Билмадим. Балки бошқа қиззидир. Ўйнашингиз кўп-у, — киноя билан узуб олди у.

— Айнимасдан тўғриликча гапир, — деди асаби бузилган Фулом ўрнидан туриб музлатгич устида турган сигарет қутисини оларкан. — Ӯшамиди ё бошқа?

— Вой, мен қаёқдан билай, ўшами, бошқами? Телефонда башрасини кўриб бўлмайди-ку, — деда шангиллай бошлади Шоира. — Бу одамга салом берган одам товонга қолади. Таъба қилдим.

Кейинги кунларда эр хотин асабийлашиб, гап кўтармас бўлиб кетишсаётганини иккаласи ҳам ҳис этишарди-ю, тан олгилари келмасди.

Шоира жаҳл билан ўрнидан туриб, атай меҳмонхонага кириб кетди. Фулом идиш-товоқларни йиғишириб, ювиб қўйди. «Тегиб қолди шекилли, энди бир ҳафта қовогини очмай куйдидиради. Камолага ҳам ҳайронман, нега телефон қилади? Бошқа ким ҳам бўлиши мумкин? — деда ўйланиб ўтирди Фулом. — Шоирани ёқтираслигини билади, атай жигига тегиш учун телефон қилдимикин?»

Фулом эрталабгача ўйлаб ўтиргани билан бу жумбоқни ёлғиз ўзи ечолмаслигини ҳис этди. Ва музлатгичдан ярми ичилган ароқни олиб, майдалаб ўтирди. Бироз ўтгач, тарафт тортилган асаблари бўшашиб, ўзини снгил ҳис эта бошлади. Кўз олдига мунғайиб турган Камола келаверди, келаверди...

Секин ўрнидан туриб гандираклаганча кўча эшик томон йўл олди. «Ҳозир бораман-у, масалани кўндаланг қўяман: ё мени де, ё уни. Мен сени дедим. Ҳаммасидан воз кечдим, ҳаммасидан...» Унинг ўзича фўлдирашини, эшик зулфининг шиқирлашини эшишиб Шоира йўлакка югуриб чиқди.

— Ҳа, кеч кирганда йўл бўлсин?

— Кетаман. Қачонгача... нима мен... — Фулом мастилик билан кўнглидаги галларни, сирларини тўкиб солаёттанини ўзи ҳам

сезмай қолди. — Бола-чақа деб ўзимни-ўзим... Кетаман... масалани күндаланг құяман... У мени деб яшаяпти... мени деб...

Шоиранинг босиданбір өзінде көзінде сөз көзінде көзінде көзінде. У зерини ҳеч қачон бу ақындың күрмаганды. Хүрлиги келиб, ийғлаб юборди. Оёқ ости қилиш, ҳақорат, хүрлик бундан ортиқ бўлмас. Аёлнинг юзи ғазабдан қорайиб кетди. Бор кучини тўплаб:

— Кетаверинг, ана катта кўча. Аммо болам бор деб, қайтиб келганингизни кўрмай, — дей қичқирди у йиги аралаш. Қараса, эри эшикни очиб, чиндан ҳам чиқиб кетаяпти. Ортидан югуриб, йўлини тўсади.

— Ярим кечаси қаёққа борасиз? Одамлар нима дейди? Уни... эри уриб ўлдириб қўяди-ю сизни. Қайтинг, эргага ишхонада гаплашасиз.

Шоира алдаб-сулдаб зерини уйга киргизди. Эртасига ишга ҳам боролмади. Кайфи тарқаб, ўзига келгач, оқшомги қилиғи эсига тушшиб, ўзини-ўзи лаънатлади. Хотинининг кўзига қарашга уялиб, ёстиққа бошини буркаганча, то ўғиллари мактабдан келиб, уйғотмагунча ётаверди.

Нонушта қилиш учун ўғиллари етовида ошхонага ўтганида Шоирага дуч келди. Аёлнинг қовоқлари шишиб, кўзлари қизарип кетганды. Фуломнинг ичидан қиринди ўтди. Негадир хотининг раҳми келиб кетди. Оёқларига йиқилиб кечирим сўрашга ҳам тайёр эди, агар Шоира гина қилганида. Афсуски, у «стунги томоша» ҳақида миқ этмади. Тарс-турс қилиб ишини қилиб юраверди. Эрининг юзига қарамади ҳам.

* * *

Индининг у ишхонада Камоладан телефон ҳақида сўраган эди, аёл ҳайратдан ёқа ушлади.

— Балки қариндош-уруглардан биридир. Шоира сизнинг овонзингизга ўхшатибди. Мен шунчаки сўрадим, — дей тутила-тутила гапирди Фулом. — Сизга бирор гап бўлдими деб қўрқиб кетдим, очиги.

Ранги оппоқ оқариб, лаби пир-пир участган Камола титроқ овозда деди:

— Мени шунчаликка боради деб ўйладингизми?

— Мен сизни хафа қилмоқчи эмасдим. Арзимаган гап-у... Тўғри тушунинг... Камола... азизим...

— Йўқ, тўғри тушунмайман, — деди аёл бирдан жазаваси тутиб. — Тушунишни ҳам истамайман. Бу хотинингиз ўйлаб топган сафсата. Мени ёмонотлиқ қилиш учун атайлабдан ўйлаб топган. Мен бундай пасткашлик қилолмайман. Қолаверса, — шаҳд билан Фуломга қаради. Шу туришда у Шоирага жуда-жуда ўхшаб кетарди. Кўзлари ғазабдан чақчайиб кетганди. — Қолаверса, менинг зrim бор. Кўча хотини эмасман!

Камола югуриб хонадан чиқиб кетди. Лаҳза ўтмай лаборатория зшигининг қарсиллаб ёпилгани зшитилди. Фулом хонада у ёқдан-бу ёққа бемақсад бориб келаркан, аччиқланганидан аъзойи-бадани титраб, орқа мияси лўқиллаб оғрий бошлади. Аламдан ўзини босолмай деворни муштлаган эди, қўл учидан тортиб тирсагигача зириллаб кетди. Ўнг тирсагини ушлаб, анча вақтгача қимиirlай олмади. Оғриқ сал ўзига келтирди шекилли, бироздан кейин кўзига балодек кўринаётган иш столига ўтириб, хаёлга толди. Уйида хотини олдида юзи шувит, бу ерда Камолани хафа қилиб қўйди, Телефон воқеасини айтмай қўяқолса ҳам бўларди-ку. Ўл-а.

Шу куни у ўзига жаҳл қилиб, уйига бормади. Хонасида ётиб қолишга ажд қилди. Камола ҳам ишдан вақтли кетиб қолди. «Кетяпма» деб ҳар доимгидек хайрлапшади ҳам. Ҳаммасидам алам қылгани шу эди. «Камола мендан юз ўтиради зиди», — деган ўй миясини пармалай бошлади. Орқа миясидаги оғриқ кучайгандек эди...

* * *

Шу оқшом Шоира тонгтacha мижоха қоқмади. Дадам нега келмаяптилар, деб ҳали зшиқдан, ҳали деразадан мўралаётган болаларига қараб туриб хўрлиги келди. Бу бечораларда нима айб? Агар эр-хотин ажралиб кетишиша, буларнинг аҳволи нима бўлади? Онасидан ҳам кўра улар отасини кўпроқ яхши кўришади, ишдан келишини пойлаб туришади. Шоира уларни кўпроқ тергайди, уришади, ишга солади, шунинг учунми ундан ҳайнқиб туришади. Ажралишиб кетган тақдирда ҳам болалар бир кунмас- бир кун кўникишади, тақдирларига тан беришади-ю, аммо кўнгли ярим бўлиб ўсишади, катта бўлишади. Шоира болаларига ана шу «кўнгли ярим»лини ҳеч қачон раво кўрмасди.

Болалари кута-кута бири ошхонада, бири меҳмонхонада ётиб ухлаб қолишиди. Ёлғиз қолган Шоиранинг хаёлига ҳар кил ёмон

ўйлар келиб, исканжага ола бошлади. Эрини мөшина-пошина уриб кетган бўлса-я. Бир жойларда қонга беланиб ётганини тасаввур қилиб, юраги ҳапқирди. Овоз чиқармай йиғлаб ҳам олди. Вақт ўтган сайнин хунук хабар бўлса аллақачон етиб келган бўларди, деб ўзини-ўзи ишонтирган аёлнинг кўнглини рапик ўти куйдира бошлади. «Анави қанжиқчаси билан ишхонада ётиб қолган бўлса-я», деди-ю, аъзойи-баданидан ўт чиқиб кетгандек бўлди. Телефон олдига қандай етиб борганини сезмай қолди. Кўллари қалтираб номер тера бошлади. У ёқдан узундан-узун гудок эшитилди. Трубкани олса бўлди, иккаласининг ҳам кулинин кўкка совураман, дея ният қилганди, афсуски, бу орзуси ушалмай, ҳафсаласи пир бўлди. Эргасига эрталаб у болаларини мактабга жўнатиб, эри ишлайдиган институтта йўл олди.

* * *

Худди шу вақтда Камола Фуломнинг хонасида ўтиради. Аёлни кўришдан бутунлай умидини узиб қўйган Фулом уни кўриши билан ўзини ўйқотиб қўйган, ҳаяжонланганидан тили калимага келмай, лол бўлиб турарди.

— Кечаки жаҳлим чиқиб, сизга анча қаттиқ... гапириб юбориман, — дерди аёл овози титраб. — Кечаси билан ухлолмадим... Мен аҳмоқ хотинман. Мени кечиринг... Энди мендан юз ўгиради, деб ўйлайвериб кечаси билан ўзимни-ўзим еб қўйдим.

Гулом ҳеч нарса дея олмади, дея олмасди...

Аёлнинг қўлларини кафтлари орасига олиб, юзига босди. Кўзларини юмди. Камола хавотирланиб, эшик томонга қараб қўйди. Чунки эшик қия очиқ туарар, йўлакдан ўтган одам бемалол уларни кўриши мумкин эди.

— Камола... — дея пичирлади Фулом. У бутунлай ташқи олами ни унутиб қўйганди. — Шу оқшом мен кўп... жуда кўп нарсани ўйладим ва кўп нарсадан... воз кечдим. Агар сиз хоҳласангиз... мен ҳаммасига тайёрман.

Камола ҳушдан айрилиб, титраб-қақшаётган йигитнинг сўзларидан мумдай эриб, юм-юм кўз ёш тўкаётган бўлса-да, аёллик сезгиси уйғоқ эди. Остоноада бирор қараб тургандек ора-чора эшик томонга қараб қўярди.

Чиндан ҳам бу пайт эшик ортида деворга ёпишиб Шоира турарди. У зрини қўлга тушириш учун сездирмасдан келган ва ўзи тахмин қилганидек, «хиёнат»нинг устидан чиқиб, ўзини қаёққа

уришини билмай қаловланиб қолганди. Аввалига юраги уришдан тұхтаб қолгандек, бутун вужуди — оғаннинг учигача музлаб кетди. Беҳол бұлиб деворга сүяниб қолди. Ичкаридан пичир-пичир злас-злас қулогига чалиниб, бирдан ҳүшер тортди. Қачонлардан буен қалбіда заңар бойлаб ётган ғазаб ўти жунбушга келиб, қаҳр билан силтаниб, үзини четте олди. Уйдан чиқаётганида үзига-үзи Камолани юмма талаб, шармандасини чиқараман, деб сүз берганди, бироқ негадир юраги бетламади. Камола аёлга ёшлигини эслатгандек бўлди. Ўша-ўша қадди-қомат, ўша-ўша соч турмаклаш... Фақат бўйи сал пастроқ...

«Энди мендан яхшилик кутма, олимвачча», — дея вишпиллади у йўлак бўйлаб елдек учаркан, унинг ранги қув ўчган, ҳансираган, рўмоли бошидан сирғалиб тушиб, елкасида осилиб қолган, ўтган-кетган йўловчилар ҳайрон бўлиб қарашаётганини сизар, аммо парво қилмасди.

У ётоқхонага кирди-ю, үзини каравотта ташлаб, ҳўнграб йиғлаб юборди... Үзини босолмай ўкириб-ўкириб йиғлади. Эридан бевақт ажralиб, тул қолган аёллар ёлғиз қолган кезлари худди шундай эзилиб йиғлашар эди. Анчадан кейин үзига келиб, ўйтай бошлиди: «Кўзга чўп солиш қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман... кўрсатиб қўяман, ҳали... Қўлидан ҳеч иш келмайди, ташлаб кетавераман деб ўйлајисан шекилли? Ҳаммасини бурнингдан булоқ қилиб чиқараман... — деди-ю яна ҳўнграб йиғлашга тушди. Унинг юрак-бағри эзилиб, жуда қаттиқ алам қилиб кетаётганди. — Қандай яшайман энди? — Эридан бутунлай ажраб қолгандек қалби ҳувиллаб, вужуди караҳт бўлиб қолганди. — Энди қандай яшайман? — Аёл бир нуқтага тикилиб, узоқ ўтирди. Камолани юмма талайман деб бориб, юраги бетламагани эсига тушиб, үзидан-үзи ижирганиб кетди. — Нега боролмадим? Мендан ортиқ ери йўқ экан-ку. Тавба қилдим, менга ўхшаб ҳам кетади-я. Бир кун келиб у ҳам менга ўхшаб қолиши мумкин-ку! У ҳам иккикат ҳоли билан тик оёқда туриб фабрикада ишласин, саккиз йиллаб ижарама-ижара кўчиб юрсин, аспирантнинг қирқ сўмлик стипендияси билан рўзгор тебратсин, қаҳратон қишида янги бўшанганд хотин зах, тор ҳужрада битта қулоқ кўрпача устида ётсин, ёвғон шўрва бир кун бор, эртасига йўқ, ўша, зах ҳужралар тишларининг милкини олиб қўйсин, ана ўшанда кўраман менга ўхшаб қолмаганини... Энди у кунлар унут, эримнинг эслагиси ҳам келмайди. Мана энди, Худога шукр, ҳамма нарса етарли, ҳовли-

жой, машина, маблағ, сийиш-ичишдан камчиллик йүқ, бирок соғлиқ йүқ, ўша вақтлардаги қадди-қомат, ҳавас йүқ... — Аәл ўрнидан туриб у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. — Шундай бир иш қилайки, хонумонини күйдиріб юборсии!»

Аәл вағыйлашиб кетаёттанини идрок этар, айни дамда кимдир уни бу йүлдан қайтаришини ҳам истар зди. Афсуски... афсуски, уни тинглайдиган, ғамига шерик бұладиган, дардлашадиган ҳеч кими йүқ зди. Ўзи ҳам ўлақолса бирорға дардини ёрмасди. Нима бўлса ичига ютавериб, қалби қурум босган мўрига ўхшаб қолгандек зди. Ваҳоланки, унинг ота-онаси, ака-укала-ри, дугоналари бор зди...

Шоира эри ишлайдиган хонага ўтиб, иш столининг тортмаси-ни очди...

* * *

Кечкурун эри ишдан келганида аразини унудиб, ҳеч нарса бўлмагандек кутиб олди. Гулом кечә уйга келмагани учун катта жанжал, тўполон бўлишини кутиб, юрак ҳовучлаб келган зди. Хотини миқ этиб оғиз очмади бу ҳақда. Анови кунги «томошаси»ни ҳам унуглан шекили... Фақат гап орасида кечаси кичик ўғли дадасини сўраб йиглаб, иситмалаб чиққанини айтиб ўтди. Ўғилларини бағрига босаркан, ўзидан-ўзи уялиб кетди. Гулом тиззасига ўтириб, бўйнидан кучоқлаган кичик ўғлини бағрига босиб, пешонасидан ўпаркан, беихтиёр:

— Кечаки иш кўпайиб кетди, ўғлим. Энди ҳар куни вақтли кела-ман, — деб юборди.

Шоира ялт этиб эрига қаради. Нигоҳида бир олам маъно бор зди аәлнинг.

Гулом шу куни ҳам, зргасига ҳам болалари билан овора бўлиб иш столига ўтирмади. Кейинги куни ишдан келганида Шоира уни раңги ўчиб кутиб олди.

— Бугун мен бир иш қилиб қўйдим, дадаси, — деди у кўзлари ола-кула бўлиб.

— Нима гап?

— Ҳалиги шогирдчангиз боя келиб, докторлик ишингизни сўраган зди, берворибман. Ҳар хил хаёлга бориб, энди ўзимни-ўзим қарғаб ўтирибман.

— Камолами? Нега олади? Нега келади? — Гулом турган ерида қотиб қолди. — Иккала нусхасини ҳамми?..

— Билмасам, ўша тортмадаги попкаларни деб ўйлаб бервонрибман. Сизни сўраяпти деб айтди. Шунинг учун...

— Аҳмоқ!

Гулом ҳамон қўлида турган попкасини отиб юборди-ю, телефон олдига югурди. Ишхонанинг номерини тера бошлади.

— Мендан кейин қолганди лабораторияда, ишқилиб, кетиб қолмаган бўлсин-да.

У тарафдан ҳеч ким гўшакни кўтартмади. Гуломнинг оёқ-қўлидан мадор кетиб, ўша ернинг ўзига ўтириб қолди.

«Илмий иш унга нега керак бўлиб қолди? — деган ўй миясини пармалай бошлади. — Нима қиласди? Кун бўйи ўша ерда эдим, керак бўлса сўраб олса ҳам бўларди-ку! Танишиб чиқармикин? Ишқилиб, яхшиликка бўлсин... яхшиликка... Топилмаса тамом бўламан. Ахир қоралама нусхасини ёқиб юборгандим. Бирорнинг қўлига тушиб қолмасин, деган ўйда».

— Бир хаёлим бермайин ҳам дедим. Яна сизга керак бўлиб қолган бўлса, уришасизми деб ўйлаб... — дея яна ўзини оқлай бошлади Шоира.

— Йўқол! Кўзимга кўринма!

Гулом ишхонага телефон қила-қила чарчади. Камоланинг уйига сим қоқишни ўзига эп билмасди. «Эри уйда бўлса... Шусиз ҳам ҳаёти яхши эмас. Эртагача кутсаммикин?»

Бироқ эрта тугул бир сония ҳам кутишга тоқати йўқ эди унинг. Асаби ишдан чиқсан, орқа миясида яна кучли оғриқ қўзғалган эди. Ярим соат ўтар-ўтмас, у таваккал қилиб Камоланинг уй номерини тера бошлади. Гўшакни эркак киши олди.

— Кечирасиз, мен институтданман... Камола Юсуповани мумкиними?

— Хотиним кечаси сизга нега керак бўлиб қолди?

— Иш юзасидан... тўғри тушунинг, мен... мен унинг устози бўламан.

— Яхши, устоз бўлсангиз кечаси телефон қиласизми?..

Эркакнинг галичала қолди. Гўшак бир зум ту-тулаб тургач, у ёқдан Камоланинг ҳаяжонли овози эштилди.

— Алло, Гулом ака, тинчликми?

— Тинчликми деб сиздан сўрамоқчийдим.

— Очиқроқ гапиринг, нима гап ўзи?

— Бугун докторлик ишимни олиб кетганингиз ростми?

— А, нималар деяпсиз? Мен нима қиламан уни? Ким айтди сизга?

— Уйга келиб, хотинимдан сүраб олиб кетибсиз-ку!

Бироздан сұнг Камоланинг йығламсираган овози эшитилди:

— Бундан ортиқ туҳмат тополмадингизми? Мен ҳозироқ уйнингизга етиб бораман. Қолган гапни ўша ерда гаплашамиз!

Гулом жаҳл билан гүшакни отиб юборди.

— Шоира!

Ошхонада болаларини қучоқладаб, юрак ҳовучтаб ўтирган хотини югуриб чиқди.

— Ростдан ҳам ўшамиди? Янглишмаяпсанми? Ҳозир келади шу ерга. Бўйнига қўйиб бероласанми?

— Агар унингиз аждаҳо бўлиб мени ютвормаса, бўйнига қўйиб бераман. Ахир олиб кетгани рост-ку. Уни сизга мендан ҳам яқин дўст, ёмонлиги йўқ деб ишонгандим. Нимага менга ҳадеб заҳрингизни сочаверасиз? Нима гуноҳ қилдимки... — аёл болаларини бағригабосган қўйи, эркак кишининг юрак-бағрини эзид юборадиган даражада овоз чиқармай, қон йиглай бошлади. Унга болаларининг йигиси ҳам қўшилди... Уй нақ дўзахга айланди-қўйди...

Гулом иргиб ўрнидан туриб, иш хонасига кириб, эшикни шарақлатиб ёпди. Уй деворлари зирилаб кетди. Шу оқшом у Камолани кутиб, киприк қоқмади. Афсуски, аёлдан ўша куни ҳам, ундан кейин ҳам дарак бўлмади. Гулом ҳам унга ўчакишаётгандай хонасидан чиқмай қўйди. Нонуштага чақириб кирган хотинига қараб қўлига илинган нарсани ота бошлади. Охири безор бўлиб, Шоира ҳам уни ўз ҳолига ташлаб қўйди. Болаларни-ку, умуман, йўлатмади. Ниҳоят, бир ҳафта деганда Гулом хонасидан чиқди. Аммо унинг башарасига қараб бўлмасди. Соч-соқоли ўсган, чиройли кўзлари оқига довур қизариб, қовоқлари қонталашган... Энг даҳшатлиси, оғзининг ўнг томони қийшайиб, ўнг кўзининг қовоғи пир-пир учадиган бўлиб қолганди.

«Баттар бўлсин, — деди Шоира ёлғиз ўзи чой ичиб ўтиаркан.

— Мен ҳалиям уни аядим. Ўша куни бу ёққа келаман деб йўлга чиққан шогирдчасини эри уриб, беҳуш ҳолда касалхонага ётқизганини айтмадим. Бу хабарни бошқалардан эшитгани маъқул. Устозининг аҳволини кўриб, шогирдчасининг юраги ёрилиб кетса керак. Орқа-олдига қарамай эрининг уйига югурса-я. Урганингиз ун оши деб. Оғзи қийшиқ бўлса ҳам майли, бизга бўлаве-

ради. Қайтага шуниси маъқул. Кўнглим тинч бўлади. Илмий ишини бир кун келиб жойига қўйиб қўярман. Агар ер тагида қурт-қумурсқага ем бўлиб кетмаган бўлса...» — сўнгти кинояли сўзлари ўзига-ўзи нашъя қилиб, аёл шарақлаб кулиб юборди. У бор овози билан хонани тўлдириб кула бошлади...

О, ҲАЁТ!

Назар чол уч-тўрт кун сирқовланиб юриб бирдағы кўрпа-тўшак қилиб ётиб қолди. Алишер дўхтирга югурди, кампири Ойнисахон бошида парвона, келин-неваралар ош-сувига балогардон!

Кунора маҳалладан уч-тўрт оқсоқол кириб ҳол-аҳвол сўраб туришди. Назар чол яқинларининг, оқсоқолларнинг ўзларини тутиши, гап-сўзларига разм солиб, вақти-соатим ётибди-да, деган хаёлга борди. Бироқ! Нега? Нима учун? Ахир бу дунёдан кетиш учун бирор сабаб бўлиши керак-ку! Бир ери қилт этмаса... Оғриқ бўлмаса, азоб бўлмаса...

Озгина беҳоллик демаса... Шу беҳоллик, ҳорғинлик уни ётқизиб қўйяпти, бўлмаса аллақачон қаддини ростлаб, ҳовлида гимирлаб юрарди. Чорбоғдаги ишлар ҳам ўлда-жўлда ётгандир. Чол тепаларида туриб ишлатмаса, қўлларини совуқ сувга ҳам урмайдиган неваралари унинг бетоблигини эшлишиб, дўппиларини осмонга отиб юришгандир.

Ўғли олиб келган дўхтиrlар чолнинг дард-касалини топиша олмади. Биттаси ёшини сўраркан, «етмиш беш!» деган жавобни олгач, Алишерга маъноли кулимсиради: қаричилик, яъни вақти-соати ётибди-ку бобойнинг, демоқчи бўлди-ёв. Авваллари, ётиб қолмасидан бир кун бурун ҳам ҳали тўй деб, ҳали чаллари деб зшикма зшик юрадиган Ойнисахоннинг қадами тийилган, учтўрт кундан бўён ёнидан жилмайди. Кампирининг юзи бир оз изтиробли, аммо кўнгли хотиржамдек туюлди беморга. Ҳол сўраб чиққан қўшниларига секингина:

— Вақти-соати ётган бўлса не қиласиз! Ҳаммамиз ҳам бир кун мас бир кун кетамиз-да у дунёга. Ажал келса бисмилло, энди! — деганини эшлишиб қолди-ю, чолнинг бутун вужуди титраб кетди.

Наҳотки! Қандай журъат этяти бу сўзларни айтишга?.. Ҳаяжон аралаш қўрқув таъсириданми чолнинг увишиб ётган оёқларига жон зниб, юмуқ кўзлари чаҷчайиб кетди. Кампир бирдан ҳушёр тортиб чол томон ўгирилди.

— Сув бер,— деди чол титроқ овозда.

Ойнисахон сув ичишига ёрдамлашиш учун ёстиғини кўтармоқчи бўлганди, чол силтаб юборди. Бир пиёла сувни ютоқиб-ютоқиб ичаркан лоҳас вужудига куч зниб, ўзини бардам ҳис этди ва ҳаммани ҳайрон қолдириб, иргиб ўрнидан турди-ю ҳовлига чиқиб кетди.

Ховли-чорбоғ саранжом-саришта эди. Чол ётиб қолмасидан бурун иеки юмушга қўл урган бўлса, барчаси ўзиникидан ҳам аъло даражада бажарилган; орқаларидан қувлаб юриб ишга соладиган неваралари елиб-югуриб биг-бинсийдай иш қилиб юришарди. «Мен бўлмасам бу уй, бу ҳовли хароб бўлади», деб ўйлаб юрган чолнинг ҳафсаласи пир бўлди. Тенгсалиб у ёққа ўтди, бу ёққа ўтди, бир эрмак тополмади. Соғайиб кетгани ҳеч кимни қувонтирмаётгандек туюлди унга. «Бақироқ туждан қутиласиди ган бўлдик деб хурсанд ҳам бўлишгандир балки», деган ўй юрагини фижимлаб ўтди.

Аммо ўзининг қувончи чексиз эди. Майли, ҳеч ким суюнмаса ҳам, бор-йўғидан хабар олишмаса ҳам, шу ёруғ дунёни, ҳаётни тарк этмаса бас. Ҳеч нарса керак эмас, ҳеч нарса! Ҳаммасини бердим уларга!

Манави ҳашаматлар — ҳовли-жой, мол-ҳоли, қўр-кути — ҳеч бирни керакмас. Бир вақтлар шу анжомлар учун жонини жабборга бериб ишлаган кунларини ёслаб чолнинг жаҳли чиқди. Ҳаммаси беҳуда, арзимас матоҳ! Фақат яшаш, яшаш, яшаш! Қанийди, мангум яшаса (ҳар гал шундай ўйлаши билан чолнинг юраги қинидан чиққудек дукиллаб уриб кетади), атиги етмиш-саксон йил (шунга ҳам ета олсанг!) умр бўптими? Аниави токчада турган лаган чолнинг бувисига онасидан қолган, қаранг, одамзоддининг умри шу лаганча ҳам бўлмаяпти-да! Тахминан ёшини ҳисоблаб кўриб, чолнинг шу лаганга ҳам ҳаваси келди. ✓

Шу ёшга кириб Назар чол кампира айтган «у дунё»нинг борлигига ўзини ишонтира олмади. Кўзини юмса бас, зимистон қоронгулик, йўқлик! Қолганини ўйлашга-да кўрқади.

Чол бундан етмиш беш йил муқаддам эмас, худди куни кеча туғилгандай оламга ҳайрат нигоҳи ила боқиб, ҳеч ундан кўнгил узолмайди. О, ҳаёт! Мана шу мислсиз ёруғлик, кенгликни ҳеч нарсага алиштириб бўлмайди, ахир! Тип-тиниқ осмон, ям-яшил барглар, аллақандай, чол ҳатто номини ҳам билмайдиган ажойиб гулларнинг ёқимли ҳиди, ариқчада жилдираб оқаётган сув! Эҳе, буларни қандай қилиб кўз қияди.

Бир мунча вақт ўзини дадил ҳис этган чол чойхонага чиқиб ошналари билан чақчақлашиб юрди. Гўёки кексалик гаштини сураётгандек, аслида қариллик – иложисизлик мезони, энг ёқимсиз давр экан деган хаёлга бориб, ўксиб юрди. Шу орада нима бўлди-ю ошналаридан бири тўсатдан вафот этди. Жанозадан қайтиша-

ётганда чоллар ўзаро сұхбатлашиб келишди: жаннату дўзах ҳақида, аэроилу мункар-накир ҳақида, гуноҳу савоблар ва яна алтамбалолар!

Чоллар ўта хотиржам ва ўта ишонч билан (худди бориб у дүнени ўз кўзлари билан кўриб келишгандек!) гапиришар, бир-бирларининг сўзларини маъқуллаб ҳам кўйишарди. Бирортасининг юзида гумон аломати сесилмасди. Фақат Назар чолгина беҳаловат, бесаранжом!

«Йўқ, ҳаммаси ёлғон,— дерди унга ички бир нидо,— садалар ўлимдан чўчимаслик учун нариги, иккинчи дунёни ўйлаб тошишган. Бу дунёдан ўтганимиздан кейин бутунлай йўқ бўлиб кетмас эканмиз, деб ўзларига тасалли-таскин бериш мақсадида ўйлаб топилган сафсата. Аслида! Аслида ўлдинг-ўчднинг! Тамом! Юрак уришдан, қон айланишдан тўхтадими, бўлди. Таананг ириб-чириб, қурт-қумурсқаларга ем бўлиб, тупроққа қоришиб кетасан. Қулоқ эшишмагандан кейин, кўз кўрмаса, онг ҳеч нарсани идрок қилолмаса, миянг ҳеч нарсани ўйлай олмаса... руҳ бўлиб яшагандан нима фойда! Қизиқ, ўлганимиздан кейин овозимиз қаёққа кетаркин? Ким кафолат бера олади ўлимдан кейин ҳам ҳаёт борлигига? Барибир бу дунёни ташлаб кетар эканмиз, нега яралдик? Тирикликни яратгувчи зот бундан бошқа эрмак тополмадими? Хўп, яратишга яратибди, тўқис қилиб қўймайдими?

Назар чол ўзи билан ўзи олишиб юрган кунларнинг бирида ўғли Алишер ҳалокатга учраб, касалхонага тушиб қолди. Чол ҳаллослав етиб борганида, ҳамма ёғи дока билан ўраб ташланган Алишер уни кулимсираб қарши олди. Ҳатто ўрнидан туришга-да чоғланди. Бу ҳаракатларни кўриб чолнинг кўнгли жойига тушгандек бўлди: ҳар тугул аҳволи оғир эмасга ўхшайди.

Шу куни у туни билан ўглининг ёнида ўтириб чиқди. Тонгта яқин сал кўзи илингандек бўлган экан, аллақандай инграганга ўхшаш овоздан чўчиб уйғонди. Қараса Алишер! Икки кўзи отасида, нимадир демоқчи бўлади-ю, ҳеч чоги келмаяпти.

— Уриниб қоласан, болам, гапирма,— дей зорланди чол.

Алишер бир неча сония отасига қаттиқ тикилиб турди-да, сўнг маъюс жилмайди ва беозоргина кўзларини юмди.

Шу кўйи ўғли кўзларини қайта очмади.

Кутилмаган зарба чол-кампирни эсанкиратиб қўйди. Айниқса, Ойнисахон билан келини ўзларини об қўйишади. Юзларини юлиб, ёқаларини йиртиб уввос солишиди: «Алишер, менинг ёнига торт!»

Келин бир уйда бағрини захга беріб ётар, кампири бир уйда! Иккала аёл ҳам бошдан-оёқ қора кийимга ўралган. Күн-уззукун ҳуш-беҳуш бўлиб ётишарди. Айтиб йиглайвериб овозлари ҳам бўғилиб қолди шекилли, ҳар замонда инграгандек овоз чиқариб қўйишардии, яна ҳушдан кетишарди.

Ёлғиз Назар чол тирик арвоҳдек ҳовлида ғимирлаб юарди. У ҳам оғир аҳволда қолганди. Ўғлини қўмсағ пана-панада йиглаб олар, аммо ҳеч вақт кампири, келини сингари ўзига ўлим тилай олмасди.

Қайнона-келиннинг аҳволини кўриб, буларни ҷалғитиши керак деган қарорга келди у ва ўйлай-ўйлай ошхонага кириб, ярим бидон ёғни кўздан пана ерга бекитди-да, Ойнисахон ётган уйга кириб, буқчайганча унинг баш тарафига ўтиб ўтирди.

— Кампир, — деди оҳиста, — уйғоқмисан?

Ойнисахон кўзларини базур очиб чоли томонга қарапкан, икки чаккасига икки томчи ёш думалаб, оппоқ соchlари орасига ёйишиб кетди.

— Эртага пайшанба! Уйга одам келади! Бир томчиям ёғ қолмабди-ку ошхонада!

— Анавиндан сўрамадингизми? — деди кампир хириллаб. — Ҳаммаси ўшанинг кўлида-ку.

— Билмайман, деялти, — чол кўзларини пирпиратиб, кампирга тик қарай олмади.

Ойнисахон юзини четта бурди.

Назар чол узум остидаги сўрида бошини кафтлари орасига олиб, мунғайиб ўтиаркан, кимдир ёнига келиб секингина «Дада» деб чақиргандай бўлди. Илкис бошини кўтарган чол қаршисида қовоқлари шишиб, юzlари тирналган келинини кўрди.

— Ошхонадаги бидонда ёғ бор эди! — деди келини ва юзини кафтлари билан яшириб ҳиқиллай бошлади.

Назар чолнинг юраги ўртанди, ёмон ўртанди. Аммо ўзини босиб, дағал овозда:

— Ошхонангни ҳам кўрдим, ертўлани ҳам кўрдим, йўқ, — деди овозини бир парда кўтариб.

— Вой ўлмасам! Битта-яримта пайтдан фойдаланиб қолган бўлмасин!

— Ҳа, ана энди ўзингта келдинг, келин. Уёқ-буёқча қарасанг бўлмайдими? Эринг кетган бўлса тўртта ўғлинг бор. Яшаш керак, келин, яшаш керак, яшаш!

Келин күзлари ғилт-ғилт ёш, мунгайибина ошхона томонга ўтиб кетди. Тушлиқдан кейин Ойнисахон ҳам қовлига чиқди...

Ҳар қандай дарднинг давоси вақт дегандай, икки йил ўтиб-ўтмай Ойнисахон ҳам, келини ҳам ўзларини анча тутиб олиши. Рўзғор ташвишларига андармон бўлиб, дардларини сал ортга ташлагандаи бўлиши.

Ёлғиз Назар чолнинг дардига даво йўқ эди. У ҳамон ўзи билан ўзи слишиб яшарди.

Саксон бирга кирганида қаттиқ оғриб ётиб қолди. Кампири ҳам, келин-неваралари ҳам энди ўрнидан турмайди-ёв, деган хаёлга бориб, ими-жимида тадорикларини кўра бошлиди. Кампири куппа-кундузи уни ухлашти хәёл қилиб, сандиқдан бир тўп сурпни олиб чиқиб кетаётганини чол ўз кўзи билан кўрди. Бу сафар ҳеч ким дўхтирдан, касалконадан оғиз очмади. Бир гал жони оғриб азоб чекканида, чидай олмасдан кампирининг қоқсуяк сонини ўйиб олди. Ойнисахон қўрқанидан ўрнидан туриб кетди.

— Нима бало бўлди? — деди бир оздан кейин ўзини босиб.

— Нега дўхтир чақиртирмајсан? — деди чол қичқиргудек бўлиб.

— Ўзи айтмади-ку чақир деб.

— Айтмасам чақирмайсанми? Ўла қолсаю қутула қолсам деб ўтирибсанми? Мен ўлмайман, билдингми, ўлмайман! — чол жазавага тушиб бақира бошлади. — Мен яшайман, кўп йил яшайман! Сендан кейин ҳам юз йил яшайман, юз йил! Юз йил!

Чолнинг овози бўғилиб, нафаси сиқди ва бирдан беҳол бўлиб, ўзини ёстиқга ташлади. Қовоқ солиб, ўшшайиб турган кампири шошилиб ташқарига чиқиб кетди. Ярим соатдан сўнг худди шундай ўшшайганча қўшниси Абдунаби мол дўхтирини бошлаб кирди.

Абдунаби беморнинг ўёқ-буёғини кўргач, бир парча қофозга алланималарни ёзиб берди.

— Бу қофозингни молларга берасан! — деди чол негадир жони чиқиб. Кампирига еб қўйгудай бўлиб тикилди. — Мени аҳмоқ қиласанларми? Тузукроқ дўхтир чақиришга ҳам ярамадила-рингми?

— Сиз шу дориларни ичинг, уколларни канда қилмасдан олинг, — деди Абдунаби пинагини бузмай. — Қаттиқ шамоллагансиз, ҳафта-ўн кунда отдай бўлиб кетасиз.

Дүхтири түғри айтган экан, икки ҳафта ўтиб чол соғайиб кетди. Энди у уззукун ҳовлида, күча эшик олдида айланиб юрар, узоқроққа, ҳатто чойхонага ҳам чиқмасди (Чоллар суҳбатидан юраги безиллаб қолғанди). Йүлда қоқилиб кетиб, бир нима бўлиб қоладигандек жуда эҳтиёткорлик билан қадам ташларди.

— Оёкини узатиб ётса бўлмайдими? — дерди кампири ҳар замонда зарда қилиб.

Чолнинг эса уйга киргиси йўқ эди. Шу сабабли кампирининг сўзларини эшитмасликка олиб, ҳовлида юргани-юрган. Соғайиб кеттанидан буён кампирига зугум қилмай қўйган, айниқса, келлинга малол келмасин деб озиқ-овқат масаласида ҳам инжиқлик қилмасди. Тушлик ё кечлиkkка чақиришгандা:

— Бир бурда нон, бир пиёла чой бўлса бас, менга, — деб қўярди минғирлаб.

«Кўп емоқ ҳам кони зиён, — деб ўйларди у бир вақтлар аллақайси китобдами-журналдами ўқиганларини эслаб. — Узоқ умр кўрай дессанг кўп ема, дейилганди ўша китобдами-журналдами. Қайси китоб экан? Кимники эди-я? Луқмони Ҳакимникими?»

Чол невараларида бирини чақириб, «Менга Луқмони Ҳакимнинг китобини топиб кел мактабингдан», дей илтимос қилди. Икки кун ўтиб ўша невараси:

— Ота, мактабимиз кутубхонасида Луқмони Ҳаким деган ёзувчининг китоби йўқ экан, — деди ю, югуриб ҳовлига чиқиб кетди.

Чол хафа бўлди. Неварасидан ҳам, китобни топиб бермаган ўша кутутхоначидан ҳам кўнгли қолди. Аммо начора, дардини кимга айтсин?

Майсалар кўкариб, дарахтлар гулга кирган кунларнинг бирда кампирини ётиб қолди. Дўхтири чақиришга ҳам, касалхонага боришга ҳам кўнмади.

— Бу ёғи ҳин қолди, чол, — деди у ҳансираф. — бир кам саксонга кирдим, армоним йўқ. Сиз ҳам болаларни қийнааб нима қиласиз. Ҳеч кўрқинчли ери йўқ буни! Ахир Алишернинг олдига борамиз. Сиз шуни ўйланг, Алишерни ўйланг! — Кампирининг нафас олиши сустлашиб, қорачиғи тенага тортила бошлади. Тили курмовга келмай, алланималарни гўлдираганда, чол базўр илғаб олди:

— Кўяглингизни оғритган бўлсам, кечиринг, мендан рози бўлинг, — деди-ёв.

Сўнг «шуғ» деди-ю жон таслим қилди-қўйди. Оппа-осон! Хамирдан қил суғургандай!

Кампирининг ўлимидан кейин чол ўзини анча олдириб кўйди. Яхшими, ёмонми, ҳар қалай кўз очиб кўргани, жуда ўрганиб қолган экан. Айниқса, сўнгги сўзларини эсласа, аъзойи-бадани титраб кетади. «Аҳволимни сезган экан, шўрлик,» дерди-ю кўзидан дув-дув ёш тўкиларди. Ҳийла вақт гарангсиб юрди, аммо кейин ўзини ўнглаб олди. «Менинг ёшимда кўп куйиниш ярамайди,— дерди у ўзига-ўзи. — Асаб толалари ўлиши мумкин».

Чол ҳовлида ўзини бегонадай сезарди. Аввал ўғли, кейин кампирининг вафотидан кейин бу уйда ҳақсиздай бўлиб қолди. Факат келини — Алишернинг аёли олтмиш беш ёшида, ергўлага тушаётуб қоқилиб кетиб ўша ернинг ўзида тил тортмай жон таслим қилгунга қадар чолнинг иссиқ-совуғидан хабардор бўлиб турди. Кир-чирини ювиб, дуосини олди. Шунга довур чол ўзининг ёшини эслаб, ҳеч янгишмасдан ҳисоблаб юради. Келининг ўлимидан сўнг унинг ҳаётидаги парокандалик юз берди. Неваралар, невара келийларнинг у билан ишлари бўлмай қолди. Гоҳ вақтида (жуда кам ҳолларда), гоҳ бемақт чой-нонини бериб туришганини ҳисобга олмагандан, ҳеч ким ундан ҳол сўрамай кўйди. Чолнинг ҳам уларга кўзи учиб тургани йўғу, ҳар қалай одамгарчиллик юзасидан дегандай.

Ўзларидан кўпайишиб, хона етишмай қолганида чолдан сўрамай-нетмай уни ошхона ёнидаги ҳужрага кўчириб ўтқазишга-да ҳам у оғринмади. Аксинча, уларнинг устидан кулишга-да қудрати стди. Ҳали улар ҳеч нарсадан бехабар, ўзларини дунёга устун бўлади деб ўйлашади шекилли! Ҳа майли! Чол хотиржам, жимгина, ҳатто бир оз кулимсираганча эшикдан кирган-чиққанларни кузатиб қоларди. Зоро, тирикликтининг ўзи катта баҳт эди унинг учун. Ёруғ дунёда борлигини ҳис қилишнинг ўзи улкан қувонч бағишларди қалбига.

Кунларнинг бирида ҳовлидан қий-чув, йиги-сифи овози эшиглиб қолди. Эваралардан бири оламдан ўтди шекилли! Чол тўнгич неварасининг ўғлини злас-элас кўз олдига келтириб, юраги бир ҳаприқди. Анчадан буён кўнгли бу қадар юмшамаган эди. Наҳотки, ёлғизлик жонидан ўтган, яқинларининг йўқлиги билингандек бўлса? Аслида у ёшига нисбатан анча дадил, ҳовлига чиқиб юришга-да қодир эди. Бироқ, уни ҳеч ким на азасига, на тўйига йўқларди. Гўё у йўқ, унугилтган! Одамларнинг эсидан чиқиб кетгандек эди гўё.

«Арзимаган майда-чуйда ташвишлар учун куйиб-ёнишнинг ҳожати йўқ,— деб ўйлади чол, аммо киртайиб, қовоқлари ичига

ботиб кетган күзларидан дув-дув ёш түкиларди. — Ҳаммаси бе-худа!»

Чолнинг кўзлари хиралашиб қолган бўлса-да, онг-шуури ҳамон теран, дераза ойнасидан тушиб турган бир тутам нур, бир парча осмонга тикилиб ётиб, ҳамон тириклик лаззатидан баҳраманд эканлигидан қалби қувончга тўларди. Яна бир мунча вақт ўтиб, Назар чол ёшини ҳисоблашдан бутунлай адашиб кетди. Тишлари тўкилиб, янги сут тишчалар чиққанига ҳам аллазамон бўлган. Ундан кейин невараси оламдан ўтди, сўнг эвараси! Бошқаларини у танимайди, ҳатто исмларини билмайди. Аллақандай чорпахил йигитлар! «Наҳотки шулар менинг зурёдим бўлса, — деб ўйларди у ўша чорпахил кишиларни ҳар замонда кўриб қолганида. — Эварамнинг неварасими ёки неварамнинг ўғлимикин?»

Бора-бора чол ҳужра деразасидан тушаётган бир тутам нурни кўриш имкониятидан ҳам маҳрум бўлди. Қулоғи ҳам эшитишдан чарчади.

Ҳамма ёқ зим-зиё, тун-куннинг фарқи йўқ зди. Шунда ҳам чол тушкунликка тушмади. Ундан хабар олиб турувчи кишилар ҳам аллақачон бегона одамлар! Салом йўқ, алик йўқ, бир коса ёвғонни «тўй» этиб қўйишидико, тўнғиллай-тўнғиллай чиқиб кетишиади. Чол сассиқ тақадай бадларига урганлигини яшириб ҳам ўтиришмасди. Чолнинг кўзи ожиз бўлмаганида, қулоғи оғирлашиб қолмаганида уларнинг аҳволини кўрган, ширасиз сўзларини эшишган бўларди, аммо барибир кайфиятини бузмай, уларнинг ортидан тиҳсиз милкларини кўрсатиб тиржайланча кузатиб қолган бўларди.

Овқатдан кейин бир соатми, иккни соатми, балки кўпроқ вақт ўттач, яна бирори илимилиқ чой кўйиб кетарди. «Қайноқ чойни ичаман деб куйиб қолмасин дейишса керак-да, раҳма-ат», деб ўйлашга чолнинг фаҳм-фаросати етарди.

Тимирскиланиб, бир коса ёвғонни ичиб олиб, яна жойига чўзиларди. Тирикликнинг барча воситаларидан — кўриш, эшитиш, юришдан маҳрум бўлди, энди чол ўлса керак деб ўйлашди атрофдагилар.

Баъзилар унинг бир боғлам пиёздай бўлиб ётганини кўриб: «Эй худо, намунча хўрламассанг бу бечорани, нима гуноҳи бор эдики жонини олмаяпсан, — дея нола қилишарди. — Ахир ўлон-маслик ҳам азоб-ку!»

Чол эса уларни күрмасди, эшитмасди, аммо ғайри шуурый равишда кимлардир томоша қилаётганини сезиб қолиб, қўлига илингандарсанни — косами, чойнакми олиб, эшикни мўлжаллаб туриб улоқтиарди.

Сўнг эса аввалгидан ҳам теранроқ, аввалгидан ҳам равшанроқ мулоҳаза юритиб, кўнгли қувончга тўларди: «Мен энди ҳақиқий ҳаётимни яшаяпман! Мен яшаяпман!»

ТҮХТАБ ҚОЛГАН ВАҚТ СУВРАТЛАРИ

Қаҳратон қиши чилласи айни авжига чиққан күнларнинг биринда Исоқ чолнинг девор-дармиён кўшниси бева Зилай байча қишлоқ аҳлига ажойиб хабар етказди: эмишки, Исоқ чолнинг кеңжатоий шаҳарлик қизга уйланиш тадоригига. Бўлгуси келин сулувдан сулув эмиш, яна шеър ҳам ёзайкан...

Қишлоқдошлар келиннинг шаҳарлик эканлигию сулувдан сулувлигига айтарли ажабланишмади. Аммо Зилай байчанинг “шеър ёзайкан” деган таъкиди фавқулодда гап бўлди.

Деярли ҳар куни чошгоҳдан сўнг, ҳаво андак тоб ташлагач, ҳангоматалаб ёшу қари кўчага чиқиб, эшик олдидағи қор босган ходалар устига ўтириб олишади. Исоқ чолнинг ҳовлиси қиялиқда жойлашгани боис, қишлоқ аҳлига аниқ-таниқ кўриниб турди. Одамлар кўзларини лўқ қилганларича шу ҳовлини кузатишади.

— Бу дейман, жўрангизди супрақоқдиси бало чиқдими, а? — деди ниҳоят ўтирганлардан бири ёнидаги серсоқол, басавлат кишига юзланиб.

— Э, — серсоқол кишининг жавоб бергиси келмади шекилини, энсаси қотгандек афтини бужмайтирди.

Бироқ ҳангомани бошлаган киши бу билан қаноатланиб қолмади.

— Тўй шаҳарда бўларканма ё?..

Серсоқол киши эса атрофдагилар илҳақ бўлиб ўзига тикилишаёттанини сезса-да, пинак бузмай Исоқ чолнинг ҳовлисига тикилиб ўтираверди.

— Шаҳарда бўлса керак-да, — деди ҳангомани бошлаган киши сал оғриниб. Сўнг, бир пас жим тургач, сабри чидамасдан яна гап бошлиди: — Шаҳарликлар анойимас. Ими-жимида тўйди ўтқазади-кўяди. Кейин Бекпўлатбой ҳам шаҳарда яшайди. Бу ёқларга келиш қайда. Шаҳарлик жўнатмайди. Қозон-товоқни бир кун келин ювади, бир кун Бекпўлат... Шаҳарлик эр хотинлар ҳамма ишни тенг бўлиб олишаркан.

Серсоқол кишининг сабр косаси тўлиб кетди шекилини, шеригига хўмрайиб қараб қўйгач, жаҳл билан носини туфлади, кейин оғзининг четини чопони ёнгига артаркан, тилга кирди:

— Энди-и, ҳаммаси сен айтганча бўлавермайди-да, иним, — деди у зарда билан. — Шаҳарлик бўлса не бўпти? Исоқбой эл

қатори қалин беради, эл қатори түй қилади. Фақат... — Серсоқол кишининг юзида ташвиш аломатлари сезилди. — Шеър ёзгани чатоқ экан-да. Шойир бўлса партия бўлиши турган гап.

Ўтирганлар бирдан сөргак тортишди. Байни Исоқ чолни улкан ташвиш, қайғу кутаётгандай безовталаниб, хавотирланиб жим бўлиб қолишиди.

* * *

Хотинлар бўлса ўчоқ бошидами, бостиридами туриб олишганларича, оғизларига келган гапни тўкиб солишдан чарчашмасди.

— Овул қизларини оғзи сассиқ деган-да Бекпўлатбой, — дерди бири киноя билан. — Эмаса, ана, жон қўшниси Зилай байчанинг бир эмас, олти қизи бўй стиб туриди. Бўларди шулардан бирини олса.

— Ўзлари суйишиб қопти-да, — дея йигитнинг ёнини оларди ўзининг “сирдош янга” эканлигини кўрсатиб қўйиш учун ҳар бир сўзни таъкидлаб, маъноли қилиб гапиришга уринаётган Бекпўлатнинг чечаси Норбуви. — Бек кўклам бозорга майиз олиб чиқкан. Майизи бозорди олди бўлган. Ҳаммадан олдин сотиб бўп, пулни белга туйиб шаҳарга айланганда шу қизминан танишиб қоған. Кейин бир бало қип эритгандагин, кўйлакми-жузиқми оберганми, ишқиб, пулининг ба-арини қуритиб келди-ку!

Судбатта Зилай байча кайвониларга хос салобат билан арапладиди:

— Келинни келганда кўр, сепини жайганда кўр. Шунда ҳамманг орқанта шалатилаб қоларсан ҳали. Шаҳарди сувини ичиб, тарифини жеб катта бўлган қушди бу тупканинг тубига байлаб қўйсанг ҳам турмас.

Хотинлар дарров бу доно фикрни маъқуллаб чувиллашиди:

— Ҳа, ҳа. Қишиди қаҳратонини кўрса, кўкламда лойгарчилик тиззасига чиқса, орқа-олдига қарамай зинғиллаб иссиққина, топтоза шаҳарига жўнаб қолса кераг-ов!

* * *

Үйланган бирор, келин олаётган бирор, шунга қарамай, Исоқ чол сб, булар қуруқ қолишаётгандай, аҳли овул ҳали келмаган келин хусусида турли тахминларни бичиб тўқийверди, бичиб

тўқийверди. “Шаҳарлик қизнинг ёши анча ўтиб қолган экан-да...” деса бирори, бошқаси пайровни дарҳол илиб кетарди: “Йўғ-е, ўқишни энди битирган экан-у, лекигин... катталарнинг олдида ишлаб журиб... бир бало бўлиб қолган экан-да...”

Бу гаплар Исоқ чолнинг олдида айтилмаса-да, оқсоқол ер тагида илон қимирласа биладиганлардан зди. Шу боис ҳамқишлоқлар “Исоқбой, оқсоқол” деб мулозамат қилгандарни билан ортидан ҳурпайиб қараб қолаётгандарни сезиб турарди. “Булар нега буйтади? — дея ҳайрон бўларди чол. — Ҳар бирида меникидан кўп бола, келин-невара бор. Қўраси тўла қорамоли, эчки-улоғи бўлса. Қора узумдан ҳар майиз қилишади, бир ҳовучидан ортигини ся олмайсан. Кўкламга яқин, нарх-наво кўтарилганда шаҳарга обориб сотиб, бир дунё пул қилишади. Томорқасига экмаган экини йўқ. Аммо шундай эшигидан кириб борсанг, дастурхонида қоп-қора иону товуқга берилгандай сочиб юборилган парвардадан бўлак ҳеч вақо тополмайсан. Ҳар бирининг ер тўласида ўн йилга етарли дон-дун, ёғ-мой босиб қўйилмаса ҳисобмас... Олтмиш биринчи йил пул алмашганда уста Орипнинг отасининг куйиб қолган пуллари Кўктепани қоплаганди. Шунга ўҳшаб, буларди топгани ўзига буюрмайди...” Ўйлари шу жойга етган маҳаллари чол бенхтиёр ўз-ўзидан мамнунлик туйиб қоларди. “Ўзимдан айланай, бола-чақамнинг томоғидан қийиб мол-дунё йиғмасам ҳам ёмон яшаётганим йўқ ҳар тутул. Ҳаммаси ўзимнинг меҳнатимнинг орқасидан...”

* * *

✓ Кўп ўтмай Исоқ чол тўй ҳаракатига тушиб қолди. Қишлоқнинг энг олд бойваччаси Самандар тамакифурушининг машинасини кира қилиб (Самандар тамакифуруш аслик бу ерлик змас. Олтмиш саккизинчи йилимиди, аллақаёқдан кўчиб келиб қолганди. Ўшанда кўни-қўшнилардан бир косадан ун сўраб юрадиган хотинию жулдор кийинган бир этак боласи бор зди. Самандар пишиққина экан, тез орада тамаки орқасидан бойиб кетди. Мана энди унча-мунча одамни писанд қилавермайди. Аммо Исоқ чол машина сўраб борганида ҳеч ўзини тарозига солиб ўтиրмасдан дарров рози бўлди) шаҳарга зир қатнади. Алал-оқибат қиз томонни кўндириди ҳам.

Исоқ чол тўйнинг барча харажатларини баҳоли-кудрат ўзи кўтарди, бирорнинг олдига қарз сўраб бормади. Аёллар орасида

бўладиган олди-бердига ҳам ҳасислик қилиб ўтирмади. Бу саҳо-ватдан катта келин Норбуви ҳам анчагина фойдаланиб қолди: келинга деб олинган сарпопардан иккисини кўрсатса, бирни сандигига ташлаб қўяверди.

Ишқилиб, чол ўғлига онасининг йўқлигини билдирамади ҳисоб. Тўй — ҳаётда бир марта бўладиган савдо. Исоқ чол дунёдан ўтиб кетганидан кейин фарзандларининг ўзидан домангир бўлиб юришини сира-сира истамасди...

* * *

Тўйдан кейин келиннинг ота-онаси тоғлик қуданинг қистови ва қизлари Маликанинг ялиниб-ёлворишлари таъсирида тўрт кунча меҳмон бўлиб қолишиди.

Кетар чоғи она қизига тайинлади:

— Қизим, ўзинг рози бўлмаганингда бошимни уриб ёрсалар ҳам сени бу ерларга раво кўрмасдим. Тақдир экан, илож ҳанча. Энди унгин-ўсгин, кам бўлмагин. Тош келса кемир, сув келса симир. Аммо уриш-жанжалингни кўтариб оstonамга қадамингни кўйма!

“Бу ерларнинг нимаси ёқмадийкин ойимга? — дея ҳайрон бўлиб ўйлади Малика ота-онасини кузатиб қўйгач. — Ахир бу ер курорт-ку!”

Чиндан-да, қишлоқ навниҳол келинчак мисоли сўлим эди. Чор тараф паст-баланд яшил адирлар, уларнинг бағрида кўкси қон лолақизғалдоқлар жилоланиб кишини ўзига тортарди. Адирлар ортида эса найзадор учи билан осмон бағрини тешиб юборгудек тарзда кўнғир-кул ранг тоғлар ястаниб ётарди. Ҳаво эса шу қадар беғубор, тиниқки, чөртсанг борлиқни тўлдириб жаранг бергудек...

Ховлилар қуюқ дарахтзорлар билан ўралган. Олисдан қаралганда қишлоқ яшил парда оғушида кўринар, бу парда ортида қиз ўзи учун номаълум ўлка мавжудлигини туйса-да, асло чўчимасди. Устига устак, сершовқин шаҳар ҳаётидан кейин овулнинг тинчлиги, осойишталиги уни мафтун этганди.

Малика табиатан таъсирчан қиз эди. Қишлоқда майсаларнинг саррин шабадада майин тебранишидан тортиб тонг, саҳарда қушларнинг бир-бирига гал бермай чаҳ-чаҳлашларигача, шафтли гулининг гўзаллигидан тортиб тирикчилик ташвишида гимирлаб юрган қурт-қумурсқаларнинг ҳаракатигача эътибор билан қарап, беҳад завқланар эди. Шундай пайтлари у беихтиёр

“Мен бахтиёрман!” деб шивирлар ва кўзлари порлаб, яна-да гузаллашиб кетарди.

Малика азбаройи жўшиб кетганидан шеър ёза бошлади. Қораламаларини сиёҳи қуримай туриб эрига ўқиб берарди. Бекпўлат шеърларни миқ этмай, нафасни ичига ютиб эшитар, аммо хотинининг нима деётганига кўпам тушунавермасди. Зоро, йигитни шеърнинг мазмуни эмас, шеър ўқиётган маликанинг ўзи асир этарди. Бекпўлат сигирларни подага қўшиб келаётганида ҳам, тегирмонда чантга беланиб ишлаётганида ҳам рафиқасининг шаҳарликларга хос рангпар чехрасини, маънога тўла чақноқ кўзларини, майин, латофатли табассумини қайта-қайта эслайверар ва эслаган сайин оғзининг таноби қочиб, маст одамдек гандира克拉б юарди.

* * *

Қишлоқ одатига кўра, янги келинчакка икки-уч ой қора ишлар қилдирилмайди. Балки, дарров “кир” бўлиб қолмасин дейишар. Шунинг учун катта келин Норбуви ўн бир яшар қизини ёнига олиб уй ишларини эплаштириб турди, келин-куёвга кўпда ха-лақит беравермади. Малика “чой дамла... овқатни олиб бориб бер...” қабилидаги ийтимосларни адо эта солиб лип этиб уйнга кириб кетаверганида ҳам Норбуви ғашлик қилмади. Умуман, қайнонаси ошқозон хасталиги туфайли кўз юмганидан буён рўзгорнинг барча ташвишлари, қайнотасининг иссиқ-совуғи унинг зиммасида эди. Тўғри, эр-хотин бирон мўмин-қобилгина, диёнатли кампир топиб, чолни уйлантириб қўйниш ташвишида анча елиб-югуришиди. Лекин чол рўйхушлик кўрсатмади. Жуда сиқиб келгандарида: “Олиб берган кампирларинг мендан буруни у ёқقا жўнаб қолса яна бева қоламанми!” деган ҳазил аралаш гаплар билан қутиди.

Бекпўлатни ҳоли-жонига қўймай, тўйни тезлаштирган ҳам мана шу Норбуви эди. Рўзгорнинг кўзга ташланмас майдо-чуйда ташвишларидан толиққан катта келин ўзининг бағрига ҳам шамол тегадиган кунларни орсиқиб кутарди. Ҳар қалай, осек-қўлини узатиб бемалол дам олмаса-да, ҳеч бўлмаса қўшни қишлоқдаги ота-онасини кўриш учун ортига қарамай, бемалол кетаверар...

Ҳали субҳи содиқдаёқ ҳовлида Норбувининг шанғиллаган овози эштиларди:

— Наси, о Наси, қуриб кеттур, ҳали ухляяпсанми? Тур, ҳовлини шипир. Гүштингни майдаламасимдан тур тез!

— Малика, о Малика! Кун жайилиб кетди-ку, турмайсизларма? Пода кетиб қолмасдан сийирларни согиб ол.

— Марди, о Марди, сенга булоқдан сув опке дегандим-ку. Ҳа, юришинг қурсин! Ҳали шошмай тур, қонингни ичмасам...

Сигирлар бегона қилишдими, тек турмай, депсинавериб, соғдиришмади. Жиги-бийрони чиққан Малика қизариб-бўзариб турганда Норбуви индамасдан келиб чеълакни олди-да, ўтириб сигирни “пов-пов” соға кетди.

— Хамир қёриб қўй, — деб буюрди Норбуви мулзам ҳолда турган овсинига.

Ошхона томон бораётган Малика қўшини аёллар девордан мўралаганича ўзини ошкор кузатаётганини кўрди, бу ҳолдан хўрлиги келди.

“Имтиёз” муддати тугади чоғи, Маликанинг ҳузур-ҳаловатли кунлари барҳам топди. У энди саҳардан шомга довур ҳовли билан томорқада бўзчининг мокисидай тинмай қатнайдиган бўлди. Қишлоқда на газ бор, на водопровод. Ўзоқча тапти қалаб овқат пиширилади, қумғонда чой қайнатилади. “Оғзи осмонга қараган” тандирда нон ёпилади. Кувида сут пишилади, сарёғ олинади. Томорқада сабзи, писёз кун сайин ўтоқ қилинади, боғда ўрик, олмалардан қоқи қилинади, қора кишмишни ювиб тозаланади, қуритилади...

Малика ўзини гўё бошқа оламга, ибтидоий замонларга тушшиб қолгандек сеза бошлади. Аммо бутун заковатини ишга солиб, ҳеч кети кўринмайдиган бу юмушларни яхшилаб ўрганиб олишга ҳаракат қиласарди.

Малика чимхўр эди. Бироқ тинимсиз жисмоний меҳнат туфайлими ёнки тоза ҳаво таъсир қилдими, ишқилиб, тез орада унинг иштаҳаси карнай бўлиб кетди.

— Ҳаддан ташқари кўп овқат еворяпман, — деди у бир куни зрига.

— Қозон-товоқ ихтиёрингда бўлса, ейвер-да, — деди Бекпўлат.

— Йўқ, кўп овқат сийиш зиён. У одамни дангаса, уйқучи қилиб қўяди, мия фаолиятини секинлаштиради.

Бекпўлат илжайди.

— Мияни ишлатиб энди олим бўлармидинг.

— Олим бўлмасам ҳам, миянинг ишлаб тургани яхши-да. Тўғриси, баъзан шунақанги ажойиб фикрлар келиб қолаяптики, афус, ёзиб қўйишга вақт бўлмаяпти-да.

— Ёзиш... шартмикан, — деди Бекпўлат иккиланиб. — Ким ўқирди... яна... шеър бўлса...

Келинчакнинг кўнгли оғриди.

— Ўқиши... шарт эмасдир. Лекин ёзиш шарт.

Бекпўлат дарров ён берди.

— Ўзинг биласан. Ёсанг ёзавер. Қийналиб қолмасанг бўлди...

Тўғриси, жуфти ҳалолининг баъзи қиличлари Бекпўлатга эриш туюлади. Дейлик икки қатор нарса ёзаман деб ўзини овқатдан қисиши, мияни чарчатиш нима керак?.. Уйқудан воз кечиш... Аёл боши билан ... Зарилми? Бу ерда ѡч қурса редакция бўлсайкан, ёзганларини чиқариб турса. Район марказигача камида юз чақирим. Тоғ орасидаги дўппидай қишлоқ бўлса...

* * *

Вақт ўтган сайнин Маликанинг кўнглида норозилик кучая борди. Асал ойи тугагандан буён Бекпўлат ҳам тегирмондан бери келай демасди.

Кузда шаҳарга меҳмонга боришиди. Қайнотаси икки кунга рухсат берди, холос. Ярим кунини йўлда ўткашиб борсаю... Маликанинг назарида бу ноинсофлик зди. Ахир у кузни, мана шудамларни қанчалик интизор бўлиб кутганди. Балки шунинг учундир, борганипарининг зртаси куни Бекпўлат: “Энди қайтсак ҳам бўлар” деганида Малика ўжарлик қилиб, оёқ тираб туриб олди. Ўртага онаси тушди.

— Жон болам, иссиқ ўрнингни совутма, — деди у киши күёви ҳовлига чиққан маҳал. — Бу ерда рўшнолик кўраман деб ҳам ўйлама. Отаси бошқа келин бор. Анов икковининг ғами ҳам стади бизга.

Маликанинг иккала опаси ҳам фарзандсизлик туфайли эрдан ажралишиб, уйга қайтиб келишганди. Шўрлик она шуларни на-зарда тутмоқдайди.

Маликанинг кўзлари жиққа ёшга тўлди.

— Ойижон... у ерда яшаш қийин... У ерда вақт тўхтаб қолган...

Лекин иккала қизининг тақдирли туфайли олган сабоги онани анча қаттиқўл қилиб қўйганди. Шунинг учун шоира қизининг раъйини қайтаришга куч осонлик билан топилди.

— Шоира бўлмасанг гўрга, қизим. Бекпўлатинг ёмон йигитга ўхшамайди. Бир нарсалар ёзб-чизаман деб баҳтингдан ажраби қолмагин тағин...

Инданай қишлоққа қайтишди.

— Биз чумолимиз, — деб қолди бир куни эрига Малика. — Эртадан кечгача ғимир-ғимир қилишдан мақсад битта: яни қорин тўйдириш эканлигини ўйласам юрагим орқамга тортиб кетади.

Бекпўлат хотинининг иягидан тутиб, кўзларига қаттиқ тикилди.

— Кейинги пайтларда кўп норози бўлаяпсан-да. Нега ўзингни бунча қийнайсан? Эл қатори яшаётган бўлсак...

Малика эрининг саволига зътибор бермасдан, титроқ товушда давом этди.

— Мана, масалан, сигир согамиз — сутини ичиш учун. Куви пишамиз — сарғини...

Ич-ичидан қалтироқ турган Малика ортиқ гапиролмай қолди, лабини қаттиқ тишилаб, нафасини ичига ютди, қуйилиб келаётган кўз ёшлиар мижокаларга қалқиб чиқмай, қиз юрагининг тубубига сингиб кетди.

Кўнгли ғаш торған Бекпўлат ўйчан бўлиб қолди.

— Сен нолимасанг ҳам бўлар, — деди у анчадан кейин. — Ҳар қалай, маданиятта ювуқ одамсан. Бизларди айтса бўлади чумоли деб. Эртадан кечгача чангта беланиб ишлаймиз. Газит ўқишга ҳам хафсала қолмайди.

Бекпўлат “тап қўшармикан” деган илинжда хотинига кўз қирини ташлади. Маликанинг қилт этмай, бир нуқтадан кўз узмай ўтирганини кўриб яна гапиргиси келди. Шу пайтгача у, сир бергиси келмаса-да, хотинининг олдидагурунглашиб ўтиришга тортинарди. “Галга нўноқман, ўхшатолмасам Малика устимдан кулади”, деб истиҳола қиласарди.

— Менам катта ўқишиларда ўқисам бўларди. Мактабда ўқишим ёмон эмасди. Фақат отам унча рўйхушлик бермади. “Энангди йўқлиги етади менга. Икковинг ҳам олдимда бўл. Мен ўлгандан кейин билганларингни қиласилар”, деб туриб олди. Акам қулоқ солмай Олтойга кетиб қолди. Армияда ўша ёқда хизмат қилганди. У ёқда яхши кўрган қизи бор экан. Отам орқасидан излаб бориб, сўкиб-сўкиб олдига солиб қайтариб келди. Акам уч ойдан кейин яна қочиб кетди. Бу сафар отам пишиқлик

қилди. Қариндошлар билан келишиб, акамни “майиз сотгани кетган” деб гап чиқарди-да, мана шу Норбуви янгамга унаштириб, кейин бориб акамни диконглатиб ҳайдаб келди. Отамнинг қаттиқ жағли чиққанди. Акамни уч күн оғилхонага қамаб қўйиб калтаклади. Шундан бери акам бечора Олтой ҳақида гап очмайди. Лекин иччиликка муккасидан кетган. Аламини ароғу винодан олади.

Анча ўзига келиб қолган Малика:

— Ҳали акайиз шунинг учун ичаркан-да? — деди.

— Мен шунаقا деб ўйлайман. Яна ким билади дейсан, — қўзларига муңг чўккан Бекпўлат жиддийлашди. Сўнг дераза оша ташқарига бирров қараб қўйди-да, чуқур хўрсинди. — Бу ерларда яшаш ёмон эмас-у, аммо тоғлар орасида дунё кўрмай ўтиб кетаётганимиз чатоқ-да...

Малика эрига ачинди. Шу баробарида икки ўт орасида қолгандай сеъди ўзини. Юрагининг туб-тубида эса бир хавотир ҳам ғимирлаб қолгаңдай бўлди: “Ҳамма нарса изига тушиб улгурган бу турмуш тарзини сал бошқачароқ қилишга уриниш бефойда экан-да...”

Малика энди вақт ҳақида, ёзиш ҳақида ўйламай қўйди. Келинчак энди... бу ерлардан кетиш режасини туза бошлиди. “Фақат бир йўли борга ўхшайди, — деб ўйларди у тез-тез. — Касал бўлиб қолсам... Дўхтирлар унга бу ернинг ҳавоси тўғри келмайди деса... Шунда сих ҳам куймайди, кабоб ҳам. Бекпўлат эса бир пасда шаҳарга кўнишиб кетади. У лаёқатли...”

* * *

Исоқ чол оиласида кечқурунга албатта ҳамирли таом тайёрланади. Чол юмшоқ овқатларни хуш кўрарди. Қайнотасининг кўнглини топишга уринадиган Норбуви ҳатто гўштсиз шўрва қилган кунлари ҳам озгина ҳамир қориб, ёйиб, майда-майда қилиб тўғраб қозонга солиб юборишини унутмасди.

Катта келин... ишлаб ҷарчамайдиганлардан эди, чолнинг бир оғиз “Барака топ, болам” деган мағтовини зшитиш учун ўлибтирилиб ҳаракат қиласади. Болаларининг инжиқлиги, эркалигига эса парво ҳам қилмасди. Кичик овсинининг дангасалигига, қўли бўшади дегунча уйга қамалиб олиши унга сира ёқмасди. “Ўлсин, эпизиллиги ўзининг бошига етсин, — деб қарғаниб қўярди у ғаши келган кезлари. — Келин зоти фақат меҳнатнинг орқасидан

рүшнолик кўрган. Уч кун касалман деб ётиб кўр-чи, ҳатто яхши кўриб олган эрингга ҳам ёқармикансан!

Ҳали нонни “нанна” деб юрибди шекилли бу ойимча...”

Норбуви энди ўттиз бирга кирган. Аммо мудом сал қаддини букиб юрадиган бу аёлнинг ажин босган ҳорғин чеҳрасига қараб камида қирқ беш-элликни беравериш мумкин эди. Бир вақтлар тақимини ўпган қалин сочлари тўкилавериб бошига ёпишиб қолган; юз суяклари туртиб чиққан, икки яноғида чуқурча ҳосил бўлган; киртайган кўзлари тез-тез ёшланиб туради; озғинлигиданми, икки елкаси туртиб чиққандай. Эгнида эса доим униқкан сатин кўйлак. Аммо қачон қарасанг куймаланиб, айтганини қилмаган болаларининг “тўштини майдалаб”, “қонини ичиб” юрсада, катта келин баъзан-баъзан кўтаринки кайфиятда, энг бахтиёр аёлдай илжайиб қолар, афтидан, бундан бошқа ҳаётни орзу ҳам қилмасди.

— Норбуви опа, — деди Малика кечки сабзини ўтоқ қилишаштаглари маҷал, — сиз ҳеч зерикмайсизми?

Норбуви ҳайрон бўлиб овсинига бир неча сония тикилиб қолди.

— Ҳов, нега зерикаман? Иш бошимдан ошиб ётибди-ку!

— Мана шу ҳар кунги бир хил иш, бир хил ташвишдан безор бўлмадингизми?

Норбуви яна ишдан тўхтаб бир муддат ўйланиб қолди. Сўнг шошмасдан ўрнидан туриб, ранги андак ўчган алфозда этагидаги ўтларни уватга ташлаб келди-да:

— Безор бўлганда қайтамиз, — деди. — Одамзодники шу-да. Болам-чақам деб, ота-онам деб ўтиб кетасан.

— Унда одамлар фақат ейиш-ичиш, бола-чақа орттириш учун дунёга келаркан-да, а?

— Бўлмаса-чи. Ҳар ким пешонасида борини кўради. Бирор ундей, бирор мундай. Барibir, бир куни ўтади-кетади...

— Унда бу дунёни, бу оламни яратмоқдан мақсад нима? Масалан, мен ўлсам менинг “мен”лигим қаёқҳа кетади? Мен борлигим учун ҳамма нарсани ҳис қилиб турибман-ку. Йўқ бўлсам-чи?

— Сен бўлмасант болаларинг яшайди, — ёқтирмаироқ жавоб қилди Норбуви.

— Болалар ҳам ўтиб кетишганидан кейин-чи?

— Менга ҳара, ҳой тайтув, — деди Норбуви бирдан ғазабланниб. — Менинг олдимда ҳар нарсани бир нарса деб валдирайверасанми? Мен партияман! Шуни биласанми?

Малика ҳайратдан донг қотди.

— Йүр-э?

— Ишонмаяпсанми? — Ногоҳ Норбуви сал қаддини ростлагандек бўлди. Юзида ҳам виқор аломатлари акс этди. — Биз шуйтиб, эгнимизди қисиб юри-иб ишни қип қўямызда, келин!

— Сиз... сиз партияда нима қилиб юрибсиз, опа?

— Қизлиқ пайтимда пастки овулдаги фермада соғувчи бўлиб ишлардим. Аёллардан керак бўлиб қолган экан, ўз ҳолимга қўймай ўтказишган. Ҳалигача партия майлиси бўлса атайнин ке-либ бизларди обкетишади.

Борган сайнин қизиқиши ортиб бораётган Малика ёш боладек чапак чалиб юборди.

— Нима қиласизлар у ерда?

— Нима қилардик? Майлис тугагунча ўтирамиз. Кейин магазиндан ароён қилиб чойнак-тиёла, чит сотишади. Шулардан олиб, қўйни-қўнжимиз тўлиб уйга қайтамиз,— деди Норбуви гуур билан.

Катта келиннинг қайфияти жуда кўтарилиб кетганди.

Назарида, у “Мен партияман!” деган биргина гапи билан ов-синини янчиб ташлагандай эди. “Бизарди жа анойи деб ўйламасин-да бу жинқарча! Ҳали зартан бир кун партком бова уйма-уй юриб, бизди автовузда обкетганини ўз кўзиминан кўрса, тоза куйиб кетса кераг-ов!..”

* * *

Ҳақиқатан ҳам икки-уч кундан кейин, кечга яқин, қуёш қибла томонга оғиб, ботишига одам бўйи қолганда дарвоза олдига эски, шалоги чиққан “Паз”ик автобуси келиб тўхтади. Ойнадан бош чиқарган тўрт-беш нафар жувон “Норбуви опа!.. Норбуви!.. Кетдик майлисга!” деб чақиришди.

Бу галги мажлисга алоҳида тайёргарлик кўрди. Янги келинлигига сандиққа солиб қўйган кўйлакларидан бирини олиб кийди. Рўмоллари ичидан ҳам энг оҳорлисini танлади. Қизига ўсма эздриб, қошига энли қилиб қўйди. Бостирмада бир соатча ўтириб, ёрилиб кетган товонларини тозалади. Бу ишларни катта келин овсинини куйдириш учун атайлабдан қилди.

Ўша кунги кечки ишлар Маликанинг зиммасига қолди.

Қоронғу тушган маҳал қайноғаси Бердивой ҳовлига чайқалиб кириб келаётганини кўрган Малика хавотирланиб, қўлида-ги сут тўла сатилни аста қозон бошига қўйди.

Бердібой тұғри юришга ҳаракат қылған ҳолда, бироқ ганди-
раклаб келинининг олдига келди.

— Н-норбуви қ-қани?

Малика сатилни қайтадан қулига олди-да, ён-верига аланс-
лади.

— Мажлисга кетган, партия йиғилишига.

Бердібой шақодат бармогини бигиз қилиб юқорига құтарди.

— С-сен м-мендан құрқ-ма? Мен маст эмасман... М-м-мен
куййиб кетяпман. Ман-на бу ер-рим ён-ниб кетялти!..

Күйлаги тұгмалари узилған, сочлари тұзғиган, күзлари қон-
талаш Бердібой құксига муштлади.

— Киринг, уйингизга кириб ётинг, — дея ёльворди Малика
құрқа-писа.

— Ыйқ, кирмайман, партия хотиним майлисдан келгунча шу
ерда ўтираман! — Бердібой яна гандираклаб кетди, сұнг амал-
лаб үчоқ супасыға чўқди. Шу алпозда кўзини зўрга очаркан, им-
лаб Маликани чақирди. — Бу ёққа ке, келин. Қўрқма дедим-ку.
Мен маст эмасман. Сендан бир нарсани сўрамоқчиман. Мана,
сен ёзувчи экансан. Сендан бир илтимосим бор. Шу... Олтинсоқ
деган қиз ҳақида бир шеър ёзиб бермайсанми?

Малика нима дейишни билмай елка қисаркан, кулимсираб
қўйди.

— Ёза оласанми ўзи? Тұғрисини айт...

Шу пайт қайдандир ранг-кути ўчган Исоқ чол келиб қолди.

— Яна ичдингми? — ўдағайлаб сўради у.

— Ичдик. Яна ичамиз. Нима қипти ичсак? Хотин майлисга
кетади, биз ичамиз, биз ҳеч қаерга кетмаймиз, кетолмаймиз... —
деди Бердібой отасининг кўзига тик қараб, дона-дона қилиб га-
пиришга уринаркан.

Малика шу пайтгача одатда камгап ва ичимдагини топ, му-
дом гуноҳкор одамдай чекка-чеккада бўйинни қисиб юрадиган
қайнотасини бу аҳволда кўрмаганди.

— Эш-шак!

Исоқ чол ўрнидан тура бошлаган ўғлининг юзига қаттиқ тар-
саки туширди. Бердібой яна супага ўтириб қоларкан, кўллари
билан юзини тўсиб олди.

Исоқ чол қаҳри қаттиқлардан зди. “Мана сенга ичиш!” де-
диию ҳассаси билан ўғлининг дуч келған ерига тушира кетди. Бер-
дібой зиди қўллари билан кичкинагина бошини тўсиб олди-да,
срға думалаганча, ҳўнграб йиғлаб, дод-вой қилишга тушди.

— Энажон, қаердасиз, знажон... Отам мени ўлдириб қўяди... знажон. Буларингиз мени ўлдириб қўяди, знажон... Энажо-он!..

Азбарой қайноғасига раҳми келганидан юрак-бағри эзилиб кетган Малика турган жойида йиғлаб юборди.

Исоқ чол тобора қутуриб борарди.

— Ичаман змиш! Мана ичиш! Хотин майлисга боради змиш! Мана кесатиш! Лозим бўлган ерга боради! Сенинг ишинг бўлмасин? Эш-шак! Бу ҳовлида мен хўжайнман! Кунда ичиб келаве-риб, знангди сугини зирқиратдинг-ку, нокас!

— Энам мени урмасди...

— Энанг урмаса, мен ураман! Бўкирма-е, нодон! — Исоқ чол силтаб тортиб ўғлини ўрнидан турғазди. — Бор, уйингта кириб ёт!

Чол сўкина-сўкина ўз хонасига кириб кетди. Бердибой шилқ этиб ерга қулади. Малика қайноғасининг қўлидан тортиб турғазмоқчи эди, кучи стмади. Бердибой ғужанак бўлиб, ерга қапишиб ётиб олди.

— Ака, — деди Малика йиғламсираб, — туринг, турсангизчи, юринг, уйга киринг зиди.

Бердибой юмилиб бораётган кўзларини очиб Маликага алланечук синчков қаради-да, секингина:

— Биз шунаقا... қўрқоқмиз, — деди. — Башарамизди бузиб қўйишсаям индамаймиз. Биз шунаقا...

Бердибой қўлини бошига ёстиқ қилиб пинакка кетди. Кап-ката одамнинг... бурни оқиб, қалин лаблари устида қотиб қолганди...

* * *

Икки-уч соат ухлаб, кайфи тарқаган Бердибой мажлисдан қайтган хотинини ўласи қилиб калтаклади.

Норбувиинг кўкармаган ери қолмади. Юришгаям мадори етмай икки кун уйда кўрпа-тўшак қилиб ётди. Малика зиди уни ота-онасиникига жўнаб қолади, деган хавотирда эди.

Бироқ учинчли куни тонг саҳарда ҳовлидан Норбуви янгасининг одатдагидек зардали “Малика, о Малика, тур, сийирни со-виб ол” деган кўрсатмаси эшлилди. Шу билан, ҳеч нарса бўлмандек, одатдаги турмуш тарзи давом этди.

Малика сигир соғиши, кир ювишдан кўра томорқада ишлани яхши кўтарди. Ҳар қалай, бу ер анча тинч. Сабзи пуштасига-

ми, пиёз жүягигами ўтириб олиб ўтоқ қилаверасан, ўтоқ қилаверасан, хаёлда зса дунёнинг у бошидан кириб бу бошидан чиқсанг ҳам бўлади — ҳеч ким халақит бермайди.

Норбувининг аҳволидан қаттиқ таъсиrlанган Малика бир неча кун ғалати кайфиятда юрди. Овсинига раҳми келди. Эрининг юриши бунача бўлса. Кўнгли ҳалиям Олтойда, ҳалиги, яхши кўрган қизининг исми Олтинсоч экан-да. Хўш, Норбуви янгани бу ҳовлида нима, қандай куч ушлаб турибди? Ахир, яна бир марта шундай калтак еса ўлиб қолишяй мумкин-ку.

Ҳали эрга тегмасдан бурун ип-ийгирув фабрикасида ишлайдиган дугонаси Маликага ёрилиб қолганди: “Эргадан кечгача тик оёқда ишлайман. Шундай чарчайманки, асти қўяверасан, бошим гувиллаб, қулоқларим шангиллаб кетади. Кечга бориб оддий кўшув оловни бажаришгаям миям етмай қолади. Ишламасанг бўлмаса. Битта эримнинг топгани нимаям бўларди — томоқдан ортмайди. Шундан кейин ноилож қорин бандаси бўлмасдан иложинг йўқ..”

Маликанинг кўз олдидан кундалик меҳнатдан, рўзгорнинг ташвишларидан чарчаган Норбуви янга.. норбувилар ўтди. Қурилишда ишлаётган коржомали аёллар, далада, саратон тигида кетмон чопаётган аёллар... Улардан Нодира, Увайсий ёинки Маҳзунани сўраб кўринг-чи, билишармикан? Ойдин ҳақида гапириб кўринг-чи. Балки эшишишни ҳам хоҳлашмас. Лекин нархнаво, латта-путталар ҳақида соатлаб дардлашишингиз мумкин.

Бир куни Норбуви токчада турган Достоевскийнинг китобини кўриб қолиб: “Вой-бў, отини ўқиши шунча қийин-у, ичидагини қайтиб ўқийсан!” деганди. Ахир Норбуви янга ҳам мактабда ўқигандир, илм олгандир...

Ўйлай-ўйлай, ахири Малика бу ҳолнинг сабабини ўзича топгандай бўлди. Камбағалдан ҳеч қачон донишманд чиқмас экан шекилли. Агар Норбуви янгада, норбувиларда бу қадар кўп турмуш ташвишлари, қийинчиликлари бўлмаганида эди, эҳтимол, улар олиму шоирлар бўлишмаса-да, ҳар нечук фикрловчи, заковатли уй бекалари бўлишмасми? Агар Нодирабегим ҳам фақат ошқозон ташвишига боғланиб қолганида эди, қуёшни уйқудан уйғотадиган оддий аёлга айланиб қолмасми...

Малика хаёлига келган фикрлардан таъсиrlаниб кетди. Бирдан ёзиш истаги пайдо бўлди унда. Қўли ишга бормай қолди. Фикрларидан чалғиб кетишдан чўчиб этагидаги бегона ўтларни сабзи жўяклари устига тўка-сола хонасига ошиқди...

Барибир, бўш вақт камлиги ўз таъсирини кўрсатди. Апил-тапил ёзиб ташланган мақола икки ҳафтада аранг оққа кўчирилди. Саккиз саҳифадан иборат битикларни тўрт буклаб, конвертга солиб, елим билан яхшилаб бекитган Малика уни қайнукаларидан бирига топшириб, почтахонага обориб беришни илтимос қилди. Бекпўлатга эса бу ҳақда лом-мим демади. Эрга текканидан буён редакция билан алоқаси бутунлай узилган. Ҳали мақола чиқадими, чиқмайдими... Чиқмай қолса, эрининг олдида изза бўлиши турган гап...

Орадан тўрт ой ўтиб кетди.

Малика мақоладан бутунлай умид узди. Ё қайнукаси почтахонага олиб бормаган, ё редакцияга етиб бормаган. Етиб борганида, чиқмаса-да, устози, тўғарак раҳбари Темур Носир бир энлик жавоб ҳати юборган бўларди. Ахир Малика мақолани айнан шу кишининг номига юборганди-ку. Яхшиям мақоланинг асл нусхаси қолган экан. Малика уни қайтадан ўқиб чиқиб, у ер-бу сени туздади, ҳаяжонланиб кетган жойларини қиртишлади, хуллас, олти саҳифага келтирди-да, қайтадан кўчириб, конвертга солиб, энди ўзи почтахонага бориб топшириб келди.

Бу орада қор кўрпасига ўралиб қишиб келди. Бу ерларнинг совуғи қаттиқ бўларкан. Ҳаво илиқ бўлди деган кунларнинг ҳам шабадаси изғиринли, баданин ўйиб олади.

Малика қишини яхши кўриб қолди. Негаки, кундалик тириклик ташвишлари камайиб, ўқиш-ёзишга вақт бемалол бўларкан.

Бир куни, пешин бўлиб қолганди шекилли, Малика бир оз мизғиб олиш учун энди ўринга чўзилганди, эшик шиддат билан очилди ва ранг-кути ўчган Норбуви кириб келди. Қўлида газета тутган Норбуви совуқданми, асабийлашганиданми даф-даф қалтиарди.

— Нима бу? — дея Норбуви ўрнидан туришга чоғланаётган Маликанинг тепасига келиб ўдағайлади.

Овсинини бу ҳолатда биринчи марта кўраётган Малика довдираб, ўзини йўқотиб қўйди. Нима гаплиги онг-шуурига етиб бормаган бўлса-да, ёмон воқеа содир бўлганини сезиб, юраги шувиллаб кетди. Мадад кутгандай ён-верига аланглаб эрини қидирди.

Норбуви Маликанинг нақ бурни тагида газетани силкитди.

— Шарманда, шойирман, деб кўнглингга келган нарсани ёза-верасанми?

Маликага сал жон кирди.

— Мақола чиқибдими? — овсинининг нега бунчалик дарга-заб бўлаётганини ҳалиям тушуниб етмаган Малика сингил бир ҳаракат билан унинг қўлидаги газетани сууриб олди, — нега хафа бўласиз, опа, — деди Малика газетанинг тўртинчи саҳифа-сидаги “Камбағалдан даҳо чиқсанми?” сарлавҳали ўз мақоласи-га кўз югуртиаркан. — Бу ерда ёмон гап йўғ-у...

— Сен мени, бизди оиласизди ёзгансан!

Туйқусдан янграган бу айблов Маликани ҳанг-манг этиб қўйди. Аввал кулгуси қистади, айни пайтда овсинига нисбатан газаби ортиб бораётганини ҳис қилди.

— Нима деяпсиз, оғзингизга қараб гапиринг, нега мен сиззи, сизнинг оиласизни ёзарканман?

— Иши кўп дебсан-ку. Меҳнат одамни маймунга айлантира-ди дебсан-ку! Шу гапларди бир вақтлар менга айтгандинг, эсин-гдами, сабзи ўтоқ қилаётганимизда. Мен маймун бўпман-да меҳ-нат қиласеривиб сенингча?

— Опа, сиз тушунинг ахир...

— Мен иш қиласам болаларим учун қиласман, рўзгоримди бу-тунлигини ўйлаб қиласман, — жазавага тушган Норбуви оғзидан кўпик сачраб, йиғлаб-сиқтаб гапиришга ўтди. — Сен бизди бу-тун злга шарманда қилдинг. Шаҳардан келин олмай ўл, дейди энди одамлар. Ҳали отам эшитса нима дейди, шарманда! Сен барибир бизга зл бўлолмайсан. Ҳали қайнум дийирмондан кел-син, айтиб, бир марта қўйдириб юбормасам!..

Айниқса, охирги пўписа Маликанинг сабр косасини тўлди-риб юборди. Газетани токчага улоқтириб, зшик томон йўналган овсинининг йўлини тўёди.

— Қўлингдан келганини қил, олашақشاқ! Сенам хотиман деб юрибсан-да бир эркакнинг умрини ўтказиб...

— Ким олашақшақ?

— Сен...

Иккала аёл ўртасида жанг бошланди. Норбуви Маликанинг юзига чанг солди. Малика унинг сочидан тортди. Норбуви Маликанинг биқинидан ўйиб олгудай чимчилади. Ўз наъбатида Малика осгонада ётган калишнинг бир пойини қўлига олди. Мана

шу қий-чув, йиги-сиги, дод-вой, қарғишлар устига Исоқ чол ҳас-сасини дүқиллатиб келиб қолмаганида ким билади жанжалнинг оқибати нима билан тугарди.

— Ўл, икковинг ҳам ўл!

Қайнотанинг сержаҳл овози иккала аёлни ҳам дарров ўзига келтириди.

Малика лов-лов ёнаётган юзини кафтлари билан тўсганча дераза тарафга ўгирилди-ю, овозини чиқармай, юм-юм йиглашга тушди. Норбуви уялганидан даҳлизга қочиб чиқди-да, пиқ-пиқ йиглаганча рўмолини ўрай бошлади.

— Нима гап?

Малика жавоб берадиган ҳолатда эмасди, аммо қайнотаси-нинг овозида ўзига нисбатан хайриҳоҳликни шлаб ўпкасини босди. Лекин жавоб беришга улгуролмади.

— Ота, — деди аллақачон ўзини тутиб, у ёқ-буёғини тўғрилаб олган Норбуви эшикдан бош суқиб, зеро, эри билан бўладиган доимий тўполнонлар катта келинни анчагина тажрибали қилиб қўйган ва бутунги жанг унинг учун чикора зди. — Эрталаб пўшта-хонага болларди пулинни олишга боргандим. Шу ерда Оқиљбек маллимди хотини айтиб қолди. Овсинингиз силарди газитта уриб чиқибди, деб. Келиб мунга айтсан тан олмайди...

— Уриб чиқибдими? Кимди? — Исоқ чол катта келинига ҳай-рон бўлиб қаради.

— Кимди бўларди, бизди-да. Иши кўп дебди, зртадан кечгача тинмайди, дебди, пули оз дебди, камбагал дебди. Ишқиб, ҳар балони бир бало деб валдирабди. Шунга жаҳлим чиқиб кетди. Уйга ҳандай келганимният билмайман, ота.

Норбуви кўзига ўш олди.

Қайнотаси шундай ёмон ўқрайдик, буни кўрган Малика қалтираб, оёқларининг учигача музлаб кетди.

Исоқ чол токчада фижимланиб ётган газетани олиб, индамасдан хонадан чиқди.

* * *

Кечки овқатдан кейин эридан қолган эски чопонга ўралиб Зилай байча кириб келди. Уйдагилар аллақачон апил-тапил овқатланишиб, хона-хонасига кириб кетганди. Ичига чироқ ёқса ёришмаётган Исоқ чолгина оппоқ соқолини тутамлаб, қовоқла-ри уюлиб, ғамга ботган ҳолда ёлғиз ўзи ўтиради. Ҳамсоясини кўриб чолнинг чеҳраси ҳийла очилди.

— Кел, байча, бормисан бу дунёда?

— Күзингизни шира босиб, күрмай қолдингизми ака, биз ҳар куни шу ерда, юрамиз ивиришиб.

Кампир сандал атрофида түшалган күрпача четига омонат ўтириди.

— Мен сени чүлдаги қизингникита кетиб қолдингми деб ўйловдим.

— Э, қиши ўчоги тор, тур уйингта бор, деган экан бир бечора. Шу паллада қиздикиде бало борми? Куёвди бетига қараб ўтирамми. Ўз уйимдан қолмайин, ака.

Исоқ чол бир муддат хаёл суриб қолди.

— Тинчликми? Унча ишқингиз йўқ, — машмашаларнинг бир учини эшигтан, Норбувининг овсини устидан қилган шикоятини бот-бот тинглаган Зилай байча ҳар эҳтимолга қарши ўзини ҳеч нарса билмаганга солди.

— Э, Зилай байча, раҳматли Босимбой сендан олдин кетиб тұғри қилган экан. — Исоқ чол ердан кўз узмай андак сукут сақлади. Ўтган кунларни эслаб кўнгли бузилдими, пешонасидаги ажинлари янада чуқурлашди, мижжаларига қалқан ёспни эса қўшинисидан яшириб ҳам ўтиради. — Мен кетиб, раҳматли Ойимсулув қолганида эпларди, ҳаммасини эпларди. Эркак кишига рўзгорди бошқариш ўлимдан қийин экан.

Зилай байчанинг ҳам бўғзига алланима тиқилгандай бўлди.

— Ҳар банданинг ўлчаб берилган куни бор. Кўрмасдан иложи йўқ, ака.

— Илгари битта эди. Алдаб-сулдаб, болам-бўтам деб йўлга солувдим, — дея овозини пастилатиб арзи-ҳолини бошлади чол.

— Бунисининг кўзида дови борлигини бошидаёқ билгандим. Бизминан муроса қилиши қийин-ов.

Зилай байча ялт этиб чолга қаради. Бу нигоҳда бир дунё таънаю надоматлар мужассам эди. Илло, эри оламдан ўтгач, Зилай байча бир эмас, икки эмас, нақ етти қизи билан бева қолганди. Ёш бўлиб ёш эмасди ўшанда, қари бўлиб қари эмас... бирда яrim эга чиқса уй қилиш ниятиям бор эди кўнгли тубида. Қисмати шўр эканми, бирор кўнгил учун ҳам эшигини бу ниятда қоқиб келмади. Беванинг кўрган куни қурсин. Бир амаллаб қизларини вояга етказди, шуларни уйли-жойли қилсан, менинг ҳам кўкрагимга шамол тегиб қолар деган ниятда юрди. Лекин... Куйган тери ёзилмас, деганлари тўғри экан чоғи, шўр қисмат яна уни

мўлжалга олди. Қизларининг каттаси бу йил кўклам ўттиз иккига киради. Энг кичигиям йигирмадан ошиб қолди. Етти қиздан биттаси икки йил бурун турмушга чиқди. Қолган олтоби ўтирибди қозигида қариб. Қизларининг тақдирини ўйлай-ўйлай Зилай байча куйиблар кетади. Одамларнинг шафтоли қоқидай буришиб-тиришиб кетган қизларниям эр олади. Нега унинг ҳусайнини узумдай дириллаб турган қизларини ҳеч ким назарига илмайди? Отадан-ку қолди, онадан ҳам қолса бу шўринг қурғурларнинг ҳоли не кечади? Шуларни ўйлаган сайин Зилай байча ҳар қайси ни ўз қўлим билан эгасига топширмагунимча ажалга сабр бер деб кечалари Худога илтико қилиб чиқади.

Бултур қишда уят-пүятниям сидириб ташлаб, озингни-оз демайман, кўпингни-кўп. Сенам борингни қиласан, менам борини, дея зинди-энди Норбувини қўлга олай деб юрган маҳаллари Бекпўлат бирдан айниди-қолди. Шундан буён Зилай байчанинг дарди ичиди. Исоқ чолдан ҳам ўпкаси катта. Ахир ота, алдаб-сулдаб боласини йўлга солса бўларди. Мана оқибати... Баттар бўлсин. Зилай байча минг ҳамдард кўринишга уринмасин, ичичидан тантана қиларди. Беванинг ҳам бир дегани бор, деб кўярди ўзига-ўзи.

Табиийки, оғиздан ташқи рафторга яраша сўзлар чиқди.

— Келинингиз ҳали ёш, гўрди биладими. Жиловини ҳозирдан бўш қўйсангиз эртан бу кунлар ҳам ҳолва бўлиб қолади.

— Галирай дейман-у, эркаклигимга бориб, оғзимдан ноқалб сўз чиқиб кетадими, деб кўрқаман, байча.

— Бўлмаса уришманг-сўкманг-да, уйдаги гапни буйтиб дала-лага чиқарсанг, тўрут томонинг қибла деб қаттиқ ушланг... Ҳай, Бек ўзи не дейди?

— Нима дерди, дийирмондан келаётib эшитганакан. Битта-яримта суюнчи олгандир-да, бўзрайиб ўтириб овқат еди-да, уйига кирди-кетди.

— Асли ўзи эрди худой урган-да, бўлмаса-ку...

— Бу ерда ўзи тайинли бир гап йўқ,— ҳамсоясининг гапини эшитмаганга олган Исоқ чол кўрпача тагидан ўша газетани чиқариб, мақолага бир кўз ташлади,— биэдан бир кишининг отиям ёзилмаган. Лекин маънисини чақсанг...

— Ҳамма гап мана шу “маънисида”-да, — дея Зилай байча яна гапни илиб кетди. — Оқилбек маллимнинг ўзи бекорга гапирмайди. Ўзи, — шу ерга келганда байча овозини пасайтириб, сир-

ли тарзда гапиришга ўтди: — тўқиз ой ичидаги юкли бўлмаган хотиндан ҳар балони кутса бўлади. Эс борида этакни ёпган маъқулов...

Исоқ чол юрагига наштардек ботган бу гапларниям эшилмагандай туғишининг эпини қилди.

— Ҳа, майли, — деди чол дастурхон четини қайирапкан, — сабр қилиб турайлик-чи, бир гап бўлар...

Аслида эса неча кундан бери ўйланавериб, Исоқ чолнинг боши говлаб кетганди. Ҳатто бошимни қўйсаму ухласам, ҳеч қачон қайтиб турмасам деган шаккокона ўйлар ҳам чолнинг миясини пармалай бошлади.

Бир маҳал, ярим кечамиди, саҳармиди — чол аниқ идрок қиёлолмади, қаттиқ-қурум гап-сўзлардан чўчиб уйғониб кетди. Чопонини елкасига сола даҳлизга чиқди. Қулоқ тутди. Шовқин Бекпўлатнинг ўйидан эшитилаётган эди. Чол секингина ортига қайтмоқчи эди, эшик шарақлаб очилиб, тугун кўтарган Малика чиқиб қолди. Қовоқлари шишган, кўзлари қизарган Малика қайнотасини кўрди-ю, турган жойида таққа тўхтаб қолди.

Қайнота-келин бир-бирларига тикилган кўйи лол туриб қолипди. Ниҳоят, Малика бўшашиб ортига қайтмоқча чоғланган маҳал Исоқ чол:

— Қизим, бир чойнак аччиқ чой обке, — деб қолди.

Малика тугунини ерга кўйди-да, қайнотаси ёнидан сирғалиб ўтиб, ҳовлига чиқди, ундан ошконага ўтди.

Исоқ чол секин келиб тугунни олди. Сўнг очиқ эшикдан уни ичкарига ирғитиб юбораркан, баланд овозда деди:

— Бекпўлат, эшигинг очиқ қопти, маҳкамлаб ол. Совқотиб қоласизлар...

* * *

Ўша воқеадан кейин Малика учун азобли кунлар бошланди. Норбуви у билан умуман гаплашмай қўйди. Болалари ҳам Маликани кўрди дегунча тескари ўтирилиб олишади. Айниқса ўша, мақолани почтахонага олиб боргани кўп буровга олинганидан аламзадароқ шекилли, атайин Маликанинг олдида зум ўтмай пайдо бўлади-да, оғзини тўлдириб туфлаб ўтиб кетади. Ўн яшар боланинг қилиғи Маликага қаттиқ таъсир қилди. Аммо дардини кимга айтсан? Бекпўлат ҳам ўша кунги “кетаман”дан “кет”гача борган жаңжалдан кейин қовоғини очмайди. Ёлғиз Бердивой бор.

Лекин уям Малика билан ҳеч қачон очилиб-сочилиб гаплашмайди, фақат мулойим нигоҳ ташлаб, ҳайрихоҳлигини билдираёт-гандай бўлади.

Бундай шароитда яшаш оғир эди.

Малика эзилиб кетди.

Энди унга ҳеч ким иш буюрмас, ўзича бориб бирор юмушнинг бошини тутса, Норбувими, қизими келиб қўлидан юлқиб олиб қўярди. Мана энди қип-қизил бекорчи-ю, миясига тузукроқ бир фикр ҳам келмайди. Ёзишга-ку, иштиёқ бутунлай сўнган.

Атрофдагилар ўзаро келишиб олиб, унинг бурнини ерга ишқаб қўйишмоқчи шекилли. “Ўша куни... кетишим керак эди, — дей ўйлаб қоларди Малика тез-тез. — Отамдан ҳайиқиб... Мени бу ерда нима ушлаб турибди ўзи? Ишониб юрган зрининг аҳволи бу: одамлар олдида бош кўтаролмай қолганмиш... Ҳалиям бўлса кетиш керак... Кетиш...”

Бир куни тонг саҳарпалига турдию, қайнотасининг намоз ўқиёт-ганидан фойдаланиб энди чиқиб кетаётган эди, ортидан етиб келган Бекпўлат шартта билагидан тутиб ичкарига судради.

— Қўйворинг! — деди Малика йиғламсираб. — Кетганим маъқул. Сиз билан барибир чиқишолмаймиз.

— Қилғиликни қилиб қўйиб, энди қочиб қутилмоқчимисан?

Малика тугунини бағрига босганча ҳўнграб йиғлаб юборди:

— Нима қилдим ахир?! Нега мени тушунмайсизлар...

— Ҳа, бўпти, бўлди, бас қил энди, — деди сал юмшаган Бекпўлат хотинини қучмоқчи бўлиб.

Бироқ Малика уни итариб юборди.

— Кўзимга кўринманг! Сизни... кўргим келмай қолди.

Бекпўлат муросага келишга ҳаракат қилди.

— Сенам тушун-да мени. Эркак кишига осонмас. Хотини ундей қипти, хотини бундай қипти, зрини менсимаган, бўлмаса бундай қилмасди, деган гапларни эшитавериш...

— Мен кетсан қулоғингиз тинчийдими, ахир?

Кўққисдан берилган бу саволга Бекпўлат дарҳол жавоб бера олмади. Пешонасини ишқаб, бир муддат ўйланиб қолгач, тилга кирди:

— Кетсанг, яна гап қилишади, хотинини қайириб ололмаган деб...

Малика ерга чўк тушганча изиллаб йиғлаб юборди:

— Э Худо, қандай кунларга қолдим!..

Бекпұлатнинг күйганича ҳам бор эди. Қищ, айни бекорчилик змасми, одамлар чошгоҳдан кейин күчага чиқиб, эшиклари олдидаги қор босған ходаларга ўтириб олғанларича майит чиқишини кутаёттган япалоққушлардай Исоқ чолнинг ҳовлисидан күз узишмасди. Ора-сира тунд қиёфали оила аъзоларидан биронтаси ҳовли саҳнида кўриниб қолса томонабинилар дарҳол бир-бирига маънодор им қоқиб ва ўзларича ушбу хафаҳоллик ҳолатига изоҳ беришга шошишарди.

— Бу дейман, Исоқбойди тоби қочиб қолган шекилли, кеча мачиттгаям чиқмади.

— Тоби қочса қочгандир. Қариганда қийин бўлди шўрликка. Буям ҳали ҳолва, Оқилбекди гапига қараганда, шу ой ичидатекширгичлар келармиш. Камиссия!

— Йўғ-э, жуда унчалик змасдир, — деда гурунгга пишанг беради ўтирганлардан бири.

— Ҳа! — дейди нотиқ ишонч билан, худди комиссия аъзолари билан шахсан бориб гаплашиб келгандек.

— Нега шароит яратиб бермадиларинг деб ҳаммамизни тергов қиласайкан.

— Ия, ҳали бизлар гувоҳликка ўтсак эди, — деда яна бирови ҳиринглаб кулади.

— Ўтсак ўтаверамиизда. Лекин биттангди оғзингдан ноқалб сўз чиқмасин. Исоқбайдиам ёмонотлиқ қилманглар. Чол не деса шуни маъқуллаб тураберинглар...

Бу гапларнинг бир уни Зилай байча кўмагида Маликанинг кулогига етказилганда қиз шу қадар асабийлашдики, тутқаноги тутган одамдай тишлари такиллаб, бутун вужуди қалтирай бошлиди. Сўнг базур хонасига кирди-ю, ўринга юзтубан кулади. Шу ҳолида узоқ ётди.

Хона тўрида, сандиқ ёнидаги бир кишилик ўринда Бекпұлат мук тушиб китоб мутолаа қиласди. Малика аразлаб, ўринни бошка-бошка сола бошлагандан бери хотинига ёқиши учунми, Бекпұлат бўш қолди дегунча китобга ёпишарди.

Бекпұлат билган қишлоқ аёллари, янгалари сира Маликага ўхшамасди. Тўғрироғи, Малика уларга ўхшамасди. Қишлоқ аёллари билан муомала қилиш осон. Аввал уришиб-сўкиб, бир пасдан кейин яхши гапирсанг бўлди, дунёда сендан яхши одам йўқ. Малика-чи? Кўнгли шу қадар нозикки, сал ёвқараш қилсанг ҳам ҳафта-ўн кун ўзига келолмай юради.

Маликанинг ҳар томонлама азоб чекаёттанини кўриб Бекпўлатнинг унга раҳми келарди. Ҳозир ҳам китобни ёстиқ устига қўйди-да, сассиз қадамлар билан хотинининг тепасига келди. У аввал бир лаҳза иккиланиб турди, сўнг Маликанинг елкасига қўлини қўйди. Бекпўлат шу заҳоти хотинининг бутун вужуди қалтираб кетганини сезди...

* * *

Малика бутун аламини меҳнатдан ола бошлади. Кун совуқ бўлишига қарамасдан, Норбувидан эртароқ туриб уй юмушларининг бир қисмини сарангомлаб қўйишга ҳаракат қиласди.

Бир куни у оғилхонада молларнинг тагини тозалаётганди, кўча эшик тарафдан кимдир исмини айтиб чақирди. Малика ота-онам келдимишак деган ўйда ҳовлиқиб, қўлида курак билан кўчага югуриб чиқди. Қараса ўттиз беш ёшлардаги, юпунгина кийинган жувон совуқда титраб-қақшаб турибди.

Аёл ночор қолгандай жилмайишга уринди.

— Сизга бир илтимос билан келибидим.

— Майли, қўлимдан келса бемалол. Қани, уйга кирайлик.

— Йўқ, йўқ, — аёл ортга чекинди, — қайнотангиздан уялман.

Маликанинг кўнглига ғулғула тушди.

— Нима гап ўзи, тинчликми?

Аёл мудим сирни ошкор қилишга жазм этган-у, айтишга қийналаётгандай иккиланиб турарди. Малика бир амаллаб жувонни айвонга бошлаб кирди.

— Бор-йўғи иккита болам бор эди, — дея гап бошлади ниҳоят аёл, — бир ўғил, бир қиз. Кўчада ўйнаб юриб балнисанинг олдига бориб қолган. Дўхтирлар эскириб қолган дориларни ҳовлининг тўридаги чуқурчага ташларкан. Шўрлик болаларим шу дориларни кака деб ўйлаб... — Аёл ранги униқан рўмолчасини олиб қўзларига босди. — Бирданига икковидан айрилиб қолдим. Эрим аламига чидамай дўхтирларни судга берди. Дўхтирларди бу иши қонун бўйича нотўғри экан-у... — Аёл оғир хўрсинди. — Текшир-текшир бошланиб, балнисанинг бош дўхтири қамалармиш деб эшлитиб турганимизда иш бирдан тинчилиб қолди. Тураниб камисияларга бир бало бериб оғзини ёпган... Шундан бери ўзимди қўйгани жой тополмайман. Менинг икки бирдай норасидам ўлиб кета берса-ю, катталар даврини сурив юраверса.

— Қачон... қачон шунақа бўлди? — деди юраги увишиб кетган Малика.

— Уч ой бўлди. Уч ойдан бери ичим куйиб юрибман. Болала-римдан айрилганим етмагандай, Тураниб очиқда лаллайиб юрганини кўрсам товонимгача музлаб кетаман. Пули борди юзи ёруғ, пули йўқди юзи чориқ, деб бекорга айтишмаган экан. Айланайин сиздан, — аёл Маликага илтижо билан тикилди, — шу Туранибди устидан ўхшатиб бир газитта ёзсангиз. Зилай хола айтди, катта-катта жойларда танишингиз бор экан... Сичқоннинг ини минг танга бўлиб, типирчилаб қолганини бир кўрай у чўчқаларнинг. Эмаса эрим касал бўлиб борсаям қарамай ҳайдаб солибди... Йўқ демант, айланай сиздан. Умримди охиригача алқаб ўтаман... Жон синглим...

Малика кўзларини оҳиста юмди ва беҳол тарзда деворга суюниб қолди.

Ҳа, зиди бундан бу ёғи... азоб, азоб, азоб...

МУНДАРИЖА

Хуршид Дўстмуҳаммад. Ҳавас ва ишонч	3
Мұхаббат ва нафрат	5
Аёл қиёфасидаги ажал	31
Қуёш мен томонда	44
Ҳилола	65
Холиқ амаки	76
Тафаккур	88
Аёл	139
«Мұхаббат — ҳижронда!..»	156
Номус	163
Ұлимга етакловчи «кампирлар»	175
Рашқ	185
Латофат хоним	190
Ҳавога совирилган умр	198
Ёвузлик фариштаси	208
О, ҳаёт!	228
Тұхтаб қолған вақт сувратлары	237

Адабий-бадиий нацр

Зулфия ҚУРОЛБОЙ қизи

ЁВУЗЛИК ФАРИШТАСИ

ҲИКОЯЛАР

Мұҳаррир Азиз САЙД

Мусаввир Обид БҮРХОНОВ

Тех.мұҳаррир Елена ДЕМЧЕНКО

Мусаҳдиқ Гавъар МИРЗАЕВА

Компьютерда саҳифаловчи Ростислав ЕСАУЛЕНКО

«ЯНГИ АСР АВЛОДИ» НАШРИЁТ-МАТБАА МАРКАЗИ ҚҮЙИДАГИ КИТОБЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАДИ:

АРАСТУ. ПОЭТИКА. «АХЛОҚИ КАБИР». Арастунинг асарлари Низомий, Дехлавий, Жомий ва Навоий каби Шарқ алломаларининг ҳам меҳр-муҳаббатига сазовор бўлган. Ушбу асарларда барча инсонлар учун сув ва ҳаводай, қўёш нуридай зарур ҳикмат дурданаларини топамиз, бу дурданалар бизнинг маънавий оламиизни бойитади ва гўзаллаштиради.

ХОЖАНАЗАР ҲУВАЙДО. «ДЕВОН». Ҳувайдо шеърлари ўзбек мумтоз адабиёти, бой маданиятимиз ва тарихимизни ўрганишда ғоят муҳим манба бўлиш билан бирга улкан ахлоқий ва тарбиявий аҳамиятга ҳам эгадир.

Уни ўқиган ҳар бир киши ўзининг маънавий-руҳий дунёсини кузатади, поклайди ҳамда ўзида олижаноб ижобий туйгу ва фазилатларни камол топтиради, деб умид қиласиз.

«БЎЛАЖАК МИЛЛИОНЕРГА МАСЛАҲАТЛАР». Ушбу рисолада озгин ҳамёндан қутулиш ва фаровон ҳаётга стишиш усуллари баён қилинади. Бу маслаҳатлар ўқувчига моддий муваффақият, ишбилармонлик асосларини англашда ёрдам беради. Мақсад: муваффақият истагида бўлганларга капитал жамгариш, уни сақлаш ва ундан фойда олиш сир-синоатларини кашф этишда ёрдам бериш.

Ш.АКБАРОВ. «ОДАМ ҚИЁФАСИДАГИ БЎРИЛАР». Ушбу китобдан ўрин олган суд очеркларида муаллиф жиноят содир этган шахсларнинг жиной ҳаракатларини тадқиқ ва таҳлил этиб, жиноятларнинг келиб чиқиши сабабларига китобхонларнинг зътиборини тортади.

Китоб кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган бўлиб, уларнинг ҳуқуқий оиги, ҳуқуқий маданиятини шакллантиришга хизмат қиласи.

У Сизга манзур бўлишига ишончимиз комил, азиз китобхон.

ИБ № 4045

Босишга 22.06.2005й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 1\32.

Босма тобоги 8,25. Шартли босма тобоги 13,86.

Адади 3000 нусха. Буюртма № 147.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» наприёт-матбая марказида тайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.

700113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кӯчаси, 60.